


М е ҳ м о н к е л д и

Белорус ҳикоялари

«ТОШКЕНТ» БАҲДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
1966

Мазкур тўпламга атоқли белорус ёзувчилари Якуб Колас, Е. Василенок, Алёна Васильевич ва бошқа қалам соҳибларининг ижод хазиналаридан олинган энг яхши ҳикоялари киритилди.

Ҳикояларда белорус халқи ҳаётининг ўтмиши ва ҳозирги кунини санъаткорона тил, пухта композиция, ноёб ташбеҳлар фонида баён қилиб берилган. Китоб белорус ва ўзбек халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни янада мустаҳкамлайди.



Меҳмон келди. Белорус ҳикоялари.
«Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти,
1966.
232 бет. Тираж 15 000

Гости приехали.

Индекс 7—3—3

С(бел)

МЕҲМОН КЕЛДИ

Ростимни айтсам, айтарли ҳеч гап бўлгани йўқ. Буни яхшиси Костик айтиб бера қолсинми?.. У мендан оз эмас, кўп эмас, бир ёш кичиклигига, бор-йўғи бешинчи синфда ўқишига қарамай, ҳикоя қилишга мендан ўн чандон уста. Йўқ, дейсизми? Бўлмаса қулоқ солинг.

Ҳаммаси амакимнинг мактубидан бошланди. Амаким дадамнинг акаси. Унинг обрўси зўр. Урушда бўлган, бешта медали бор, икки марта ўлиб-тирилган, ҳа! Нега куласиз? Ишонмайсизми? Чин пионер сўзим!

Амаким хатининг охирида, дадамга мурожаат қилиб, Костик билан Толикни меникига юбор, ёзи билан бир ўйнаб кетишсин дебди. Эҳ, Костикнинг қувончи ичига сиғмай ирғишлаганини бир кўрсангиз эди! Худди ёш боланинг ўзи бўлди-қолди!.. Мен ирғишлаганим йўқ, ахир мен ёш бола эмасман-да.

Аслида эса амакимникига боришни шундай истардимки, аста қўясиз! Пилип амаким узоқда яшаганидан уникида сира бўлмаган эдим. Уникига Минскдан поездда кун бўйи йўл босиш керак. Амаким на шаҳарда, на қишлоқда туради, у шундоққина даланинг ўртасида яшайди.

Бунинг боиси шуки, у темир йўл қоровули, издан кўз-қулоқ бўлиб туради.

Дадам бизлардан:

— Хўш, йигитлар, борасизми?— деб сўради.

Костик:

— Борамиз, борамиз!— деб қичқирди-да, ойимнинг олдига бориб уни ўпа бошлади. Унинг одати шунақа, бирор гап бўлса дарров ойимдан кўмак кутади.

Мен бўлсам дадамга бундай дедим:

— Бултур ҳам борамиз деган эдингиз, лекин...

Мен буни жўрттага айтдим, чунки дадам айтган ишини қилишини ҳамма билади. Бундай деганимнинг сабаби шуки, мен унинг юрагига қандай қилиб йўл топишни биламан...

Ойим:

— Ёлгиз қийналиб қолишмасмикин?— деди.

— Ёлгиз борганлари тузук-да — деди дадам.— Ахир улар нозандек йигит бўлиб қолишди-ку.— Шундай деб у бизга мурожаат қилди:— Хўш, йигит эмасмисизлар, а?

— Йигитмиз, йигитмиз!— деди Костик қичқириб.

— Йигитча бўлиб қолганинглари исботлашининг бир йўли бор,— деди дадам кулиб.— Имтиҳонларни аълога топширишинглар керак.

— Топширамиз! Исботлаймиз!— деб Костик яна қичқирди.

Костикдан нима кетди, «топширамиз» деб бақираверади-да. У доим бешга ўқийди. Мен эсам рус тилидан тўрт олганман, тарихдан эса... тарихдан ҳам тўрт олдим десам бўлади. Ахир мен атиги иккита саволга жавоб беролмадим-

да. Шунинг учун турган гапки, мен қичқириб ўтирмадим. Мум тишлагандай ғиқ этмай ўтиравердим.

Дадам миқ этмай ўтирганимни кўриб, кулди-да:

— Нега Толикнинг дами ичига тушиб кетди?— деди.

Бу вақтда мен колбаса билан нон ковшаётган эдим. Оғзимдагини лўқ этиб ютдим-да:

— Топшираминиз,— деб қўйдим.

Ўқув йилининг тугашига бир ой қолган эди. Мен ҳисоблаб чиқиб ҳамма фанлардан беш олишни мўлжаллаб қўйдим.

Шу оқшом Костик менга шундай деди:

— Кел, эртарақ ётамиз. Зора поездда қандай кетаётганимизни туш кўрсак.

Лекин на Костик, на мен аллавақтгача ухлаёлмадик. Костик тўлғаниб ётди-ётди-да:

— Толик, биз у ерда анақа қушни... ҳалигичи... «Кук-ку», «кук-ку» дейди-ку. Куккумиди?

Жуда қизиқ-да, бизнинг Костик.

Бир ой назаримда бир йилдек чўзилди. Ниҳоят, ахири шу бир ой ҳам ўтди. Турган гап Костик нуқул беш олди. Рус тилидан мен ҳам беш олдим. Тарих хусусига келсак мен дадам билан ойимга ўқитувчининг беши бутун синфга етмади, дедим.

Дадам ташвишланиб:

— Шунинг учун ўрта қўйдимиз?— деб сўради.

Мен:

— Йўқ, тўрт,— дедим хўрсиниб.

Шундан кейин ойим тўртам ёмонмас, ҳар ҳолда уч эмас-ку, худо кўрсатмасин, икки олганда нима бўлар эди, деб дадамга гап маъқуллай

кетди. Мен ҳам ойимга қўшилиб, унипг гапини қувватлаб турдим, пўконидан ел ўтмаган Костик эса, журналдаги бир расмни томоша қилиб, пиқиллаб ўтирибди. Дадам индамасдан ойимнинг гапига қулоқ солиб турса ҳам, авзойидан унинг норозилигини пайқадим. Шундай ўзимам Рим папаси Григорий Еттини роса боплаб сўкдим-да! Унга қўшиб император Генрих Тўртни ҳам чунонам сўкдимки, аста қўясиз! Ахир мен беш ололмаганимга ўшалар айбдор-да. У ярамас буржуйлар ўзаро келишолмай қилгиликни қилсинлар-да, оғирини Толик Капустик тортсин...

Мен ёз бўйи тарихни сув қилиб ичишга аҳд қилдим. Дадам бу ишимни маъқул кўрди.

Икки кундан кейин Костик икковимиз жўнаб кетдик. Дадам билан ойим Минскда қолишди, уларнинг отпускарлари августга белгиланган экан. Биз Заранск станциясигача поездда боришимиз, бизни у ерда амакимиз кутиб олиши керак эди. Кейин биз йўловчи машинага тушиб уникига кетамиз.

Бизда кийим-бош, китоблар ва совға-салом солинган чамадон бор эди. Лаш-лушлар кўпайиб кетганидан чамадонга фильмоскопни зўрға жойладик. Костик уни олиб кетаман деб қаттиқ туриб олди. У барча фильмлари: «Қизил шапкача», «Ажойиб кўза», «Полк ўғли», «Уч айиқ боласи», «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак», «Қишлоқ врач»ни олиб жўнади.

Дадам вокзалда:

— Хўп, йигитлар, бардам бўлинг!— деди ва олдин мени, кейин Костикни қаттиқ ўпди.

Ойим бўлса қайта-қайта:

— Сиз болалар, овқат ейишни унутманглар.

Поезд жилиши билан қорнингизни тўйғазиб олинг. Сал қорнингиз очса, дарров овқатланиб олинг,— деб тайинлагач, олдин Костикни, кейин мени қаттиқ ўпди. Шамолдан бўлса керак оймнинг кўзи қизариб кетибди...

— Биз тушган поезд эрталаб саккизда йўлга чиққан бўлса, соат тўртда Заранска етиб келди. Бизга станцияларда тушишни тақиқлаб қўйганлари учун дераза олдида шўппайиб туришдан бошқа иложимиз қолмади.

Заранска етиб келганимизда Пилип амакимни энг аввал мен кўрдим. У йилтироқ тугма қадалган формасини кийиб олиб перронда турар ва вагонларнинг деразаларига тикиларди.

— Пилип амаки!— деб қичқирдим мен.

Костик йигламоқдан бери бўлиб:

— Қани? Қаерда?— деб сўради.

Пилип амакимни биринчи бўлиб кўрмагани унга алам қилган эди. Кейин Пилип амаким ҳам бизни кўриб қолди-ю, вагон орқасидан югурди. Поезд тўхтаганда амаким танбурдан одамлар орасини ёриб ўтди-да, хушчақчақлик билан:

— Оббо азамат жиянлар-э, яхшиям ухлаб қолмабсизлар! Жудаям соз бўпди-да!— деди.

Пилип амаким сира ҳам ўзгармабди. Бултур Марила кеннойим билан бизникига меҳмонга келганда ҳам худди шунақа эди. Фақат мўйловигина ўсиб кетибди. Бултур унинг мўйлови ингичка эди, ҳозир бизнинг емакхонамизда осиглиқ турган расмдаги запорожьеликнинг мўйловига ўхшаб кетибди.

У Костик икковимизни иккала қўлига кўтариб олиб, нуқул кулади ва алланарсалар деб гудранади:

— Сўраб-сўраб Маккани топган эканлар!

Жудаям ҳазилкаш Пилип амакимиз!

— Ноктюрнининг расмини соласанми?— деб сўради у мендан. У бултур мен янглишиб «нотюрморт» дейиш ўрнига «ноктюрн» деб юборганимга шама қияпти.

Амаким билан Костик кулишди, мен қовогимни солиб туравердим...

Вагондан чиққанимда амаким шундай деди:

— Қимматли жиянларим, йўлимиз олис. Қорнингиз қалай?— Шундагина биз поездда овқат эсимизга ҳам келмаганини билиб қолдик.

— Эҳ-ҳа, ойнадек равшан. Биттаси, роса ебичдиму, лекин чап ичагимга юқ бўлмади, деган экан. Қани, юринглар ресторанга!

Амаким вокзалдаги ресторанда бизни шундай меҳмон қилдики, нарёғи йўқ! Ойим йўлга пишириб-куйдириб берган нарсалар шундоққина қолиб кетди, чунки ресторанга чамадон билан киритишмади.

Йўловчи машина тополмаганимиз учун аравада кетдик. Бу қайтага гаштли бўлди. Чунки мен умрим бино бўлиб ҳеч қачон аравага тушмаган эдим.

Амакимнинг уйига кечга яқин етиб келдик. Амаким темир йўлдан сал нарида мўъжазгина уйда тураркан. Уйни яқинда қурган бўлсалар керак, ҳали яп-янги эди. Бу ерда фақат Пилип амаким, Марила кеннойим туришарди. Болалари ўсиб-улғайиб ҳар қаёққа тарқаб кетган эдилар: катта қизлари аллақерда Ўрта Осиёда ишлар, ундан кичиги Полесьеда ўқитувчилик қилар, ўгиллари армияда эди. Ҳозир улар ёлғиз қолишган.

Уларнинг жойлари жуда яхши. Сал наридан анҳор оқади, анҳорнинг нарёғига сузиб ўтса-

нгиз, у ёғи қалин ўрмонзор. Атроф сукунат қўйнига чўмган! Фақат поездларгина тинмай у ёқдан-бу ёққа ўтиб туради, уларнинг орасида пассажирлар поезди ҳам, товар поездлари ҳам бор. Улар одамларни, ҳар хил машиналарни, кўмир, ёғоч, нефть ва бошқа нарсалар ташийди.

Поездларнинг елдек учиб ўтишини четдан туриб томоша қилиш жуда мароқли. Пилип амаким йигирма йилдан кўпроқ темир йўлда, яна бир ерда ишлаши бежиз эмас.

Бизнинг келганимизга Марила кеннойим ҳам хурсанд бўлди. Дарров у бизни меҳмон қила бошлади. Биз мураббо билан чой ичдик холос, бошқа ноз-неъматларга қўл ҳам урмадик. Даставвал совға-саломни топширдик. Амакимга трубка билан бир пачка «Золотое руно» тамакиси, холамга гул соладиган чиройли ваза бердик. Булар мен билан Костикнинг совғаси эди. Дадам билан ойим чўнтак соат «Салют» ва кофта бериб юборишган эди.

Кечқурун кино кўрсатдик. Тўғрироғи, Костик кўрсатди, чунки у мени фильмоскопининг яқинига ҳам йўлатмади. Амаким, кеннойим ва мен томошабин бўлиб ўтирдик. Костик, кинони бир кун оралатиб кўрсатаман, бўлмаса фильмлар етмайди, деб «Ажойиб кўза» билан «Полк ўғлини» кўрсатди.

Эртаси биз учун жуда қизиқарли кун бўлди, Пилип амаким билан изларни текширгани чиқдиқ.

Костик икковимиз каллаи саҳарлаб туриб олдик. Ғира-шира тонг отган, ҳали қуёш жамолини кўрсатмаган эди. Амаким билан кеннойим ухлаб ётарди. Биз апил-тапил кийиндик-да, лип этиб ҳовлига чиқдик. Кечаси ёмғир ёққан, ҳо-

зир ҳам пастак осмон юзини булут буркаб олган, осмондан ёмғир зарралари сочилиб турар эди. Ҳўл том йилтирарди. Уйчанинг деворларини нам тортиб қорайиб қолган, бундан деразаларнинг қизил бўёққа бўялган ромлари янада чиройлироқ кўринар эди. Атроф сув қуйгандек жимжит эди.

Дафъатан ўрмондан: «Кук-ку, кук-ку...» деган овоз эшитилди. Костик қўлимдан чангаллади.

— Каккуми бу?

Биз умримиз бино бўлиб каккунинг овозини биринчи бор эшитишимиз эди. Минскда қандай қилиб ҳам эштайлик? Қимир этмасдан жон қулоғимиз билан тингладик. Какку эса гўё санъатини кўз-кўз қилиб мақтанаётгандек тинмай сайрарди.

Кейин бўғиқ гувиллаган овоз эшитилди. Бу овоз тобора кучайиб, қаттиқроқ эшители бошлади. Симёғочлардаги симлар ғижиллаб ерларзага келди. Паровоз биз томон шитоб билан келди-ю, ёнимиздан қуюндек учиб ўтди. Унинг кетидан ғилдиракларини тарақлатиб узун товар поезде ўтиб кетди. Қудратли паровоз элликтами, олтишта вагонни судраб кетди-я. Бу иш унга чўт эканми?! Ахир у унча-мунча паровозлардан эмас, йўлларимиздаги энг кучли «Л» серияли паровоз-да!

Поезд ғиз этиб ўтиб кетгач, яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Қуёш мўраллади. Тонг шу қадар нашъали эдики, буни таърифлашга тилим лол. Кеннойим чиқиб бизни чақирди. Амаким ўрнидан турган экан.

— Оббо, саҳархез қушчалар-э, ҳовлиқиб чиқиб кетибсиз-да дарров? — деб кулди у.—

Энди уйга рав! Кеннойингизнинг гапидан чиқманг, у сипо, жаҳлиям тез. Менки унинг измидан чиқмайманми, сиз қулоқ қоқмай итоат этинг унга.

Лекин биз кеннойимнинг хушфеъллигини очиқ-ойдин кўриб турардик. У ҳам амакимиздек кўнгилчан ва меҳрибон.

Нонуштадан кейин анҳор бўйига бордик. Олдинда мен, орқамдан Костик билан амаким келишарди. Сув ҳали совуқ эди. Биз чўмилдик ва анчагача офтобда исиндик.

Ниҳоят темир изларни текширгани йўл олдик. Энди олдинда амаким, унинг кетидан Костик, Костикдан кейин мен юрдим.

Амакимнинг белбоғига брезент филоф қистириб қўйилган. Филофда яшил ва қизил байроқчалар бор. Елкасига осиб олган қутичага эса ҳар хил асбоблар солинган; гайкаларни бурайдиган ключлар, мих қоқадиган болга, излар орасини ўлчайдиган асбоб. Амакимнинг асбоблари орасида ғаройиб бир нарса ҳам бор, бу оддий ўн тийинлик пул, яъни танга. Бунинг қандай хосияти бор, деб биз жуда ажабландик.

Амаким ҳамма асбоблари ҳақида уйда гапириб берган, танганинг кароматини эса изларни текширгани чиққаннимизда амалда синаб кўрсатаман деб ваъда қилган эди. У фақат шу танганинг ёрдами билангина кўз кўриб, қулоқ эшитмаган нарсани аниқлаш мумкин деган эди.

Мана темир йўлдан кетяпмиз. Амаким изларни диққат билан кўздан кечирази, биз ҳам қараб боряпмиз. Амаким бот-бот тўхтаб энгашади-да, изга яна ҳам қунт, ҳафсала билан тикилади. Шунда биз ҳам тўхтаймиз.

— Ҳаммаси жойида,— дейди у ва яна нари кетади.

— Ҳаммаси жойида,— дейди Костик ҳам ва амакимга эргашади. Яна бир оз йўл юрдик. Амаким бир неча гайкаларни буради, иккитами, учта михни қоқди. Шундан кейингина:

— Мана энди қараб туринг, фокс кўрсатаман,— деди.

Биз излар уланган жойда турардик. Амаким тангани олди-да, сайқал берилгандек ялтиллаб кетган изга қўйди. Кейин бизни шу ерда қолдириб, ўзи изнинг бошига борди. Амакимнинг қўлида дастаси узун болга бор эди.

— Тангага қараб туринглар.

Амаким шундай деди-да, болга билан изга аста урди.

Биз нафасимизни ичимизга ютиб тангага қараб турдик. Бизлар танга ҳозир гойиб бўлади, ё бўлмаса ажойиб-гаройиб бир нарсага айланади ёхуд тилга кириб одамга ўхшаб гапирди, деб хаёл қилардик... Лекин танга ҳеч гап бўлмагандек парвойи фалак ётарди.

— Турибдими?— деб сўради амаким.

— Турибди,— дедик биз.

Амаким темир йўлга яна болга билан урди.

Костик ҳафсаласи пир бўлиб:

— Ҳалиям турибди,— деди. Мен ҳам шу гапни такрорладим.

— Энди тангани нариги изга қўйинг,— деди амаким.

Биз тангани бошқа изга қўйиб, қараб турдик. Қараганда ҳам мен сизга айтсам... ишонқирамай қараб турдик. Мана амаким изга урди, во-ажабо, қандай мўъжиза бу! Танга сакраб, ерга

тушди. Костя ҳанг-манг бўлиб менга қаради, мен унга қарадим.

— Тушиб кетди!— деб қичқирди Костик ва ирғишлади,— тушиб кетди!

Тангани яна изга қўйдик. Гўё биров чертиб юборгандек у яна учиб тушди.

Кейин амаким изга бир сиқим қум қўйишни буюрди. У ўзининг сеҳрли болғаси билан изга бир урган эди, худди биров пуфлагандек қум тўзиб кетди. Қумдан кичик бир зарра ҳам қолмади. Шу «фокус»ни нариги изда ҳам қилмоқчи бўлган эдик, ҳеч нарсга чиқмади. Қум қимир этмай тураверди.

— Хўш, нима гаплигига тушундингизми?— деб сўради амаким.

Турган гапки, биз ҳеч нарсга тушунмагандик.

— Балки биринчи из пўлатдандир,— деди Костик ўз тахминини айтиб,— иккинчиси эса бошқа металлдан.

Бундай бўлиши мумкин эмаслигини билганим учун мен индамадим.

— Гап шундаки, бу из бутун, ишга яроқли, анави танга сакратаётгани эса бузуқ, ишдан чиққан.

— Нега ишдан чиқади?— деб сўради Костик ишонқирамай.

Очиғини айтсам, из менга маъқул бўлган эди. Нимаси ёмон унинг?

— У дарз кетган. Шунинг учун танга сакраяпти. Буни учинчи йўл билан ҳам синаш мумкин. Мана, қулоқ солинг.

Амаким изга болға билан бир урди-да, энгашиб қулоғини тутди. Биз ҳам шундай қилдик.

— Зингиллаяптими?

— Ҳа-ҳа, зингиллаяпти,— дедик биз хурсанд бўлиб.

— Энди манави бутунига қулоқ солинг...

Биз қулоқ солдик, ундан бир текис босиқ овоз эшитилди.

— Буни аниқлашнинг тўртинчи усули ҳам бор. Болғага қаранглар, нима қиларкин.— Амаким шундай деб болғани биринчи изга, кейин иккинчисига урди. Волга биринчисидан сакраб кетди, иккинчисига эса чип этиб ёпишиб қолгандек бўлди.

— Ана, кўрдингизми, ҳамма нарса бу изнинг ишдан чиққанини кўрсатиб турибди.

— Демак, у дарз кетибди-да.

— Ҳа.

— Қаери дарз кетган. Кўринмаяпти-ку,— деди Костик.

— Яхшироқ қидиринг-да,— деди амаким кулиб.

Биз дарз кетган жой катта бўлса керак, уни дарров топамиз деб ўйлаб из ёнида қанча юрмайлик, эмаклаб қанча овора бўлмайлик, бари бир ҳаракатимиз беҳуда кетди. Шунда Пилип амаким бизга изнинг дарз кетган жойини кўрсатди. Изнинг силлиқ юзида зўрға кўз илғайдиган чизиқ қорайиб кўринарди.

«Жуда қизиқ-а,— деб ўйладим мен.— Шу арзимаган нарса шунчалик ишга қодирми, а». Костик тарвузи қўлтиғидан тушиб:

— Шуюм дарз бўпти-ю,— деб қўйди.

— Ундай деманглар, болалар, шундай дарз-ни ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Вақти-да билиб қолмасанг, биласизми, нима бўлади? Битта, иккита, учта поезд ўтади, лекин бешин-

чисими, ўнинчиси ўтганда шартта синади кетади.

— Кейин поезд ҳалокатга учрайдими?

— Албатта...

Шу пайт аллақерда поезд гулдураб, ер ларзага келди.

Биз ўтакамиз ёрилиб қичқирдик:

— Тўхтатинг, уни амаки, тўхтатинг!

Амаким бизнинг қўлимиздан ушлади-да, нишабдан пастга олиб тушди.

— Ташвишланманг, болалар, бунга ҳеч нарса бўлмайди. Дарз ҳали унчалик хавфли эмас. Умуман, изни янгилаш керак. Бугун пешиндан кейин йўл тузатувчилар янги из олиб келишади. Бу нуқсонни мен кечаёқ пайқаб дарҳол йўл мастерига хабар қилганман. Ҳамма иш жойида бўлади.

Елдек учиб поезд келди. Амаким яшил байроқ кўтариб уни олқишлади. Поезд нима учундир бизнинг ёнимиздан ўтаётганда юришини сал секинлатди-да, кейин яна шитоб билан олға интилди. Амаким бунинг сабабини тушунтирди, машинистларга бу ердан секинроқ ўтиш буюрилган экан.

Пешиндан кейин дарҳақиқат дрезинада йўл тузатувчилар келишди. Улар кўз очиб юмгунча янги изни ўрнатдилар. Бу қора, бошқа изларга ўхшаб чиройли эмасди. Лекин бир нечта поезд ўтгач, у ҳам йилтираб, ўзида қуёш нурини акс эттира бошлади. Йўл тузатувчилар жўнаб кетишди. Амаким дам олгани кетди. Костик икковимиз эса, амакимнинг болгасини олиб, бузуқ из қидириб кетдик. Амакимга қарашли бир ярим километр йўлни айланиб текшириб чиқдик.

Лекин тангани қўйиб изларга болға билан қанча урмайлик танга қимири этмади.

Биз тарвузимиз қўлтигимиздан тушиб уйга келдик. Бузуқ изни тополмадик деб Пилип амакимга шикоят қилдик. Амаким гапимизни эшитиб:

— Тополмаганингиз жуда яхши-да!— деди.

Дадам билан ойим Минскдан келиб бизни олиб кетгунларича Пилип амакимнинг участкасида бирорта ҳам бузуқ изни тополмадик.

Сизларга, ахир, айтарли ҳеч гап бўлгани йўқ девдим-ку. Қилган ишимиз шу бўлдики, амакимизникида дам олиб қайтдик...

1953.

КАЛАВАНИНГ УЧИ

I

Белоруссия кўргазмасы павильонини чор атрофдан ўраб олган ям-яшил боғда мен ўтирган скамейкага ўрта бўйли бир одам келиб ўтирди. У ёшлардек қадди расо, бардам эди, лекин кўпни кўрган кўзларидан ёши анчага бориб қолгани сезилиб турарди.

— Чарчадингизми? — дедим мен.

— Оёғимда оёқ қолмади, — деди у ва елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тин олди.

Соя-салқин бу ер осуда эди. Лекин ҳар қалай фонтанларнинг шувиллаши, ола-ғовур, репродукторлардан эшитилаётган куйлар келиб турарди. Тантанавор янгроқ овозлар алифдек қайинлару заранг дарахтларининг олтин ранг япроқларининг оҳиста шитир-шитирига қўшилиб кетарди.

— Одам ҳайрон қолади, — деб гап бошлади нотаниш одам кутилмаганда, — павильонларни айланиб бир-биридан ажойиб мўъжизаларни томоша қилиб юрганинга чарчаш нималигини билмайсан, ўтирсанг, қайтиб туришинг маҳол.

— Неча кундан бери кўргазмадасиз?

— Тўрт кундан бери.

— Қизиқ нарсалар кўп-а бу ерда, тўғрими?

— Биринчи куни айланиб юрибману, одам шунчалик мўъжиза ва гўзаллик яратганига ҳеч ақлим бовар қилмади. Эртасига стендларга диққат билан қараб ўзимга керакли нарсаларни қидира бошладим.

— Нималарни масалан?

— Э, кўп нарсани, даставвал илғор колхозларнинг раислари қандай ишлашини, хўжаликни қандай бошқаришларини билгим келди. Лекин буни англаб олиш осонмас. Стендларда бошдан-оёқ рақамлар келтирилган, холос. Бирор раис билан учрашиб самимий суҳбатлашсанг, бу бошқа гап!..

Гап айланиб, охири икки ватандош она юртидан узоқда учрашганида бир-бири тўғрисида нималарни билиб олиши лозим бўлса шуни билиб олдим. Танишларимиз ҳам, гап учун мавзу ҳам топилди.

Сергей Иванович Галай Витебшина атрофидаги бир колхознинг раиси экан. Колхозга келганига икки йил бўлибди, ундаи олдин район партия комитетида инструктор экан. Колхоз районда энг қолоқ бўлганидан ҳеч ким у ерга боришни истамабди. Галайгача колхозга олтита раис келиб, кетибди-ю, бирортаси колхозни оёққа турғизолмабди. Бу раислар тўғрисида колхозчилар: «Қўйчивон кўп бўлса қўйлар ҳаром ўлади»,— дейишаркан.

Галай еттинчи «қўйчивон» бўлишни истамабди. Колхозга келган куниданоқ одамларга ёмон колхоз йўқ, фақат ношуд раҳбарлар бор, деган гапни исботламоқчи бўлибди. У кетма-кет правление йиғилишлари, бригада мажлислари ўтказибди. Қанчаям кечни тонгга улаб ҳисоб-китоб қилиб колхозчиларга, агар бир ёқадан бош чиқа-

риб ишланилса, бир йилда қандай натижаларга эришиш мумкинлигини исбот этиб берибди. Лекин колхозчилар бу гапни эшитиб бараварига: «Бундай гаплару, ваъдаларни беравериб қўйнимизни пуч ёнгоққа тўлдирганлар кўп бўлган, аммо меҳнат кунига ҳеч вақо олганимиз йўқ», дейишибди.

— Шундан кейин,— деб ҳикоясини давом эттирди Галай,— илғор бир колхозга бориб, одамларнинг қандай яшашлари ва ишлашларини кўриб, ипидан-игнасигача билиб келишга, раис ишни нимадан бошлаганини, ҳозир колхозга қандай раҳбарлик қилаётганини аниқлашга аҳд қилдим... Гапнинг пўскалласини айтганда, мен сир-асрор нимадалигини билмоқчи, агар таъбир жоиз бўлса калаваининг учини топмоқчи бўлдим, маълумки, бусиз одамларга раҳбарлик қилиб бўлмайди. Ниҳоят илғор колхозларнинг раисларида шундай бир пинхона сир борки, буни газеталарга ёзишмайди деган ўйга бордим.

Колхозга кечқурун етиб келдим. Одатда биринчи таассурот кучли бўлади. Мени янги бунёд этилган қишлоқ тонг қолдирди. Қишлоқнинг икки четига қатор кўчат экилган кенгина марказий кўчаси жуда кўркам эди. Радио варанглар, электр чироқлари порлаб турар эди.

Идорада раисни узоқ кутишга тўғри келди. Алоҳа у келди-да, мени энсаси қотгандай бошдан-оёқ кўздан кечирди, кимлигимни, нима мақсадда келганимни сўраб-суриштирмади ҳам. Бўйи мендек бўлса-да, мендан тўлароқ эди. Нигоҳи қаҳрли, тийран, ўзи шанғироқ эди. Мен чорночор унга қараб ўтирдим. У ҳеч кимга гап бермас, одамларга буйруқлар берар, йўл-йўриқ кўрсатар, хуллас, уларга қўмондонлик қилар

эди. Мен, буниси қанақа бўлди, ўзи-ку одамлар билан тузуқроқ гаплашмайди, лекин колхозни қандай идора қилади, деб ўйлаб қолдим. Ахир, у одамга зимдан қарайди, тишининг оқиниям кўрсатмайди. Азбаройи шифо, бу ерга келаётганимда уни ҳечам бундайдир деб хаёл қилмаган эдим. Унда меҳр-муҳаббат, одамийлик йўқ эди. Хўш, айтинг-чи, шундай бўлгач, мен ундан нима ни ўрганаману, қайси фазилатидан ибрат оламан?

Эртасига колхоз билан раиси тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларимга тобора кўпроқ ишондим. Устига-устак данғиллама бинолар, сирти силлиқ, тирсиллаган моллар, муҳташам клуб, интиҳосиз мевазор боғ, электростанция, колхозчиларнинг бадавлат яшаши мени лол қилди. Шундай бўлса-да, колхоз раиси менга мақтанчоқ, қўрс кўринди.

«Колхоз мақташга арзигули,— деб кўнглимдан ўтказдим.— Лекин ҳамма ишни ёлғиз ўзинг қилганинг йўқ-ку. Ахир, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас».

Лекин шуниси қизиқки, колхозчилар раисдан хурсанд эканлар. Бригадирлар унинг нима демоқчилигини огзини очмасданоқ билишар, амрини қулоқ қоқмай адо этишар экан. Бизда эса бунинг томоман акси: сен гап маъқуллайсану, бригадирлар ё эснаб, ё бошини қашиб ўтиради.

Эвоҳ, калавининг учи қаерда бўлдийкин бу колхозда?

Мен бу колхозда уч кун бўлдим. Ҳамма хўжаликларни кўриб чиқдим, кўпгина одамлар билан суҳбатлашдим, уларнинг қўйнига қўл солиб, ютуқларини сўраб-суриштирдим. Бироқ жўяли жавоб ололмадим. Мени тонг қолдирган

нарса шу бўлдики, бу ерда одамлар бир ёқадан бош чиқариб астойдил ншларкан, раиснинг фармонбардорлигига ҳожат йўқ экан. Лекин бундай эмаслигини, мен ҳали баҳайбат ва мураккаб механизмни ҳаракатлантирувчи мурватини тополмаганимни фаҳмлар эдим. Мен таассуротларимни раис билан ўртоқлашгач, ундан сўрадим:

— Ишни нимадан бошладингиз?

— Хатолардан!— деди у тутоқиб.— Қурилиш бригадирининг гапига кириб (шу гапни айтиб туриб у шундай ёмон сўкиндики, мен биров эшитмадими деб аланглаб қўйдим) молхоналарни ёғоч устунлардан қурдим. Халқнинг ишни пухта қил, меҳнатингни аяма, кейин роҳатини кўрасан, деган доно гапини унутиб қўйдим. Ёғоч иморатлар оёқ-қўлимга кишан бўлди, уларга механизацияни киритолмадим. Мана энди ўша атонинг ажрини тортяпмиз, молхоналарни янгидан қурыпмиз. Қандай қураётганимизни кўрдингизми? Ёғишдан, устини шифер билан ёпамиз...

У бир соатдан мўлроқ хато-камчиликларидан гапирди. (Чамаси, ҳаммадан кўп шу нарса уни ташвишлантирарди. Мен уни мақтанчоқ деб юрибман-а!) Мени қизиқтирган «калаванинг учи» тўғрисида лом-мим демади.

Мен яна ундан:

— Ишни қандай қилиб бундай йўлга қўйганингизни ва интизом ўрнатганингизни билсам дегандим,— деб илтимос қилдим.

Лекин у негадир илтимосимга қулоқ солмай, нуқул бошқа нарса тўғрисида гапирди.

Кейин бирдан сўраб қолди:

— Қай вақтда ётасан?

— Баъзан, ярим кечада, гоҳо бутунлай ухламайман,— деб жавоб бердим.

— Уззукун мудраб юрсанг, қандай қилиб сендан раҳбар чиқсин?— деди у таънаомуз.— Эрта ётиб, колхозда биринчи бўлиб барвақт уйғон. Эрта турган кишининг ўзи ўнглари ишини. Раиснинг мияси чарчамаслиги, фикри тиниқ бўлиши даркор. Сен, ахир, ёлғиз ўзингни эмас, кўпчиликни ўйлайсан.

У менга энгашди-да, худди арпасини хом ўргандай зарда билан уқтира кетди:

— Қўлогингга қуюб ол: тўққиз йил раислик қилиб, бирон марта на байрамда, на бегим кунлари қуёш чиққанда турмаганман. Ўзимам эрта тураман, бошқаларнинг ҳам ғафлат уйқусида ётишларига йўл қўймайман. Азонда тураману, идорага бораман. Бу ерда бир зумда бригадирлар ва ферма мудирлар билан маслаҳатлашаман. Хулласи калом, худонинг берган куни шу тахлит пружинани бураб тураман. Кундузи одамларнинг орасида, далада, фермаларда бўламан. Йўл-йўлакай пружина қандай ишлаётганини, филдирак қандай айланаётганини текшираман. Мабодо бирон ерда у секинроқ айланса, ёхуд бутунлай тўхтаб қолса уни мойлайман.

Шундай деб у биринчи марта кулди. Кулгиси сохта, сунъий чиқди.

— Мойлайман!— деб такрорлади у ва сўради:— Тушундингми?

— Тушундиму, лекин унчалик эмас,— дедим мен.— Пружинани механизм яхши бўлгандагина бураш мумкин. Агар у ишдан чиққан бўлса-чи?

— Унда тузатиш керак.

— Қандай қилиб?

У яна гўё саволимни эшитмагандай, бошқа нарсадан гап очди.

— Ризқи-рўзимизни қўли қадоқ меҳнаткашлар топишади, ишга бўйни ёр бермаган такасалтангларни мен (яна «мен») энг оғир ишларга юбораман ва қандай ишлаётганидан кўз-қулоқ бўлиб тураман. Ҳа, шундоқ!.. Бу ерда шундай донолар ҳам топилиб қолди. Улардан баъзиларни колхоз йириклашгунча раис бўлиб ишлаган эди. Булар биз ичиб ялло қилиб юрсак ҳам бўлаверди, нонимиз бутун, бошқалар ишласин, деб ўйлайдилар. Бу бўлмағур фикрни уларнинг миясидан қувиб чиқардим! Энди ҳамма қатори ишлашяпти! Ўғриларга, дангасаларга, пиянисталарга, умуман текинхўрларга мен кун бермайман. Бошқаларга касри урмаслиги учун уларни тағтомири билан қуритиш даркор!

— Сизга-ку осон-а, лекин бизга қийин-да,— дедим мен.— Сизларда дангаса одам отнинг қашқасидек танилади қолади, бизда-чи, бизда дангасани ҳалол колхозчидан ажратиб бўлмайди. Меҳнат кунига ҳақ ололмайдилар, ахир тиркичилик ўтказиш керак-ку, шу боисдан улар четда, даромад чиқадиган жойда ишлайдилар.

— Одамларга яхшироқ разм сол!— деб менга ақл ўргатди у.— Дангаса четга интилмайди. Унга колхозингиздаги «тартиб»лар мойдек ёқади. У ҳеч қаёққа жилмай, қўлига илинган нарсани уйига ташиб кетаверади. Худо билсин, бригадирларнинг орасида ҳам юлгичлари бордир.

Жўнаб кетадиган куним эрталабки бригадирлар йиғинига яна бир марта бордим. Буни колхоз штаб-правлениесининг қисқа кенгаши деса тўғрироқ бўлади.

Раис келгунча ҳамма йиғилди. У қовоғидан қор ёғиб, жаҳли чиқиб келди. Ҳеч ким билан саломлашмасдан:

— Кузги дон экилган ерни олтита боласи билан титкилаб юрган чўчқа кимники?— деб сўради.

— Маланьяники,— деди бир неча овоз.

— Маланья шу ердами?

— Ер ютсун уни!— деди кекса аёл жигибийрон бўлиб.— «Чўчқадан кўз-қулоқ бўлиб тур» деб қизимга тайинлаган эдим. У ғафлатда қолибди!.. Энди нима қилсамикин уни?

— Чўчқани сўй, болаларини эса, колхоз экинлари билан эмас, ўз хўраги билан боқадиган одамга сот.

— Эй оқсоқол, мен сенга қизимни гапиряпман,— деди кампир хафа бўлиб.

Ҳамма «гур» этиб кулиб юборди. Раис яна сўради:

— Иван Пахитонов келдими?

— Келди,— деди олтишларга борган малла соқолли колхозчи.— Нега чақиртиришганига худо ҳаққи, ҳеч ақлим етмаяпти.

— Ҳозир ақлинг етади! Кечқурун бу ерга келганмидинг?

— Ҳа, дўконга келувдим, ўртоқ раис!

— Бугдойзор ёнидан ўтдингми?

— Албатта, бошқа йўл йўқ. Тўғри ўтган ёлғиз оёқ йўлни ҳайдаб юборишди-ку.

— Бугдойзорда юрган чўчқаларга кўзин тушганмиди?

— Тушган бўлса нима қипти, чўчқалар бизнинг қишлоғники эмас, ўзингизники, шу ерники...

— Чўчқалар кимнинг экинини титкилаб юрганди.

— Кимникини бўларди, колхозники-да, ўртоқ оқсоқол!

— Сен уни кўриб туриб, парвойи фалак ўтиб кставердингми?

Пахитонов гарангсиб раисга тикилди.

У бўлса кечқурун Зареченскдаги бригада-лардан қайтиб келаётганда Пахитоновни кўрганини, Пахитонов ундан анча олдинда кетаётганини шундоққина, йўл ёқасида бугдойзарда чўчқалар юрганини гапирди. Чўчқалар бугдойзорни анчадан бери пайҳон қилиб юрган бўлса керак. Кўпгина жойларда ўйдим-чуқур ерлар қорайиб кўринарди, деди у гапида давом этиб. Пахитонов бўлса бунга парво қилмай ўтиб кетди, чўчқаларга қичқирмади, уларни қувмадиям.

— Пахитоновнинг икки меҳнат кунини қирқишни таклиф қиламан,—деди раис.

— Қилгиликни бировнинг чўчқаси қилсинда, менга шунақа жазо берасанми?—деди Пахитонов таажжубга тушиб.

— Бугдой кимники?—деди одамлар бўғилиб.

Раис яна Пахитоновга мурожаат қилди:

— Агар ўша чўчқалар сенинг экинзорингни пайҳонлаганда, уларни ҳайдашдан ташқари, Маланьянинг уйига бориб деразасини уриб синдирардинг. Шундоқмасми?

— Илоё ҳаром ўлсин чўчқаларинг,—деди Пахитонов ва Маланьяга ўқрайиб қараб қўйди.

Аёл ёнидаги одамнинг орқасига яширинди. Раис буни кўриб қолди-ю, қўлини бигиз қилиб, ўдагайлади:

— Нега бекинасан? Ҳозироқ бориб бугдойзордаги чуқурчаларни текисла, омборчидан уруғлик олиб экиб қўй, ер музлагунча униб чиқади. Сен билан кейин алоҳида гаплашамиз...

— Уйга мен таассуротларга тўлиб-тошиб, катта режалар тузиб қайтдим,—деди Галай гапини давом эттириб,—кўрган-эшитганларимни қандай жорий қилсам экан, деб хўп бош қотирдим, хомчўт қилиб кўрдим. Биласизми, эндиликда раис аввалгидан бошқача, иродаси кучли, мудаббир, ғайратли, ўзи ва бошқаларга талабчан одам кўриниб кетди менга. У ўйлаган ишини амалга оширадиган, айтган ишини қиладиган, ваъдасининг устиган чиқадиған одам. Ҳар икки гапининг бирида «мен» дегани унчалик нуқсон эмас, ойда ҳам доғ бор, дейдилар.

Колхозга етиб келишим биланоқ, таъбим тирриқ бўлди, омбор ёнида омборнинг томини ёпишга мўлжалланган тол ўз ҳолича думалаб ётарди. Мен буни «Сельхозснаб»дан ялиниб-ёлвориб олгунча она сутим оғзимга келган эди. «Оббо дангасалар-э!» деб ўйлаб қўйдим.

Шу пайт бирдан сут ташувчи Маргевич келиб қолди-ю, аравасини тўппа-тўғри толнинг устига солди.

— Тўхта!—дедим бақириб.—Кўр бўлганмисан? Шундай нарсани лойга қорасанми?

— Ким уни ташлаб қўйибди?

— Ким ташлаганини-ю, ким уни лойга қорганини бугун идорада аниқлаймиз,—дедим сут ташувчига. Ичимда эса: «Ана, ўзимиздан ҳам Пахитонов чиқиб қолди», дейман.

Шу куни кечқуруноқ одамларни йигиб, кўрган-билганларимни уларга гапириб бердим.

— Бизнинг колхоз шунинг учун ҳам қо-

лоққи,—дедим мен,—бизда колхоз мулкни на-
зар-писанд қилмайдиган, унинг қадрига ет-
майдиган Пахитоновлар кўп...

Омборчи толни йўловчи машина олиб кел-
гани, туширгач, унутиб қўйганини аниқлади.
Бу кирдикори учун омборчи билан сут ташув-
чининг бештадан меҳнат кунини қирқишни
таклиф қилдим.

Сут ташувчи остонадан туриб:

— Э, менга деса ҳаммасини ўчириб таш-
ланг! Нима кераги бор менга унинг!—деди.

Бу гапни эшитиб жаҳлим чиқиб кетди:

— Шу вақтгача меҳнат кунининг қадри йўқ
эди,—дедим.—Энди бундай бўлмайди. Йигим-
теримни бир ёқлиқ қилиб, ишларни йўлга қўя
олсак, шу йилнинг ўзидаёқ меҳнат кунига ғал-
ла, картошка, ҳатто пул ҳам берамиз.

— Бу гапни кўп эшитганмиз,—деб луқма
ташлади Маргевич масхараомуз.

Бундоқ қарасам, мен билиб келган «сир» иш
бермайди. Аҳвол бу ерда тамоман бошқача. У
ерда меҳнат кунининг қадри бор, бизда-чи?..
Бу ерда бошқа тадбир қўллаш керак, қандай
тадбир қўллашни ўзимам билмайман.

Галай гапидан тўхтади-да, соатга қараб:

— Гап билан овора бўлиб узоқ ўтириб
қолдик-ку. Овқатланишимиз ҳам керак ҳали.

Биз кафега қараб кетдик. Йўлда мен ун-
дан:

— Хўш, «калаванинг учини» топдингиз-
ми?—деб сўрадим.

— Топдим, ўз колхозимдан топдим.

Кафега кириб столга ўтирганимизда, Га-
лай ҳикоясини давом эттирди:

— Биласизми, қандай бўлди? «Қўл остим-

даги одамларни билмасам, раис бўлиб қаерга бордим», деб ўйладим-да, уйма-уй юра бошладим.

Бирор уйга ярим соатга кирасан-да, алла-маҳалгача ўтириб қоласан. Озмунча қизиқ-қизиқ воқеаларни эшитдимми, озмунча маслаҳатлар беришдимми?!

Бизда Мартин Баравуля деган ғишт терувчи, қўли гул уста бор. У бутун умрини Москва, Минск, Ленинград қурилишларида ўтказган. Лекин Баравуля уч йилдан бери қарилигиданми ёки дармони йўқлигиданми, қурилишларга бормай қўйган экан. Бироқ Мартинга ўз қишлоғида ҳам иш топилиб тураркан, бирининг печини қуриб берса, бошқасининг уйини сувоқдан чиқариб бераркан. Баравуля қурган печларнинг доврўғи бутун округга кетган экан. Унинг ишиям, топиш-тутишиям яхши, мўл-ку, лекин колхозда биттаям меҳнат куни йўқ. Мен бир куни Баравуляникига кирдим. Гапга қизиқиб кетиб, кеч ўтганини ҳам билмай қолибмиз. Мен унга қурилиш бригадасининг ғишт терувчилар звеносига бошчилик қилишини таклиф этган эдим, у менга: «Мен шарти кетиб, парти қолган бир чол бўлсам, бу иш менга оғирлик қилади», деб жавоб берди. «Сизга оғир иш топширмаймиз,— дедим уни авраб.— Сиз фақат ёшларга ғишт теришни ўргатасиз. «Эвазига нимча оламан?»— деб сўради у. «Меҳнат куни ёзмамиз»,— дедим мен. У: Хўш, нега ўзингга меҳнат куни ёзмайсан?— деди-да, менга истеҳзо билан қараб қўйди.— Биринчи число қачон келаркин, қачон маош оларканман, деб икки кўзингни календардан узмайсан. Ҳосил ундими, униб чиқмадими, йиғиб олиндими, қолиб кетдими, бу би-

лан ҳеч кимнинг иши йўқ. вақтида пулпи олсанг шу кифоя».

Бу гап менга айилдек ботди.

«Колхоздан ҳали пул олганим йўқ». «Олмаган бўлсанг, оласан, фаришта эмассан-ку, еб-ичишинг керак».— Кейин анча мулойимлик билан қўшиб қўйдим:

— Яхши одамдан пулни ҳам, бошқа нарсани ҳам ҳеч ким аямайди. Лекин бу ерга келганлар ундай эмасди, уларнинг кўзи даладамас, календарда эди. Колхозчиларникига фақат ичиш учунгина киришарди...»

Баравулянинг уйдан ақлим тўлишгандай бўлиб чиқдим.

Кўп ўтмай умумий мажлис чақирдик. Мен сўзга чиқиб, колхозчиларга (яна мингинчи марта!) давлатга маҳсулот топшириш планини бажариш ва ҳосилнинг кўп қисмини меҳнат кунига тақсимлаш учун қандай ишлаш кераклигини гапирдим.

Сўзимни тугатаётиб шундай дедим:

«Бизда ҳам меҳнат кунининг қадри ортади, шу ваздан маошдан воз кечаман ва ҳамма қатори меҳнат кунни оламан...»

Менинг бу гапим бутун бригадаларга тарқалди, деярли ҳар бир уйда буни муҳокама қила бошлашди.

«Башарти раис меҳнат кунига ишлашга рози бўлган экан, демак иш юришиб кетади».

Биласизми, худди колхоз устидан сарин шабада эсиб ўтгандек бўлди. Иш жўнашиб кетди.

Ўша йили меҳнат кунига кўпам нарса тақсимлай олмадик, лекин пружинани бурашга улгурдик! Энди мен анави раис айтгандек, айла-нишдан секинлашган ёки тўхтаб қолган гилди-

ракни «мойлаб» туришим керак эди. Энг муҳими халқ менга ишонди — бу мен учун энг катта мукофот эди.

3

Кафедан чиққанганимизда сокин ва илиқ оқшом тушган эди. Порлаб турган сон-саноқсиз лампочкалар кўргазмани яна ҳам улугвор қилиб кўрсатарди. Фонтандан отилиб чиқаётган сув ҳамон шовуллар, камалакдек товланар эди.

— Кўргазмада ким билан учрашмоқчи бўлган эдингиз?

— Э, бу ерда учрашиб гаплашишга арзийдиган одамлар кўп! Ҳар бир раиснинг таъбир жоиз бўлса ўз «сири» бор.

— Ахир сиз шу «сир»ни топдингиз-ку!

— Э, гап фақат шунда эмас-да. Мен колхозга бир-икки йилга эмас, бутунлай келганман. Колхозни бошқариш жуда мураккаб, мен сизга айтсам, ижодий иш, ранс ҳар лаҳза, ҳар кун кутнлмаган, етти ухлаб тушига кирмаган масалаларга духоб келиши мумкин. Буни у тез ва тўғри ҳал қилиши лозим...

Биз «Тошгул» фонтани олдида тўхтадик. Галай шитоб билан отилаётган сувга узоқ тикилиб қолди. Каттакон гаройиб гул ҳуснини кўз-кўз қилиб ранг-баранг товланарди. Теваракдан отилиб чиқаётган сув ҳовуздаги алвон ранг алангани сўндиролмасди. Аланга айниқса ёрқин жилоланганда, Галай шавқ-завқ билан шундай деди:

— Уни қаранг, қандай фусункор! Қойил! Мен сизга айтсам, бунинг ҳам ўз «сири» бор.
1954.

СОЛ ҲАЙДОВЧИЛАР

Бирор нотаниш ерга бориб қолганингда, узоқда милтиллаб ўт кўринса қалбинг шодликка тўлади. Ўт назарингда гоҳ жуда яқин кўринади, гоҳ узоқлашиб сўниқ юлдуздай милт-милт қилади. Лекин ўт шамол елпигандек гурилласа ҳам, зим-зиё тун унга кўланка ташласа ҳам, бари бир одамнинг кўнглини қувончларга тўлдиради. Зеро, ўт бор жойда илиқлик, ҳузур-ҳаловат бор.

Июль кунларидан бирида қишлоқ советидаги мажлисдан кечаси қайтиб келаётиб Дуброво колозининг раиси Григорий Иванович иккимиз шундай ўтга духоб бўлиб қолдик. Шу ерлик Григорий Иванович мени тўғри йўлдан бошлаб, Двина бўйидаги ўтлоқлардан, қоронгида элас-элас кўзга ташланаётган пичан гарамлари орасидан, тол ўсиб ётган ровчакдан олиб ўтиб келаётган эди.

Чап томонимизда Двинанинг бепоён сатҳи гоҳ жарликлар орқасига яширинар, гоҳ яна узоқда кўзга ташланар, унда осмон тўла юлдузлар акси жилва қилар эди. Биз тепаликка кўтарилганимиз ҳамано йилт этган ўтни кўриб қолдик.

— Тунги қўноқларми?—сўрадим мен.

— Сол ҳайдовчилар,—деди Григорий Иванович бу ерни беш қўлдек яхши биладиган одамдек.

Ҳадемай мен пастда, жарлик тагида эллик-тача шундай ўтнинг шамалоқдек ёниб турганини, унинг титроқ тиллари сувда липиллаётганини кўрдим. Мен солчиларнинг тунгги қароргоҳига келиб қолганлигимни фаҳмладим. Дарҳақиқат, мен шу ердаёқ, силлиқ қилиб йўнилган ходага боғланиб, таранг тортилган арқонга урилиб кетдим. Одатда сол ҳайдовчилар солларини қиргоққа яқин келтириб, шундай ходаларга боғлаб қўядилар.

— Олдиларига борамизми?—деди Григорий Иванович худди таклиф қилгандай. Кейин қўл силтади-ю, дарё бўйига бурилди.

Гулхан ёнида уч киши ўтирарди. Кулча юзли новча йигитча яшил пахтали кийган чол билан алланарса тўғрисида гаплашиб ўтирарди. Чолнинг бўз ранг қошлари остидаги кул ранг кўзлари осуда боқарди. Ўрта бўйли, ёшгина жувон кечки таомдан кейин қолган-қутган нарсаларни саватга жойлади-да, пичан устига ўрин солди.

Григорий Иванович хушчақчақлик билан деди:

— Э, бу чолни танийман! Суража яқинида туради... Уни Двинада танимаган одам йўқ.

Шундай деб гулхан ёнига келди-да, овозини баланд қўйиб саломлашди:

— Соғ-саломат бормисан, Харлам амаки!

— Дуруст, чаккимас!—деди чол ва бошини кўтариб Григорий Ивановичга тикилиб қа-

рагач, ўрнидан туриб, унинг истиқболига юрди.—Ие, Дубровонинг раисими дейман?

— Худди ўзи. Қойилман, танидинг-а?

— Таниганда қандоқ. Нега танимас эканман? Ахир бултур Яшил орол ёнида жонимга оро кирган сенсан-ку. Бу Яшил оролингиз солчиларнинг бошига битган бир бало-да! Биринчи солдаги кузатувчи ғафлатда қолиб, қояга урилдик. Шу билан сол чил-парчин бўлди, бахтимизга колхозчиларинг билан сен келиб қолмаганингда ходалар қалқиб-қалқиб худди Ригага довор борарди. Ҳаммаси эсимда. Кекса Харлам яхшилиқни унутмайди.

У косов билан ёниб бўлаёзган чалани титди.

Йигитча югуриб пастга тушди-да, иккита қайин саржинидан олиб келиб, гулханга ташлади. Гуриллаб ёнган гулхан яна тун қоронғисини қувди.

Шунда мен чолга разм солдим. Унинг чоғроқ жуссаси пишиқ, хотиржам кўзларида ирода балқир, ажин тушган башараси шамолу офтобда қорайган эди.

— Менинг хизматимни гапирмаса ҳам бўлади, Харлам амаки,—деди Григорий Иванович,—бу ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Ахир сиз олиб кетаётган ёғоч бегона одамники эмас-ку!

— Шундоқку-я,—деди Харлам амаки рози бўлиб.—Яқингинада қанақа эди?

Солларни ёлғиз ўзинг ҳайдардинг. Сен билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди. Солинг бузилиб кетса, эвини ўзинг қилишинг керак эди. Бахтинг чопиб кўнгилчан бирор одамга учрасанггина сенга қўлини чўзиши мумкин эди... Э, сиз ёшлар буни қаёқдан биласиз?! Атиги ўн

икки йил олдин, ҳув анави қирғоқ шляхлар
Польшаси тасарруфида эканлигида сизнинг ер-
ларингиздан ўтиш ўлимдан қийин эди. Уша
вақтдаям мен у ердан бир неча бор сол ҳайдаб
ўтганман...

Пастда, жар тагида ўт милтиллаётган сол-
лардан одамларнинг ғала-ғовури, бир қизнинг
кулгани эшитилди, кейин бу товушлар бора-
бора тинди. Ўт сўниб бормоқда эди, сукунатни
фақат тўлақинларнинг толзор қирғоққа шалоп-
лаб урилиши бузарди.

Чол гўё бир нарсани эсламоқчи бўлгандай
хийла вақт сукутга чўмди-да, кейин гап бош-
лади. Унинг овози осойишта, равон, атрофга
чўккан сукупатга уйғун эди.

— Сизнинг ерингизга келганда жонимизни
ҳовучлардик. Тавба, ақлга сиғмайди! Ёшли-
гинг ўтган жонажон ер иккига ажратилган, ҳар
қайсисида бошқа-бошқа тартиб. Бегона чап
қирғоқ сенга ёв. Шу важдан солни ўнг қирғоқ-
қа яқинроқдан ҳайдашнинг пайдан бўласан.
Бир куни Дрисса яқинида фалокат босиб тошга
урилиб кетдим, ўзим бир-бирига боғлоғлиқ уч-
тўртта хода устида қолдим. Аксига олиб хода-
ни оқим чап қирғоққа суриб кетди, бундай қа-
расам, буталар орасида шлях жандармчилар
қотиб-қотиб кулишяпти. Пўконидан ел ўтма-
ган бу ярамасларнинг оддий бир ишчининг
ҳолига кулиб, уни майна қигилари келган-да!
Мен фиғоним фалакка чиқиб ўзимни сувга от-
диму, қирғоқ узоқ бўлишига қарамай орқа то-
монга сузиб кетдим. Чегарачиларимиз барака
топсин, жонимга оро киришди, бўлмаса ҳозир
у дунёда сол ҳайдаб юрардим.— Харлам амаки
тунги соф ҳавони шимириб гапини тамоч-

лади.— Э-э, бошимиздан нималарни кечирма-дик!

— Сол ҳайдаганингизга қанча бўлди?— деб сўрадим мен.

Харлам амаки менга ҳайратомуз назар ташлади, унинг нигоҳи гўё: «Бу ерлик бўлмасанг керак, йўқса, Харлам амакини билардинг» дейётгандай бўларди.

— Қанча? Ҳақ, ростини айтсам, барака топкур, мен шу Двинада туғилгандайман. Етти пуштимиз сол ҳайдаб келяпти: бобом ҳам, дадам ҳам сол ҳайдовчи бўлган, мен ҳам умримнинг охирида солчиман. Ўғлим урушдан олдин нозандек қўлтигимга кириб қолган эди, партизанларга қўшилиб жангда ҳалок бўлди. Энди менга қизиму, манави куёвим қарашяпти,— деди у йигитга ишора қилиб.— Яқинда армиядан келди, ҳали ёш, бу ишда уқуви йўқ, яхшилаб разм солиб, ўрганмоғи даркор...

— Ҳуда аломатсиз-да, дада,— деди йигит кулиб.— Ҳеч кўнглингиз тўлмайди ишимиздан.

— Ахир қандай кўнглим тўлсин?— деди Харлам амаки қош-қовогини уйиб.— Ахир велигалик сол ҳайдовчилар билан шартнома туздикми? Қани айт-чи, кекса Харлам оқсаб қолса, одамлар нима дейди? Ҳалиги гапни шуни назарда тутиб айтяпман-да. Уқдингми?— Шундай деб у йигитга синчков назар ташлади, шунда йигит унинг амрига итоат этиб, кулгидан тўхтади. Бунни кўриб мен, кекса Харлам солларни бошқариб бораётганда сол ҳайдовчилар унинг ҳар бир кўз қарашига, ҳар бир сўзига қулоқ қоқмай итоат этишларига ишонч ҳосил қилдим.

— Энди ишни йигиштириб, дам олсанг керак-а, Харлам амаки?—сўради Григорий Иванович.—Нечага кирдинг? Олтишни уриб қўй-гандирсан?

Харлам амаки кулиб қўйди, шунда пешанасидаги қат-қат ажинлари ёзилди.

— Бўри ўрмонга қарайди, сол ҳайдовчи дарёга,— деди.— Худога шукур, саксондан ошдим. Қани айт-чи, солни шу ёшда ҳайдамасанг қачон ҳайдайсан? Табиат оғуши! Ўз эркинг ўзингда! Бошланишидан то денгизга қадар Двина дориломон мавж уриб оқиб ётибди! Одамлар ҳам ўзгариб кетди. Қаерга борма, худди ўз одамларини учратгандай иззат-икром билан кутиб олишади. Бултур колхозчиларинг билан сен мени қутқариб қолган эдинг, бу йил латишлар қутқаришди. Қирғоқлар ҳам, бутун ерлар ҳам одамга қадрдон бўлиб қолди. Ахир мен Двинани беш қўлдек биламан-да, унда бениҳоя кўп сузганман.

Харлам амаки бир оз ўйга толгач, Григорий Ивановичдан колхознинг ишларини, бу йилги ҳосилни, йиғим-теримни эринмай батафсил суриштирди. Дарё қирғоғидаги хўжаликка оид хотиржам ва маънили суҳбатни мен жон қулогим билан тингладим. Гап билан бўлиб кетиб тонг отганини ҳам билмай қолибмиз. Ёзги тонг қоронғиликни дара-ю, жарларга қувиди. Двинанинг мўл суви зангори тусга кирган, шарқда қизара бошлаган осмоннинг алвон ранг шафағи унда жилва қилар эди. Субҳидамда эсган сабо сувни мавжлантирар, заиф тўлқинлар қирғоққа аста урилар эди. Сув устида ҳарир туман сузар, жар остида эса, турна қатор тизилиб турган солларнинг ўртасида пичан

чайлалар, кечаси гур-гур ёнган гулханларнинг ўчаёзган чўғлари кўринар эди.

Григорий Иванович бирдан ҳушига келди-ю, тонги салқиндан жунжикиб:

— Ие, гапга берилиб кетибмиз-ку!—деди.

Харлам мудраб ўтирган йигитни туртди:

— Бор, одамларни уйғот!

Жувон пичан устидан туриб, отаси ухламай чиққанини кўрди-ю, норози бўлиб эснади ва:

— Доим аҳвол шу. Бирор жойда тунаб қолсак бўлди, битта-яримта одамни топиб олади-да, тонг отгунча гап сотади.

Харлам амаки мийигида кулиб, ўрнидан турди ва биз билан хайрлашди-да, соллар дарё ҳамда машҳур Яшил орол яққол кўриниб турган жар ёнига келди. Тонги қуёш нурида кекса солчининг гавдаси менга барваста ва ҳайбатли кўринди.

— Эҳ-е-е!—деган овоз акс садо бериб, атрофга тарқалди.

Соллардаги одамлар гивирлаб қолишди. Биринчи солдан янгроқ команда эшитилди.

— Солларни ечинг!

— Йўлга чиқинг!—деди Харлам амаки яна қичқириб.

У нақ жар бўйида турар, унинг тагидан бирин-кетин соллар йўлга чиқмоқда эди. Охирги сол жилганда Харлам амаки фавқулодда чаққонлик билан жар бўйидан тушди-да, сув кечиб солга чиқиб олди.

Қарши томондан занг урилгани эшитилди. Колхозда ҳам иш куни бошланган эди. Олисда яна занг урилди. Дам-бадам чалинаётган занг, гўё одамларга ухлаб қолманг деб даъват қилаётгандай туюлар эди.

Дарёда эса турна қатор тизилиб соллар борарди. Соллару далалар устида тоғ отмоқда, шарқ тарафдаги шафақ духоба рангидан қирмизи тилла рангга кирган, ҳадемай қуёшнинг илк нурлари ҳамма ёқни чорагон қилар эди.

Биз Дубрового йўл олдик.

1949.

ЎГАЙ ҚИЗ

Валя столга тирсагини тираганича китобини ўқиб туширмоқда эди. Китоб қаҳрамонларининг тақдири уни азбаройи қизиқтирганидан ёнида ўтириб, кроссворд устида бош қотираётган укаси Лёнькани ҳам батамом унутганди.

— Горизонтал бўйича еттинчи — охири «ист» билан тугайдиган қимматбаҳо тош экан... «Радистмикин» Йўғ-е... — Лёнька ўзича мулоҳаза юритаркан, яна Валядан сўради. — Валя, «радист» деган тош борми? — Бу унинг салкам йигирманчи марта сўраши эди.

— Оббо, хира-е! Ҳалиям «тракторист»ни ўйлаб тополмадингми, билимдон? — Валя жаҳли чиқиб шундай деса ҳам укасининг бир ниманинг тагига етмагунча тинч қўймайдиган одати борлигини билганидан «Огонёк»ка қўл чўзиб, кроссвордга тикилди.

Валя ўн беш ёшда, еттинчида ўқийди. У олтинчи синфда бир йил қолиб кетди. Ойиси оғир ётиб қолганидан мактабга ярим йилдан кўпроқ боролмади, унга қараб, рўзғордан бўшамади.

Валя мулойим ва пишиққина қизча. Унинг қоп-қора жингалак сочлари оппоққина ва қизи-

ли тарам-тарам яноқларига тушиб турарди. Ва-
лянинг сочи ҳеч бир хилда турмасди. У сочини
қанчалик силлиқ тараб, калта турмаклаб қўйса
ҳам барибир чаккасида жингалак гажаклар пай-
до бўлиб қолаверарди.

Қизча аччигланса ёки хаёлга ботса унинг
қуюқ қора қошлари бир-бири билан туташиб
кетарди. Чехраси ҳам ўзгарувчан. Агар у га-
пингизга қулоқ солиб, маъқуллаётган бўлса юзи
хотиржам ва мулойим кўринар, борди-ю, ўзига
ёқмайдиган гап эшитиб қолса қовоғини солиб,
чимирилиб оларди. У шунақанги жарангдор ку-
лардики, ёнида гурган одам ҳам беихтиёр унга
қўшилишиб кулар, жаҳли чиққанда эса унга
яқинлашмаган маъқул эди.

Валянинг эғнидаги кўйлаги анча кийилган
ва қайта-қайта ювилган бўлиб, оқ йўл-йўлли
кўк сатиндан тикилганди. Шундай бўлса ҳам
Валя кўйлагининг эскилигини сездирмасди. Оп-
поққина крахмалланган ёқаси кўйлагини бош-
қача кўрсатиб турар, унга Валя ўз қўли билан
гул тикиб, мерезжа қилганди. Дарҳақиқат, ана
шу ёқа туфайли кўйлакнинг тирсагидаги ямоқ
ҳам сезилмасди.

Лёнька ўн бирга қадам қўйган. У тўртинчи
синфда ўқийди. Бу ёшда одам мустақил бў-
лишга уринади, бироқ ҳаётини тажрибаси ҳар
маҳал ҳам етишавермаганлигидан билмаганини
бошқалардан сўрашга мажбур бўларди.

Жилла бўлмаса бугунги кроссвордни олай-
лик. Лёнька уни бировнинг ёрдамисиз топса
жон деган бўларди-я. Бироқ «Сотилган қайлиқ»
операсини қайси чех композитори ёзганлигини
топиб кўринг-чи. Лёнька у композиторни бил-
май, умрида операсига тушмагандан кейин қай-

дан ҳам билсин? (Гапнинг ростини айтганда у битта ҳам операга тушмаган эди.) Валя ҳам қимматбаҳо тошнинг отини тополмади.

— Мен бунақа тошларингни билмайман,— Валя шундай деди-да, яна китобини ўқишга тушди.

— Валька, кимёвий элементни ҳам билмайсанми?

— Билмайман.—Валя қаҳрамонларининг тақдиридан бўлак нарса ҳақида ўйлашни истамаганидан Лёнькага буюрди.—Кроссвординг бугунга етар. Қолганини эртага икковимиз топамиз.—Валянинг бу гапида бир оз муғамбирлик бор эди. Лёнька гарчи кроссвордда кучсиз бўлса ҳам Валя кроссвордни укасидан кейин топишни унча хушламасди.—Овқатингни еб, ухла. Бўлмаса эрталаб туришинг қийин бўлади...—Валя шундан кейин ютоққан одамдай яна китобнинг сўнгги саҳифаларини ўқишга тушди...

— Кимёвий элементнинг нималигини билмасанг Чили шоирининг фамилиясини айта қол,—деди Лёнька ёлвориб.

— Билмайман дедим-ку. Китоб ўқигани қўйсанг-чи.

Лёнька опаси жиддий гапирганидан, хаёлига, яхшиси уни тинч қўйиш керак, ёғи чиқиб, титилиб кетган китобдан барибир бошини кўтармайди, деган фикрга келди.

Ниҳоят китоб ҳам охирига етди.

Валя китобнинг сўнгги саҳифасини хўрсиниб ёпаркан, совуқ чиройли кумуш гуллар солиб кетган деразага ўйчан узоқ тикилиб қолди.

Ким ёшлигида ўқиган китобларининг қаҳрамонлари билан ажралишганида чинакамига

изтироб чекмаган дейсиз. Чунки китобни ўқиркансан, унинг қаҳрамонлари сени бутун оламдан, яқинларингдан ажратиб қўяди.

Лёнька ҳам кеча сочини олдирганидан камрадай думалоқ бошини муштига қўйиб, опаси сўнгари қиров бойлаган деразага тикиларди. Кроссвордни у шунақанги жойга етказиб қўйганки, у ёғини қанча уринмасин барибир тополмайди.

Лёнька шунинг учун ҳам, бугунча шунинг ўзи ҳам етар, деган қарорга келди.

— Валя, овқатни олиб кел, уйқум келяпти.

Лёнька отаси келишини кутиб ўтирмай овқатдан кейиноқ қаттиқ уйқуга кетди.

* * *

Валя укаси тургандан кейин столни тозалаб олди-да, яна дастурхон (буни ойиси қизлигида тўқиган эди) ёзди, сўнг отасига шарф тўқишга тушди. Ўзининг овқат егиси келаётган бўлса ҳам, Лёнькага ҳали қорним очгани йўқ деганди. У отасининг бир ўзи овқат ейишини ёмон кўришини ва бола-чақаси билан тамадди қилиш учун уйга эртароқ қайтишга ҳаракат қилишини биларди.

Уни энди Валядан бўлак ким ҳам кутиб ўтирарди, дейсиз?

Қизча беихтиёр кўзига келган ёшни артиб қўйди.

Бундан бир йил аввал Валянинг онаси вафот қилган, рўзгорга энди ундан бошқа қарайдиган одам йўқ эди...

Валя очиққанини ҳам унутди. Уни отасининг кечикаётгани хавотирга солар, чунки ота-

си эртага райондаги аллақандай кенгашга бормоқчи эди-да. У яхшилаб ухлаб олиш учун эртароқ ётиши керак. Бироқ ҳозир соат ўн бир бўлиб қолган бўлса ҳам, дарак йўқ... Эҳтимол, яна правленисда ўтиргандир. Колхозга шу зоотехник келдию, отаси деярли ҳар куни бирор ташвишда қоладиган бўлди. Ё сийирларга силос кам бериляпти, ё полялар қорайиб кетибди, ё сийирхонанинг томидан чакка ўтяпти, деган ғалва чиқадиган бўлиб қолди. Колхозда худди раис йўқдай ҳаммасига отаси жавоб бериши керак. Зоотехникнинг эса ҳеч балога фаҳм-фаросати етмайди. Ўзини зўр ходим кўрсатмоқчи бўлиб, ем турган ҳар бир қўшқулоқ бочкага тумшуғини тикади, ҳамма нарсани текширади...

Валя эшик секин тиқирлаганини (отаси худди уйдаги ёш болаларни уйғотиб юбормай дегандай эшикни доим шундай тиқирлатарди) эшитгандан кейин қўлидаги ишини столга қўйди-да эшикнинг тамбасини олгани даҳлизга югурди. У ҳатто ким, деб ҳам сўрамади, чунки отасининг супурги билан пиймасини зўр бериб тозалаётгани эшитилиб турарди.

— Ҳалиям ўтирибсанми, қизим?

Отасининг сўзларидан доимо меҳр ва ғам-хўрлик сезилиб турарди. Бугун у яна ҳам меҳрибон кўринар, чамаси ҳар кундагидан кечикканига ўзини гуноҳкор сезаётганди.

— Лёнька дарров ухлаб қолдими? — отаси калта пўстинини ва қалпогини остона тепасидаги миҳга иларкан, Лёньканинг каравоти турган бурчакка қаради.

— Анча бўлди. Дарсини тайёрлаб, кроссворд топди, кейин овқатини едию, ухлаб қолди.

— Ўзинг-чи?

— Сизга шарф тўқияпман.

— Йўқ, мен дарс тайёрлаб, овқатингни едингми, деяпман.

— Эртанги дарсларимиз осон. Овқатни бирга ермиз деб кутиб ўтирувдим.

— Осонми, осон эмасми, дарсни ўз вақтида тайёрлаш керак, қизим,— деди отаси жиддий қиёфада.

— Унақада шарфни қачон тўқиб бўламан? Ўзиниям бўш вақтларимда тўқияпман...

Валя печкадаги қозонни тутқида илдамлик билан тортиб олди.

«Унга огир... Энди айтсам бўлар... Барибир айтишим керак-ку...»

Бироқ отаси бу фикрдан қайтди. Чунки ҳозир айтса уйдаги сокин оқшом ўт қўйилган омбордай портлаб, алғов-далғов бўлиб кетишини сизди. Шунинг учун ҳам у фақатгина:

— Шарфни тўқима, совуқ ҳам унчалик эмас,—деб қўя қолди.

— Нега энди совуқ унчалик эмас дейсиз. Кўкрагингиз очиқ юриб, тагин шамоллаб қолманг...

Улар столга яқинлашиб ҳар ким ўз жойига ўтирди. Отаси дераза тагндаги бўялган тахта диванга, Валя бўлса унинг рўпарасидаги скамейкага ўтирди. Бу жой Валянинг ўрнидан туриб, столга нарса олиб қўйишга қулай эди.

Валя отасининг тунука товоғига кўз ташларкан ташвишланиб деди:

— Карам шўрвам бемаза бўлиптими, ичмаяпсиз, дада? Ё эрталабдан бери печкада турганидан шундай бўлиб қолганмикан? Мен очиққанимдан оғзимга ширин татиб кетди.

— Йўқ, бундай дема, шўрванг яхши бўлибди,

қизим, ажойиб қизгинам бор-да ўзи. Шўрвани ичяпман, менга қарамай овқатланавер.

У қизимни хафа қилмайин деб шўрвадан зўрга бир-икки қошиқ татиди. Ҳозир унинг кўнглига овқат сиғмасди.

— Агар шўрвани ичгингиз келмаётган бўлса, бугун картошка ҳам димловдим. Алёна холам бир кўза бодринг олиб келиб берди. Яхши бодринг экан, карс-карс қилади. Алёна холам, бодринг тузлашга ўргатиб қўяман, дедн. Ўзимизнинг бодрингни келаси йили еймиз...

— Йўқ, қизим, картошкани ҳам егим келмаяпти...

— Тобингиз қочмаганми ишқилиб? Ё анави Опенок яна жингизга тегдими?—Валя энди чинакамига хавотирланиб сўради.

— Йўғ-е.—Отаси тетик овозда гапиришга ҳаракат қилди.—Соппа-соғман. Опенкин билан ҳам ишларим жойида.

— Хўп, ишларингиз жойида бўлса бир станкан сут ичиб, ётинг. Мен яна бир оз ўтираман... Ҳа, айтгандай, сўраш эсимдан чиқибди, эрта-лаб барвақт кетасизми?

«Бугун ҳам ҳеч нима деёлмайдиганга ўхшайман».—Антось ўзини безовта қилаётган фикрларга қандай қилиб қайтишни билмасди.

— Йўқ, қизим, ҳеч қаёққа бормайман,—деди у овозини чиқариб.—Кенгаш қолдирилди... Ўзипг ҳам ёт, бу шарфни деб овора бўлаверма. Усиз ҳам ишинг ошиб-тошиб ётибди. Ўн беш ёшингдаёқ бутун рўзгор ташвиши бошингга тушиб қолди. Сен бу ташвишни тортишинг керак эмас, ўқишинг керак...

— Илож қанча,—Валя отаси не-не умидлар билан бошлаган гапни бўлди.—Лёнька икков-

ларинг менга қарашиб турибсизлар-ку. Алёна хола ҳам кун сайин кириб туради, гоҳо сигирни соғиб беради. Рўзгорда бошқалардан қолишмаяпман, ўқишим ҳам ёмон эмас... Ухлайверинг, буларни ўйламай қўя қолинг...

— Мана шу хусусда гаплашиб олмоқчийдим, Валюшка...

— Бунинг гаплашадиган жойи йўқ. Мен қийналмаяпман.

Валяга энг яқин кишиларидан, ҳатто отасидан ҳам ачиниб айтилган бундай сўзларни эшитишдан кўра отасига ва укасига қарашни ўз зиммасига олиш, бутун рўзгорни бошқариш енгилроқ эди. Отаси гапираётганида шўрли тақдиридан хўрлиги келиб кўзларида ёш ҳалқаланди, ойиси ёдига тушиб, алами баттар кучайиб, юрагини пора-пора қилди. У қалбидаги ана шу алам туғёнини босиш учун отаси огзини очди дегунча унинг гапини бўлганди. Отаси буни яхши тушунганидан жим қола қолди.

* * *

Антось Соловей уйланиш ниятида эканлигини болалари у ёқда турсин ўзи ҳам кутмаганда огзидан чиқиб кетди.

Болалари мактабга отланишарди. Валя таппа-тайёр бўлганидан шошилганича укасининг кўйлагига тугма қадар, Лёпка «опам тагин қўшиб тикиб юбормасин» дегандай ёғоч ручкасининг учини тишлаб турарди. Уйнинг печкаси ёқилган, пол супурилган, буларни Валя отаси билан укасининг кўмагида мактаб пайтигача бажаришга улгурганди.

Антось ҳар кунги одати бўйича ис тегмасин

деб чалаларга сув қуйиб ўчирди. Шундан кейин Валянинг олдига келди-да, қўлини унинг ориққина елкасига қўйганича бурчакка тикилиб, хижолатда аранг:

— Болаларим, сизларга она олиб келмоқчиман,—деди-ю, гапни бундай бошламаслик зарурлигини фаҳмлаб қолди.

У болаларига буни юрак очди қилишни минг марта ўйлаган бўлса ҳам, гапни бошлаши биланок бутун режаси бузилганлигини англади.

Валя отасининг хижолатли нигоҳини пайқагач, унинг жиддий гапираётганини тушунди-да, беихтиёр табуреткага ўтириб қолди.

Лёнька аввалига беўхшов кулимсиради, кейин пишиллаб, деразага ўгирилиб олди.

Уйга бир неча дақиқа оғир сукунат чўкди.

— Сиз хоҳлайсиз, биз эса хоҳламаймиз!— Валя ўрнидан туриб кетди, унинг кўзлари хупук ялтирарди.

— Нега эпти, қизим? Сен бу рўзгорни деб қийналиб кетдинг-ку! Шундай ҳам синфда бир йил қолиб кетдинг... Сен бу рўзгор юкини тортишинг керак эмас, ўқишинг керак,—отаси яна кеча айтган гапини такрорлади.

— Нима, сизнингча, ўгай опам бу юкни тортиб, мени ўқитармиди?

— Ҳамма ўгай оналар ҳам бир хил бўлавермайди, қизим.

— Бир хил бўлавермайди? Бошқалар қандай бўлса Фросянгиз ҳам шундай.

Валя отасининг Фрося Алишевскаяга парвона бўлиб юришининг сабабини бир лаҳзада тушунди қўйди. Отаси гоҳ Фросянинг четан деворини тузатган, гоҳ снгир олишига қарашгани борган, Валя билан Лёнькани бир неча

марта уникага корзинкада олма ташлаб келгани юборганди... Фросянинг ўзи ҳам уларникига кўп марта кириб, Валяга бирмунча маслаҳатлар берган, у аҳмоқ ҳам буларга қулоқ солган эди... Қўни-қўшнилари ёзда далада ишлашаётиб: «Фросяни хафа қилма, балки даданг уни сенга она қилиб олар»,—деб бекорга ҳазиллашмаган эканлар-да. Валя ўшанда бугапларга сира парво қилмаганди. Ҳақиқат мана энди очилиб ўтирибди...

— Сизга айтиб қўяй, уйга қадам ҳам бос-тирмайман!—Валя йиғи ва аламдан бўғилиб қолди.—Агар биз билан қийналаётган бўлсангиз уникага бораверинг. Бизга унақа она керакмас. Усиз ҳам кунимиз ўтади. Очимиздан ўлмаймиз, колхоз қарашар...

Лёнька ғиқ этмасди. У отаси ўз ихтиёри билан хонадонини даҳшатли кулфатга дучор қилганини, бундан ўзи ва дадасини фақат Валягина сақлай олишини сезарди. Энди отасининг қўлидан ҳеч нима келмайди... У отасидан хафа бўлса ҳам, опаси сингари унинг башарасига аччиқ-аччиқ гапиролмасди. Шунинг учун ҳам ғиқ этмай беихтиёр равишда деразанинг музлаган ойнасига ёқимсиз ва совуқ «Ўгай она» сўзларини ёзмоқда эди.

— Мен мактабга бормайман, уйда қоламан. Агар ўша Фрося остонамга қадам қўядиган бўлса олдимга солиб қуваман...

Отаси индамади. Валя бўлса уйни бошига кўтариб бақирарди:

— Лёнька, кийимларингни еч. Мактабингга бормайсан!

...Валя эртасига даредан кейин синф раҳбари билан ёлғиз қолди. Шунда синф раҳбари

кеча укaнг икковинг негa мaктaбгa кeлмaдинг-лaр дeб сўрoвди Вaлeя унинг кўзларигa тиккa қарaшгa ҳарaкaт қилсa ҳaм дoш бeрoлмaй йиг-лaб юбoрди:

— Дaдaм уйлaнaпти...

* * *

Вaлeянинг ўгaй oнaси билaн кeлишмoвчили-ги қoрa жун рўмoлдaн бoшлaнди.

Вaлeя oтaси уйлaнгaндaн кeйин кўп ўтмaй, якшaнбa куни уйни йигиштириб, Лёнькaнинг кўйлагини дaзмoллaб бeрди. Кeйин ўзининг қишлик кийимини кийиб, aйлaниб кeлмoқчи бўлди. Сaндиқдaн oйисининг жун рўмoлини oлд-дa, ўзини oйнaгa сoлa бoшлaди. Бу рўмoл унгa жудa ёқарди. Oйиси ҳaёт вaқтларидa Вaлeя бу рўмoлни ўрaшни яхши кўрaрди.

«Aнa, кўрaпcaнми, рўмoлни эндигe сeн учун ҳaм мeндaй кaмпир ўрaб тaмoмлaши кeрaк». Oйиси Вaлeядaн шундaй дeб ўпкa қилсa ҳaм сўзларидa бўйи eтиб қoлгaн қизидaн фaхoрлaниши вa мeҳр-мұҳaббaти сезилиб турaрди.

Oтaси ўшa якшaнбa куни ҳaм oдaтдaгидaй фeрмaдa эди. Ўгaй oнaси бaрчa қaтoғи нoнуштa қилишгa улгурoлмaгaнидaн эндигe чўзмaгa ёғ суркaб, уни сут билaн ичиб ўтирaрди.

— Oббo, қиз бoлaям шунaқa ясaнaдимигe? Қaри хoтиндaй бoшинггa қoрa рўмoл тaшлaб олибcaн. Ҳoзир бунақa рўмoл мoдa эмaс...

Ёши қирқларгa яқинлaшгaн, тeпсa тeбрaнмaйдигaн тўлa жувoн Фрoсeя ликoбчaгa эгилиб чўзмa eяётгaнидaн қизaриб кeтгaн, гулли бaйкa хaлaтининг юқoри тугмaлaри eчиқ эди. Вaлeя бу хaлaтни сирa ҳaм ёқтирмaс, ўгaй oйиси эсa

эринганиданми ёки вақти етишмаганиданми ҳеч қачон унинг ҳамма тугмаларини солиб юрмасди.

«Пўрдоқ... Тагин модадан гапиришига ўлайми»,— шу пайт Валянинг қалбида ўгай ойисига газаби қўзиб кетди. Бироқ у онасининг рўмоллини камситганлиги учун Валя гапириш у ёқда турсин, ҳатта, қайрилиб ҳам қарамади.

Фрося уйда жанжал чиқаришни ҳам, кўнгилсиз гап-сўзлар бўлишни ҳам истамасди. У ўгай қизи билан ўглининг унга нисбатан совуқ муомалада бўлаётганини сезса ҳам бу унинг нафсониятига тегмасди. «Бир камим, уларнинг қовсқ солаётганларини кўнглимга олиб, асабимни бузиб юришмиди!» дерди Фрося ўзича.

Уша куни эрталаб Фрося болалар билан гаплашиб олмоқчи бўлди. Нима ҳақда гаплашишса ҳам унга барибир, ишқилиб гаплашишса бўлгани эди.

— Сен яхшиси ўзингга шарф тўқиб олсанг бўларди,—Фрося тўғри кўнгилда гапини давом эттирди,—ҳамма қизлар ўзларига тўқиб олишган. Муаллималаринг ҳам ҳамма қатори шарф ўраб юрибди.

— Кимга шарф ёқса ўраб юраверсин, менга шу рўмол ҳам бўлаверади,—Валя газабини аранг босиб, ўгай ойисининг сўзини кесди.

— Бунинг нимаси яхши, қари хотинга ўхшаб кетибсан.—Гапидан Фрося ҳали ўзини қарилар қаторига қўшишни истамасди.

— Ўзингиз ҳам жуда ёшсиз-да!

Бўйнига пионерлик галстугини боглаётган Лёнька муштини оғзига қилиб ҳиринглади.

Лёньканинг бу ҳиринглаши ҳозиргача Валянинг кескин жавобларини пинагини бузмай

эшитиб ўтирган Фросянинг негадир аччиғини келтирди.

— Сен нимани тушуна қолдинг? Яна ҳиринглашини қаранг!—деди Фрося жаҳл билан ўғай ўғлига.

— Нега энди тушунмас экан у?—Валя укасининг ёнини олиб, буйруқ берди:—Лёнька ўйнагани кетдик!

Опа-ука чиқиб кетишди. Фрося бўлса олдидаги бўш ликобчани нари суриб қўйди-да, Антосга текканидан бери биринчи марта ўғай она бўлиш қанчалик машаққат эканлиги ҳақида ўйлаб қолди... «Ўғайнинг ўти қурсин», дерди у ичида.

Антось табиатан кўнгилчан одам, Фрося билан муросаси яхши эди. Фрося илгари ёлғиз туриб, рўзгорнинг бутун ташвишини елкасида кўтариб келганидан эрининг уйидаги шароитга кўникишга қийналаётганди... Антоснинг болалари бўлса... Фросянинг олдинги эридан боласи бўлмаганидан унинг болалар қалбини, уларнинг кайфиятлари, алам ва қувончларини тушуниши қийин ва мушкул эди. Опа-ука нега қовоқларини осилтиришиб, уйдан жўнаб қолишди? У буларга ёмон сўз айтгани йўқ-ку, ахир! Анави бадбахт қора рўмол ҳақида огиз очди, холос... Илойим ўғай оналикни ҳеч кимнинг бошига солмасин! Одамлар Антоснинг болаларига бутун қишлоқ ҳавас қилса арзийди, иккови ҳам мўмин-қобил, меҳрибон дейишарди... Уларнинг меҳрибонлиги эса мана бунақа экан... Қизи худди аридай талади-я! Укасига ҳам пишанг беряпти.

Фрося енги билан кўзини артди-да, сузма қиладиган пайт келмаганмикин, деб қарагани

ўрнидан турди. У ана шу иш билан овора бўлиб турганида Антось кириб қолди.

— Бугун жуда қовоғинг солиқ?— деди у хотинининг кайфиятини дарҳол фаҳмлаб.

Фросянинг тўсатдан ўз ҳолига раҳми келиб кетиб, кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Аёлларга хос бўлган бу кўз ёши кўп кутдириб ўтирмайди, қанчалик тез келган бўлса шунчалик тез қурий қолади.

— Қиргийдай талаб туришгандан кейин одам жуда очилиб юради-да!

— Ким талаяпти?— Антось гарчи уйланган кунидан бошлаб уйдаги оғир сукунат чинакам осойишталикдан йироқ эканлигини кўриб юрган бўлса ҳам бу саволни бермасликдан ўзини тиёлмади.

— Мен Валяга қора рўмол сенга ярашмайди, дедим холос. У бўлса шунақанги гапларни айтдики...

Антосга буни тушунтиришнинг ҳожати йўқ эди. У ана шу қора рўмолнинг қизига қанчалик азизлигини яхши биларди.

У индамай қўя қолди. Кечқурун қизи билан ёлғиз қолганида иложи борича юмшоқроқ қилиб гап бошлади:

— Сен, қизим, ойнинг билан ҳарқалай тинч бўлишга ҳаракат қилгин.

Бу илтимос Валянинг жаҳлини чиқариб юборди:

— У билан жанжаллашишни ҳам, ярашишни ҳам хоҳламайман. Унга кўзим учаётгани йўқ. Унинг... ойнининг қора рўмоли билан нима иши бор? Тагин чаққанини қаранг!

— У чаққани йўқ...

— Нега чақмас экан! Бўлмаса нега ёнини

оляпсиз? Лёньканинг ботинкаси йиртилиб кетганини эса кўзингиз кўрмаяпти...

Валя қизишиб кетганида марҳума онаси сингари отасининг биронта ҳам айбини эсдан чиқармай башарасига бирма-бир айтиб солаверарди.

Антоснинг эса айби бор эди... Лёньканинг ботинкаси бунинг яққол далили. Ўғлининг ботинкаси қуриштиш учун таёққа илиб қўйилганидан «тишларини кўрсатиб» уни: «Аҳа, ўғлингни унутдингми?» деб гўё калака қилаётгандай эди.

Фрося эрталаб, ҳар кунги одат бўйича мактабга кетадиган болаларига нонушта тайёрламади-да, катта ёғоч пақирдан бир бўлак ёғ олиб, столга улоқтирди.

Валя ҳам, унинг укаси ҳам ёққа қўл теккизишмади. Ўша кундан бошлаб Валя, ўзига ҳам, укасига ҳам алоҳида нонушта тайёрлайдиган бўлди.

* * *

Опа-ука дарс тайёрлаб ўтиришарди. Валя адабиётдан ёзган баёнини оққа кўчирар, Лёнька бўлса қийин арифметик масала ечарди.

Антось фермадан келди-да, тезроқ овқат беринглаар, деди. У челака энгашиб қўлини юваркан:

— Опенкин билан биринчи бригадага кетяпмиз. Бугун у ерда вологдалик чорвадорлар ҳақида лекция бўлади. Лектор областдан келган эмиш,— деди.

— У ҳам бултур кузда келган лекторга ўхшаб чўпчак айтиб кетадиган бекорчидир-да,— Фрося жаҳл билан гапира кетди.— Битта чўчқа бир жойда — қаердалигини иблис ҳам билмай-

ди — ўн бешта болалаган эмиш, ҳаммаси тирки-миш, сизлар ҳам шунақа чўчқа боқинглар дейди. Ўзи уларни боқиб кўрганда бунинг қанақалигини биларди. Лекция ўқиш, албатта, осон-да.

— Бу гапинг нотўғри,— эътироз билдирди Антось,— агар биз учун китоблар ёзиб, таълим беришмаганда ўз билмимиз билан узоққа боролмасдик, жоним.

— Колхозчи ўзининг сигирига ҳам хашак тополмаётганида бу лекция билан китобларнинг фойдаси катта-да, ўзи!

— Сенга айтсам, бу ҳақда биз, колхозчилар қайғуришимиз керак. Мана, ўтган йили пичан ўришни чўзиб юбордик. Ёмғир ёғиб қолувди, пичан чириб кетди. «Победа» колхозидагилар пичаннинг битта чўпини ҳам қолдирмай ташиб олишди. Силосни ҳам бизга қараганда уч марта кўп бостиришган. «Победа»нинг одамлари меҳнат кунига пичан билан похол олишди, биздагилар эса сигирларини сотишди ва сўйишди.

Фрося столга тунука товоқ қўйди-да, ўзи ҳам қошиқни қўлига олди.

— Сизлар-чи, ёшлар, овқатланганмисизлар?— деди Антось болаларига.

— Овқатланишган, бўлмаса-чи! Шу пайтгача қараб ўтиришармиди.— Фросянинг товушидан алам сезилиб турарди. Шу важдан унинг Антоснинг гапидан хафа бўлдими, ёки болаларнинг дарҳақиқат овқатланиб олишганидан хафа бўлганми, билиб олиш мушкул эди.

— Балки мен билан боршч ичарсан-а, Валя? Эски одатимиз бўйича, а?— Отаси болалари билан бирга овқат қилган бундан сал аввалги

пайтларини эсларкан, кўзларида меҳр-муҳаббат ўтлари чақнаб кетди.

Валя отасининг кайфиятини юракдан сезиб турарди. Шунда ўзининг кейинги пайтларда қаттиқ ва хафа боқувчи кўзлари ҳам илгаригидай мулойим ва самимий чақнаб кетди.

— Йўқ, дада, ичгим келмаяпти. Биз ҳозиргина овқат қилувдик.

Лёнька отаси билан опасининг гаплари замиридаги туйгуларни унча тушунмасди. Шунинг учун ҳам дафтаридаги ниманидир ўчирааркан, хафа бўлгандай:

— Сизларга овқат ейиш бўлса, мен бўлсам мисолни чиқаролмаяпман,— деб тўнғиллади.

Деразанинг олдидан кўк пальто кийган новча киши ўтувди Антось шошиб қолиб:

— Опенкин келяпти, қизим, диванни йиғиштир,— деди.

Валя дивандаги китобларни тезда олдп-да, отасининг қўлқопини печканинг орқасига тикиштирди. Столнинг устига сочиқ ёзди.

Ёшгина, қотма ва кўзойнакли зоотехник Опенкин шаҳарликлар одати бўйича эшикни тақиллатиб, кириб келди. Унинг соқоли силлиқ олинган, юзида даҳанидан ўнг қулогигача етган чандиқ кўриниб турарди. Ҳаво совуқ бўлганидан бу чандиқ кўкариб кетиб, йигитни гамгин кўрсатарди.

— Салом! Иштаҳангиз карнай бўлсин, Антон Иванович,— Опенкин баланд овозда саломлашаркан, унинг жарангдор овозидан уйдаги ҳамма нарса дарров яйраб кетгандай бўлди.

Лёня зоотехникнинг саломига яхши танишлардай жавоб қайтарди. (У Опенкинни ферма-

да отаси билан кўрганди.) Валя бўлса ҳайрон бўлиб, унча ишонқирамай қаради. Чунки Опенкин колхозга келганидан бери отасига анча ташвиш орттирганди. Тагин унинг қаттиқ-қаттиқ гапиришини қаранг...

— Ўқияпсизми, ёш гвардия?

Бу шунақа пайтларда бериладиган одатдаги саволлардан бўлса ҳам қандайдир бошқача, дўстона эшитилди. Валя шу важдан гарчи истамаса ҳам зоотехник сингари мулойим табассумдан ўзини тийлмади.

— Ўқияпмиз...

Опенкин қўлларини ишқалаб ва қунишиб (шаҳарда модага қараб тикилган енгил пальто зоотехникни қиш аёзидан унча сақлайолмаган кўринарди) Антосга мурожаат қилди:

— Антон Иванович, икковимиз таълим олгани борайлик, тагин ёшлар бизлардан ўтиб кетишмасин.

Зоотехникнинг гапи Лёнькага далда бериб ўзини тутолмай:

— Сиз жуда қарисиз-да!— деб юборди.

Ҳаммалари кулиб юборишди. Антось бўлса зоотехникни:

— Марҳамат, Борис Михайлович, столга ўтиринг, бирга овқат қиламиз,— деб таклиф қилди.

— Ҳозиргина овқат қилувдим. Раҳмат. Тўқман.

— Бўлмаса, нок компотидан ичарсиз дейман? Фрося, қуйиб бер.

— Ўтиринг, ечиниб ўтираверинг. Менинг компотимдақа компотни бекангизнинг уйдан тополмайсиз,— Фрося ёқимли гапираркан, бошқаларга сездирмай халатининг кўкрак тугма-

сини қадаб қўйди. У шаҳарлик кишига ўзини меҳмондўст ва мулојим кўрсатишга тиришарди.

— Бизнинг Анна Григорьевна ҳам зўр пазанда. У шунақанги таом тайёрлайдики, бунақа мазали овқатни шаҳардаги ресторанда ҳам емаганман.

— Ана, айтмадимми,— деди Фрося меҳмоннинг гапидан хафа бўлганини билдирмасликка тиришиб. У компотни стаканларга қуя бошлади.— Сиз шаҳарликлар эса, бизнинг қишлоғимизга келишга қўрқасизлар...

— Йўғе, ҳамма эмас,— Опенкин нимадан-дир хижолат бўлиб, Антосга мурожаат қилди.— Антон Иванович, менга кеча посилка келди. Бир ошнам питра юборибди. У газета редакциясида ишлайди. Ўзи шоир, нарсалари, журналларда ҳам чиқяпти. Лекин уста овчи! Кўрганини қўймайди. Бир ўқ билан тулкининг кўзидан уради... Хатида: «Уч кундан кейин йигитлар билан сен томонга овга борамиз», деб ёзибди. Дуруст бўлар-а, Антон Иванович? Ким билади дейсиз, балки журналистлар ҳам биз бечораларга қиё боқишар? Зора сиз билан биздек арбобларга ҳам мадҳиялар ёзиб қолишса,— деди у ҳазиллашиб.

— Иш чаппасидан кетмаса бўлгани ишқилиб,— деди Антось бўшаган товоқни бир чеккага сураккан лўнда қилиб.

— Бу уларнинг қўлидан келиши мумкин.. Биттаси мақтаб кўкларга кўтарса, иккинчиси чилпарчин қилади. Шунақаси ҳам бўлади.

— Ҳа, балли... Бизнинг колхозимизни ҳам худди шундай қилишди. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, одамларимиз ошиб-тошиб кетаётган-

лари йўқ. Тўғри, урушдан кейин иморатлар қурилди, одамлар ертўлаларни тарк этишди, электр станция ишга туширилди... Меҳнат кунига тегадиган нарсаси шу йилгача беш юз граммдан ошмади... Икки юз граммга тушиб қолган пайтлар ҳам бўлган. Хўш, ҳалиги айтганимдай, электр станцияни ишга туширганимиздан кейин мухбирлар колхозимизни қаргадай босишди десам хафа бўлишмас. Ўзимизнинг районлик мухбир ҳам, областдан ва Минскдан келгани ҳам айланиб юришарди... Нимаики бўлса ёзиб, одамлардан суриштиришгани суриштирган эди... У пайтларда колхозимизнинг раиси Могилевец эди. Мақтаниш деса суяги йўқ эди ўзиниям. У ўзининг районда тилга тушишини, газеталарда мақталишини яхши кўрарди. Ўша раисимиз десангиз мухбирга шундай деб айтиб турибди: «Электростанцияни қуриб олдик, ҳамма қишлоқ хўжалик ишларини электрлаштирамиз, электрда сут соғишни йўлга қўямиз, ҳар бир сигирдан етти ярим минг литрдан сут соғиб оламиз, сулини ўриб, картошкани ковлаб олиб колхозчиларга берамиз!» Хуллас, ундай қиламиз, бундай қиламиз, ҳаммаси шунақа гаплар. Мухбирлар бўлса анграйиб қолишибди. Шунда раиснинг олдида парт ташкилотчимиз Алексей Бинчук турган экан. У соф кўнгил бўлса ҳам негадир юраксиз одам. У Могилевецни тўхтатай деб оғиз жуфтласа ҳам раис бўй бермабди! У мухбирларнинг кўзига колхозимизда коммунизмни кўрсатибди қўйибди. (Одамлар эса бу вақтда нонни Минскдан олиб келишарди.) Кейин нима бўлди денг? Область газетаси колхозимиз ҳақида уч устун мақола бериб, тоза мақтади. Орадан бир ой ўтгандан кейин нонга

борган одамларимиз билан бирга Минскдан машинада ориққина ёш йигитча келиб қолди. У раиснинг олдига кирмай тўғри колхозчиларнинг уйини қоқаверди. Бир кеча бизникида ётди. Одамлар ҳам ундан сир бекитиб ўтиришармиди? Ҳар бир одам колхозда бўлаётган ишлардан гапириб берди ҳамма нарса ўзи очик-ойдин кўриниб турарди... Йигитча колхозда бир ҳафта бўлди, фақат кетадиган куни раиснинг олдига кириб, бухгалтериядаги дафтарларни кўздан кечирди-да, шу билан жўнаб кетди. Шундан кейин бир ҳафта ўтдими ё икки ҳафта ўтдими, марказий газетада колхозимиз дўнбира қилиб қолинса бўладими! Могилевецнинг жинни бўлишига сал қолди, одамлар эса мухбирни мақташарди. У ҳақиқатни кўра билган эди-да... Биз ўшандан кейин Филипп Бороздани раисликка сайладик. Ёш бўлсаям каллали йигит-да.

— У раисликда турса колхозга ҳам сон тегиб қолади,— деди зоотехник ўз фикрини баён қилиб.

Антось тамадди қилиб бўлган, Опенкин бўлса газеталарни шунчаки кўздан кечириб ўтирарди. Лёнька зоотехникдан сал нарида ўтириб, қийин мисолни хомаки дафтарида чиқаролмай чизгани чизган эди. У қизариб кетганидан фақат қўли эмас, балки бурнини ҳам сиёҳ қилиб олганди. Мисолни чиқаролмаслигига кўзи етгач, ҳар маҳалгидай опасига мурожаат қилди:

— Валя, қарагин, қаерда адашганикинман?

Валя ўзининг дафтарини бир чеккага қўйди-да, Лёньканинг мисолини кўздан кечира бошлади.

Зоотехник бўлса болаларга кўз қирини ташлаб турарди.

— Ҳеч нимани тушунмаяпман, гўё ҳаммаси тўғри чиқарилганга ўхшайди...— деди Валя мисолнинг жавобини машқлар китобидаги жавобга солиштириб кўраркан, тарвузи қўлтигидан тушиб.

— Мана, менда худди шундай, Валька,— Лёнька опаси ҳам (у еттинчини битираётганда) мисолни ечолмаётганидан хурсанд бўлиб кетди.

Шу лаҳзада Лёнканинг эсига битта яхши гап келиб қолиб:

— Балки китобдаги жавоб хатодир,— деди.

— Йўқ, шошма, яна бир марта уриниб кўраман.

— Э, сиздақа академикларни қарангу, оддий ва квадрат қавслар турганда фигурали қавсларни ҳам очадими? — Опенкин Лёнькага яна ҳам яқинроқ сурилди.

Валя билан Лёнька шунда ҳам ундан хафа бўлишмади, аксинча чақмоқдек мовий кўзлари кулиб турувчи бу одамга яна ҳам меҳрлари ортди.

— Тўғри, вой каллам қурсин!— Валя ўзининг пешонасига уриб қўйди.

— Эҳ, сени қараю, Валька!— Лёнка дарров бошқа ёққа ўтиб олди.— Тағин еттинчини битираётганимишлар!

— Буни кўринглар, ҳали ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатишга ҳам тайёр,— деди Опенкин Лёнканинг арифметикада икки юзламачилик қилаётганини тушуниб қолиб.

Бироқ Лёнька бундан гангиб қолмади:

— Мен худди шундай чиқарувдим, бироқ сал адашиб кетдим-да,— деди у.

— Яхшиси, индамасанг бўларди, ҳисобдон,— столни йиғиштираётган Фрося гапга аралашди.— Дарс тайёрлаш ўрнига Корзуновнинг шумтакаси билан санқиганларинг санқиган... Шанба куни Степаннинг боғида нима қилдиларинг?

Ўгай онасининг сўзлари тўғри шекилли. Лёнька гулдай қизариб кетиб, бошини ҳам қилганча, машқлар китобини варақлай бошлади.

Антось ўглининг ёлгон ишлатаётганини фаҳмлади чоғи жиддий қиёфада сўради:

— Қани, жавоб бер Левон. Степаннинг боғида нима қилдинг?

— Ҳеч нима,— Лёнька баттар қизариб, бошини китоб устига эгди.

— Степаниха кеча машинада дон тозалаётганимизда Корзунок икковинг уларнинг асалари қутисини қирқиб асалини олмоқчи бўлганларингни айтию, яна нимаси ҳеч нима бўларкан? Яхшиямки Степан ўша ерда экан...

— Биз ҳеч нимани очамиз деганимиз ҳам йўқ, асалари қутисига ёпишганимиз ҳам йўқ!— Йиғи аралаш қичқирди Лёнька.— Биз асалариларнинг ғимирлаб, гинғиллашларига қулоқ солдик, холос... Стёпа ғарам орқасидан чиқиб, бизларни, асалари қутиларини очиб, асалдан ўғирлашмоқчи, деб ўйлаб бақириб қолди...

Лёнька ана шу айбноманинг хижолатини гувоҳсиз тортаётганлиги ва виждонан азобланаётганлиги сезилиб турарди.

— Бунни бутун бригада эшитди, уялганимдан ерга кириб кетай дедим,— деди Фрося гапида тўхтамай.

— Нега у икковини отасининг олдига олиб бормабди?

Валя укасининг ёнини олмоқчи бўлди. У битта-яримта йўлдан урмаса укасининг бунақа ишга қўл урмаслигини биларди.

— Жим бўл, Валя,— отаси овозини кўтариб уни тўхтатди,— бир камим одамларнинг ўғлимини қўлга тушириб келишлари қолувди.— Кейин ўғлига дағдага қилди.— Агар бу иш яна такрорланадиган бўлса кечириб ўтирмайман. Эшитяпсанми, Левон?

Лёня ҳамон машқлар китобига бошини ҳам қилиб ўтирганча миқ этмасди.

— Яхши ота-оналарнинг болаларини ўғирлик қилаётганида тутиб келишмайди!

Валя бу гапни айтишни истамаганди. У бундай дилозор сўзлар оғзидан қандай қилиб чиқиб кетганини ҳам сезмай қолди. У фақат укаси ранжитилганлиги учун ўзини тутолмай қолганини билади холос. Қани, айтинг-чи, бегона одам борлигида шу ҳақда гап очиш шартмиди?

— Сен нима дединг?— отаси тумшайиб бутун гавдаси билан унга ўгирилди.

Энди вазиятни ўзгартириб бўлмас, Валя ҳам буни истамасди.

— Корзуниҳа бизга ўхшаб бировларнинг олдида ўғлини ўғри қилиб, шармандасини чиқаришга пайт пойлаб ўтирмайди, буни билиб қўйинг... Агар ўғлининг айби бўлса бегона одам йўқлигида жазосини беради.

— Ё худойим, яна ўгай она айбдор!— шанфиллади Фрося.— Ҳали бу жазоламаганимдаги маломат. Худо кўрсатмасину, қўлим тегса нима бўлардйкин!

— Агар у ростдан ҳам ўғирлик қилган бўлса, шунақанги қўл теккизиш керакки, иккинчи бировнинг нарсасига қарамайдиган бўлсин... Ма-

бодо хотинларнинг аҳмоқона ғийбати бўлса болали ўғри қилишнинг ҳожати ҳам йўқ.

Валя бу гапни шаштидан анча тушиб жаҳлсиз айтди. У ҳали қизча бўлса ҳам озми-кўпми ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган оқила аёлдай гапирганди.

Отаси иккала аёлнинг гапини тинглаб жим ўтираркан, қизини Лёньканинг тарафини олаётгани жаҳлини чиқарарди. Лёнька ўзганинг боли турмушни ширин қилмаслигини ва бу иш яхшиликка олиб бормаслигини яхшилаб, умрбод эсдан чиқмайдиган қилиб тушуниб олиши керак. Айни пайтда қизининг гапи ҳам уни ўйлантириб қўйганди. Агар туққан онаси бу иш тўғри бўлса ўғлини яхшилаб дўппослардию, лекин уни пайт пойлаб отаси ва бошқа бировнинг олдида ўғри деб шарманда қилмасди.

Туққан она... Антось Соловей ўзига иккинчи хотин қидираётганида болаларини ҳам эсдан чиқармаганди. Бефарзанд ва анча ўзини тутиб олган Фросяга уйланаётганида у хонадонига аёл сезгирлиги, эътибори билан бирга аҳиллик ва осойишталик ҳам олиб кирмоқчи бўлганди. Бироқ ўйлагани бўлмади. Фрося бу хонадонга келгандан кейин бошланган чиқишмовчиликда чамаси кимнингдир айби бор. Хўш, айб кимда бўлсайкин, кимда?

Антось Соловей стол ёнидан вазмин кўтарилиб, чурқ этмай кийинди. У оиласида жанжал чиққанидан Опенкин олдида хижолат бўлиб бўғиқ овозда:

— Кетдик, Борис Михайлович,— деди.

Опенкин нари-бери хайрлашгандан кейин икковлари чиқиб кетишди. Уйга сукунат чўкди.

Алгебрадан бўладиган консультацияга бирга бориш учун Валянинг олдида унинг дугонаси Надюша кирди. У бир гапириб ўн куладиган, анор юзли, зигирпоя янглиг ялтироқ сочли қиз эди.

Валя бу пайтда имтиҳонда кияман деб тиккан кўйлагига дазмол ураётганди.

— Ўзинг тикдингми? Бузиб қўйган бўлсанг керак. Бизникига олиб борсанг ойим тикиб берган бўларди. Нима, Фрося тикиб беролмади-ми? У ҳам чевар-ку, ахир,— бидирлади Надюша оғзига келганини қайтармай.

Валя кўйлакнинг биқин чокларини усталик билан дазмолларкан, мақтаниб қўйди:

— Ўзим тикдим, бировнинг ёрдамини менга нима кераги бор.

— Мен бўлсам игна ушлашни ҳам билмайман. Ойим бўлса: «Эрга текканингда нима қиласан?» деб ҳазиллашади. Мен «Эрга тегиб нима қиламан?»— дейман.

Валя дугонасининг сўзларини кулимсираб тингларкан, унинг гапини бўлмасди.

— Сен ҳаммасини билганингдан ўзинг қиласан. Фрося ҳам бундай қимирлаб сал ёғини эритса бўларди.

— Йўқ, уям қўлини қовуштириб ўтирмайди. Ҳар куни колхознинг ишига чиқади... У менга: «Ўзим тикиб бера қолай», деганди. Бироқ унинг тикиши менга ёқмайди. Кўйлакка ҳар хил бурма ва фалдочкаларни¹ солаверади, уларнинг нимага кераклигини ҳам билолмайсан.

¹ Орқа этак.

— Менимча унинг иши халат тикиш,—
Надюша Фросянинг гулдор байка халатини кўр-
сатиб кулди.

— Буниям жуда оширворган. Тугмаси шуна-
қанги кўпки, солишга ҳам улгурмайди,— Валя
ўгай онаси устидан шунчаки киноя қилиб жавоб
берди. Шу пайт юзида ташвиш аломатлари кў-
риниб қўшиб қўйди.— Кулги кулги билану, эр-
тага алгебрадан йиқилишим мумкин. Икки но-
маълумли тенглама масалаларини ҳеч ишлаёл-
маяпман.

Алгебрадан ўзини билагон ҳисобловчи Над-
юша Валяга тасалли берди:

— Йиқилмайсан. Агар икковимиз битта
вариантни ечадиган бўлсак, сенга чиқарганим-
ни узатиб юбораман, ишонавер.

— Мен барибир қараёлмайман, кўрқаман,—
Валя тўғриси айтиб қўя қолди.

— Тентаг-э, нимадан кўрқасан? Кимёдан
топшираётганимизда ҳамма формулаларни қў-
лимга ёзиб олгандим. Доскада масала ечяпману,
сездирмай қафтимга қараб оламан. Ёнимда ўзи-
мизнинг Иван Петрович турган бўлса ҳам...
ҳеч нимани сезмади.

Дугоналар очик дераза ёнида ўтиришарди.
Дераза олдида ўсган сирень эндигина очилгани-
дан унинг хушбўй иси хонани тўлдирганди.
Надюша дераза рафи оша эгилиб, юзини сирень
гулларига тегизди. Валя ҳам дазмол босишни
тамомлаб, деразадан бошини чиқарди. Бўғот
тагига қалдиргочлар ин қўйганди. Тухум босиб
ўтирган битта қалдиргоч ниманидир талаб қил-
гандай қаттиқ чирқиллади. Бошқаси эса тумшу-
ғида чўп тутиб, уни қаерга қўйса қулайроқ бў-
лишини билолмасди. Унинг бу бефаҳмлиги ту-

хум босиб ётган қалдирғочга чамаси ёқмаётган бўлса керак, у норози бўлиб чирқиллади.

Надюша бирдан қаддини ростлади-да, жиддий қиёфада Валяга қаради.

— Валя, сен ким бўлишни хоҳлардинг?

— Мен сенга ўқитувчи бўламан деганман-ку.

— Ё тавба, шу зерикарли жойдая!— Надюша Валянинг сўзини бўлди. Мен эсам шаҳарда туришни хоҳлайман! Минскда турадиган холамга жуда ҳавасим келади-да! Таътил кунларида уникига борганимда, мени обормаган жойи қолмайди: кинога ҳам, театрга ҳам олиб боради... Мен, Валя, артистка бўлмоқчиман. Яқиндагина «Сўна»ни ўқиб чиқдим-да, ўзимни театрда Жемма ролида қандай чиқишимни кўз олдимга келтирдим! Эсингдами? «Артур! Дўстим, болакайим!»...

Дераза рафида қари мушук Язеп офтобдан кўз қисиб ва ҳеч қандай драматик монологлар билан иши бўлмай бемалол мудрарди. Надюша думалоқ анор юзини Язепнинг майин жунли бошига теккизди-да, бир лаҳза қимирламай турди. Валянинг эса кулгидан ичаги узилаёзди.

— «Артур! Менинг Артурим!»— деди Надюша яна фожиона сўзларни шивирлаб такрорларкан.

— Надюша, Язепга қарагин. У ҳам рўпарасида буюк артистка турганлигини сезаётганга ўхшайди,— деди Валя кулгидан ўзини аранг тийиб.

— Шўрлик,— деди Надюша мушукка қараб,— сен нимани тушунарддинг?!

Надюша Валянинг кўйлагини вешалкага осиб, шкафга қараб юрди.

— Уҳў! Шкаф тўла-ку! Кийимининг кўпли-
ғиёв. Фрося яна бир марта эрга текса ҳам етар-
кан.

— Мен кийимларимни бу шкафта сақламай-
ман. Ойим билан ўзимнинг кийимларимни де-
ворга илиб, устидан чойшаб тортиб қўйдим...
Ойимнинг кийимлари ёнида Фросянинг юбка-
лари туришини кўнглим тортмайди.

Надюша бу мавзудаги суҳбат дугонасига
озор етказишини тушунганидан ўзига хос ил-
дамлик билан гапни бошқа ёққа буриб юборди:

— Бу дазмолни қаердан сотиб олдинглар?
Мен ойимга электр дазмол олайлик деб ҳар
қанча тиқилинч қилсам ҳам у йўқ деяпти.
«Ҳали ёшсан, ойимқиз, эскисида дазмоллайвер-
санг ҳам бўлаверади, печда кўмир етарли», дей-
ди. Отанг ўқитувчи бўлишингга нима деяпти?—
Надюша бундан сал олдинги мавзуга қайтди.

— Дадам ўрта мактабни битиришимни ис-
таяпти, ўгай онам бўлса қишлоқ хўжалик техни-
кумига кўндаланг қиляпти. Мутахассислиги ҳам
яхши, яқин, шарса олиб боришга қулай, дейди.
Бироқ мен бу техникумга бормоқчи эмасман.
Қишлоқ мактабида ишламоқчиман. Менга буни
Лариса Михайловна маслаҳат беряпти, мактаб
директори ҳам етти йилликдан кейин қаёққа
бормоқчисан, деб сўради. Мен педагогика би-
лим юртига кирмоқчиман, дедим. У бўлса «Тўғ-
ри ўйлабсан, Валя. Сенга шуниси маъқул-
роқ»...— деди. Бунинг яхшироқлигини ўзим
ҳам биламан... Уйимизда жуда бўлмай қолди.
Мен ўгай онам билан чиқишолмайман. Чиқишай
десам ҳам эплалмаяпман. Бундан кўра кетга-
ним яхшироқ... Отам ҳам тинч бўлади, галва-
миз ҳам тугайди. Мана, сен шаҳарни ёқтирасан,

мен бўлсам қишлоқни яхши кўраман. Тўғри, Опенкиндай зоотехник ёки агроном бўлишга ҳушим йўқ. Бунга менинг кўнглим чопмайди.

— Жуда тўғри қиласан-да!

Надюша нимаси тўғрилигини охиригача ўйламади-да, яна ўзининг келажаги билан ғурурлана бошлади:

— Мен эсам артистка бўламан! Ойим ҳам бунга рози... Имтиҳонларни тугатишим биланоқ яна холамникига бориб, театр-театр юраман!..

Имтиҳон эсга тушиб, осмонда парвоз қилиб юрган қизларни ерга тушириб қўйди.

— Тезроқ юр, консультацияга кечикамиз,— деди дугонасидан аввал эсини йиғиб олган Валя.

— Кетдик,— Надюша дарҳол ўзини кўзуга солди.

— Менинг нимам Жемма? Редискадай қизариб кетибман-ку...

* * *

Битириш кечасидан кейин отаси Валяга шундай деди:

— Буёғини ҳам ўқийвер, қизим, ўн йилликни битир, кейин институтга кирасан. Қишлоғимиздан ҳозирча институтни озгина қиз битирган. Наташа Пинчук билан Зина Богданларгина, холос.

— Қўйсанг-чи, институтга киради-да, кейин дунёнинг бир чеккасига кетиб қолади. Бу институтларнинг фойдаси қурсин. Мана, институтни Опенкин ҳам тугатган, ҳозир сен билан бирга фермада бузоқларни тарозида тортиб юрибди.

— Аҳмоқ хотинсан-да,— Антось ўзини тутолмай койиб берди.— «Опенкин бузоқ тортиб

юрганмиш»... Ҳа, Опенкин сен айтгандай ўша бузоқларни тортиб юриб, диссертация ёқлаш ниятида. Олим бўлади!

Антось Фросяга қараганда чуқур фикр юри-тарди. Валя отасини шунинг учун ҳам яхши кў-рарди. Отаси ҳеч қачон ўзига ёки оиласига яқин бўлган тор манфаатлар доирасида ўралишиб қолмас, келажакка қарашни яхши кўрар, гар-чи ўзининг ва колхознинг ишларида ҳар маҳал ҳам кутилган тартиб ва аҳиллик бўлмаса-да, бошини ҳам қилмас, балки келажакка ишонар-ди.

— Эркакнинг йўриғи бошқа,— Фрося сўзи-да туриб олди.— Қизга ўн беш йил ўқишдан нима фойда? Эрга тегиб, бола туғиб олади — унинг бор-йўқ иши шунинг ўзи. Мана менинг жияним Надя ўқиб, ўқиб доктор бўлди, кейин ҳарбий кишига турмушга чиқди... Энди бир жойдан иккинчисига кўчиб боласини боқиб ётибди. Бунақалар кам эмас.

Фросянинг гапида озми-кўпми ҳақиқат бор эди. Бироқ Антось чумчуқдан кўрқиб тариқ экмайдиганлардан эмасди.

— Ҳали турмушга чиқишдан гапиришга вақт бор.

— Йигитлар уйгача кузатиб қўйишяпти-ю, вақт бор, дейсан. Қизинг кеча Женька Цвирко билан эрталабгача скамейкада ўтирди.— Фрося бунини ёмон мақсадда гапирмади, у ҳазиллашмоқ-чи эди, холос.

Валя биров ўзи ардоқлаган нарсага қўпол-ларча тил теккизилган пайтдагидай жаҳли чи-қиб, газабдан қайнаб кетди:

— Кузатиб қўйишди, ўтирдим, нима дей-сиз. Бу билан сизнинг нима ишингиз бор? Етти

йил бирга ўқиб, ёнма-ён ўтиришга ҳам ҳақимиз йўқми? Ҳеч ким эрталабгача ўтиргани йўқ, ундан кейин эрга тегишимнинг ҳам ташвишини тортмай қўя қолинг.

— Сендан яхшироқ гап эшитолмаслигимни ўзим ҳам билардим. Етти йилликни битириб бундай деяпсан, агар яна уч йил дадангга юк бўлиб, нонини есанг борми, уйдан қочиб кетишга тўғри келади.

— Қўрқманг, уч йил сизларга юк бўлмайман. Сизларнинг нонингизсиз ҳам куним ўтади, хизматкорликка ҳам кирмайман!— Валя қичқириб шундай деди-да, югуриб чиқиб кетди.

— Нега туз-нонни юзига солдинг? У бўлса нонимиз камайиб қолмас,— деди Антось хотинидан ўпкаланиб.

— Агар қизинг уч йил сенга юк бўлса ўзинг ҳам оч қоласан.

Фросянинг овозида ошкора алам ва эри билан ўгай қизини чақиб олиш истаги сезилиб турарди. Антось Фросянинг кўнглидаги ниятини биринчи марта тушуниб етганидан чуқур уҳ тортиб унга қўшилди: «Тўғри, агар Валя бирор-та техникумга ўқишга кетса дуруст бўлади, ўзи ҳам тинч бўлади, уй ҳам тинчийди».

Шундай бўлса ҳам у индамай қизи сингари уйдан чиқиб кетди.

Ташқарига чиқаётганида у Лёнькага дуч келди. Унинг қўлида қармоқ ва бир банкада чуволчанг бор эди.

— Йўл бўлсин, балиқчи?— деди отаси ўғлининг офтобда қорайган юзига мамнун тикиларкан.

Лёня яланг оёқ ва битта трусикда бўлганидан бамисоли куйдирилган тупроқдан ясалганга

ўхшарди. Чунки унинг бақувват қўллари, ориқ елкаси ва узун оёқлари офтобда бир хилда қорайганди.

— Ёйишга бирор нарса олай... Валя уйда-ми?

— Йўқ, чиқиб кетди. Ойингга айт, ёгдан беради.

— Валя қаёққа кетди ўзи?— Лёня бирдан бўшашиб қолди.

Буни отаси дарҳол фаҳмлади.

— Чуволчангингни остонага қўйгину, дарров ейдиган нарсангни ол, бирга борамиз. Мен ҳам дарёга бораман. Сигирлар яйловда қандай юришганини кўрмоқчиман. Бугун сигирларни биринчи марта очиққа қўйиб юборувдик.

— Дарров чиқаман, дада. Кутиб туринг,— Лёна хурсанд бўлиб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, у қўлида каттагина нон бўлагини кўтариб чиқди.

— Ёғ олмадингми?— сўради Антось.

— Ойимдан сўровдим у: «Ўзинг ола қол», деди. Мен ёғоч пақирнинг олдида ўралашишни истамайман.

— Оббо сен-э, бойвачча экансан-ку. Ўзи тушда ҳам ҳеч нима емадинг, қаёқларда юрувдинг... Қани юр, ўзинг айтгандай ёғоч пақир олдида икковимиз ўралашамиз.

— Дада, болалар Снежокнинг жиғига тегишди, Мишка Корзунов унга тош отувди роса адабини бердим!

— Мишка ўртоғингга айтиб қўй, агар яна шунақа қиладиган бўлса колхоз правлениеси отасининг ўнта меҳнат кунини қирқиб ташлайди. Шунисигаям шукур қилсин, агар буқанинг жаҳ-

ли чиқиб кетса борми, ичак-чавақларини ағда-
риб ташлайди.

— Дада, Снежок мендан қўрқмайди. Ёт-
ганида пешонасини силасам индамайди. Ўзимиз-
нинг Валядан ҳам қўрқмайди.

— Эҳтиёт бўлинглар, унга ҳадеб суйкала-
верманглар,— деди отаси Лёняни огоҳлантириб.

— Ана Валя ҳам келяпти.

Валя уйга ўрта бўйли, ўттизларга борган
қорачагина аёл билан бирга келарди. У синф
раҳбари Лариса Михайловна бўлиб, Валяга
ниманидир тушунтирар, у бўлса бошини бир
томонга солинтирганича жимгина қулоқ соларди.
Валянинг муаллима сўзларига қўшилаётганини
ҳам, ўзининг гапида қолаётганини ҳам билиб
бўлмасди.

«Хужжатларини олгани борганга ўхшайди».
Антон шуни хаёлидан ўтказаркан, яна кўнгли
нотинч бўла бошлади.

— Сизни учратганимиз жуда яхши бўлди-
да, Антон Иванович,— деди Лариса Михайлов-
на Антоснинг таъзимига жавоб бериб.

— Мен ҳам сизни кўрганимдан хурсандман,
Лариса Михайловна.

— Ўжар қизимиз бизсиз нималарни ўйлаган-
ини биласизми?— Лариса Михайловна гапни
сирасига кўча қолди.— У педбилим юртига кир-
моқчи. Очигини айтсам биз ўқитувчилар бу ху-
сусда гаплашиб олдик... Тўғри, Валя, кейинги
йилларда негадир бир текисда ўқимади... Бироқ
у қобилиятли, тиришқоқ қиз, киришса институт-
ни ҳам битириб олади...

— Лариса Михайловна, мен ҳар маҳал бо-
лаларим институтни битиришларини орзу қил-
ганман, ҳозир ҳам орзуим шу...

Антось гапини тугатмаса ҳам муаллима ҳозир орзуси ҳақида гапиришга қийналаётганини тушунди.

— Мен ҳам Валяга қолиб, саккизинчида ўқи, деб ялиниб ётибман,— деди Антось гапини тугатиб.

— Дада, айтганимни қилишимни яхши била туриб, нега бу ҳақда гапиряпсиз... Нимагалигини ҳам ўзингиз биласиз.

Антось қизига ҳеч нима демай ўқитувчисига мурожаат қилди:

— Лариса Михайловна, қизимнинг ўқитувчиси бўлганингиз ва ҳурмат қилганим учун гарчи буни болаларим олдида айтиш лозим эмаслигини билсам ҳам сиздан яширмайман. Уйимиз ҳозир нотинч, шунинг учун ҳам Валянинг ўқиши қийин бўлади... Мен бошқа ҳеч нарсга айтмайман. Фақат болаларимга душман эмаслигимни, уларнинг яхши яшаб, иложи борица яхши ўқишлари тилагим эканлигини айтаман, холос.

Омади гап айтилганидан ҳамма жим турарди.

— На чора,— деди Лариса Михайловна ниҳоят.— Бу чамаси энг оқилона йўл.

* * *

Валя деярли ҳар куни имтиҳон топширишга чақирилишини нигорон бўлиб кутар, педбилим юртидан эса бирорта хат-хабар келмасди. У дастлабки пайтларда деярли ҳар куни почтабон Федя Жукни кутиб олгани кўчага чиқиб турарди.

Афтини сепкил босган, ғирт малла Федя чўлоқ оёғини судраб босиб велосипедини етаклаб келаркан ўзича зўр аския қилдим деб:

— Ҳалиям ёзишяпти,— деб қўярди.

Валя ана шу жавоби учун юзига сепкил тошган Федяни шунақанги ёмон кўриб қолдики, ундан ҳатто хат борми-йўқми деб сўрамай ҳам қўйди. У Федя велосипедини судраб кўчадан ўтаётганида ташқарида турса ҳам у томонга қиё боқмасди. Федя аҳмоқ бўлса тегишиб:

— Валя, сенга ҳалиям ёзишяпти,— деб қўярди.

Валя кейин кўча эшикка чиқмайдиган ҳам бўлди. У энди Лёняни ҳар куни Федянинг олди-га: «Бизга хат йўқми?» деб сўраб келгани юборарди. Улар гарчи аллақачонлардан бери ҳеч кимдан хат олишмаса ҳам юбораверарди. Чунки отасининг фронтчи дўстларн ўзи каби унинг адресини йўқотиб, эсларидан чиқариб юборишган, қариндошлари эса яқин турганларидан уларга умуман ҳеч ким хат ёзмасди.

Валя ниҳоят дош беролмай хатим ҳужжатларим билан бирга тағин йўлда йўқолиб қолмаганмикин, деб хабар олгани почтага ўзи борди.

Бироқ почтачилар буниңг жавоби хат жўнатилганига бир ой бўлгандан кейин айтилади, дейишди. Бир ой тўлишига эса ҳали анча бор эди.

... Валя ниҳоят Лёнькага хат ҳақида оғиз очишни ҳам ман қилганида педбилим юртидан хабар келиб қолди. Уни тағин бошқа одам эмас. Федя Жукнинг ўзи келтирганди. У қўлида оддийгина ва устига унча тушуниб бўлмайдиган қилиб ёзилган оқ конвертни ушлаганича ҳар маҳалгидай иршайиб турарди.

— Феденька, азизим, бера қол!— деди Валя куни кечагина кўзига оламдаги энг ярамас махлуқ бўлиб кўринган Федянинг қўлига ёпишиб.

Машинкада ёзилган энсизгина қоғоздаги хатда Валя кириш имтиҳонларини топширишга таклиф қилинганди.

— Буни дадамга кўрсатишим керак, дадамга кўрсатишим керак!— деди Валя қоғозни кўксига босганича хонада гир айланиб.

... Колхознинг катта буқаси бўлган Снежок қўрадаги кекса заранг дарахтининг соясида ётарди.

— Снежок, Снежок!— Валя уни эркалатиб чақирди-да, ўзини тутолмай баланд тўсиқ устидан ошиб ўтди.

Буқа дарахтга боғлаб қўйилган занжирини шилдиратиб, каттакон бошини силкитди. Кейин занжирдан қутулмоқчи бўлгандай яна бир марта бошини қимирлатди-да, шошилмай ўрнидан турди.

— Менсиз зерикиб қолдингми, дўмбоғим?— Валя кўрқмай унинг олдига борди.— Бугун ёнимда сенга берадиган ҳеч нима йўқ. Эсимдан чиқибди. Жаҳлинг чиқмасин, Снежок.

Буқа Валянинг қўлига бўйнини чўзиб, иссиқ тили билан кафтини ялади-да, калта маъраб қўйди.

— Сени қолдириб, узоқ-узоқларга кетяпман, Снежок,— деди Валя буқанинг шохи ўртасидаги жойини сийпаларкан. У ўзини чорлаётган номаълум йўллари орзуманд бўлиб ўйларкан, лабида табассум ўйнардди.

Снежокнинг қора-кўкиштоб кўзларида самимий ачиниш ва маъюслик сезилаётгандай эди.

Отаси мол қўрадан сут соғувчи Малвина ва

зоотехник Опенкин билан бирга чиқиб келаркан, Валяни пайқамади.

— Фиалканинг аталасига туз қўшиб беринглар иштаҳаси очилиб кетганини кўрасиз...— деди Опенкин Антосга илгари бошлаган гапини давом эттириб.

— Дада!— Валя отасини чақирди.

— Антон Иванович, Валя у ерга қандай қилиб бориб қолди?— деди Опенкин қўрқиб кетганидан.— Снежок олдига ҳеч кимни йўлатмасди-ку...

— У Валяга тегмайди. Валя уни кичкиналигидан боқиб катта қилган,— деди Малвина.— Буқанинг онаси ўлиб қолиб, у бечора ёлғиз қолувди. Кичкинагина, заифгина бузоқ эди, бунинг устига у нимагадир оғриб қолиб, оёқда туролмасди. Шунда уни сўймоқчи бўлишди. Валя шунда йиғлайвериб қўймади. Валянинг онаси ўша кунларда фермада бузоқларга қарарди. Бузоқни ўшанда Валя: «Ўзим боқаман, суғораман, ўт юлиб бераман»,— деб олиб қолди. Мана катта ҳам қилди. Энди қанақа бузоқ бўлганини кўринг...

— Дада, қаранг!— Валя унинг сўзини бўлиб оқ конвертни баланд кўтарди.

— Ахир келдими? Хўш, нима депти?

— Ҳаммаси жойида. Бешинчида имтиҳонга чақирибди.

— Педбилим юртига ҳужжатини топширувди,— деди Антось Опенкинга. У гапини ботинқирамай айтганидан бундан суюнганини ҳам, ачинаётганини ҳам билиб бўлмасди.

— Қиз бола бундан бошқа қаерга ҳам кирарди! Ё ўқитувчи, ё докторликка ўқиши керакда,— деди Малвина гапга араллашиб.

— Хўп, қизим, вақт оз қолди, имтиҳонда йиқилмаслик учун тайёргарлик кўравер,— деди отаси маслаҳат бериб.

— Мен ҳаммасини қайтариб чиқиб бўлганман. Бориб ойимга қарашай, ҳали қарамни йиғиб бўлганимиз йўқ-ку.

— Ойинг уни сенсиз бир ўзи эплайолмайдими? Яхшиси отангинг гапига қулоқ сол, бориб китобингни ўқи,— деди Малвина Валянинг ақвол-руҳиясини тушунмасдан.

Валя эса қандай муҳим хат олганлигидан, ундан бугун бутун колхоз воқиф бўлишини хоҳларди.

— Йўқ, икки соат бориб қарашаман... Хўп. Снежок, яхши қол,— Валя заранг дарахтининг шохчасини Снежокнинг шохига маҳкамлаб қўйди.— Мен кетдим.

— Қизингиз чиройли бўйга етяпти,— деди Валянинг кетидан ўйчан қараб қолган Опенкин.

Нозиккина, қоп-қора сочли бошига ҳеч нарса ўрамаган Валя даладаги тор сўқмоқдан кетиб борарди. Зиғир экилган дала унга мовий тўлқинларсимон йўл бўшатаётгандек туюларди. Унинг чит сарафани олисдан қандайдир ажойиб гулга ўхшарди...

— Ҳали гўдак...— Антось ўтган кунлар ичида шунчалик ўзгарган қизини биринчи марта кўраркан, негадир унинг болалиги ўтганига ачинди.

* * *

Валя кириш имтиҳонларини яхши топширди. Педагогика билим юртида унга биринчи

курсга қабул қилингани ҳақида справка, ётоқхонага йўлланма беришди ва оширилган стипендия олиб ўқишлигини айтишди.

Валя нарсаларини олиб кетгани уйига келганида ҳамма унга ҳаётнинг мустақил йўлига чиқиб олган одамга қарагандай қарашарди.

Валя бундан суюнса ҳам сал маъюсланди.

У ота уйида сўнгги кечани ўтказишга ҳозирланаркан, уйқуга кетиш олдидан Лёньканинг елкасидан қучоқлади-да, ялинишга тушди:

— Қишки таътилда албатта келаман. Унгача, Октябрь байрамида балки отам билан икковларинг борарсизлар. Сен менга хат ёзиб тур. Ўгай ойинг билан уришиб қолмасликнинг пайдан бўл. Яхшиси индама. Билим юртини тамомлаганимдан кейин ўзим билан турасан. Сени ўзим олиб кетаман...

— Унгача ҳали кўп-да...— Лёнька маъюс унинг гапини бўлди.

— Кўп дейсанми? Агар ўзинчини битириб, кейин институтда тўрт ёки беш йил ўқисам — ана унда кўп бўларди. Мен институтда сиртдан ўқийман, сен ўн йилликни албатта тамомлайсан.

— Ҳали узоқ-да...— Лёнька яна шундай деди-да, чидай олмай аччиқ-аччиқ йиглади.— У мени ҳадеб жиғимга тегаверади...

— Қўрқма, тегмайди. У ёмон эмас... Менинг характерим ёмон, ҳеч жим туролмайман, сен бўлсанг чурқ этма... Кейин сени ўзим олиб кетаман. Икковимиз доим бирга турамиз.

Опа-ука Лёньканинг энсиз каравотида маҳкам қучоқлашганларича уйқуга кетишди

ИККИ ДАРЕ ОРАЛИФИДА

Мен колхоз бригадирининг меҳмониман. Бу киши яқинлардагина раис бўлиб, колхозни оёққа бостиришда кўп ишлар қилганди. Бироқ колхоз кичкина бўлиб, у йирикроқ бир колхозга қўшилувди эски раиснинг бригадирлик қилишига тўғри келиб қолди...

Мен кўп йиллик анъанага амал қилиб ўрмонлар орасига яширинган, ирмоқларининг бўйида ва қумлоқ ерларида қуюқ буталар ўсган бу сокин гўшага келиб туришни хуш кўраман. Бригадирнинг ўртада қудуги бор мўъжазроқ қовлисини ҳам, эман ёғочларидан қилиниб, оқ йўсин босиб кетган қўрани, қовлини қуршаб турган эски иморатлар — пичанхона, оғилхона ва битта томли хирмонни ҳам яхши кўраман:

Мўъжазгина қўранинг оёқ томонида кичкинагина боғчаси ва томорқаси бўлган бежирим уй бор. Бригадирнинг куйди-пишди хотини бу ерда гул ўстиради, кўчат етиштиради ва икки қути асаларига қараб туради.

Бу ерда туриб, колхознинг жуда кенг кўчасини яққол кўраман, унинг икки томонида колхозчиларнинг уйлари, ҳар хил иморатлар ва эс-

ки қўралар чўзилиб кетган. Мен излари шу ерларга яширинган мозийни севаман, уни ҳар бир қадамимизда, ҳаётимизнинг ҳар бир кунда аён сезилиб турган янги нарсаларга жон деб алмашаман.

Куни битиб бораётган посёлкадаги (уни колхоз марказига яқинроқ жойга кўчиришни хаёл қилишяпти) уйларнинг орасида ташландиқ бир уй диққатимни тортди. Бу уй бригадир қўрасининг орқасида, Боборуйск йўлининг яқинида жойлашган. Унинг деразаларига зичлаб тахта қоқиб ташланган. Уйнинг пастак зинапояси чириган, тахталари оёқ босса лопилларди. Эшигига каттакон қулф осилиб, тепасига тахтача қоқиб қўйилган. Унга чамаси бригадирнинг ўзи: «Ёнгина жаवобгар И. А. Дзедзич» деб ёзиб қўйганди. Бу уй энди колхознинг ғалла омбори қилиб қўйилганди.

Мен ҳар гал бу уй олдидан ўтарканман, гўё ўзим бир вақтлар билган кишилар шу ерга кўмилгану, уларнинг мозори ёнидан ўтаётгандай негадир дилгир бўламан.

Уйнинг икки бурчаги катта, анча пуд келадиган тошлар устига қўндирилган, қаршидаги томонларини эса қумлик заминга қоқилган йўгон устунлар кўтариб турарди. Бундан хўжайин уйининг тагига пойдавор қўймоқчи бўлганлиги, бироқ, уни ё эплайолмагани, ё бошқа бирор нарсаси халақит берганлиги сезилиб турарди. Энди эса уйнинг тагидаги ёғочлар чириб, ёрилган, шамол сариқ қумни ялаб кетганди. Гоҳона шу ёғочлар орасида узун қулоқ қуён кўриниб қоларди-да, хавфни сезиб дарров яшириниб оларди. Афтидан ўша ер қуённинг ини, хонадони ҳам ўшанда бўлса керак.

Унсиэ уйнинг ёни ҳувиллаган ва ним қоронги. Унинг посёлкадаги уйлар каби қўраси ҳам, боғчаси ҳам йўқ. Уйнинг рўпарасида худди ўшандай ҳувиллаган кичкинагина хирмон, унинг ёнида эса очиқ ҳавода эски арава ва турли қишлоқ хўжалик ускуналари турарди. Уларни тобора босиб кетаётган явшон ва алафлар ташландиқ ва эгасизлигини билдириб турарди.

Нега бундай бўлди? Илгари бу ерда ким турган?

Бу ҳақда менинг адашим ва тенгдошим бўлгаи кўлхоз бригадири ҳикоя қилиб берди. Мана унинг айтганлари:

— Ҳар бир кишининг ўз қисмати бор,— бригадир оппоқ ва майин мўйловини силаб гап бошлади.— Қисмат ёлғиз одамдагина бўлмайди. Гоҳо бутун бир хонадоннинг ҳам қисмати бўлади. Мисол учун айтсак, Роман Красницкий хонадонининг қисмати ҳам шундай қисматлардан биридир,— бригадир ҳувиллаб ётган уйга имо қилиб қўйди.

Роман Красницкий гамхўр ва куйди-пишди хогини Анета билан ана шу уйда бирдан олдин, бирдан кейин кун кечирарди. Уларнинг икки қизи ва уч ўғли бор эди. Қизлари турмушга чиқиб, чеккароққа кетиб қолишди. Буларнинг турмушга чиқиши оғир бўлмади, нега деганда, улар тани-жони соғ, қувноқ ва меҳнатсевар қизлар эдилар-да. Гоҳо уларнинг даладами ёки хирмондаги молотилка ёнидами ишлашаётганини кўриб қолсанг одам яйраб кетарди. Чунки улар ишнинг жуда кўзини билишарди-да. Ўзлари ҳам яхши жойларга тушишди. Биттаси муаллимга тегди, бошқаси эса ўрмон хўжалигининг ходимига турмушга чиқди. Улар эрлари ва ўзаро

дўст ва аҳил эдилар. Романнинг иккита ўғли шаҳардаги заводда ишлашарди. Улар ёмон уста эмасди. Уларнинг кенжаси Петрик эса ҳали ўсмир бўлиб, ота-онаси билан бирга турарди.

Романнинг уйига қизлари бола-чақалари билан, гоҳо шаҳардан ўғиллари келганида шодухуррамлик бўлиб кетарди. Улар колхозда ишлашдан ор қилишмасди. Ҳаш-паш дегунча Романнинг меҳнат куни ўнта-йигирматага кўпаярди, болалари ота-оналарига ҳар хил совғасаломлар ҳам олиб келишарди. Бир сўз билан айтганда, турмуш кундан кунга фаровонлашиб борар, фақат Роман Красницкийнинггина эмас, балки бутун колхозимизнинг иши олдинга бормоқда эди. Бироқ эртага нима бўлишини бугун ким ҳам айтиб бераоларди дейсиз?

Бригадир шунда менга талабасига қараган муаллимдай нигоҳ ташлади. У кўринишидан профессорга ўхшарди. Юмшоқ мўйлов, соқоли чиройли қилиб калта қирқилган, кулранг кўзлари ўйчан боқарди. У менинг ўйлаб олишимга фурсат бергандай жим қолди.

— Хатарли йил яқинлашиб, кунларимиз безовта ўтарди,— деди бригадир гапида давом этиб.— Гитлернинг бурни шунақанги кўтарилиб кетдики, унга нарвон қўйиб ҳам етиб бўлмасди! У гўдаймасдан ким гўдайсин? У Европадаги ишини тезда битирди қўйди: бир неча кун ичида Польша, Чехословакия, Бельгияни босиб олиб, Францияни тиз чўктирди ва Англияни ҳам жуда эсанкиратиб қўйди.

Гитлер қисқа вақт ичида бутун Европани поймол қилди-да, кейин бизга қараб кела бошлади. Биз гарчи уруш тўғрисида ўйлаётган бўл-

сак ҳам у гўё кечаси уйимизни ўгри босгандай тўсатдан бошланди.

Ўша пайтларда нималар бўлганини эсласанг юрагинг изтироб ва аламга тўлади. Ер замбарақларнинг гумбурлаши билан снарядларнинг ёрилишидан инграр, танклар ва ўзи юрар танкларнинг занжирлари уни ларзага соларди. Пўлатга бурканган гитлерчи галаларнинг келишгани келишган, уларнинг кети кўринмасди. Улар билан бирга эса ажал, вайронгарчилик ва ёнғин ҳам келарди.

Кечасилари ҳовлига чиқиб қолсанг одам жуда эзилиб кетарди. Нега деганда олисдан дам у ер, дам бу ердаги ёнгинларнинг ёлқини кўринар, гўё иблис қутуриб, узун ва ўткир тишларини кўрсатаётганга ўхшарди. Урушнинг учинчи кунини кечаси билан Минск устида гўё ўт ва тутундан иборат дарахтда олов шафағи турганини кўрганда одам ҳеч чидай олмасди. У Минскдан етмиш беш километр узоқ бўлган мана шу ерларни ҳам ёритди-да. Ўшанда ҳаммамизга жуда оғир бўлганди. Нимаики бўлса ҳам ҳаммаси ўтди кетди, энди уларни ҳечам қайтиб кўрмайлик!

Роман Красницкийнинг ўғиллари урушнинг дастлабки кунларида ҳалок бўлишди. Гитлерчилар улар ишлаётган заводни бомбардимон қилишганди... Улар шунда ҳалок бўлишганми ё бошқача бўлганми ҳарқалай улардан хабар ҳам бўлмади, биттасиям қайтиб келмади.

Ўзимиз ҳам оғир кунда қолгандик. Гитлерчи малъунлар ўлкамизни босиб олиб, умрбод хўжайинлик қиламиз деб ўйлашган экан. Оқибат худди бировнинг томорқасига тумшуғини суққан чўчқанинг аҳволига тушишди.

Гитлер армиямиз устидан қозонаётган ғалабаси ҳақида бутун оламга жар солиб улгурмасиданоқ, биз унинг орқа томонидан туриб зарба бера бошладик. Немисларнинг омборларига тез-тез ўт тушиб, эшелонлари ағдарилиб турар, партизанлар гитлерчиларни тутдай тўқардилар.

Коммунистик партиямиз халқ орасига нақадар кучли ва чуқур илдиз олганлигини қаранг! Коммунистлар урушнинг биринчи кунларидан бошлабоқ, яширин ҳаракатга ўтдилар ва ўлкамиз бўйича жанговар дружиналар тўплай бошладилар. Кичик партизан группаларидан яхши қуролланган жанговар қўшилмалар бунёдга келтирдилар.

Гитлерчи босқинчиларнинг уясига ўт тушди. Кўприклар, паровозлар, темир йўллар кўкка учарди. Сал наридан, ўрмон орқасидан Бобруйск йўли ўтади. Партизанлар фашистларни ундан ўтказмай қўйишди. Ундан юришга битта ҳам душманнинг юраги бетламасди.

Фашистлар ва уларнинг малайлари қўрқувдан қалт-қалт титрашарди. Бу ерларга кундузлари ҳам катта отряд билан ва тиш-тирноғларигача қуролланган ҳолда келишарди. Улар партизанлардан ўтдан қўрққандай қўрқишар, шунинг учун ҳам кўргани кўзлари йўқ эди.

Немислар нималарни қилишмади дейсиз. Пистирмалар қўйишди, жазо экспедициялари ва сотқин-жосусларни ҳам юбориб кўришди. Бироқ бирортасининг ҳам нафи йўқ эди. Партизанларга алоқаси бўлган одамларни даҳшатли жазо ва огир ўлим кутарди. Партизанлар билан кимнинг алоқаси йўқ эди дейсиз?

Партизанлар билан алоқада бўлгани учун гестапонинг қўлига тушганларнинггина эмас,

балки партизанларга сал-пал алоқадор бўлганларнинг ҳам ҳоли хароб эди. Босқинчилар Романнинг куёвлари партизанлар сафига кетишганини билиб қолишгандан кейин уларнинг болачақаларини ҳам отиб ташлади. Пировардида Романни ҳам қўлга олишди. Бу одам ҳам шу-шу уйига қайтиб келмади.

Романнинг хонадонидагилардан ҳаммаси ўлиб, икки киши — чолнинг хотини Анета билан уларнинг кенжа ўғли Петрик қолди, холос. Бироқ булар ҳам уйларида туришмасди.

Петрик яхши йигит бўлиб ўсганди. У аҳён-аҳёнда уйига бош суқар, ўшанда ҳам кўп турмасди. У разведкачи ва алоқачи сифатида партизанларнинг турли топшириқларини бажарарди. Анета бўлса қўшни қишлоқларда бўлиб, қариндошларникида ва танишларникида ётиб юрарди. Катта ўғиллари ва эрининг қисматидан беҳабар бўлган бу шўрлик хотин ҳали ҳам улардан битта-яримтаси қайтиб қолар, деган умидда яшарди.

Петрик ойисини хатарсизроқ бўлган ўрмонга юрақолинг деб унатишга ҳаракат қилар, бироқ у қишлоқма-қишлоқ юришини қўймас, гоҳогоҳ уйига кириб қўярди. Унинг Петрикдан жони ҳалакда эди. Нега деганда, Петрик жуда довюрак, ўзини ўтга-сувга урадиган йигит эдида, тушмагур! Кампир, ўғлимни ўлдириб қўйишса нима қиламан, деб хавотир оларди.

Петрикнинг қалбида эса ғазаб қайнарди. У фашистлар ўз хонадони ва одамлар бошига солган кулфатларига ҳеч чидай олмасди. Онаниннг кўнглидан нималар ўтаётганини ҳам, унинг ўзидан бўлак суянчиги йўқлигини ҳам биларди. Бироқ Петрик ойисининг олдида қўл қовушти-

риб ўтиролмасди. Унинг теварак-атрофда бўлаётган нарсаларга ўз қараши, кейин бўладиган нарсалар ҳақида ҳам ўз фикрлари бор эди. Чунки уруш умрбод давом этмайди-ку, ахир!

Бир тасодиф, тўғрироғи, битта воқеа Петрикнинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Бу Петрикка яхши бўлдимидек ёки ёмон бўлдимидек — айтиш қийин. Одамлар бошга тушганини кўз тортади дейишади ҳайтовур.

Бу ердан уч километр нарида, Свислочи дарёсининг нариги бетида кичкина посёлка бор эди. Ўша посёлкада Максим деган балиқчи бўларди. Максимнинг Тася деган қизи бўлиб, Петрикдан икки ёш кичик эди. Ўзи иккаловининг ёшини бирга қўшганда ҳам қирққа етмасди. Тася ҳам Петрик сингари партизанлар билан алоқа тутиб, турли топшириқларни бажарар — разведкага борар, дори-дармонлар ва партизанларга керакли буюмлар йиғарди.

Петрик бир кун Тасяни учратиб қолди-да, нега уни илгари кўрмаган эканман, деб ҳайрон бўлди. Шунда йигитнинг юрагида ишқ ўти алангаланди. Бу ўт кўз ўнгида ялт этган камалакдай кўзлари, юраги ва фикр-ўйлари бир умрга қолди.

Йигит қаёққа бормасин, нимаики қилмасин, Тася доимо кўз олдида турарди. У Тася билан бир дақиқа бўлса ҳам икки-уч оғиз гаплашса бениҳоя хурсанд юрарди. Қизнинг овози бами-соли куйдай унинг қулоғида жаранглаб турарди. Кўзларида қизнинг жўшқин табассуми олис юлдуз шуъласидай жилва қиларди... Ёшлик, илк соф туйғуни ўзингиз биласиз-ку!

Тасяни бир кун кўролмаса Петрик жуда азоб чекарди. Шунда йигит ўзини қўйгани жой

тополмас, олам кўзига ёмон кўриниб қоларди. У партизанларнинг бирорта топширигини бажаришга бораётганида бир дақиқага бўлса ҳам Тася турган посёлкага кириб чиқар, келган пайтда қиз уйида бўлмаса ундан хафа бўларди.

«Наҳотки Тася уни кўришимни билмаса, сезмаса? Чамаси у мени кам ўйласа ва мутлақо қизиқмаса керак!»— деб ўйларди у.

Шундай бўлса ҳам Тася унга бир куни: «Бирор ердан учрашиб туришимизга тинч жой танлайлик»,— деб қолди. Петрик Тасяга миннатдор бўлиб қаради. Унга оламда Тасянинг кўзидан бўлак чиройли кўз йўқ эди.

«Тася сени деб дунёнинг нариги чеккасига ҳам кетишга тайёрман.»

Тася унга яна қаради-да, кулиб қўйди. Кейин қовоғини солинтириб:

«Буларни гапиришга ҳали бор, Петрик!»— деди.

«Балки у тўғри айтаётгандир»,— ўйлади йигит. Унга оламда Тасядан бошқа ақлли қиз йўқдай туюларди. Тасяни яхши кўрганидан кейин нега бу вақтда гапиришга ҳали эрта дейишнинг ҳожати бор экан?

Тўғри, Петрик ҳали ўзининг муҳаббати ҳақида қизга оғиз очмаганди. Ҳамма нарса шундоқ ҳам аён бўлиб тургандан кейин гапириб ўтиришнинг ҳам нима кераги бор, дейсиз?

Ошиқларга учрашадиган энг боп жой ўзимизнинг дарё Свислочи дарёси билан қўшилган жойидан топилди. У ер шунақанги чакалак ва ўтлари баланд ўсганидан кундузи одамни чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмасди! Эманнинг устига чиқсангиз теварак-атрофдаги бир неча километр жойлар кафтдай кўринарди. Бу жой Петрикка

ҳам унча узоқ эмас, Тасяга яна ҳам яқин эди. У бунинг Свислочидан ўтса кифоя қиларди.

Ошиқларнинг ўзлари тушунадиган сигнализацияси бор эди. Тася у ёки бу сабаб билан учрашувга келолмайдиган бўлса эман шоҳига похол эшиб, илиб кетарди. Петрик буни кўриб, қизнинг келолмаслигини биларди. Петрик қизни бирорта хавф-хатардан огоҳлантирмоқчи бўлса, қозиқни ерга Тася яхши кўра оладиган қилиб тикиб кетарди. Гоҳо эса улар сурнай овози, кукулаш, ўрдакдай гақиллаш ёки ҳуштакни ҳам ишга солишарди.

Мен гарчи партизанлик қилмаган бўлсам ҳам уларга у-буда қарашар ва теварак-атрофда бўлаётган нарсаларга разм солиб юрардим. Қишлоқ кишилари менинг олдимга нима қилсак экан, тирикчилигимиз нима бўлади, деб маслаҳатлашгани тез-тез келиб туришарди. Кечасилари партизанлар дам олгани ва тамадди қилгани киришарди. Мен ана шунинг учун ҳам доимо қулоғимни динг қилиб юрардим.

Ишлар ниҳоятда чаппасига кетиб, одамларнинг ўз уйларида туришлари ҳам хатардан холи бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам беркинадиган бирорта хилват ва тинч жойни кўз тагига олиб қўйиш керак эди. Мен ўшанақа жой қидириб юриб, бир куни Петрик билан Тася учрашадиган ерга бориб қолдим. Улар бир-бирларининг пинжларига кирганларича тинчгина ўтиришар ва нималарнидир гапиришарди. Мен гарчи уларнинг учрашувлари шоҳиди бўлсам-да, гапларига қулоқ тутиб ўтирмадим.

Тася ер сузганича қўлига илинган ўтни юлқилар, Петрик бўлса нималарнидир гапириб, унга тикилгани тикилган эди. Тася гоҳо ўзига

ярашиб тушган мулойим табассум қилиб юлган ўтларини Петрикка отарди.

Шунда ошиқларга раҳмим келиб кетди. Булар ёш, гўзал ва эндигина ўзларининг биринчи баҳорларини кутиб олаётган бўлсалару, ана шундай яшириниб, севгиларини пинҳон тутиб ўтиришса...

Ушанда мен: «Ҳаётнинг кучи нақадар буюк! Уруш, хавф-хатар, ажал кезиб юрган бўлишига қарамай, булар бахт, ўзларининг келажакларини орзу қилиб ўтиришса!» деган ҳаёлга боргандим.

Шу воқеадан кейин бир неча кун ўтгач, мен Петрикка ҳазиллашиб, Тася икковинг тажрибасиз экансизлар, разведкаларининг унча мазаси йўқ экан, дедим. Петрик нимага шама қилаётганимни фаҳмлади-да, ўзи ҳам ҳазил билан: «Сиз, амаки, ўзимизнинг одамсиз, фашист эмассиз. Сиздан беркиниб қаёққа бордик»,— деб қўя қолди.

У қувноқ йигит эди-да!

Кунлар эса бирма-бир ўтаверди. Кўп гитлерчилар ўзларининг ғалаба қозонаётганлари ҳақида акиллашарди. Агар уларнинг гапига ишонадиган бўлса, Қизил Армия аллақачонлар йўқ қилинган эди. Бироқ бизга бошқача хабарлар келиб турар, Қизил Армия ҳужумга ўтиб, душманни келган томонига қараб қуваётган эди...

Фашистлар худди бигизга ўтириб олгандай питирчилаб қолишди. Партизанлар уруши эса тобора авж оларди. Халқ қасоскорлари энди душманнинг айрим гарнизонларини қирибгина қолмай, гитлерчиларнинг танкли ва замбаракли бутун-бутун дивизияларини ҳам тор-мор келтирардилар.

Гитлерчилар қутуришар, уларнинг ҳайвоний газаби ҳаддидан ошганди. Улар ана шундан кейин Тася турган посёлкага ўт қўйишди. Ўтда қирқ саккизта одам куйиб ўлди.

Тася бу пайтда уйида эмасди, шунинг учун ҳам у омон қолди. Бироқ унинг уйи ҳам, отаси Максим балиқчи ҳам энди йўқ эди. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир одамнинг ўз қисмати бор, дейдилар-да.

Петрик хатарли пайтда бизга партизанларнинг ҳаммаси ўрмонга кетсин деган буйруғини олиб келди. Ҳаммамиз уйимизни ташлаб, ўрмоннинг ичкарасига йўл олдик. Сиз қўзиқорин териб юрганингизда эҳтимол бизнинг ертўлаларимизни кўргандирсиз? Ҳар ким эплаганича яширинди, энг хилватгўшалар ҳам қолмади. Бир хиллар Парна томонга кетишди, бошқалар Свислочи атрофига қўнишди, энг хилватгўша — Брамск ботқоқлигига кетганлар ҳам бўлди.

Биз ҳали дурустроқ ўрнашиб олганимизча ҳам йўқ эдики, жазоловчилар посёлкамиз томон юриб қолишди. Тўғри, улар посёлкамизга етишолмади. Партизанлар разведкаси ҳам қараб турмади, бутун халқ партизанларга мадад берди-да. Партизанлар мана шу ерда, даланинг оёқ томонида, Бобруйск йўлининг ёнида душмани шунақанги тала-тўпга олишдики, улардан жуда кам одам қочиб қутулди, холос. Посёлкамиз омон қолди. Ана шу тала-тўпдан кейин фашистлар қораларини ҳам кўрсатмай қўйишди.

Биз сал хотиржам тортдик, яширинча дам битта, дам иккита одам уйига бориб кела бошлади. Анета ҳам уйига бориб келмоқчи бўлди. У нон ёпмоқчи эди. Чунки партизанлар сафарга

тайёргарлик кўришар, Петрик ҳам улар билан бирга кетарди-да.

Анета ўглига ҳеч нима демай эҳтиёткорлик билан, ўрмондаги ҳар бир шитир-шитирга қулоқ солиб уйига йўл олди. У ҳеч қандай хавф-хатар сезмай ва ҳеч кимга билинтирмай уйига етиб олди. Ичкарига ўтин олиб кириб, печкага ташлади-да, уни ёқмоқчи бўлди.

Худди шу вақтда жазоловчилар кўриниб қолса бўладими! Анета деразага қаради-ю, қалт-қалт титрай бошлади. Печкага ҳам, хамирли идишига ҳам қарамай даҳлизга югуриб, ундан ҳовлига чиқди. Кийимини елкасига ташлаб, югурди. Уй, кўраяпсизми, юз қадам ҳам келмайди, у ёғи эса ўрмон.

Гитлерчилар Анетани кўриб қолиб кетидан югуришди. У бўлса игнабаргли дарахтзорга етай-етай деб қолганди. Фашистлар шунда тўхтаб автоматларини олишди-да, сидрасига ўқ ёгдиришди. Анета бошидан ўқ еб йиқилди. У бечора сафарга кетаётган ўглига нон ёпиб беролмай ўлиб кетаверди.

Биз уни эртасига дафн этдик. Романнинг бутун хонадонидан энди биргина Петрик қолганди. Унга ҳамманинг раҳми келар, ҳамма хайрихоҳ эди! Бечора етим қолганди: акалари ҳам, опалари ҳам, отаси ҳам, онаси ҳам йўқ эди...

Петрик бечора озиб-тўзиб, кўзлари киртайиб қолди, доим хомуш ва унсиз юрарди. Менинг унга жуда раҳмим келарди. Унинг қаёқларга бориб, нима ишлар қилиб юрганини кам одам биларди. Петрик одамови бўлиб қолди. Унинг хаёлида акалари, опалари, отаси ва онаси учун босқинчилардан қасос олишдан бўлак ўй йўқ эди!

У ўзидан катталар, ақалли бирга жанг қилишаётган партизанлар билан ҳам маслаҳатлашмай эсэсчилар ва полицайларнинг ашаддий кушандаси бўлиб қолди. Петрик партизанларнинг топшириқларини бажаришдан ҳам ана шу «овига» қаттиқ киришарди. Оқибатда отряддагилар унга интизомсиз йигит деб ола қарай бошлашди!

Петрикка ўрмонда тасодифан дуч келиб қолдим. Қарасам лаблари қимтилган, кўзлари ғамгин.

Мени кўргандан кейин чеҳраси сал ёришгандай бўлди.

«Хўш, Петрик, яхшимисан?»— деб сўрадим ундан.

Менга қараркан, лаблари титраб кетди.

«Умрим тамом бўлган»,— Петрик шундай деди-ю, баттар қовогини солиб олди.

«Қани, ўтирайлик-чи»,— деб таклиф қилдим.

Биз кунданинг устига ўтирдик.

«Петрик,— дедим унга.— Одамларнинг мушибати кўп, етимлар ҳам сероб. Одам ўз ажали билан ўлса, унча алам қилмайди. Ҳаммамиз ҳам одамлармиз, вақт-вақти билан қулаймиз. Сенинг бошингга огир кулфат тушди. Бардам бўл, йигит, ўзингни қўлга ол. Дунёда ўзинг ёлғиз эмассан-ку, Тасяни ўйла...»

Бригадир шунда жим қолиб хўрсинди.

— Агар билганимда Тасяни унинг эсига солмасдим.— Петрик муштини қисдию, бошини кўксига ташлаб, ўксиниб йиғлай бошладди.

«Сенга нима бўлди?»— деб сўрадим ундан. Йигит бир неча дақиқа қалтиллаб турди-да, ўзини босиб олгандан кейин аранг:

«Тасяни... олиб кетишибди... Гестапога»,— деди.

Мен ҳам бир лаҳза тилдан қолдим.

«Ҳали ҳам иложи йўқ эмас, Петрик,— дедим унга.— Партизанларнинг олдига бориб, гапириб бер. Улар Тасяни қутқаришга ёрдам беришади. Ўзингни қўлга ол».

Ўзим шундай десам ҳам Тасянинг эсон-омон қутқарилишига унча ишонмасдим. Тася сақланаётган жойга бориш эса осон эмасди. У ерда душман кучлари кўп эди. Фашистларнинг базалари ҳам ўша ерда бўлиб, энг муҳими у жойни кучли гарнизон қўриқлаб турарди.

Петрик менга ҳеч нима демади. Афтидан, унинг ўз режаси бўлиб, йигит уни бир ўзи бажармоқчи эди. Уни бу ишга нима мажбур қилганига ҳеч ақлим бовар қилмайди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Петрик менинг олдимга кириб, сафарга ҳозирланаётганини айтди.

«Қанақа сафарга отланияпсан, Петрик?»— деб сўрадим ундан.

Петрик, бу катта сир, уни айтишга ҳақим йўқ, агар менга нон, ёғ ва пича пул берсангиз сиздан жуда миннатдор бўламан,— деди.

На чора? Сир бўлса сир-да. Шунақанги ишлар ҳам бўладики, улар ҳақида бировга айтиб бўлмайди. Мен бундан ташқари ҳам йигитнинг жонига тегиб, ярасини янгилашни истасамдим. Петрик ҳам барибир ҳеч нима айтмаган бўларди. У ана шундай табиатли йигит эди.

Петрик сафарга жўнади. У қалин чакалаклар ва бутазорлар оралаб, бўрилар юрадиган сўқмоқлардан кетиб борарди. У қаёққа кетаётган эди денг? Гестапочиларнинг уяси бўлган жойга

кетаётган эди! Уни ўша ерга Тасяни кўриш ва озод қилиш истаги олиб борарди.

У гестапонинг ишончли малайи бўлган бир полицаи билан олдиндан келишиб қўйганди. Полицаи Хрулка дурустгина пора эвазига Петрикни Тася билан учраштириб қўйишни бўйнига олганди. Менинг пулим унга ана шунинг учун ҳам керак экан.

Полицаи Петрик билан нимага келишганини гестаподаги бошлиғига айтибди. У эса Петрик билан Тасяни ишга солишга аҳд қилибди.

Гестапочи обер-лейтенант Петрикни ўз кабинетида очик чехра билан кутиб олгандан кейин йигитга қаёқдаги нарсаларни ваъда қилиб, уни «пишитишга» киришибди. Ниҳоят, агар гестапога хизмат қилишга рози бўлсанг Тасяни чиқариб юборишга ваъда қиламан, деб гапини тугатибди. Тасянинг партизанлар билан алоқаси борлигига шама қилиб, унинг сўроқ қилиниши ва дорга осилажагини айтибди.

«Хўш, розимисан?»— деб сўрабди ундан обер-лейтенант.

Петрик ўйлаб турибди-да, кейин гестапочига қараб:

«Менга соқчилар ҳеч қаерда ушламайдиган пропуск беринг»,— дебди.

«Гут, гут!»— обер-лейтенант шундай дебди-да, Петрикка пропуск беришни буюрибди.

Петрик бу пропускни нимага олганини ўзи ҳам билмасди. Унинг хаёлига қандайдир бир нааниқ фикр келибди, бироқ ўтгандан кейин эса эси яна жойига тушибди. Бу пропуск унга Хрулка билан ҳисоб-китоб қилиш учун зарур эди.

У Тасяни барибир кўролмади. Обер-лейтенант Петрик гестапони алдамаганини амалда

кўрсатгандан кейин уни Тася билан учраштиришга ваъда берганди.

Полицай Хрулка Петрикнинг Тасяга келтирган нарсасини олаётганида ўзича кўз қисиб қўйибди. Унинг бу хунук иржайиши йигитга бир неча кунгача тинчлик бермади.

Петрик энг тинч жойларни танлаб ўрмонда икки кун лақиллаб юрди. Унинг хаёлида: «Тасяни қандай қутқарсамикин? Ғубордан қутилиш учун Хрулка билан қандай ҳисоб-китоб қилсамикин?» деб ўйлагани ўйлаганди.

Бор нарсани командирга айтиб беришнинг вақти ҳали ўтмаган бўлса-да, бундай қарор йигитнинг хаёлига ҳам келмаганди.

Гитлерчилар Бобруйскдаги жангдан кейин барча йўللардан ғарб томон қочиб қолдилар. Петрик ўрмондан чиқиб, Тася сақланаётган жойга боргунча уни ҳеч ким тўхтатмади. У ерда бирорта ҳам немис зоти кўринмасди.

Полицай Хрулка Петрикни кўргандан кейин қўрққанидан чўчқаникига ўхшаган кўзларини мўлтиратибди.

«Капут!—Хрулка бўшашиб шундай дебди-да, қўлини умидсизларча силкибди.—Ўз билгингча жонингни сақлайвер. Хоҳласанг бирга қочамиз, икковимиз дўстмиз-ку, ахир.»

Петрик полицайга нафрат билан қаради.

«Немислар қуён бўлишди, жазманингни Германияга олиб кетишди»,—деди Хрулка белкуркакдай йирик курак тишини кўрсатиб.

Петрикнинг кўз олди қоронғилашиб, қўлида немис ханжари ялтиради. Хрулка қарашга ҳали улгурмасданоқ, йигит ханжарни унинг биқинига санчди. Хрулка шалвираб ерга тушди. «Шу ер-

да ўлавер, гестапочи ярамас!»— Петрик шундай дея одамларимиз ёнига югурди.

У ўрмонда анча айланди, партизанлар эса анча илгарилаб кетиб қолгандилар. Петрик шундан кейин қисмларимиздан бирига олишларини илтимос қилиб, нимаики бўлса яширмай борини айтиб берди. У Германияга етишни жуда-жуда истарди. Чунки у Тасяни топиш умидида эди.

Қисмдагилар Петрикнинг айбларини кечириб, ёшлигини ҳам, муҳаббатини ҳам, полицай билан ҳисоб-китобни ҳам инобатга олишибди. Уни армияга қабул қилишибди. Бироқ Петрикнинг Германияга етган-етмагани номаълум. Унга кейин нима бўлганини билмайман.

— Билганимнинг бори шу,— деди бригадир хўрсиниб.— Тася кейин билсак, ҳақиқатан ҳам Германияда экан. Уни ўзимизнинг аскарларимиз озод қилишибди.

* * *

Бригадирнинг ҳаққоний ва мунгли ҳикоясини тингларканман, кўз ўнгимда уруш манзаралари гавдаланди. Юрагим оламдаги энг ашаддий ёвузлар бўлган янги уруш оловини ёқувчиларга нафратим тўлиб-тошди.

Уларни ер ютганида бу жаҳонда яшаш нақадар соз бўлур эди!

1952.

ДУСТЛАР

У район шаҳарчасининг марказидан гўё бу ерга тасодифан келиб қолган бегона одамдай юриб ўтди. Ҳеч ким уни танимасди. Шунинг учун ҳам новча, сочлари ҳурпайган ва юзи шамолда қотган бу одам йўловчиларга лоқайд қараб, асфальт йўлқадан шахдам қадам ташлаб борарди.

Бу шаҳарчадаги барча нарсалар — кўримсиз ёғоч уйлар ўрнига тушган икки қаватли оқ иморатлар ҳам, дарёга қурилган текис ва кенг, устига тўрт бурчакли плиталар ётқизилган, худди қўнғироқ сингари зириллаб турувчи кўприк ҳам унга янгилик эди. Айтгандай, шаҳарчадан нарида, икки томонда манзарали дарахтлар тизмаси чўзилиб кетган, уларга эса арғувон ва акациялар қуюқ соя ташлаб турарди. Кўчанинг чекка томонларида топ-тоза асфальт йўлкалар бўлиб, магазин ва муассасаларининг олдида яшил скамейкалар кўзга ташланарди.

Ҳалиги киши буларнинг барига зўр қизиқиш билан тикиларди. Айни пайтда унинг қовоғи ҳам тушиб кетарди: қани энди кўзига бирорта таниш дарахтми, деразами ёки уйга кираверишдаги қадимий ўймакорлик услубида

ишланган зинапоями учраб, кўп йиллардан сўнг энди саломлашаётгандай кўзига ташлана қолса. Бироқ бундай таниш жой мутлақо учрамасди.

У бетон кўприкдан ўтгандан кейин ўша катта кўчадан яна беш минут юрди. Кўча энди анча торайган, унинг икки чеккасида аргувон ва акациялар кўринмасди. У сокин ва деярли кимсасиз кўчанинг оғзида тўхтади.

Бу кўча таниш бўлиб, ўтмиш хотираларини жонлантирар, шунинг учун ҳам у ҳаяжон ва гамгинлик билан тикилар, айти пайтда лабларида қандайдир енгил истеҳзоли табассум ҳам ўйнарди. У гўё фақат ана шу кўчани кўришга келиб, ҳозир яна орқасига қайтиб кетадиганга ўхшарди. Бироқ кўчани пича томоша қилгандан кейин унинг деворлари ёқалаб кета бошлади, гоҳо девордан ошиб тушган пастак шохлар учраса энгашиб ўтарди. У кўчадан кетиб бораркан, скамейкаларга, тувакдаги яронгуллар турган деразаларнинг сирли қоронғилигига, гулларга тўла боғчаларга нигоҳ ташлар, юзидан ўша табассум ҳеч аримасди.

У боғлар камроқ бўлган тепаликнинг устига чиққанидан кейин кўз ўнгида етилган ғаллазорлар — саргайтириб турган кенгликлар намоён бўлди. Олисда иккита қишлоқ кўзга ташланарди. Шаҳарчадан чиққан пассажир поезди осмонда оқ ва илон изи тутун лентаси қолдириб қишлоқларнинг бирига яқинлашиб борарди.

У поездни кўрганда жилмайиб, яхши танишдай қараб турди. Бир зумдан кейин эса тор кўчани жиддий ва диққат билан кузата бошлади. Олдинда, тепаликнинг ёнбағрида кекса, шохлари каллакланган шумтол дарахти, унинг тагида

эса дарахт сингари эски ва таниш уйча турарди...

У ҳовлига дарров кира қолмади. Ошиқ-мошиқлари яхшилаб мойланган кўча эшикни очиб, ичкаридаги нарсаларни яшил кўчага қараганда зўр эътибор билан томоша қилди. Торгина, энсиз ва узун бўлган ҳовлида гуркираб ўсган маккажўхори, олтин саллали кунгабоқар ва меваси кўплигидан шохлари эгилиб турган дарахтлар сероб эди.

У кўча эшикни ёпди-да, гишт парчалари тўшалган йўлакдан юра бошлади. Бироқ айни шу лаҳзада нақ елкаси тепасидаги шохда турган сим тортилиб, гижирлади, ҳовлининг ичкарисидан эса тортилган занжир овози эшитилди. У энгашиб қараганди оғилнинг девори тагида гўё уйчага ўшаган кўк будка кўринди, унда қопқора, япалоқ юзли, қошлари сариғ бульдог кўринди. Бу сергак соқчи ярим белигача инидан чиқиб, катта панжаларини унга тираганича қаттиқ ириллади. Бироқ келгинди довюрак киши эканлигини ва остонагача юриб келмоқчилигини кўргандан кейин илгакка маҳкамланган занжирни тортқилаб, қаттиқ вонуллаш бошлади.

— Ким у? — томорқадан хотин кишининг овози эшитилди. — Нима керак сизга?

Бу ёши ўтинқираб қолган аёлнинг овози бўлса ҳам ингичка ва ёқимли эди. Ҳовлидаги тўсиқ ортидаги кунгабоқарлардан бирининг салласи қимирлади, кейин бошқаси ҳам чайқалиб, жўхориюя шитирлади-да, этагига ўт солган хотин девор томонга чиқиб кела бошлади. Бу бақалоқ хотиннинг устида малла ранг байкадан тикилган халат, дуррачаси чепчикка ўхшатиб ўралганидан уни кампирдай кўрсатарди. Аёл

дарахт тагидан энгашиб ўтаркан, бир қўли билан этагини, ўтларнинг кўки юқиб, тупроқ тегиб ифлос бўлган иккинчи қўли билан тўсиқни ушлади-да, ҳовлига хавотирланиб қаради. У ўзига мутлақо нотаниш кишини кўриб турар, кўзларида: «Бунинг нима иши бор экан?» деган савол ўйнарди.

Нотаниш киши ҳам унга тикилар ва сал ҳижолат бўлганидан ичида: «Бу кампир ким бўлдийкин? Ойисимикин ё қайнанасимикин?» деб ўйларди. Шунинг учун ҳам у унга ботинқирамайроқ:

— Мартилюклар шу ерда туришадими?— деб сўради.

— Шу ерда... шу ерда туради,— аёл сал ўзига келган бўлса ҳам эҳтиёткорликни бой бермасди. Унинг хаёлидан бу киши ким бўлди, у билан қандай муомила қилсамикин, деган савол ҳеч нари кетмасди.

— Хўжайин-чи... Терентий Панкратович уйдами?

— Унда нима ишингиз бор эди?.. Ҳозиргина боғда юрувди... Балки ҳозир ҳам ўша ерда, тўғоннинг олдида бўлса керак.— Аёл шундан кейин томорқа томонга ўгирилиб, ингичка овозда чақирди:— Терентий!.. Терентий!.. Қаердасан? Меҳмон келди! Эшитяпсанми, Терентий?

Аёл мўғомбирона кулиб, қўлини сал силкиб қўйди:

— Бу ердан олисда. Шунча нарса орасидан эшитилармиди?

— Майли, уни овора қилмай қўяқолинг...— деди меҳмон кўзлари билан ғовдан ўтадиган жой изларкан.— Унинг олдида борса бўладими?

— Марҳамат...

Аёл қўли билан итга пўписа қилди-да, гов-
даги эшикни очди. Ит эса кўзини юмиб, хафа
бўлгандай тескари қаради.

— Мана шу йўлдан бораверинг. Боғдан чиқ-
қандан кейин пастликдан чапга буриласиз. Уни
ўша ердан топасиз... Мен қуёнларимга ўт бе-
рай...

Дарвозадан боғнинг ичкарисига тушган йўл
анча кенг бўлганидан чамаси ундан фақат одам-
ларгина эмас, балки арава ҳам юрганга ўхшарди.
Бу йўл ўрмонлар орасидаги йўл янглиғ тобора
пастлаб борар, унинг икки томонида жўхоризор-
лар, кунгабоқарлар ва офтобда ялтираётган
шивитлар кўзга ташланарди. Йўлда полизлар
ҳам учради. Уларда палак ёйган бодринглар ҳам,
банди ўсиқ сабзилар ҳам, офтоб ва сояда ранги
ҳар хил кўриниб турган помидор плантациялари
ҳам бор эди.

У томорқанинг охирида қатор ўсган қийшиқ
зирк дарахтларини кўрди. Уларнинг нарёгида
кўм-кўк сувли ҳовуз кўриниб турарди. Зирк да-
рахтлари тагидан ариқнинг жилдираб оқиши
қулоққа чалинар, кимнингдир дўнғиллаётгани
эшитилар, гапираётган одам гоҳо бақириб юбо-
рарди:

— Ўрганиб қолибсизларда... Сенларга бир
кўрсатиб қўяй... Ҳим, ширин овқат топибсан-
ларда. Товонбалиқ егиларинг келиб қолдими?
Мен бу балиқларни қандан-қаёқдан олиб келса-
му, булар бўлса... Тагин туришганини қаранг!
Гапга бемалол қулоқ солиб туришганини қаранг!
Йўқолларинг бу ердан, ярамаслар!— шимини
тиззасидан юқоригача шимариб олган пакана ва
бақалоқ киши бир алафни тупроги билан суғу-
риб олиб, ариқнинг нариги бетида патларини

тозалаётган оппоқ ўрдак тўдасига қараб. Ўрдаклар ҳар томонга тарқалиб, ҳовузни «ғиқ-гуқ»қа тўлдиришди.

— Ҳеч тинч қўйишмайди-я,— бақалоқ киши ёғоч тўғонни маҳкамларкан, яна шанғиллай бошлади.— Бир жойини беркитсанг, иккинчисини топишади. Иккинчисини беркитсанг, улар... оббо сен-э!..

— Улар учинчисини топишади...

Бақалоқ киши овоз келган томонга қўрқиб қараркан, тўғон олдида пайт келгандаги футбол дарбозабонидай қотиб қолди. Унинг футбол дарбозабонидан фарқи қўлида болтаси борлиги, кал ва хумкалла эканлиги, устига киндигига аранг етадиган теннисчилар қўйлаги кийилганлигида эди. У болаларникига ўхшаш кўм-кўк кўзларини пирпиратганича кулиб турарди.

— Авф этасиз, ким бўладилар?

— Ўйлаб кўр, ўйла Терентий...— деди ариқнинг нариги чеккасида мўъжазгина чамадон кўтариб турган киши аранг тишининг оқини кўрсатиб.

У бақалоқ кишининг турган жойидан дарҳол пастга тушиб, йиқилай-йиқилай деб лойга беланган оёқларини тиззасининг кўзига қадар ювганлигини кўрмади ҳисоби. Бақалоқ киши тепага чиқиб, иккала қўлини биқинига артиб кела бошлагандагина унга ўгирилди.

— Оббо, шайтон-э... Оббо бекорчией!— деди у чўзинқираб. Яқин келгандан кейин сўрашиш ўрнига меҳмоннинг белидан чангаллаб, хурсанд кўзларини пирпиратди.— Қани, Гоголь ёзганидай бир ўгирилчи! Артём лочинни бир кўриб қўяй...— Шунда бақалоқнинг ифлос сув сачраган ялпоқ юзидаги кўзлари маюс бўлди.—

Қарияпмиз, Артём. Ўттизинчи йилларнинг комсомол гвардияси қариб қоляпти... Қулоқларнинг танобини тортдик, диндорларга қарши курашдик, кейин баъзиларимиз ўқиб, таътилга чиқдик, бошқалар эса... Оббо сен-э! Ҳалиям кўзларимга ишонмаяпман — ўнгимми, тушимми? Сенинг, ошна, анча... мазанг кетибди... Шунча ўлиб-тирилиб, ҳаётдан барака топмаганинг яққол кўриниб турибди...

Артём пиджагининг чўнтагидан «Беломор» пачкасини олди.

— Чекасанми?

— Йўқ, йўқ, худо сақласин,— Терентий қўли билан ўзини пана қилди-да, яна валдирашга тушди.— Зап иш бўлди-да! Артём ошнам келганини қаранг. Кимсан — Артём Большаков! Шошма. Кўришмаганимизга қанча бўлибди ўзи! Ўттиз олтинчи йилдан буёғини ҳисоблачи. Чорак аср ўтибди-ку, а? Сен ҳам шунча йил лип этиб ўтиб кетганини сездингми ўзи?— Терентий шунда бирдан типирчилаб қолди.— Нега биз тикка турибмиз ўзи? Юр, анави ерга бориб, дам олиб гаплашиб ўтирамиз. Кейин уйга борамиз...

Ёш олма дарахтларининг ёнгинасида, шундайгина ҳовузнинг бўйида тахтадан ясалган каравот бўлиб, унинг устига қуроқ кўрпача ташлаб қўйилган, бош томонида эса жуни тўкилган чарм камзул ётарди.

— Озроқ ўтирайлик кейин бориб тушлик қиламиз,— деди Терентий яна гап бошлаб.— Эҳ, умр-умр, шундай ўтиб кетаверар экан-да... Одамзод умрида нималарни кўрмайди, дейсан!

— Сен мана шу ерда уймалашиб ётибсанми дейман?

— На чора,— деди Терентий хўрсиниб.—

На чора?.. Одам ҳамма нарса олдимда бўсин, дер экан ўзи! Ҳаммаси ўзимники. Қара, шуларнинг ҳаммасини мен етиштирганман.

— Кўрдим...

— Ҳаммасини ўз кучим билан қилдим. Илгари бу ерда ҳеч бало йўқ эди. Шипшийдам жой эди. Бу ерда бир вақтлар буғ тегирмон бўлганлигини биларсан, дейман. Партизанлар уруш пайтида уни ёндириб юборишди. Бундай қарасам, тегирмоннинг ўрни дўнг бўлиб қолибди, унда кул дейсанми, бошқа нарса дейсанми, ишқилиб, ҳаммасидан бор эди. Бир-икки йилгача бу ер планлаштирилмайдиган... Ишим нозикроқ бўлса ҳам таваккал қилдим. У пайтларда амтэслар бор бўлиб мен директорнинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлардим. Амалдор эдим, ошнам, ҳа...

— Шошма,— деди Артём уни тўхтатиб.— Сен, билишимча, қонунчи эдингку. Юридик институтини тамомловдинг-ку... Юрист бўлатуриб, сиёсий ишлар бўйича ўринбосарлик қилишинг қандай бўлди?

— Э, оддий нарса-ку! Юрист — совет ходими.

— Аҳа, тушунарли.

Терентийга жон кирди:

— Мен, шундай қилиб, ана шу бўш ётган жойни девор билан ўраб олдим. Девор олиш бир йилга чўзилди ўзи. Ўн метрли девор оламанда, ташқаридан бирорта ғалва чиқяптими деб қулоқ солиб тураман. Тинчлик бўлса яна аста-секин девор олавераман... Хуллас, девор олгандан кейин енгимни қаттиқ шимардим. Бу қўриқни роса авра-астарини ағдарганимдан кейин қаерга нима экишимни яхшилаб планлаштирдим-

да, Боршчевскийдаги мевали дарахтлар питом-
нигига йўл олдим. Ўша пайтларда, очиги, мени
сал пастлаштириб қўйишувди. Райкомбинатга
ишга ўтказишди. Йўқ, йўқ, адашдим, адашдим.
Ёғ заводига ўтувдим, ҳа, ҳа, ўшанда ишлардим...
Ичимда, мени қаерга ишга юборсанглар
юбораверинглар, барибир, ўзимнинг планим
бор, дердим. Парво қилмай, планимнинг
охиригача амалга оширавердим. Ошириб ҳам
бўлдим. Қойил қилдим... Бошқа одам бўл-
ганида, боғ қилиб, ёзда пишар қрим олмаси
топиб экаман, деб роса овора бўларди. Бунақа
ишни ҳовлиқмалар қилади. Мен бўлсам бунақа
чучмал нарсаларни ёқтирмайман. Богимда ол-
манинг битта нави бор. У ҳам бўлса олмаларнинг
подшоҳи — антоновка. Ўзиям энг бебаҳо, тур-
ган-битгани фойда. Кўриниши ойнага ўхшаса
ҳам торози босади... Томорқаниям ўзи шуни
кўзда тутиб қилганман. Помидорим ҳам зўр,
картошкадай шигил. Бодринг ҳам... Гапим қуло-
гингга кирмаётганга ўхшайди, Артём... Чарча-
ган бўлсанг керак, мудраяпсан...

— Йўқ, эшитяпман. Гапиравер...

— Ҳозир кетамиз,— Терентий далда бер-
моқчи бўлгандай Артёмнинг елкасини ушлади-
да, қўлини олмай тураверди.— Сен менга шу
ерда уймалашаяпсанми, дединг... Ўзим ҳам шун-
га жуда мослашиб қолдим... Мана, қулоқ сол...
Бундан уч йил аввал мана шу ариққа жиддий
этибор бердим. Ариқ бўлгандан кейин тушу-
нарли, унда нима бўлади — сув бўлади. Сувни
кўргандан кейин одам балиқни хаёл қилади:
Ўзимни уринтирмай, уни қандай тутсамикин,
деб усталигингни синовдан ўтказасан. Масалан,
тўр халтани ариққа солиб сал юрсанг бўлди —

балиқ таппа-тайёр бўлиб, ўзидан ўзи тушиб турибди-да... Мен ҳам шундай қилишни кўнглимга тугиб қўйдим. Мана шу ариқни ёқалаб юрдим-да, унинг сувини томорқага буриб, қайтиб яна шу ерга тушадиган жойига тўғон қуришни мўлжалладим. Ўзиям ёз бўйи молдай ишладим. Сувдан тирик жон чиқиб кетмайдиган қилиб, ёғоч тўғон қилдим. Энди сувда балиқни кўпайтириш қолувди, холос. Шунда қўшни отпускага чиқиб, «Москвич»ида у ёқ-бу ёқни айланадиган бўлиб қолди. Икковимиз тўрни машинага ортиб, Руднецкийга жўнадик. У ердан икки челақ ҳар хил майда балиқ олиб келдим. Ҳаммаси товон-балиқ ва линь¹ эди... Икки йилгача қани энди балиқ оғзимга теккан бўлса? Ўтган йили тўр халтада ушлаб турувдим, бу йил эса қораларини ҳам кўрсатишмаяпти. Ё уларни анави лаънати ўрдаклар қуритишаяпти, ё сувнинг тубида аллақандай молюска бор...

Артём қулоқ солиб ўтираркан, худди мудроқдан кўзини очгандай сўради:

— Ҳозир қаердасан?

— Қаерда ишлаяпсан дейсанми? Э, ошна, ҳозир ишнинг пошшахонини топганман. «Пищевик» — менинг базам бўлади, консерва заводида ишлайман. Ҳар хил повидло, компотлар тайёрлаймиз. У ерда торозибонман. Масъул вазифалар қуриб кетсин, уларга сира тобим йўқ! Ҳозирги амалим отига тескари миниб олсам ҳам йиқилмаслигимни аён биламан!

Терентий қорнини селкиллашиб қаҳ-қаҳ урди-да, гапини фалсафий хулоса билан тамомлади:

— Бизга бу мерос-да, ошнам. Нима десанг

¹ Линь — балиқ тури.

ҳам, барибир, мерос. Деҳқончиликдан кетувдим яна шунга қайтдим.

— Бола-чақанг борми?— деди Артём энди унча қизиқсинмай.

— Иккита қизим бор. Бўйига етиб туришибди. Иккови ҳам онасига тортган. Уларни кўрсам эзилиб кетаман. Артём... Уйда худди иккита Липочка юргандай... Липанинг бирвақтлар қанақалиги эсингдадир?

— Қизларинг ўқишадими?

— Бўлмаса-чи? Мартилюклар оиласи илмни жуда ҳурмат қилади,— деди Терентий виқор билан кеккайиб.— Кенжа қизим мактабни тамомлапти, каттаси парвоз қилди ҳисоби. Техникумда ўқияпти... Жуда тиришқоқ, ўзиям миямни тоза ачитди-да. Қаёқдандир хаёлига менда қандайдир истеъдод бор, деган фикрлар келиб қолибди. Овози яхшимиш, расм солармиш... Унга, онанг ҳам расм соларди, мактабда ўқирдям, дедим. Унинг қобилиятли эканлигини ҳатто профессорлари ҳам айтишган, диплом ҳам беришган, у ҳозир анави комодда ётибди. Хўш, охири нима бўлди? Бундан нима фойда чиқди? Мактабда болаларни ўқитди, расм солишга ўргатди, холос. Ҳозир эса истеъдодини томорқада намоён этяпти, дедим. Ҳарқалай қизимни қайириб олдим. У гўшт-сут заводига ишга кирди. Менга ана шуниси керак-да!

Терентий яна ҳахолаб кулди-да, тезда тўхтаб, чуқур хўрсиниб қўйди.

— Сенга бор гапнинг ҳаммасини айтиб бердим... Худога шукур — бир куним ўтапти... Хўш, ўзинг қалайсан? Ўзинг ҳам бир гапириб бер. Озиб кетибсан-ку, Артём. Чарчабсан... Бирорта бошпананг борми ўзи?

— Бор ҳам, йўқ ҳам.

— Хотининг, болаларинг борми?— Терентий ачингандай Артёмга суянди-да, худди унга ўхшаб тиззасига тирсагини қўйди.

— Битта ўғлимиз бор.

— Нима иш қиляпсан? Қурувчимисан ё бўлмаса шартнома бўйича ишляпсанми?

— Йўқ, лойиҳачилик қиламан, холос... Электростанцияларнинг лойиҳаларини чизамаң. Шулар устида ишлайман.

Терентий қўққисдан бу жавобни эшитганидан бир дақиқа қимир этмай ариқнинг ўзи лойқатган сувига тикилар ва ажаблангандай елкасини қисарди:

— Ишонгинг ҳам келмайди. Мен илгарилари таътилни ўйнаб ўтказардим... Ҳаммаси — кечалар ҳам, оқ туфлилар ҳам, Липага мубтало бўлган кунларим ҳам тушдай ўтди кетди. Сен бўлсанг сигирларни кўчадан далага ҳайдаб борардинг... Шундайми? Қандай қилиб ўқидинг? Ота-онасиз, ёрдамсиз қандай ўқидинг?

Артём сал маъюс тортгандай, аранг жилмайди. У болалигини, ёшлигини жуда кам эслаганди. Ҳозир эса олис ёшлик йиллари ўтган шаҳрида тушиб қолганидан уни тўла эслади.

— Оббо сен-э!— Терентий ҳеч ўзига келолмасди.— Лойиҳалар тузаман, дегин ҳали. Ҳозир ишга тушган электростанциялар ҳам борми?

— Бор. Терентий, бор... Братск, Кременчуг...

— Братск!— Мартилюк гўё мажолдан кетгандай овоз чиқарди.— Сен Братскда ҳам кўп марта бўлгандирсан... Ҳозир қаёққа кетяпсан ўзи?

— Эртага Москвада бўлишим керак... «Гидропроект»да ярим кун бўламан-да, кейин учиб

кетаман. Иртишга учаман. Индиннинг ўзида ўша ерда бўламан.

— Балки анави... «ТУ»да учарсан?

— Албатта-да,— деди Артём ҳулиб.

Терентийнинг эса ҳатто кўзлариғача чақнаб кетди:

— Артём «ТУ»да учиб юради. Мана бунисига қойилман! Ўсибсан. Баландда, баланд осмонда юрасан. Урал, тайга эса тагингда шовуллаб қолади.... Бунисига қойилман.

Булардан сал нарида жўхоризор шитирлаб, йўлкада аёл киши кўринди. У Артёмга йўл кўрсатган хотин эди.

— Липа!— Терентий ўрнидан сапчиб турди.— Бизга қандай меҳмон келганлигидан хабаринг борми? Артём... Артём Большаков!.. Эсингдами? Электростанциялар қуриб, «ТУ»да учиб юаркан. Уйимизга қандай лочин учиб келганини кўрдингми? Қани, уни уйга бошла, мен бўлсам... Янги олмадан узай...

У боғнинг қайси бурчагига қараб юрсамикин деб пича иккиланиб тургандан кейин, хотини нимадандир хижолат тортиб бир-бир келаётган йўлкадан нарига қараб кета бошлади.

Келаётган аёлнинг исми Липа эди. У семириб кетганидан устидаги байка халати ва бошидаги чепчикка ўхшатиб ўраган оқ дуррачаси уни юм-юмалоқ қилиб кўрсатарди. Унинг хомсемиз ва япалоқ юзида бир вақтлардаги ниҳоятда кўҳлик қиз Липани эслатувчи бирорта ҳам белги қолмаганди. Артём қимир этмай унга ён томондан тикиларди. Липа ҳам унинг қараётганини сезиб, бу нигоҳдан қочмоқчидай томорқасидаги экинлар зич экилган жўяклардан кўз узмасди. Фақат тўғоннинг ёнидагина, Артём

унинг ҳурмати қилиб ўрнидан қўзғалганидагина қувончдан чақнаган кўзларини кўтарди.

— Шунақаям бўлар экан-а, қаранг...— деди Липа дағал қўлларини кўкрагига қўйиб ингичка овозда.— Ҳовлига меҳмон кирибдию, унга сув тутмабмана... Яна бу одам ким денг! На чора? Йиллар ўтди, йиллар, Артём Васильевич. Орадан озмунча йил ўтдим...

Артём лабда табассум билан Липанинг сўлгин юзига тикилса ҳам негадир кўнгли тўлмасди. Липанинг кўзлари ҳам энди у бирвақтлар билган Липанинг кўзига ўхшамас, хиралашиб, сўнук тортгандай туюларди.

— Ҳа, кўп йил ўтди Олимпиада. Кўп йил ўтди... Кўп албатта...

Липа ёғоч каравотнинг чеккасига ўтирди. Артём нариги чеккасига чўкди. Кейин икковлари ҳам бир дақиқа жим қолишди. Икковлари ҳам шу чоқ ўзларича ёшлик йилларини ўйлашарди.

— Мен бўлсам заводдан биттаси келгандир-да, деб ўйлабман, ниҳоят Липадан садо чиқди.— Облаstdан келган бирорта вакилми деган хаёлга ҳам бордим... Мана сиз экансиз! Энди ҳеч қаёққа кетмайсиз, дам оласиз, қанча вақт бўлса ҳам тураверасиз...

Артём соатига қарадию, ҳеч нима демади.

— Демак... Сиз каттакон бўлиб кетибсиз-да, Артем Васильевич... Самолётларда учасиз, машиналарда юрасиз... Ўзиям Москвада турсангиз керак-а?

— Ҳа... Бироқ Москвада жуда кам бўламан. Квртирам доим бўш ётади.

Липанинг аёлларга хос синчковлиги тутиб,

хушёр тортди. Балки Артём ҳалиям уйланмай бўйдоқ юргандир,— деб ўйлади у ичида.

— Нега бўш ётади?— деди у.— Оилангизчи?

— Менинг оилам шунақа. Лўли оиласининг ўзи,— деди Артём бош ирғаб.— Хотиним — геолог, геология партиясига бошчилик қилади, йиллаб тайгадан чиқмайди. Ўғлим эса ундан ҳам ўтиб кетган. Археолог... Ҳозир узоқ Хоразмнинг қадимий тупроғида... Биздан жуда узоқда, ҳа олисда! Ҳозир у феодализмнинг тонгини ўрган-япти чоғи...

— Шундай денг... Ҳаммаларинг илмми чиқибсизлар. Ўзи йиғилишиб қолганларингда ҳам тоза гаплашсанглар керак!

Артём кулиб қўяқолди. Оиласи қачон бирга тўпланиб, суҳбат қургани унинг эсида ҳам йўқ эди.

— Биз эсак секин, эл қатори кунимизни кўриб ётибмиз,— деди Липа яна гап бошлаб.— Катта одам бўлолмадик, кўп нарсаса етолмадик. Бориға қаноат қилиб келяпмиз. Бир кунимиз ўтяпти!

Унинг сўзларидан фақат лоқайд ва калтабин одамларгагина хос бўлган мақтанчоқлик ва кеккайиш сезилиб турарди. Бу эса Артёмга айил ботиб, унинг феълени айнитди. Шунинг учун ҳам ёнида бошини бир ёққа қийшайтириб, бемалол кулганича дастрўмолини қоп-қора ва ўтлар тилган қўлида эзгилаб ўтирган хотинга дўлайиб қаради.

— Бу гапни, Липа, ўша ўзим билган Олимпиададан эшитяпманми!.. Ким бўлганлигингни биласанми ўзи?

Аёл бошини ҳам қиларкан, қизариб кетди.

— Қўйсангизчи, Артём Васильевич,— деди уялганидан.— Ўтиб кетган нарсалардам гапирининг нима ҳожати бор?

— Таътил кунларида этюдлар чизардинг... Далага мол ҳайдаб кетаётган пайтларимда қогозларингни кўриб қолардим. Уларга сен акварель суркаб, бўёқ танлаганинг кўриниб турарди. Мен қайси манзарани чизганингни топиб олардим-да, қогозларингга узоқ тикилиб қолардим. Чунки ҳар бир детални кўп марта назарингдан ўтказгансан-да... Туғилган жойимдан кетарканман, фақат Липани энди кўролмайман, деб азоб чекардим холос. Кейин ёшлик йилларим ўтгунча ҳам у қаердайкин, рассомликда бир нима бўлдим, ўсиб етишдим, деб ўйлаб юрдим. Бу сира хаёлимдан кетмасди...

Артём ёғоч каравотдан оғир қўзғолди-да, ариқ ёқалаб юриб, ёш олма дарахтининг қуюқ шохларига тикиларкан, кескин сўради:

— Нега муаллималикни йигиштирдинг?

— Шунақа бўлиб қолди, Артём Васильевич,— Липа чуқур хўрсиниб қўйди.— Шундай қилиш керак бўлиб қолди... Бола-чақа, рўзғор... Терентий билан ҳадеб жиқиллашавардим... Ҳаёт — ҳаёт экан...

— Липа! У ерда нима қилиб ўтирибсизлар?— Терентий богдан туриб бақириб қолди.

У эгатдан пилдираб келаркан, ортидан кунгабоқарнинг олтин салласи анчагача қимирлаб қолди. Терентий сал саргайган бир нечта антоновка олма кўтариб келарди. У олмаларни ёғоч каравотга тўкди-да, бир қадам орқага чекиниб, артистлардай таъзим билан таклиф қилди:

— Марҳамат... Ўзимизнинг, Мартинюклар-

нинг олмасидан... Сал эртароқ узилган бўлса ҳам қанақалигига баҳо берса бўлади...

Артём миннатдорчилик билдирди холос. Терентий бўлса сал маъюс тортган хотинига ўгирилди:

— Липочкин шу ерда ўтирсак ҳам бўлар дейман... Бир столча қўйиб, безатсанг яхши бўлардимми? Шу ер қулайроқ, ичкари дим бўлади. Қани юр. Мен ертўлага тушиб чиқаман.

Артём уни тўхтатди-да, ёғоч каравотдан мўъжазгина чамадончасини олди:

— Ётиборларинг, меҳмондўстликларинг учун раҳмат. Ярим соатдан кейин Калининград поезди келади... Ушанга улгуришим керак...

— Нима деяпсан ўзи?— Терентий Артёмга қараб ялинишга тушди.— Мени ўлгудай хафа қилмоқчимисан?.. Калининград поездининг бошқаси ҳам бор!

— Иложи йўқ. Ўзинг кўриб турибсан-ку, иложи йўқ... Хайр, Олимпиада...— Артём ариқнинг ифлос ва кўкимтир сувига тикилиб қолди.— Сен эса, Терентий, қараб қўйишинг керак,— Артём истеҳзо билан кулди,— балки ариқнинг тагида ростдан ҳам маллюска бордир! Кетдик. Мени бўрибосар ёнидан ўтказиб юбор...

У йўлқадан юриб кетди, Терентий бўлса кетидан пилдираб бораркан, ундан олдинга ўтиб олишга интилиб, йиғламсираб дерди:

— Хўш, бу қанақаси бўлди? Нима бўляпти ўзи? Шунча йилдан кейин энди кўришувдик-а... Шунақасиям бўладими ўзи, а?

КУК ЧИРОҚ

Мен оппоққина район шаҳарчасига ёзнинг ўрталарида келдим. Бу пайтда арғувонлар кўчаларга сарғиш гулларини тўккан, ҳаммаёқда асаларилар гув-гув қилишарди.

Икки томонини тарвақайлаган толлар эгаллаган катта кўчанинг нариги томонида сувли ўтлоқ бўлиб, унинг оёқрогидаги улкан кўл қуёш нурида жимираб ётарди. Теварак-атрофнинг қай томонига қараманг, ҳаммаёқ ўрмон эди. Ҳатто тепаликларнинг усти ҳам ўрмон бўлиб, у уфққача чўзилиб кетган ва зангори туман қўйнида бўлганидан охирини кўз илғамасди.

Мен меҳмонхонага жойлашдим, дарҳол кўл томон йўл олдим. Кўлнинг қумлик энсиэ соҳилида қора бўёққа бўялган эски қайиқлар ётарди. Тўлқин қирғоққа гўё каноп сингари эшилган қоп-қора сув ўтларини чиқариб ташлар, соҳилда майда чиганоқлар ва балиқ тангалари сочилиб ётарди.

Соҳилда жон асари кўринмасди. Кўлнинг анча олис жойида тўлқинлар орасидаги қайиқнинг қораси аранг кўриниб, ҳўл эшкаклар ялтираб кетарди. Кўлда майда оқ чорлоқлар сувга тўш уриб, тўлқинлар шовқин солиб соҳил томон

югуришарди. Мен эски қайиққа ўтириб, офтобда ялтираб турган кўлга тикилдим. Кўл осмонидо оппоқ барра булутлар сузар, тўлқиннинг соҳилга урилгандан сўнг сачраган мингларча зарраларида офтоб жилва қиларди. Шамол сув ва олисдаги ўрмонларнинг исини олиб келарди. Кўл бўйидан қимирлагим ҳам, ҳеч нарса ҳақида ўйлагим ҳам келмасди. Қани энди кўлга жимгина, шундай завқ билан тикилиб ўтираверсанг.

Кўл устини негадир қоронғилик босгандай бўлди. Қуёш булутлар ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Кўлнинг кўкиштоб суви қуюқлашгандай бўлиб, шамол тўлқинларнинг учини бужмайтира бошлади. У ёқ бу ёққа алангладим. Осмонда шаҳарчага томон чеккалари кумуш ранг қора булут ёпирилиб келмоқда эди. Гўё олисдаги ўрмонзорнинг учлари тегиб пора-пора қилгандай булутнинг пастки қисми ғадир-будир кўринарди. Қаердадир ёмғир ёгарди. Қора булут эса кўл билан шаҳарча устига жадал ёпирилиб келарди. Теварак-атрофдаги барча нарсалар тундлашиб, ўз бўёқ ва жилоларини йўқотди.

Мен қўзғалиб қумликка чиқдим-да, шаҳарчага етиб олай, деб шошилдим. Ёмғирнинг йирик томчилари ерга чакиллаб туша бошлади. Меҳмонхонага югуриб ҳам етолмайдиганга ўхшардим. Бирорта бошпана тагида жон сақласам ҳам майлийди, деб тик тепалик тагида турган уйлар томон бурилдим. Шундагина тепаликнинг устида турган баланд ёдгорликни кўриб қолдим. Ёмғирда у ёлғиз ва қоп-қорадай кўринди.

«Еримизда қанчадан-қанча партизанлар ва жангчилар ётганикин?— дедим ичимда.— Тепа-

ликдаги мана шу қабрга уларнинг қанчаси кўмилганикин?»

Чақмоқ чақди. У кўкимтир ва қизғиш булутини қоқ иккига бўлиб, ёдгорликнинг тепасида илон янглиғ билонглаб ялт этди. Момақалди роқ овози ҳам эшитилди, ёмғир эса қариқиз ўтларининг баргларини шитирлатарди.

Мен иссиқ, бироқ эскилигидан қорайиб кетган деворга суяндим. Уйнинг тоmidан пастга томчилари тўхтовсиз оқиб турарди. Мен ўзимни бўғот тагига олиб деворга қисилдим, бироқ бу ерда ҳам ёмғирдан қочиб қутулолмадим.

Кимдир уйнинг деразасини тақиллатиб қолди.

— Ёмғирда ивимаёй уйга кириш,— аёл кишининг овози эшитилди.

Мен уйнинг зинаси томон югурдим. Тезда қоронғи даҳлиздан ҳам ўтиб, эшикни пийпаслаб топдим-да, тақиллатдим.

— Кираверинг, марҳамат,— деди яна бояги аёл таклиф қилиб.

Усти-бошимдан полдағи қўлбола шолчага ёмғир суви чакиллаб тома бошлади. Чақмоқ яна чаққанида мен мўъжазгина озода хонани, деразадаги гул тувакларини кўрдим. Сербар скамейкада турган самоварнинг икки биқини ярақлаб кетди.

— Кираверинг, пиджагингизни печка ёнига илақолинг,— деди уй бекаси. Мен шундагина унга разм солдим. Унинг олтин сочлари офтобда куйганга, чаккалари эса оқариб кетганга ўхшар, сал сўлғин юзларидан хушфеъллик ва осойишталик балқиб турарди. Уй нақ тепаликнинг ёнгинасида турганидан ёмғир сувлари тепаликнинг тупроқли ёнбагирларидан оқиб тушаркан, ягона

оқимга қўшилиб кетарди. Деразадан сарғиш баланд ёдгорлик кўриниб турганидан мен яна ана шу тепаликка дафн қилинган солдатларни ўйлай кетдим.

Мен жим турмай деб тахминимни бекага айтдим.

— Йўқ, бу докторнинг қабри,— деди аёл.— Зап одам эди-да!— У хўрсиниб, жим қолди.

Мен шунда ногихон ёмгир тинмай туришини, беканинг эса ана шу ёдгорлик тагига кўмилган киши ҳақидаги билган нарсаларини ҳикоя қилиб беришини истаб қолдим.

Аёл шунда билганларини гапириб берди.

Революциянинг дастлабки йилларида бу ерга катта шаҳарлардан нотаниш кишилар келишди. Келганларнинг баъзилари ишларга жойлашиб олишди, бошқалари эса қишлоқма-қишлоқ юришиб, шаҳарча кийим-кечакларини унга алишишарди. Аҳвол сал яхшилашиб қолгандан кейин ҳамма ҳар қаёққа тўзиб кетиб, улардан бирорта из ҳам қолмади.

Ушанда улардан фақат ёшгина ва қувноқ докторгина қайтиб кетмаганди. Уни Леонид Андреевич деб чақиришарди. Унга собиқ земство касалхонасидан битта хона ажратиб берилди. Касалхонанинг номи бору, ўзи йўқ эди. Ҳовлисини явшон ва қичитқон ўт босиб кетган, томи чириган, печкаси бузилганидан тутаб, мутлақо иситмасди.

Леонид Андреевич бўлса одамларни тўплаб бир гаплашувди, печкачилар ҳам, дурадгорлар ҳам топила қолди. Бир ойнинг ичида печкалар бошқатдан қилиниб, дўнглар текисланиб, деворлар олиниб, том яхшилаб ёпилди. Аёллар зиғир ёғ келтириб, ундан алиф мой қилиб, пол ва де-

разаларни бўяшди, ойналарнинг тирқишларини беркитишди. Шундан кейин касалхона сал касалхонага ўхшагандай бўлди.

Доктор эрталабдан то ярим кечагача касалхонадан чиқмасди. У операциялардан бўшамас, ҳомиладор аёлларни қабул қилар, эски велосипедида қишлоқлардаги беморлар ёнига борар, уларга қандай касалликлардан сақланиш кераклигини гапириб берарди. Одамлар ҳам унга ишонишар, бошларига кулфат тушганда касалхонага югуришарди. Докторнинг деразаси ярим кечада ҳам, эрта билан ҳам тақиллаб турарди. Доктор эса худди одамларнинг тақиллатишларини кутиб турганга ўхшарди. Эскигина пальтосини елкасига ташларди-ю, кичкинагина саквояжини кўтарганича югуриб чиқиб: «Тезроқ бўлинг, тезроқ. Докторнинг кечикишга ҳаққи йўқ»,— деб илтимос қиларди. Шундан кейин у ёмғир ёгаётгани ёки бўрон турганига қарамай деҳқонларнинг аравасида ё бўлмаса ченада беморнинг ёнига етишга шошиларди.

Орадан бир йил ўтгач, баҳор яқинлашиб қолганда докторнинг олдига гўзал хотини келди. У одамлар билан на танишди, на гаплашди. Ҳамма ундан кўз узмас, бир хилларнинг унга, бошқаларнинг Леонид Андреевичга ҳаваси келарди. Леонид Андреевич билан хотини касалхонанинг ёнидаги уйни ижарага олиб тура бошлашди. Бироқ орадан кўп ўтмай олис ва яқин қишлоқларнинг кишилари бу ерга ҳам келиша бошлашди.

Леонид Андреевич аввалига қувноқ ва шод юрди, у худди яшариб ва очилиб кетгандай кўринарди. Кейин эса қовоғи очилмай қолди, у энди қариб, сўлиб қолгандай туюларди. Гоҳо

ундан бирор нарсани сўрасангиз гўё қулоғига кирмас, кейин эса типирчилаб қолиб, қайтадан нима дедингиз деб сўраб, гуноҳкорона жилмайиб қўярди. Мен у пайтларда шафқат ҳамширалари курсини эндигина тамомлаб бу ерга келгандим...— Аёл уҳ тортди-да, аччиқ кулимсиради.— Ушандан бери шу ердан қимирламайман. Чунки Леонид Андреевичдай докторни ҳеч ким ташлаб кетолмасди. Мен нимаики билсам ҳаммасинп ундан ўрганганман.

Гоҳо қишлоқдан бирорта қари кампирни олиб келиб қолишарди. Бечора аравада инграйди, қимирлашга мажоли бўлмайди. Доктор бўлса кўрди дегунча унинг ёнига югурарди. Кўриб, у-бу сўраб, кампирнинг кўнглини очади. Кечаси ҳам келиб кўриб, кампирни тинчитиб кетади. Қарабсизки, шундан кейин кампирнинг ўзи операция қилинлар, деб илтимос этади. У пайтларда одамлар операциядан қўрқишарди, бироқ докторга ишонишарди, қўли енгил, оқ кўнгил одам дейишарди.

Орадан уч ҳафта ўтгандан кейин қарасангиз ўша кампир буви касалхонага тугун кўтариб келиб қолди. Наҳотки яна оғриб қолган бўлса деб ўйладик. У бўлса қўлидагини зинага қўйиб, оғирлигини у оёғидан бу оёғига солиб кимнидир изларди. Леонид Андреевич ўз беморини кўриб қолгандан кейин хонасига чақириб, унинг ҳол-аҳволини суриштирарди.

«Худо сизни басаломат қилсин, доктор болам. Мен бутунлай тузалиб кетдим. Куч-қувватга ҳам тўлдим. Бу ер озмунча йўлми, мана кўриб турибсиз-ку, ўзим юриб келдим, бирор марта ҳам дам олмадим». Кампир шундай дея тугунни докторга узатди. Одамлар ҳар хил нар-

салар олиб келишаверганидан жаҳли чиқиб, олмаيمان, деса кампир худо ҳаққи тухумлар бугунги, деб туриб оларди. Леонид Андреевич шундан кейин касалхона ошхонасидан битта-яримтани чақирди-да, борини беморларга тарқатинглар, деди.

Кампир эса докторни хурсанд қилганидан мамнун бўлиб қайтди.

Мен аёлнинг сўзларини жимгина тингларканман, унинг юрагини бўшатиб олиши зарурлигини тушуниб турардим. Ўтмиш манзаралари унинг кўз ўнгидан бирма-бир ўтаётганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

— Қаттиқ ёғингарчиликлар бошланиб, кўл ҳувиллаб қолди. Уни туман чулғади, ҳаммаёқда шамол увиллаб, япроқларни учира бошлади. Докторимизнинг гўзал хотини ҳам сиқилиб қолди. Уларнинг уйида алламаҳалгача катта чироқ ёниб турар, деразаларнинг терлаган ойналари оша ташқарига пианинонинг мунгли овози эшитилиб турарди. Пианино уйнинг оқ поляк легионерлар билан бирга қочиб кетган эгаларидан қолганди. Докторнинг гўзал хотини пианинони маъюс чалиб ўтирарди. Уни Ева Брониславовна деб чақиришарди, шекилли. Леонид Андреевичнинг эса хотини билан бирга бўлишга ҳеч вақти етишмасди. У уйига кириб бирпас ўтирмасиданоқ, олисдаги қишлоққа дифтерит касалидан қийналаётган гўдакнинг ёнига отланар, кечасилари қулоқлар ўқидан ярадор бўлган қишлоқ мухбирининг ёнида бўлар ёки ёнгиндан куйган боланинг тепасида тонг оттирарди.

Ева Брониславовна эрига шаҳарга, қариндошларимиз, дўстлар ёнига қайтайлик, «одамлардай турайлик» деб ялингани ялинганди.

«Ярадор йигитни оёққа бостирмай қаёққа ҳам бораман, етти боланинг онасини қутқармайинми, синган суяги кўриниб ётган ўрмон кесувчининг олдига бормасликка ҳаққим борми?— дерди у хотинига.— Уларни ташлаб қочиб кетсам, қишлоқ қабристонидаги қабрлар ёнига ўнларча қабр қўшилади, уйларда эса етимлар ва бевалар фарёд қилишади. Мен ана шу кишилар умр кўришларини, кўз ёшлари кам тўжилиб, азоблар қамайишини истайман».

Ева Брониславовна қишнинг бошларида бу ердан кетиб қолди. Леонид Андреевич ўрнимга одам юборишлари биланоқ, дарров етиб бораман, деб уни юпатди.

Бироқ унинг ўрнига одам келмади. У ёлғиз зерикиб қолди, қийналди. Бир ўзим бўмбўш уйда ёлғиз ўтирмай деб касалхонадан кечасию кундузи чиқмай қўйди.

Гоҳо кечаси алламаҳал бўлганда ҳам унинг квартирасидан бир вақтлар хотини чаладиган таниш куй эшитилиб қоларди.

Йиллар ўтди, бизнинг доктор эса бўйдоқлигича қолаверди. Олдинига у олисдаги ўша шаҳарга онда-сонда бориб турди, кейин эса бутунлай бормай қўйди.

Ёзда, касалхона сал тинч бўлган пайтларда, у балиқчилар билан бирга бўлиб, тўр тортишар, гулхан ёқиб, балиқ шўрва пиширарди. Қишда эса чанғида бутун қишлоқларни айланиб чиқар, одамлар уни таниганидан кўрганда териларга сиғмай кетишарди.

Докторнинг гарчи чаккалари анча оқариб қолган бўлса ҳам шундай сафарлардан доимо қизариб, қувноқ ва яшарган ҳолда қайтиб келарди.

Ўттиз олтинчи йилда бутун ёз бўйи бизда момақалдиروқ тинмаса бўладими. Эрталаб кун қизиганидан одам нафас ололмаса, кечқурунлари шунақанги ёмғир қуярдики, ер ларзага келарди. Бугунги момақалдиروқ уларнинг олдида ўйинчоқ. Ўшанда яшин тегиб олти киши ўлганди.

Леонид Андреевич ўзини қўйгани жой тополмас, одамларга ёрдам бериш қўлидан келмаётганидан азоб чекарди. У район ижроия комитети раисининг олдида бориб, яшинқайтаргичлар ўрнатиш кераклигини талаб қилди, Минскка ёзди ва ниҳоят айтганини қилдирди. Бир неча қишлоқларда симли баланд ёғочлар ўрнатилди. Энди сал тинчиб қолган бўлсак ҳам барибир у ер-бу ердаги хирмон ёки уйга яшин тушиб турарди...

Суҳбатдошим хўрсиниб қўйди-да, деразага яқин келди. Ёмғир тинганди. Ташқарида лойқа ёмғир сувлари оқар, қовоқ палакнинг йирик баргларида эса ёмғир томчилари кумуш томчилардай титраб турарди.

— Қаранг-а, гапириб тоза миянгизни ачитдимми? Сизга ҳозир ўндан бирини айтдим, ҳаммасини гапирсам уч кунда ҳам тугамайди. Сиз мендан ҳали ёдгорликни сўровдингиз. Ўшани айтиб бера қолай. Урушдан бир йил олдин айни ёзда Леонид Андреевич учта огир операция қилди. У кечқурунгача палатадан чиқмади, қоронги тушгандан кейин эса кўлга борди. У доим соҳилда, кўлни жимгина томоша қилиб ўтиришни ёқтирарди. Ўша оқшомда ҳам у кўл бўйида анча ўтирганди.

Эртасига эрталаб навбатчиликка кетаётиб унинг квартираси ёнидан ўтдим. Кун аллақачон

чиққан бўлса ҳам унинг квартирасида чироқ ёниб турарди. Докторни кечаси чақириб кетишган бўлса чироқни ўчиришга улгурмапти-да, деб ўйладим. Бироқ касалхонада ҳам доктор кўринмасди. Фельдшер икковимиз квартирасига бориб тақиллатсак ҳам ҳеч ким овоз бермади. Кейин деразадан қаровдим кўз олдим қоронгилашиб кетди.

Одамлар югуриб келишиб, эшикнинг тамбасини сугуриб очишганида докторимиз оламдан ўтганди... Юраги фалаж бўлган экан. Столда чироқ ёниб турар, ерда эса битта китобча ётарди...

Леонид Андреевични дафн қилиш учун олис-яқиндаги қишлоқлардан мингдан ортиқ одам келди. Аёллар худди ўғиллари ўлгандай дод солишар, эркаклар ва болалар ҳам юм-юм йиглашарди. Балиқчилар эса бошлиқларининг олдига бориб, докторимизни тепанинг чўққисига кўймоқчимиз, унга у ердан кўл ва олисдаги ўрмонлар кўриниб турсин дейишибди.

Балиқчилар гулларга бурканган тобутни елкаларида тепалик чўққисига олиб чиқишди...

Аёл чамаси йиглаб юборишдан ўзини тийиш учун яна дераза олдига борди-да, ёмғир сувлари оқиб тушаётган тепалик бағрини кўрсатди.

— Балиқчилар бригадири қабр тепасида Леонид Андреевич ўлимидан кейин ҳам одамларга хизмат қилишини хоҳлаганди. У мана шу тепалик устига энг баланд яшинқайтаргич ўрнатиб, маёқ қуришни, унинг нариги соҳилдан ҳам кўриниб теварак-атрофни ёритиб туришини истарди. Доктор буни қилишга улгурмаган экан, одамлар бизни деб яшаган инсонни ҳеч қачон

унутмасликлари учун унга ажойиб ҳайкал ўрнатилдик, деди.

Ўшандан кейин мана шу ёдгорлик ўрнатилди. Унинг тепасидаги ингичка темирни кўраяписизми? У бизга ўша даҳшатли ёзни эслатиб туради, эҳтимол у яшинни ҳозир ҳам қайтариб турар? Кечасилари ёдгорликда чироқ ёнади. Тунда балиқ овига чиққанлар қайтишда уни мўлжалга олишади. У барча йўллардан ҳам кўриниб туради.

Аёл жим қолди. Мен меҳмондўстлик ва бу сўққабош хотин айтиб берган барча нарсалар учун миннатдорчилик билдириб ўрнимдан қўзғалдим.

Ёмгир тинган, фақат чуқур жойлардагина лойқа оқимлар шилдираши ва чайқалаётган кўл овози эшитилиб турарди.

Кечаси осуда шаҳарни айланишга чиқдим. Атроф сокин, ҳаво ёқимли, кўл устига туман чўккан, олисдаги ўрмонлар шафақда қизғиш кўринар, баланд тепалик чўққисида эса кўк чироқ милтираб турарди.

Қай тарафга юрмай, у менга ёғду сочар, шунда ёнимда гўё меҳрибон ва ажойиб доктор бордай туюларди.

СИМДАГИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Бу воқеани мен онамдан эшитганман. Куз ҳақида қалам тебратмоқчи бўлганимнинг боиси ҳам шунда. Бу ҳақда қани энди қисқа ва маънодор ҳикоя эта олсам. Буни қарияларга қўйиб берсангиз жуда боплаб ҳикоя қилиб беришади.

Мен қишлоғимиз қалдирғочларини кўз олдимга келтиришга уриниб кўрдим. Улар гуж бўлганини кўрсангиз куз яқинлашиб қолибди деяверинг. Ўтлоқлар, симёғочлар теварагидаги майсалар кундан кунга сарғайиб бораётганга ўхшарди. Симёғочлар тинимсиз гувиллагани гувиллаган, уларнинг овози анча жойдан ҳам эшитилиб турарди. Мабодо қулогингизни бир дам симёғочга тутиб турсангиз борми, кўнгилга жо бўлиб қоладиган ғалати оҳангларни — қандайдир ҳазин ва мунгли гувилашни ҳам, энг яқин кишингдан айрилган пайтингдаги қулогингга чалинадиган дил ноласини ҳам, хўрсиниш ва бошқа ҳазин овозларни ҳам эшита оласиз. Гоҳо симёғоч олдида узоқ туриб қолсангиз ҳам уларнинг гувилаши қалбингизни нечун тўлқинлантириб, ҳаяжонлантириб, дилгир қилиб, унда яна қандайдир ғалати ҳислар уйғотаётганлигини билолмай ҳайрон бўласиз. Шунда фақат

юраккина тилга кириб, ўз соҳибига баҳор ва ёз пайтларида одамни мамнун этадиган ва умрбод унутилмайдиган кўп воқеалар рўй беради, бироқ улар ўтади-кетди, йилнинг бу фасллари энди қайтиб келмайди, деб шивирлаётгандек бўлади. Бу эса кишига севги садосидек туюлиб кетади. Тўғри-да, гоҳо куз фаслида ҳам одамнинг бошига севги савдоси тушади. Бироқ, бу фаслда ишқ оташида ёнганларнинг ҳаммаси ҳам бахтли бўладими ё йўқми — билмайман.

Симёгочларнинг гувиллашини тинглаётган болалар суюнганларидан юраклари қоқ ёрилгудек бўлиб:

— Симлардан телеграммалар келяпти! Кетма-кет келяпти! Бир-бирини қувиб келяпти! — деб қичқиришарди.

Симёгочлар катта йўлнинг ёқасида эди. Улар бир текисда саф тортганидан оралиғидаги масофа юз қадам келишини ҳар ким биларди. Йўлдан жануб томонга юрсангиз Старобинга шимол томонга одимласангиз Слуцкка борардингиз Зим-зиё тунда кетаётган бўлсангиз ёки қолсангиз симёгочларнинг жуда нафи тегарди-да. Бийдалада бўронда қолган одамнинг ҳолига вой. Ўшанда унинг кўзига на йўл кўринарди, на биронта чироқ. Бўронда қолган йўловчига ягона нажот — симёгочлар. Фақат уларгина одамнинг жонига оро киради. Йўловчи симёгочларни чамалаб кетаверади.

Мен куз фасли кираётганини яна шу симёгочларнинг гувиллашидан биламан. Симларда қандай қушлар тўдаси қўниб турганини кўрганимда ҳам буни пайқайман албатта. Наздимда симни ҳаммадан олдин чуғурчиқлар эгаллаб олишади. Улардан кейинги навбат эса қалдирғоч-

ларники. Қалдирғочлар ҳам тинмагур чуғурчиқлар сингари симда тинч туришмас, учиб қўнишгани қўнишганди. Гоҳо симда қарғалар ҳам кўриниб қоларди. Бироқ улар бирор фасл яқинлашиб қолганидан дарак бермас, нега деганда ёзин-қишин ҳеч қаёққа қимирлашмасди-да. Болалик пайтимда симда хилма-хил қушларни кўрардим. Чамаси ўша кезларда симёғочлардаги сим қаторлари кам, қушлар эса сероб эди.

Старобиндан Слуцкка ўтган телеграф линияси ҳалиям бор. Ойим бўлса уйимиздан турибоқ симлардаги қалдирғочларни кўрарди. Бўлмаса менга куз яқинлашиб қолганини олдиндан айтмаган бўларди.

Ойим қишлоқдан ташқарига чиқмасди. Мен ҳовлимизни кўздан кечирарканман, нега бу гап илгари ҳаёлимга келмаган экан-а, деб бошим қотарди. Ҳозир нима кўп — симёғоч кўп. Улар бамисоли ҳар қадамда учрайдиган усти цементланган қудуғу, шиферли томдай оддий нарсга бўлиб қолди. Симёғочлардан ўтган қалин симларнинг бири уйга нур келтирса, иккинчиси радио овозини элтар, учинчиси эса телефондаги каломларингизни таширди.

Мен буларни мақтанишга айтаётганим йўқ. Уйимизнинг ёнгинасида қурилиш трести бўларди. Кўп ўтмай унинг ўрнини совхоз идораси эгаллади. Идорага телефон симлари янги шаҳарчадан келган. Идора теварагидаги ғуж уйларнинг ҳар бирига телефон тушган. Ҳар бир уйнинг томида сим кўзга ташланади, телевизор антенналарини эса айтмай қўя қолай.

Энди симдаги қалдирғочларни кўргани узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ойим ҳам

симдаги қалдирғочларни деразадан томоша қилаверади.

... Симларда қалдирғочлар қатор тизилишиб туришарди. Ойим уларни кўрганда куз яқинлашиб қолганини фаҳмларди.

Болалик йилларимни эсларканман, куз фасли яқинлашаётганини сезсам ҳам ўзимни маъюс сезмадим. Агар ҳозир Слуцкка олиб борадиган катта йўлга чиқсангиз ҳам энг аввал қалдирғочларга кўзингиз тушади. Ҳозир бу йўл янада кенгайган, устига кафтдай силлиқ асфальт ётқизилган. Бу йўл Белоруссиядаги энг навқирон шаҳар бўлган Солигорскка ҳам олиб боради. Ундан бамисоли Москва кўчаларидагидек машиналар ғиз-ғиз ўтиб туради. Улар Солигорскдаги калий комбинатларига турли материаллар ва механизмлар ташишади. Йўлнинг бир неча жойидан темирйўл кесиб ўтган. У ҳам Солигорскка олиб боради. Қишлоғимиздан сал нарида битта темирйўл станцияси бор. Ундан эшелонларнинг кетма-кет ўтиб туриши ҳатто томорқадан ҳам кўринади. Эшелонлар кун сайин кўпаяётганга ўхшарди. Яқин-яқинларгача улар колхозларга ўғит таширди. Энди бўлса калий тузи элтишгани элтишган.

Симлар станциядан шаҳарчага, шаҳарчадан қишлоғимизга тортилиб, сўнгра хонадонларга таралиб кетган. Оқшом пайтларида қишлоғимизда бўлсангиз хонадонлар бўйнидаги электр маржонларини, нурларнинг гўзал жилвасини томоша қиласиз. Бинолари оппоқ тошлардан қурилган навқирон шаҳарча нур қўйнида қандай жилва қилса, қишлоғимиз ҳам худди ўшандай гўзал кўринади.

Қишлоғимизнинг икки биқинидаги комби-

натларнинг баланд чироқлари анча олисдан ҳам кўриниб туради. Мабодо қишлоғимизга электр тушмаганда ҳам комбинатларнинг чироқлари уни нурафшон қилиб турган бўлур эди. Энди қишлоғимизни шаҳарча деяверсак бўлади. Нега деганда олдинги қишлоқдан асар ҳам қолмаганди. Унинг кўриниши нақ шаҳарчани эслатади.

Бу ердаги ҳамма нарсалар навқирон, янги, ўсишда-унишда. Теварак-атрофингизга нигоҳ ташласангиз, куз фасли яқинлашаётганини мутлақо хаёлингизга келтирмайсиз. Эндигина баҳор фасли бошланган, у ҳеч қачон тугамайди, деган хаёлга боради киши. Ана шу фасл ҳақида қалам тебратмоқ маъқул эмасмикин?

ҚАМАЛ

Дам олиб ўтирганимизда ёнгинамиздаги сўқмоққа тухум тушди. У кичкинагина мовий рангда, гўё осмоннинг кичик бир бўлагига ўхшарди. Тухум тушганини ҳаммамиздан илгари кўрган кенжатойим тура солиб югурди. Бироқ, қайтиб келаётганида хафароқ кўринди. Сабабини билсак, тухумнинг ичи бўш, фақат қобиғининг ўзи қолган экан.

— Коля, қани кўрсатчи,— деди биз билан ўтирган қиз ялиниб.

Бу қиз жияним бўлиб, Солигорскка меҳмонга келган эди. У тешик тухумни кафтига қўйиб кўзига яқин келтирди-да, диққат билан тикила бошлади.

— Ҳў, кўряпсанми? Анави шохдаги чуғурчиқни,— деди Коля унга,— бу ўшанинг тухуми бўлса керак-а?

Лида ўғлим кўрсатган томонга бир қаради-ю, яна тухумга синчиклаб тикила бошлади.

— Нега анави шохдаги қушча безовта бўлиб, қанотини силкитяпти?— деди ўғлим менга қараб.— Тухуми тушиб кетганига ачинаётганмикин?

— У ачинаётгани йўқ, суюняпти,— дедим ўғлимга тушунтиришга ҳаракат қилиб.— У ана шу тухумдан бола очган.

— Мунча тез?— деди Лида менга ҳайрон бўлиб. Ўғлимнинг эса хайратдан оғзи очилиб қолди.

— Чуғурчиқ, тез бола очади,— дедим икковига қараб.— У ёзда икки марта бола очиши керак. Шу вайдан ердан қор кетди дегунча тухум босади.

Яқингинамиздаги ин ўрнатилган қарағайдан қушларнинг чагир-чуғури эшитилди. Чуғурчининг ёнига жуфти учиб келганга ўхшарди. Икковлари чунонам шодон сайраб кетишдики, азбаройи хурсандликларидан тинч туролмай қанотларини силкиб-силкиб қўйишарди.

— Қара, қара!— деди Коля яна жиянимга тиқилинч қилиб.

Лида бўлса қиё ҳам боқмади, бу эса Коляга жуда ҳам алам қилди. Кенжатоим қиз бечоранинг олисдаги нарсаларни кўра олмаслигидан беҳабар эди... Қизнинг яқинидаги нарсаларгагина кўзи ўтарди... Болагинам қамал деган нарсани қайдан ҳам биларди дейсиз?..

Жияним ўғлимдай маҳалида ям-яшил сўқмоқларда чопқиллаб, жавлон урмади. Лида у пайтда Ленинградда эди... Очликдан аввал оёқлари шишиб кетган, кейин эса кўзи оғриб қолганди...

— Гул олиб берайми?— деди Коля ҳам бир нарсанинг фаҳмига боргандай.

— Қаерда кўрдинг?

— Анави бутанинг тагида.

— Бор, териб кел. Унга берасан.

Коля бинафша келтириб Лидага тутди.

Қиз бинафшани кафтидаги тухум ёнига қўйди.

— Наҳотки бу ростакам бинафша бўлса?—
Лида худди ёш боладай ҳайрон бўлди.— Худди
тухумдай зангори, тагин чиройлилигини қаранг.
Мен ҳозир ўрмонда чечаклар бўлишини хаё-
лимга келтирмабман-а!

ШЕРИК

Сима мактабда ўқиб юрган кезлариёқ агроном бўлишни орзу қилиб юарди. Агрономнинг вазифаси табиатни бўйсундирувчи буюк фронтнинг разведкачиси, жангчиси бўлишдан, мўлкўлчиликка эришиш учун курашишдан иборат деб билар эди. Бу, ахир, халққа энг олижаноб хизмат кўрсатиш эмасми?!

Мана, у агроном ҳам бўлди.

Лекин Симага кутилмаганда ўзи тайёрланиб юрган «фронтнинг энг олдинги линиясига» эмас, балки министрликка йўланма беришди. Курсдошлари, дугоналари Симанинг омади келди, деб унга ҳаваслари ҳам келди. Симанинг ўзи ҳам министрликка йўланма олганлигини ўқиш йилларимдаги эришган муваффақиятларим туфайли бўлди деб тушунган эди. Далада ишлагандан кўра идорадаги битта столни эгаллаб ўтириш шарафлироқ деган тушунчанинг қаердан келгани ҳақида Сима ўйлаб ҳам кўрган эмасди. Лекин у мактабда ҳам, институтда ҳам орзу қилган «олдинги линияси» баланд-баланд деразали, оғир штапель дарпардали кабинетларда ҳам эмаслигини яхши билар эди. Гап-

нинг сирасини айтганда, у практика пайти бундай дарпардали хоналарда ўтириб кўрган эди. Унинг серҳаракат тиниб-тинчимас табиати «келиб-кетувчи» беҳисоб қоғозлар оқимиға ўрганолмади. Сводкалардаги рақамлар унинг кўзига майда-майда қурт-қумурсқаларға ўхшаб кўринарди. Бу сводкаларда шамол ва бўронлар, ерни ҳосилдор қилувчи ёмгирлар ва об-ҳавонинг паст келиши, одамларнинг мўл ҳосил, мўл-кўлчилик ва халқ бахт-саодати учун олиб борган курашлари ўз аксини топа олармиди? Сима министрликдаги лавозимдан воз кечди — у билан хайрлашганда бир таниши айтгани каби «ажойиб иш қилди».

Институт баҳор олдидан тугади ва Сима МТСга дон сепиладиган пайтда етиб келди.

... Далага чиқишга бир ҳафта қолган эди, тракторлар бўлса МТСда қимир этмай турарди. Сима уларға қарар экан юраги сиқилар эди. Уларни колхозларға қандай қилиб тақсимлайди, қаёққа қандай машиналарни беради?

Собиқ бошлиқлар айбдор, лекин бундай дейиш билан иш енгиллашиб қолмайди... Буларнинг барчасини у янги директор билан бақавли бажариши лозим. Бу иш жуда қийин, юзга яқин трактор диплом олганиға бир ҳафта бўлган одам ихтиёриға ўтиб турибди-ку. Янги директор Никита Акимович Дедович ундан ниҳоят икки кунгина илгари келган эди. Бу тўс-тўполонда у билан яхшироқ танишиб ҳам ололмади. Лекин янги директор тракторларнинг маркаларини китобга қараб эмас, балки кўриниши ва характерлари бўйича ҳам ажрата олар экан. Ахир, бу одам машина илмий текшириш институтида бе-корға йигирма йил ишлаган эмас-да. Агар унинг

катта тажрибасига ишонувчи хотиржамлиги бўлмаганда борми, қизга анча қийин бўларди. Бутун колхозни айланиб, тракторчилар ва бригадирлар билан танишиш, кимни қаёққа юбориш, ишни нимадан бошлаш, ким нима билан шуғулланиши ҳақида план тузиш лозим эди. У колхозни айланиб ҳам чиқди, нималар кераклигини аниқлади ва ҳамма ишларни эпақага келтирди.

Сима ким қаёққа ишга бориши ҳақидаги буйруқни ёзаётган пайти тракторчилар устахона олдида тизилиб ўтиришар, сигареталарнинг тутунини бурқситиб, қувонч билан суҳбатлашишар эди. Бу — Симанинг эркин нафас олиши мумкин бўлган биринчи кун эди. У кабинетдаги дераза олдида туриб ташқаридаги тракторчиларга тикилар экан, бу гвардиячилар ерни исталган ҳосил беришга мажбур эта оладилар, халққа катта бойлик етказадилар, МТСга эса шон-шуҳрат келтирадилар деб ўйлар эди. Сима авваллари ўзини фақат разведкачи ва жангчи деб ўйлар эди, энди билса, бу гвардиянинг командири ҳам экан.

Сима МТСнинг ниҳоятда катта эканига ҳозир эътибор қилиб қолди. Ҳовлидаги лойда ўзининг ботиғи қолдирган из сон-саноксиз эди. Ҳар куни трактор ва машиналарни кўздан кечириб у бурчакдан бу бурчакка қатнаш экан, оёғида қанча-қанча лойларни пишитиб юбормади у! Лекин мана, ҳозирги шу бўш лаҳзадагина МТС ҳовлисининг ҳар хил майда-чуйдалар, машиналарнинг синган ёғоч-поғочлари, эски темир-терсаклар билан ҳаддан ташқари ивирсиб кетганини кўрди. Ҳовлини орқадаги даладан тўғри олинган девор ажратиш турар эди.

МТС ҳовлиси тепасини тип-гиниқ осмон қоплаб олган эди. Деворлару осмон... ҳамда ивирсиқ ҳовлигина кўзга ташланиб турарди. Ҳовлида на дарахт, на ўт кўринарди. Сима буни ўйлаб диққати ошди. Бу йигитлар сал хафсала қилишса ҳовли тоза бўлади ва ўт-ўлан билан қопланади. Деворнинг гир айланган четига дарахт ўтқазиш мумкин. Бунга қанча меҳнат кетса ҳам аяш керак эмас. Ана шунда инсон — стихияларга қарши курашувчи жангчи — кун иссиқ пайтлари келиб қалин ўтлар устида, дарахтлар соясида ором олиши мумкин. Келиб ётиб дам олар экан, бундай оромгоҳни бунёд этганларни миннатдорчилик билан эсга олади... Борди-ю, бу ишни ана шу тракторчиларга таклиф этсачи? Ундан ташқари бу шоввоз тракторчиларга яқинлашиб, ўзини қандай командир эканини синаб ҳам кўрадику. Лекин Сима иккиланиб, гапни нимадан бошлашни, тракторчилар олдига қандай боришни билмас эди. Ташқарига чиқаманда, масалани тўғридан-тўғри ўртага ташлайман, ахир гап нимадалиги ва бу иш зарурлиги ҳаммага ҳам тушунарли, деб ўйлади у. Йигитлар эса ўзимизники. Сима айвонга чиқди.

— Ўртоқлар, келинлар, ҳамма — ҳар қаёққа — иш-ишига жўнашдан олдин ҳовлини тозалайлик! Ахир бу ўзи нима деган гап!

Юпқа лаб, қирғий бурун Антон Шавель деворга суяниб оёғини чалиштирганча бу қизил косинка ўраган, спортчиларнинг паҳмоқ кофта-си ва тор юпка кийган, оёғида резинка ботиклик қизга кўзини қисиб бақирди:

— Нима, бизлар фаррошми? Ҳовли қуригач, шамол бобонинг ўзи супуриб кетади, — деди-да, папиросни яхшилаб тортгач қолдиги-

ни бошмалдоғига ёпиштириб туриб, чертиб юборди.

Шавелнинг майнабозчилигига йигитлар мийиқларида кулиб қўйишди. Сима эса булар мендан кулишяптими ёки янги майнабоздан куляптиларми — тушунолмади. Лекин ҳеч ким жойидан қўзғалмади. Унга жуда алам қилди. Орқасига ўгирилиб бориб конторага аранг кириб олди. Бу сариқ машак Шавель ҳақида анча гаплар эшитган эди. Механик бир куни директорга тракторчилар ичида ҳеч ким Шавелдек юқори меҳнат унумига эга эмас деганда, бир тракторчи кесатиб: «ва шунинг билан бирга энг ёмон «меҳнат унумига эга» деган эди!

Симанинг жаҳли чиқиб, хонада у ёқдан бу ёққа юрар, рўмолчасининг учини ҳимарар экан, нима қилиш керак деб ўйлар эди. Бу майнавоз панд берди-ку. Ўзини эндигина юра бошлаган йўлкадан ҳалиги майнавоз четга суриб ташлагандек ҳис этарди. «Балки мен бемаъни нарсани таклиф этгандирман,— деб ўз-ўзига савол берар эди.— Ахир, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳовли саришта бўлиши керак! Ахир, бу ҳовли у энг яхши МТСлардан бирига айлантирмоқчи бўлган МТСнинг ҳовлисида. Фақат яхши эмас, ҳатто энг чиройли МТСлардан бири бўлиши керак эди... Ҳовлини ўзим тозалаб, ўзим ўт-ўлан экаман — кўрпа бўлиб ётсин. Калака қилишса қилишаверишсин. Идорадан қизларни чақираман. Мана ҳозир бориб чақириб келаман-да, шуларнинг кўзи олдида ҳовлини чиннидек қилиб қўяман. Уларни бир уялтирайликки!»— деб ўйларди Сима.

У остона томонга ўгирилган ҳам эдики, деразадан йигитларнинг жой-жойларидан туриб,

бутун ҳовлига тарқётганларини кўриб қолди. У қувониб кетди. А хири ишни бошлабдилар-ку. У ҳовлига югуриб чиқиб, уларга ёрдам бермоқчи бўлган эди, йигитлар унга қўл ҳам урдиришмади. Сима сеяланинг синган парча-пурча қутиларини энди олмоқчи бўлганда, кимдир уларни лип этиб олиб жўнади. Занглаган шестернани энди олай деб қўл узатганда кимдир уни ҳам кўтариб кетди...

Яхши йигитлар экан! Лекин афсуски, ҳаммалари шундай эмас-да. Ҳалиги лавлаги бурун ҳатто ўрнидан ҳам қўзғалмади. Деворга суянганча чекар, офтобда исиниб папирос қолдиғини осмонга ирғитар эди.

Икки соатлар ичида ҳовли тартибга келтирилди. У кенгайиб, ёришгандек бўлди.

— Баракалла, ўртоқлар,— деди Сима уларни олқаб.— Раҳмат сизларга. Энди келишиб олайлик, ҳовли атрофига арғувон дарахти ўтқазамиз. Ҳар бир одам биттадан дарахт ўтқазиш керак. Қаерга ўтқазиш кераклигини мен қозиқчалар қоқиб кўрсатиб, кимники қаер эканлигини ёзиб қўяман. Майлими?

— Майли!— йигитлар худди команда билан жавоб бергандек баб-баравар жавоб беришди.

Ҳамма иш кўнгилдагидек юрушиб кетди. Хуллас буйруқ ўз кучини кўрсатди, энди ким қаёққа боришини ва қаерда ишлашини биларди.

Лекин Сима қалбида қандайдир бир алам изи қолди. Аламидан тарқамади. Бунинг устига Антон Шавель уни яна бир ташвишга қўйди. «Перемоги» колхозининг раиси Райчук ўламан саттор, лекин уни олмайман!.. деб туриб олди. Новчадан келган, соқоллари ўсиб кетган ориқ

Райчук Симанинг кетидан оқсоқланиб эргашиб йўгон овози билан:

— Серафима Михайловна, бизга бошқа тракторчи беринг, бу жуда жонга тегиб кетган,— дер эди.

Сима Райчукдан нима учун Шавель ёқмаслигини сўраган эди Антон унинг сўзини бўлиб:

— Кўпроқ ер ҳайдасам, қўлимга нақд пул шунча кўп тушади,— деди-да, Райчукка қараб қўйди.

— Серафима Михайловна, унинг гапларини эшитяпсизми? У нари-бери ишласа-ю, пул олаверса. Сен бундай инсоф билан ишлагин, биз сенга икки ҳисса ҳақ тўлайлик, билдингми?

Агар далани ишдан чиқарадиган бўлсанг борми...

— Нималар деяпсиз ўзи, наҳот мен шу пайтгача ёмон ишлаётган бўлсам. Актлар борми? Бор! Қотириб ҳайдалган — вассалом! Шавель тирноғи қайнаб битган бош бармогини кўрсатиб нафрат билан тиш орасидан ерга тупурди ва раисга:— Антимеханизатор!— деди-да, трактори томон жўнади.

Райчук гавдасининг оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига олиб жим турар эди. Ўтган йили кўринишича оғир, тепса тебранмас бу одам Шавель далани ёмон ҳайдагани учун ҳайдаб юборишига сал қолганига ҳозир ким ҳам ишонар эди. Райчук ана ўшанда «антимеханизатор» лақабини олган эди, ўшандан бери бу лақабдан қутулолмасди. МТСнинг янги раҳбарлари бу лақабга қандай қарашлари ҳали маълум эмасди. Ҳозир яна айбдор бўлиб қолиши мумкин эди.

Шавель тракторнинг моторини ишлатиб.

газни босди. Мотор турган жойида қаттиқ тириллаб қулоқларни тешиб юборай деди. Директор шу яқинда экан. Моторнинг бир меъёрида ишламаётганини овозидан сезиб қолиб, Шавелга бақира кетди:

— Подшипникларга қара! Ҳе сен, мутахассис бўлмай кет! Мен сени ҳеч қачон чиқармайман.

— Никита Акимович, чиқармасангиз чиқарманг, барибир бу тракторни ҳеч ким олмайди.

— Хўш, Сима, сиз нима дейсиз?— деб сўради директор унинг олдида келиб. У Симанинг шундайгина олдида оёқларини кериб бош яланг, ёқавайрон бир ҳолда турар экан, ёнидан портсигарини олиб Симага тутди.

Қиз хаёл билан битта папирос олиб ёндириш учун зажигалкага тутган жойида бирдан эсига тушиб:

— Тфу! Мен эсимни едимми!— деди-да папиросни улоқтириб юборди. Папирос тушган жойда бир оз тутаб ётди.

Дедович қийқириб кулиб:

— Ҳа-ҳа-ҳа! Демак у ҳамманинг жонига тегиб кетган эканда. Ҳар ҳолда бу Шавелни нима қилиш керак? Қачон юборсак экан?

— Ҳа... Никита Акимович бошимни жуда айлантириб юбординглар. Одамларни тақсимлаб чиқдиларингми? Тақсимладинглар. Буйруқ ёзилдими? Ёзилди. Бориб ишлаша берсин-да.— Сима шарт ўгирилди-да, Райчукнинг соқоли ўсиб кетган юзи олдида қўлини силкиб қўйди.— Ишга эса мен жавоб бераман.

— Қалай?— деб Дедович Райчукдан сўради, тақир бошини маънодор қимирлатиб қўйиб йўлга тушди.

«Афтидан МТСда ҳеч нарса ўзгармаганга ўхшайди», деб ўйлаган Райчук қўл силтаб, норози равишда қоқ суяк елкасини қисиб ҳовлидан чиқиб кетди.

Ер ҳайдашнинг биринчи куниеқ Райчук Симанинг олдига шикоят қилиб келди.

— Ўртоқ Михайловна, бориб кўринг, шу ҳам ер ҳайдаш бўптими? Бу ахир жиноят-ку!

Шавель эса даладаги биринчи куним жуда ажойиб бошланди деб ўйлаётган эди. Об-ҳавонинг яхши бўлганини айтмайсизми! Тиниқ, чексиз осмон қўйнида сузувчи қуёш борлиққа жон киритиб қиздирар, ер устида ҳавонинг живирлаши ҳам кўриниб турар эди. Мотор оҳиста, бир меъёрда тириллар ва унинг бу қўшиғи сўпитўрғайларнинг қўшиғини босиб кетгундай бўларди. Ер қудратининг янгиланаётганини, ҳамма нарсага жон кираётганини, ўсиб-униб қуёшга интилаётганини ҳис этар экансан, ўзингни енгил сезасан, эркин нафас оласан, киши.

У яна биринчи ўринни эгаллайди, яна катта шухратга эга бўлади. Директорнинг сифат ҳақидаги огоҳлантиришичи?.. Бе, шу ҳам гап бўптими! Аввалги директор ҳам ана шундай огоҳлантираверар эди. Уларни яхши биламиз! Хўжа кўрсинга огоҳлантираверади, лекин унинг фикр-хаёли камроқ ёқилғи сарфлашу, кўпроқ ер ҳайдашда. Бу қизчага нима керак? Ўзи шу етмай турувди.

Лекин узоқдаги қайрилишда қизил косинкани кўриши билан назарида қуёш юзини булут қоплаб, атрофда изғирин тургандек, куннинг бутун гўзаллиги хиралашгандек бўлди. Сима Озерова селгиган даладан унга қараб тик келарди. Унинг орқасида эса Райчук елвагай

узун пальтода, мункайганча шох ташлаб келарди.

«Мана ҳозир жанжал бошланади,— деб ўйлади Шавель.— Плугларнинг тишини чуқурроқ тушириб қўйсаммикин?— У тракторни тўхта-тиш учун қўлини тезлик ричагига чўзди.— Йўқ, майли, қандай бошлаган бўлсам шундай давом эттиравераман. Ўзимга яраша ақлим бор. Ҳа, худди шундай дейман. Шу нинасидан қўрқиб ўтираманми?» У шу фикрлар билан тракторини яна ҳайдаб кетди.

Сима тракторнинг бир минутча тўхтаб яна юриб кетганини узоқдан кўриб келаётган эди. У плугларнинг қуёш нурида ялт-юлт қилаётганини кўрди, худди ярқироқ баҳор қуёшнинг бир парчаси плуг тишларига узилиб тушгандек эди. Плугларда қуёшнинг акс этиши Симани қувонтириб юборди. У ўзининг агрономлигини, жиддий одамлигини, ўз тақдирини ана шу бўрсиллаб ётувчи ер билан, қуёшга ғарқ бўлган, ҳамма нарсага жон киритувчи ҳаво билан боғлаган одамлигини ўйлаб хурсанд бўларди. Мана, у ҳозир бу ерларда тартиб ўрнатгани, муҳим бир масалани ҳал этгани келяпти. У Райчукка ўз қувончини изҳор этгиси келди, лекин у қўлларини орқасига қилиб ўт-ўлан илдизига лойга ботган этикларини тапиллашиб уриб «далани расво қиляпти» деб тўнгиллаб келятган эди.

Сима ҳайдалган ерга келгач, бир парча кесакни ушатиб олди-ю, фигони ошди ва Райчукка жаҳл билан тикилар экан: «Мен ахир уни огоҳ-лантирган эдим-ку!» дегандек қаради.

— Бу ерда экин битармиди? Бир қарич ҳам чуқур ҳайдалмабди-ку,— деб Райчук гўлдиллаб

соғ оёғи билан ўт илдиэлари чирмаб ётган палах-са тупроқни тепиб юборди.

«Йўқ, ер ҳайдаш ҳовли тозалаш эмас,— деб Симанинг ҳам жаҳли чиқа бошлади.— Бу аҳволга чек қўймоқ лозим. Бундай тракторчилар ҳосилни ҳам, илгор МТС ташкил этишдаги ҳаракатингни ҳам йўққа чиқарадилар».

Унинг жаҳлдан қошлари учиб, чимирилди, юқори лабида норозилик белгиси пайдо бўлди. Сима қўлларини чўзиб, бир-бирига уриб кафтидаги ҳўл тупроқни қоқди-да, бу сурбетни нима қилиш кераклигини ўйлай бошлади. Шундан кейин у духоба нимчасини ечиб четга улоқтираркан, шудгор бўйлаб трактор томон югуриб кетди. Унинг оёқлари тагидан қаргалар, зағчалар, чуғурчиқлар париллаб ҳар томонга учар, ҳавода доира ясаб яна ҳалиги жойига келиб қўниб, хотиржам, беташвиш ўз ишлари билан машғул бўлишар эди.

— Тўхта!— деб бақирди Сима.— Сен ерни қандай ҳайдаяпсан? Нега ерни ишдан чиқаряпсан? Тўхта!

Шавель эса: «Кимга буйруқ қияпсан»,— деган хаёл билан илжайиб, унинг чақирганига эътибор ҳам бермай йўлда давом этаверди.

Сима тракторга етиб олгач, ҳаллослаб унинг ёнида югуриб бораверди. У тракторни тўхтат ва плугларни лозим бўлган чуқурликка тўгрила деб талаб қилди, лекин Шавель гўё ёнида ҳеч ким йўқдек кўзини пириллатиб кетаверди.

Бу ёлғондакам, такаббуруна хотиржамликни кўрган одам жаҳлига, ғазабига, аламига чидолмай ёрилиши мумкин эди.

— Тўхта деяпман сенга! Ер ҳайдашни сенга

ман этаман! Бу муттаҳамлик! Мен ҳозир дирек-
торга бораман!

Антон гўё Симани кўрмаётгандек тракторни хотиржам ҳайдаб бораверди. Шундан кейин Сима трактор олдига югуриб ўтиб, қизил косин-касини бошидан олиб силкитганча бақира бош-лади:

— Ҳой аҳмоқ, тўхтат деяпман! Тўхтат! Тўхтат деяпман! Тўхтат, овора бўласан!

Шавель: «Ҳозир эгатдан захча каби пирил-лаб қочиб қоласан», деб ўйлади-да, тракторини аввалгидек ҳайдаб бораверди. Сима бўлса тур-ган жойида қимир этмай, юз-кўзлари газаб ўти билан ёниб, лаблари титраб турарди. Трактор тариллаб, секин-секин юриб яқинлашар, унинг бутун корпуси дириллар, ер эса унинг залвари-дан зир титрар эди. Ҳаяжонланган Райчук ҳам етиб келди. Кулгини қистатадиган даражада қийналиб оқсоқланиб бораётган Райчук сакраб чиқиб уни тўхтатмоқчи бўлди, лекин трактор секин юриб бораётганига қарамай, чўлоқ оёқ билан юқорига кўтарилиш осон иш эмасди. У Симанинг олдига етиб келди-да, шудгордан чи-қиб олишида унга ёрдам бериш учун унга қў-лини узатди. «Бу аҳмоқ билан олишиб бирор ташвиш орттириш ҳам ҳеч гапмас»,— деб ўйла-ди у. Лекин Сима унинг қўлини зарда билан қайтарди. Шавель эса ҳамон бўш келгиси кел-масди. Масала ҳозир газеталарда ёзишлари мум-кин бўлган унинг шон-шухрати, муваффақият-ларида эди. Унга бўйсунса, сўзига қулоқ солса, чуқур ҳайдаса — демак нормани бажара олмай-ди ва у ҳолда шон-шухрати... Ҳозир энг муҳи-ми бўш келмаслик. Бақириб-бақириб охири жў-наб қолади. У, Сима қўрқиб шудгордан четга

ўтиб олади, деган хаёл билан тракторни секин ҳайдаб бораверади.

Трактор Симанинг шундайгина олдига келиб қолди, радиатори унинг кўкрагига тегай деб қолди. Шу пайт Шавель қиз кўкрагидаги комсомол значогининг титраётганини, қора, ўткир гавҳарли кўк кўзларининг ғазаб ва қатъият билан ёнаётганини кўрди. «Четга қочмайдиганга ўхшайди» деган фикр келди шу пайт унинг миясига. Унинг эти жимираб, қўллари бўшашиб, юраги шув этиб кетди. У тракторни тўхтатиб, моторни ўчирди-да, ўтирғичдан сакраб туриб:

— Мана, ўзинг ҳайдай қол, жуда ақлли экансан!— деди-да, зарда билан пастга сакраб тушиб қўлини силтаганча ҳайдалган ердан йўлга тушди.

Сима Шавелнинг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолди. У бундай бўлади деб ўйламаган эди. Аламдан, яна мағлуб бўлганидан, ерни лозим бўлганидек ҳайдаттиролмаганидан йиглагиси келди. У ярамас, сурбет атайлаб қизни хўрлаб тракторни ташлади кетди. Агар Райчук бўлмаганда бу янги ҳайдалган ерда бир алаmidан чиқиб йиғлаб олган бўларди.

Агрономлик! Биринчи қадамлар... Қиз бечора бу касб ҳақида, олдинги линия ҳақида қанчалар орзу қилмаганди! У чарчаб плуг рамасига ўтирди-да, косинкаси билан юз-кўзини артатуриб ўйланиб қолди.

Райчук жуда хурсанд эди. Энди у ёлғиз эмас, энди уни «антимеханизатор» деб аташмайди. У қизга ачиниб гап бошлади:

— Мана кўрдингизми, Серафима Михайловна, бизда қандай аҳвол. У ярамас ўз билганидан қолмайди. Аввал ҳам шундай эди. Баъзан келиб,

ҳеч бўлмаса бир озгина чуқурроқ ҳайдагин деб илтимос қилсам борми, дарров оёғини тираб: «Ма, ўзинг ҳайдай қол, бу сенга саман от миниб эмас», дерди.

— Бу йил энди бундай бўлмайди!— деди Сима қатъий қилиб.

— Хўш, нима бўлади? Тракторни ташлаб думини хода қилиб қолди-ку... Энди нима қилардинг?

— Ҳар бир дарднинг ўз шифоси бор! Трактор бекор турмасин, қани юргизайлик.

Сима сакраб ўрнидан турди, косинкаси билан пешонасини сириб боғлади-да, плугларни чуқур ҳайдашга мослай бошлади. Райчук унга илдам ёрдам кўрсатиб турди.

Сима Райчукни биринчи бор кўрганида унчалик ёқтирмаган эди. Энди билса контузия бўлган бу мажруҳ одам колхоз, кўпчилик манфаати ҳақида ҳаммадан кўпроқ қайғулар экан; шуни билгандан кейин аввалги фикрлари эсига тушиб ўзидан ўзи уяла бошлади.

— Бир-икки кун ичида агрономлар ҳам келиб қолади. Сизнинг колхозингизга ҳам биттасини берамиз. Ишингизни анча енгиллаштиради,— Сима унга бирор-бир кўнгилли гап айтгиси келарди.

— Ўзингиз бизга ўтақолинг.

— Балки, мен ҳам ўтарман,— деди Сима трактор рулига ўтирар экан. Антон Шавель трактор мотори тириллаганини эшитиб орқасига ўгирилиб қараган эди, унда қизил косинкани кўрди. Юрагига биров ниш ургандек жиз этиб кетди. Бу қиз трактор ҳайдашни билади деган хаёл унинг етти ухлаб тушига кирмаганди. Симанинг қизил дурраси узоқдан социалистик му-

собақа голибларининг қизил байроғига ўхшаб кетди. Шавель ана шундай байроқча ҳақида орзу қилар эди. Ўтган йили бундай байроқ унинг машинаси тепасида ҳилпираган эди.

Трактор ортидаги плуг тагидан қоп-қора тупроқ Шавельникига қараганда баландроқ кўп-чиб-кўпорилиб борарди.

— Нима қилмоқ керак,— сўради у ўз-ўзидан.— Орқамга қайтсаммикин? Бориб тракторни бўшатинг, деб илтимос қилсаммикин? Хотин кишига бориб ялинайми? Ҳамма кулмайдимми? Йўқ, бўлмайди!— У орқасига қайрилиб йўлда давом этди.

У хафақон қиёфада МТСга қараб йўл олди, у ёққа нега бораётганини ўзи ҳам билмасди. Омадини қаранг, МТС ҳовлисида Дедовичга дуч келиб қолди.

— Ҳа, ўртоқ Шавель нега далада ер ҳайдамай бу ёқда юрибсан?— сўради ҳайрон бўлиб директор.

Антон нима дейишини билмай:

— Шеригим ҳайдаяпти. Мен эсам... ҳалиги... кутубхонадан бир справочникни кўриб олмоқчи эдим...— деркан, гапидан адашиб пиджагининг елкасини тўғрилаган бўлди.

— Эҳтиёт бўл, бугун биринчи кун-а. Шеригингга ортиқча ишонма. У йигитча ҳали жуда ёш. сен бўлсанг унга тракторни эрталабданоқ ишониб бериб қўйибсан.

Шавель алдаганим билиниб қолмасин деб кутубхонага кириб кетди. У ерга кириб газета-ларни титкилаб кўрган бўлди-да, у ердан чиқиб устахонага — оғайниларининг олдига кирди. Оғайниларига бўлган воқеани ростини айтиб, улардан нима қилиш кераклиги ҳақида маслаҳат

сўрамоқчи эди. Дедович кузатувчан одам бўлгани учун Шавельнинг кутубхонадан чиқиб устaxonага кириб кетганини кўргач, тракторга бир нарсa бўлмадимикан деб ўйлаб, бир далага чиқиб келай, деган қарорга келди.

Никита Акимович тракторнинг ишлаётганини узоқдан кўрди. Демак, тракторга ҳеч нарсa бўлган эмас. Яқинроқ боргач, тракторда қизил дурралик аёл ўтирганини кўрди. Бу тракторчи аёл қаёқдан пайдо бўлди? Шавельнинг шериги ёш йигитча эди-ку. Тракторга кимни ўтқазиб қўйди, бу шайтон? Буларга ҳеч тушунолмайсанда!

«Ўзбошимчаликка чек қўймоқ лозим!»— деди-да, қадамини тезлатди. Энди трактор унга қарама-қарши келаётган эди.

— Шавель қани? Нега унга жавоб бердинг?— деб Симага «сен»лаб дўқ қилди.

Сима унинг гапидан виговорнинг ҳиди келаётганини сезди. «Сиз»лашга тили бормаяптими тамом. Сима ҳазилга бурмоқчи бўлди-ю, лекин тракторни тўхтатди ва бўлган воқеани айтиб берди.

— Уни ҳайдаш керак!— деди Дедович тишларини гижирлатиб.— Бу ерда унинг қораси ҳам кўринмасин!

У тракторнинг атрофини айланиб, уни кўздан кечиргач, ҳайдалган ерга разм солди-да, хотиржам бўлиб Симага мурожаат этди.

— Мен бўлсам сен йигитчани ўйнаб, дам олиб кела қолсин деб қайтариб юборибсан, деб ўйлабман. У бошқаларга ибрат бўлсин учун колхоздан қувиб чиқарамиз!

— Ҳайдаш қийин эмас!— деди Сима унинг

сўзига қарши чиқиб.— Ҳайдасак ерни ким ҳайдайди?

Дедович кафти билан тақир бошини силаб қўйди, папирос ёндирди-да, оёгини трактор гусеницаси лентасига қўйиб ўйлаб қолди.

—Ҳа, тўғри айтасан,— у Симанинг гапини маъқуллади. Тракторлар етишмайди. Бунинг устига яна машиналар беришмоқчи... Майли, кечқурун мажлисимиз бор, маслаҳатлашиб кўрамиз, йигитчани ёмон ўргатиб қўйишибди.

— Майли. Кечқурун учрашармиз.— Сима газ бериб, скоростни босди...

Шавель устахонадаги станок ва верстаклар олдида анчагача гимиллаб юрди, лекин йигитларга қилиб қўйган айбини айтолмади. Йигитлар-ки, Симанинг ишларига қойил қолиб турганларидан кейин улардан қандай маслаҳат сўраб бўларди, дейсиз.

— Қара, бирпасда ҳовли саришта бўлди қўйди-я,— дейишарди улар бир-бирига.

— Бугун азонлаб келиб, қаерларга дарахт экиш кераклигини белгилаб юрибди-я.

— Райчук уни қаёққа олиб кетди экан?

Шавель одамларнинг кўзига уч-тўртта майда-чуйда деталларни олиб далага қайтди. Балки бирор ўзгариш бўлгандир? Лекин трактор олдида Никита Акимовични кўриб ўзини ўрмонга урди. Ўрмон зах ва совуқ эди, баъзи жойларда усти арча гулининг пўкаклари билан қопланган қорлар ҳам бор эди. Чириган тўнгак ёнларидаги могорлаган замбуруғлардан димоққа дори ҳидими, спирт ҳидими — нималардир келиб урилар эди. Шавельнинг юраги ҳам ўрмон каби музлаб кетди. У дарахтлар орасида санқиб юрди, кейин ўрмондан чиқиб даладагиларни кузат-

ди. Бирор нарса билан машғул бўлиш учун ёнғоқ новдасидан синдириб олиб, ҳуштак ясамоқчи бўлди. Лекин ёнғоқ новдасининг пўстлоғи ажрамади, ёрилиб кетаверди. Охири кичкина бир ҳуштак ясади-ку, чалгани қўрқди. Унинг назарида арча шохлари орасида кимдир яшириниб олиб уни кузатаётгандай эди, чалса ўзини билдириб қўйиши мумкин эди. Қиз бунинг бошига шунчалар ташвиш келтирдик...

Шавель ўрмон четида бир ёш чиройли аргувон ниҳолини кўриб қолди, унинг нозик новдаларида елим тугунчалари ҳам бор эди.

«МТСга бировлар дарахт экади-да, раҳматни хоним эшитадилар,— Шавель Симанинг кечаги гапини нафрат билан эслади.— Ўзи экаверсин...» У қўлидаги пичоқни маҳкам ушлаб ниҳолнинг тагидан ушлаб энди кесиб ташламоқчи бўлган эди, ниҳолнинг шохлари камзулига тегиб шитирлаб кетаркан, юраги шувиллаб узатган қўлини тортиб олди. Дарахтни қўйиб юбориб, пичоқни ёпди.

Яна дарахт орасида кезиб юраверди. Бир-икки соат юргандан кейин жонига тегди. Назарида у ҳозир дунёдаги бутун нарсалардан маҳрум бўлгандек, ҳаётда ўз ўрнини йўқотгандек, энди қаёққа боришини, кимга дардини айтишни билмайдигандек эди. У ҳақда газеталарга ёзишар, бошқаларга ўртак қилиб кўрсатишар эди. Энди эса ҳаммаси тамом. Бундан буёқ шоншараф ҳам бўлмайди, ўртоқларнинг ҳаваси келиб унга тикилишларини ҳам энди ҳис этмайди. Бундай ҳавас билан тикилишларни ҳис этиш қанчалик хуш ёқади! Тўғри, у баъзан дўстларининг ундан кулганларини ҳам кўрган... Бунинг аҳамияти йўқ... Ҳаммасидан воз кечиб шаҳарга

жўнаган маъқул. У ерда иш кўп. Кадрларни эҳтиёт қилиш лозимлигини бир билиб қўйишсин. У ҳуштакчани шох-шабба устига иргитиб юбориб уйга жўнади. Никита Акимович машинада келиб уйғотмагунга қадар ухлаб ётаверди.

Бу сочи тўкилиб кетган одам кўринишдан унга ҳеч бир ерда — бу ерда ҳам, шаҳарда ҳам тинчлик бермайдиган кўринар эди. Шаҳарга ҳам машинада бориб топиб келади... У Дедовични кўрган заҳоти ўзининг айбдорлигини бўйнига олгиси, шон-шуҳратни эса фирромлик билан ортирганини айтгиси келди... Унга ғалаба ҳақидаги рапортлар, МТС учун эса шон-шуҳрат лозим эди. Бу сохта шон-шуҳрат унга насиб этганини эса раҳбарлар яхши билишар эди. Лекин бу гаплар ўрнига Шавель:

— Мен ҳеч қаерга бормаيمان.— деди.

— Борасан. Ёки ишга, ёки прокурорга борасан. Трактор давлат мулки. Сен уни далага ташлаб келдим — вассалом, деб ўйлайсанми? Ма, чек,— у портсигарини очиб унга тутди.— Қисқаси, эркин одамга эркинлик. Тракторни топширгин-да, хоҳлаган томонингга кетавер.

...Худди атайлаб қилгандек клубга жуда кўп одам тўпланган эди. Яна ҳаммаси ўзимизнинг йигит ва қизлар эди. Уларнинг устиларида мойга буланган коржом, ўзлари хурсанд, қувноқ кўринишар эди. Ҳамма ёқ шовқин-сурон, тўполон эди. Репордуктор бақирар, баъзи йигитлар ашула айтишар, баъзилари бир-бирларига папироз узатиб чекишар эди. Қизлар эса ўз ишлари билан бўлиб саҳнага яқин жойда тўпланиб модалар журнаlinesи варақлаш билан овора эдилар. Бу журнални уларга Сима Озерова берган эди.

Антон Шавель ҳамма нарсадан: тўс-тўполон-

дан ҳам, гап-сўзлардан ҳам, ашуладан ҳам, айниқса дўстларнинг кўзидан ҳам қўрқиб ўтирарди.

У бошим оғрияпти деб баҳона қилиб бир четга чиқиб ўтирди. Чарм галифе, спортчилар киядиган чарм камзул кийиб олган старший механик саҳнадаги доскага қоғозга қараб нималарнидир ёзиш билан машғул эди. Доска ёнламасига тургани учун унинг нималар ёзаётгани кўринмас эди. «Иш натижаси бўлса керак», деб ўйлади Шавель. Унинг боши ростакамига оғриб қолди. Кўйлагининг ёқаси қисиб, бўғилаётгандек бўлди. Роса савалашса керак, энди улардан яхшилиқ кутиш қийин, МТСдан ҳам думимни тугишади».

Саҳнага Озерова чиқди. Офтобда қорайиб кетган бу пучуқ қизнинг эғнидаги ҳаво ранг нимчаси устидан кўйлагининг оқ ёқаси қайтариб қўйилган эди. Ҳозир у ёш қизга сира ҳам ўхшамасди. Озеровадан кейин саҳнада директор пайдо бўлди. Шовқин-сурон тиниб, у ёқ-бу ёққа сурилаётган стулларнинг тарақ-туругигина эшитиларди. Никита Акимович механик иккаласи доскани зал томонга қараб буришди. Шавель ўз кўзларига ишонмай қолди. Рўйхатда унинг фамилияси биринчи бўлиб турарди. Нормаси ҳам бир юз тўқсонми, бир юз етмишми шунақа эди — папирос тутинида аниқ кўриш қийин эди. Механик янглишган бўлса керак, ёки менинг машинамда ким ер ҳайдаганидан беҳабар бўлса керак деб ўйлади у. Хуллас, бугун ҳамма ишлар ўлганнинг устига тепган бўларди.

Шавель қаттиқ ҳаяжонлангани туфайли директорнинг биринчи сўзини эшитолмади. Никита Акимович доскага қайрилиб қараб, Шавель-

нинг фамилиясини кўрсатгандан кейин унинг қулоғига гаплари кира бошлади. Ҳамма сўзларини эшита бошлади.

— Плуларни қандай ячгилаганмиз мана бу ерда кўрсатилган. Ўтган йилдаги каби бу йил ҳам биринчи ўринни МТСимизнинг фахри Антон Шавель эгаллади. Лекин у бир юз тўқсон процентга қандай эришди?

Залда яна шовқин-сурон, стулларнинг тақир-туқури бошланди. Ҳамма Шавель томонга қаради.

Директорнинг Шавельнинг фамилиясини кўрсатиши ҳам, стулларнинг ғижирлаши ҳам, ншонқирамай, илжайиб қарашлар ҳам эсдан чиқмайдиган бўлди. Далада содир бўлган воқеадан, маълум бўлишича, кўпгина одамлар хабардор бўлганлар. Шавель бир-икки минут ўзини йўқотиб нима қиларини билмай қолди... У бошини елкалари ичига яшириб, қўрқув сезилиб турувчи кўзлари билан олдинга қараб қимир этмай ўтирар эди.

Ҳамма яна президиумга қарагач, Никита Акимович сўзини давом эттирмоқчи бўлиб турган эди, Антон Шавель бирдан ўрнидан туриб:

— Ёлгон, булар менинг меҳнатим эмас!— деди-да овозини пасайтириб:— мен... бугун ишлаганим йўқ,— деганча дўстлари, ошпа-огайнилари олдида худди суд олдида бош эгиб тургандек тураверди.

— Йигитчани ҳар ҳолда виждони бор экан, ўзи бўйнига олди,— деб портсигарлик қўлини чўзди директор.— Бизнинг қизиқтирган жиҳати ҳам ана шунда. Қаранг, оппа-осон йўл билан жаннатга тушмоқчи бўлибди. Доскада кўрсатилган рақамлар уники, яъни «шеригиники»— ағ-

роном Серафима Михайловнаники. Қисқаси, бугун улар ўзаро қандай мусобақалашганлари ҳақида Серафима Михайловнанинг ўзи айтиб бера қолсин.

Озерова қандай қилиб Антон Шавельнинг шеригига айланиб қолганини айтиб, йигит-қизларни роса кулдирди. Ҳамма кулавериб ичаклари узилай деб турган пайти Шавель гап бошлаб қолди.

— Нимага куляпсизлар?! Ахир мени бу нарсага ўргатиб қўйишган эди-да. Икки йил ишлаган бўлсам, икки йил давомида мақташди, ҳаммаси дуруст бўлди. Энди-чи!..

— Гапни бошқа ёққа бурма! Ўтган ишга савот деганлар. Тракторни тортиб оламиз, ана ундан кейин билганингни қилавер!— деди Никита Акимович пўписа қилиб.

Шавель бутун даҳшат мана энди бошланади деб ўйлади. Лекин у ҳам қилган ишига пушаймон қилгиси келмасди. У бир лаҳза индамай қовоғини солиб турди-да, кейин:

— Ўтган ишни рўкач қилмоқчи эмасман! Албатта хато қилдим. Лекин бундан буёқ Озерова бугун ишлаганидан кам ишламайман. Сифати ҳам яхши бўлади!

Шавель кулаётганларга қирғий каби қаттиқ тикилгач жойига ўтирди.

Шавель клубдан чиқиб аста-секин дала томон жўнади. Унинг хаёлидан ҳар турли фикрлар тез-тез ўта бошлади. Ўзини кўрсатмоқчи бўлди, далада тракторни ташлаб кетди. Ўша пайти қаттиқ ғазабланган, жахли чиққан эди. Энди бўлса бутунлай тескарис бўляпти. Сохта шўҳрат учун нега энди ҳаммаси алдади? Бундай шўҳратнинг шармандан шармисорлик билан тамом бў-

лишини билмаганмиди?.. Сима трактор олдида қўлида қизил дурраси, кўкрагида комсомол значоги билан газабланиб турганда, унинг устига тракторни ҳайдамоқчи бўлганда нимани ўйлаган эди? Клубдаги дўстларининг кесатиқлари, кичкина аргувон ниҳолидан аламини олмоқчи бўлгани эсига тушиб кетди. Нав-ниҳол-а! Чиройликкина, шохларида елим тугунлар маржон каби тизилиб турувчи бир ниҳолни-я! Ниҳолни ўйлаб, бир оз енгил тортди. Яхши ҳам кесмагани. Кесмаганидан хурсанд бўлди. У ҳозир инсон виждонининг пок бўлиши учун яхшилик қилмоғи лозимлигини тушунди...

Антон Шавель ўрмонга бориб ниҳол илдинини пичоқ билан кавлаб, тупрогини қўли билан қазлаб, илдиэларини силаб-сийпаб авайлаб кўчирди.

Эртасига кечқурун сменасини тамомлагач, бу ниҳолни МТС ҳовлисига олиб келди. Сима ниҳолни экишда Антон Шавелга ёрдамлашар экан, унинг диди ва ҳаракатчанлигини мақтади. Шавель хомуш бир ҳолда индамасдан кўчат тагига тупроқ босарди. Кўчатни экиб бўлишгач, Сима:

— Маза қилиб, яйраб-яшнаб ўсаверсин, шундай эмасми, Антосжон? — деди.

— Касалдан туриб, соғайган каби, яшнаб ўсаверсин.

— Бу ўртамиздаги дўстлигимиз дебочаси бўлсин. Майлими Антосжон?

Шавель бир оз жим тургач, Симага кўз қирини ташлади-да:

— Кечаги иш ғалабамнинг бошланиши бўлсин.

— Нима?! — Сима бир сакраб тушди, — сенинг ғалабангнинг бошланиши бўлсин. Сен яра-

маслар ярамаси экансан-ку! Нега энди сенинг галабанг бўлар экан?

Шавель бир лаҳзага кечаги трактор олдида ғазаб билан ёнган кўзларни яна бир бор кўрди. Бу қиз ҳозир яна бошидан дуррачасини олиб «Тўхта аҳмоқ!» деб аварияни билдириш учун поездга қараб бақирганлар каби бақиради деб ўйлади. Антон қизга хотиржам жавоб берди:

— Серафима Михайловна, бир кунлар келиб бу арғувон тагида ўтириб невараларимга қандай қилиб одамий бўлганим ҳақида ҳикоя қилиб берман.

Бир кун, балки, Сима ҳам бу арғувон тагида ўтириб табиат билан курашиш учун «олдинги линияга» келганини, аммо бунинг ўрнига одамлар харакатерига қарши кураш бошлаб юборганини эслар. Агрономнинг ҳақиқий вазифасини, совет кишиларининг табиат стихиясини бўйсундуришдаги йўл-йўриқларини қандай тушуниб олганларини эслар.

1953.

ТАНГАНЬИКА ЧИРОҚЛАРИ

Лорд Слосингда қандайдир кўз илғамас ўзгаришлар юз берган эди.

Унинг бутун кўриниши: сочи тўкилиб кетгани учун ятиллаб қолган тепа кал бошидаги оппоқ тукларини зўр иштиёқ билан тараб қўйиши ҳам, калта қилиб қайчиланган, кўп чекканидан сарғайиб кетган мўйлови ҳам, ҳали ортиқча тириш тушмаган юзининг кўкимтир-қизғиш кўриниши ҳам, дагал бароқ қошлари ҳам, бир қанча ўн йиллар бадалида оила билан келишолмаган, ҳали ёшлик йилларидаги каби узоқ-узоқларни кўришга ҳаракат қилувчи қаттиқ чақир кўзлари ҳам ўзгармагандек эди. Кийим-боши ҳам ўша-ўша: эгнига яхшилаб тикилган костюм, текис дазмолланган шим, оёғига ярақ-ярақ қилувчи туфли кийган. Туфлиси хаддан ташқари ярақлагани сабабли унда булутлар ва кеманинг найзасимон мачталарининг акси ҳам кўриниб турарди. Унинг бутун хатти-ҳаракати: хулқ-атвори ҳам, огир юришлари ҳам аввалгидек эди. Лекин шунга қарамай муҳтарам лорд ўша одам билан... узоқ африкалик киши билан тасодифан учрашган кунлари унга нимадир етишмаётгандек туюлар эди...

Биз лордни Нормандия соҳилидан чексиз Атлантика бўйлаб йўлга тушган пароходда бир-га сузган кундан бери биламиз. Пароходдаги одамлар рўйхатида деярлик ҳамма мистер деб кўрсатилган бўлиб, фақат лорднинг фамилияси олдига унинг узундан узун, дабдабали мансаби машинкада ёзиб қўйилган эди. Ундан ташқари барча одатдаги мистерлардан фарқли ўлароқ, лордга сэр деб мурожаат этишар эди. Юэлаб миссис ва мисслар, сон-саноқсиз америкалик бойвучча хонимлар у билан учрашиб, суҳбатлашиш пайдан бўлишарди. Ахир унинг сон-саноқсиз неваралари борда! Унвонларга ўч бўлган бу хонимлар унинг суҳбатини олиш, олий эътиборини қозониш учун ундан ўз хизматларини аямай, бу жиҳатдан ким ўзар ўйнагандек бўлардилар. Агар пароход ресторанининг зали овқат пайти ҳурматли миссис ва миссларнинг ялангоч елка ва белларининг қизиқ бир кўрғазмасига айланса, уларнинг қўл ва бармоқлари биринчи класс тилла магазинининг витринасини эслатар, лордга яқин столлар устида эса ҳақиқий ва сохта тиллалар, табиий ва сунъий аёл гўзалликларини кўз-кўз қилиш авжига минарди. Лекин лордга ҳеч нарса таъсир этмасди. Балки бунинг сабаби ёшининг бир жойга бориб қолганида, ёки унинг фикрлари буларга қараганда бир қадар муҳимроқ масалалар билан банд бўлишидадир. Лорд олдидаги сули бўтқасини бамайлихотир еб тугатгач, бир стакан чой ичарди-да, аста-секин юриб залдан чиқиб кетар эди.

Лорднинг эрталаблари сайр қилиш одати бор эди. У ҳар қандай об-ҳавода ҳам энг юқори палубада борт ёқалаб сайр қилиб юрар эди.

Шундан кейин у пастки палубага тушар ва бирор-бид шерик учраб қолса, икки-уч партия теннис ўйнаб қўяр эди. У пешинги овқатдан кейин яна ойнавон галереяда пайдо бўлиб, чўзилиб ётарди. Уни қулайгина шезлонг ўз қучогига оларди. Стюард лорд Слупингнинг оёқларини авайлаб ўраб, эҳтиёткорлик билан ёстиқларини тўғрилаб бўлгач, дам олувчининг кўзини чарчатмаслик учун секин чиқиб кетар эди. Лорд кўк кўзойнагини бўрнинг устига суриб қўйиб, кузги ёқимли қуёшга тикилганча қимир этмай ётаверар эди. Қатор шезлонглар устида тантанавор сукунат ҳукм сулар, бу ерда қаттиқ гапириш мумкин эмасдек туюлар эди. Ҳатто оҳиста шивирлаш ҳам ҳамманинг қазабини келтирганидан тинчликни бузувчи одам худди лимон ютиб юборгандек оғзидаги оғзида қолиб нафасини ичига ютарди. Қалин ойна денгизнинг тинимсиз шовқин-сурони, тўлқинларнинг урилишини, кучли шамолнинг ғувиллашини ўтказмасди. Баъзи-баъзида оппоқ қор каби денгиз пўртаналари галерея ойнасига сачраб, кўпириб оқиб тушар эди. Дам олувчилар тинчлигини ҳеч нарса бузмасди. Улар қимир этмай ётганча нурсиз куз қуёшига уйқусираб тикилишар эди. Пароход гоҳ чапга, гоҳ ўнгга тепага, пастга аста-секин чайқалиб бораверар эди... Деворлар, палубалар, шезлонгларнинг ёғочлари гичирлар эди. Пароход турбиналарининг бир меъёрадаги овози деярлик ҳамма қаватларда эшитилиб турар эди.

Пароходнинг тебранишига мос қуёш ҳам каттакон, кўзга кўринмас халинчақда тебранаётгандек бўларди, қуёш юқорига кўтарилганида кўпикланган тўлқинлар сочилиб кумуш ва зар-

рин рангда кириб кўзни қамаштирар эди. Роҳатижон лаҳзалар... Қуёш ҳароратини, денгизнинг алдамчи эркалашларини лайнернинг — ажойиб қирол лайнерининг тез ҳаракатини ҳис этиш унга — лордга қанчалар хуш ёқади. Бу лайнерга катталиқда ва тез сузишда тенг келадигани йўқ! Бу лайнерга бекорга Британия қироличасининг номи қўйилган эмас... Британия денгиз ва океанлар ҳукмдори. Лорд Слоринг ҳаёлидан одатда шу фикрлар ўтар экан, унинг башараси бурушиб кетар эди — бу сўзлар жуда эскиб кетди, ҳозирда ярашмай қолди деб ўйлар эди у.

«Ҳамкорлик» деб ном олган муқаддас традицияни, мағрур Альбион билан ўрталаридаги бузилмас алоқаларни эслашари билан энсалари қотувчи Канада, Австралия, Янги Зелландияларга нима бўлди? Ҳм... мағрурлик. Қачонлардир Ҳинд океани қонунан Британияники эди. Британия арслони Ҳиндистоннинг ва бошқа мамлакатларнинг бутун арслонларидан зўр келарди. Ҳиндистон борган сари қўлдан чиқиб бормоқда... Цейлон масаласи туфайли қанча кўнгилсиз воқеалар рўй бермади! Шундай экан, бошқа мамлакатлардан ҳам яхшилиқ кутиб бўлмайди. Малайядаги нохуш сюрпризлар ҳақида эсламаган маъқул... Мисрликлар ҳам аввалгидай хушмуомала эмаслар. Қаёққа қараманг, қадимий олийжаноб Англия кўнглини хушловчи муносабат йўқолган!.. Ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган, ҳозирги замонда ҳукмрон бўлмиш тартибсизлар ичида осойишталикни сақлаш кун сайин огирлашиб бораётган лордга тасалли берадиган ишлар жуда камайиб кетаётганди. Авваллари ҳамма нарса оддий ва тушунарли эди, куч сен томонда — ўз қонун-қоидаларингни ўзинг

белгилай берардинг. Энди бўлса аллақандай Кения деган жойдаги бошқа ерларга кўчирилган қаланғи-қасанғи негрлар деб дашномларга қолиб ҳақоратлар эшитгандан кейин ўз муқаддас ҳуқуқларингдан ҳам, бегона тупроқ ва унда яшовчи аҳолидан ҳам воз кечиб юборгинг келади.

Бунинг устига колониялар ҳақида, васийликдаги территориялар ҳақида ҳисобот талаб қилишмоқда. Яна бу талабларни қандайдир уставга ҳам олиб бориб тақайдилар... Бўлмасачи, ахир у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-да! Авваллари бундай «бирлашганлар»сиз ҳам яшаган эдик-ку! Ҳамма ҳурмат-эҳтиром қиладиган, колониялар министрлигининг чиновниги лорд Слупингнинг денгиз ортига бориб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида «ҳисобот бериши» кимга керак бўлиб қолди?

Тўғри, бу «бирлашганлар»даги ҳамма ишларни ҳам ёмон деб бўлмайди. Ҳали дўстлар ҳамкорлиги бузилгани йўқ, ёрдамларига суяниш мумкин, лекин бу ёрдам қимматга тушади. Бир марта, боринг, икки марта ёрдам қилади, лекин бир маҳал бундай қарасанг, сенга ёрдам қилган дўстинг сени ерингда худди отасидан қолгандек, сен орттирган мол-мулкнинг ҳузурини сура бошлайди. Ҳатто Африканинг узоқ чекка ўлкаларидаги мулкнингга ҳам эндиликда ўзинг эгалик қилолмайсан. Кениядан келадиган пахта ва кофелар, Родезиядан келадиган олтин, рух, қўрғошин, мис ва асбест, Уганда ва Танганьика ерларидан ҳосиллар Лондонга келадиган йўлларни унутиб қўйдим. Энди буларнинг бари узоқларга — океан ортига оқмоқда. Бундай дўстлардан узоқроқ юрганинг яхши. Аммо

бу омонат, қалқиб турувчи дунёда уларсиз тирикчилик қилиб бўлармишми. Агар океан ортидаги дўстлари бўлмаганда қари лорд ҳатто ўз вақтида тинчлигини аллақачонлароқ йўқотган бўлар эдими. Баъзи бировлар йирик фабрика ва заводларни, темир йўл ва доктларни эгаларидан тортиб олмоқчи ҳам бўлган эдилар. Яхши ҳамки ўз вақтида уларнинг эсини киритиб қўйишди... Мамлакат тақдирини қадимий Англиянинг ҳурматли лорд каби жиддий вакиллари ҳал этмоғи лозим. Бутун халқ тақдирини ҳал этиш, бирлигини сақлаш фақат шуларнинггина қўлларида келади. Лекин у бирлик қани, борми ўзи?.. Дунёдаки бирлик йўқ экан, лорд билган қадимий очиққўл Англияда ҳам бирлик бўлмайди. Дунёда ҳамма нарсалар ўзгармоқда. Унда янги кучлар пайдо бўлмоқда. Улар ўсмоқда, мустақкамланмоқда. Бу кучлардан лорднинг денгиз ортидаги дўстлари чўчимоқдалар. Ахир, улар бекорга ўлат теккан каби бутун дунёга жар солиб келаётган даҳшат билан ҳаммани кўрқитиб, алдаб, оҳ-воҳ уриб юрганлари йўқ-ку. Бу келаётган «қизил даҳшатга» қандай қарши турмоқ лозим.

Хаёлингда ташвишли фикрлар кезар экан, уларни бошингдан чиқариб ташлашинг жуда маҳол. Бир лаҳза кўзинг илинди дегунча улар дарров ҳозир у нозир бўлади-да, бутун оромингни бузади. Лекин муҳтарам лорднинг хаёлига ҳар қандай фикр келганда ҳам ўзини вазмин тутати. Лорднинг ёнидаги бу миср мўмиёлари галереясида ётган одамлар — пароходдаги бу узун шезлонглар қаторини ана шундай деб аташар эди — қари лорд қуёшнинг кучсиз нурларидан, Шотландиянинг иссиқ рў-

молидан, галереядаги бу сокинликдан роҳат қилиб ётибди, уни ҳар қандай ташвиш, қўрқинч ҳам ҳаяжонлантиролмайди, деб ўйласалар ўйлайверсинлар... Балки лорднинг ёнида ётганлар ҳам худди унга ўхшаб ўз фикр-хаёлларини, қўрқувларини ва шундай сунъий хотиржамлик ҳамда ёлгондакам сокинлик ниқобидаги ташвишларини яширишаётгандир.

Лорд Слупинг шезлонгда қанча ётиш лозим бўлса, шунча қимирламай ётаверарди. Шундан кейин шошилмасдан музика залига кириб орган садолари остида ўзига тегишли чойини ичарди.

Диний музика унга хотиржамлик, тинчлик бахш этар эди. Лорд овқатдан кейин одатдагидек айланиб юрар, борди-ю, океан нотинч бўлса, ёки осмондан кузги ёмғир шивалаб турган бўлса, шамоллаб қолмай деб, стюардга виски олиб келиб беришни буюрар эди. Виски ичилар экан, стюардга бир-икки оғиз гапириш ҳам мумкин эди. Унинг фамилияси, қаерлик экани, оиласи, пароход черковидаги навбатдаги хизмати қачон бошланиши ҳақида сўраб-суриштирар эди. Лорд ярим соатлик сайрдан сўнг уйқуга ётар эди. Юқоридаги палубада анча вақтгача шовқин-сурон босилмас эди. У ерда танца тушишар, кино кўришар, коктейль-салонда вақтихушлик қилишар, музика эшитишар, стол устида ўйналадиган импровизацияли дўнан ўйини бўлаётган залдаги тотализатор атрофида уймаланишарди.

Лорд бундай оқшом ўйинларидан нарироқ юрар эди. Бу ўйинлар унинг жонига теккан бўлса ҳам эҳтимол. Балки уларга қизиқмас. Балки, ёши бир жойга бориб қолганлиги ва ҳаёли каттароқ, муҳимроқ ташвиш, фикрлар би-

лан бандлиги сабабли бундай ўйинлар билан қизиқмас.

Биз лордни параходда ана шундай деб билар эдик.

* * *

Колониал мамлакатлар, восийликдаги ва қарам территорияларнинг ишлари кўриладиган Комитет мажлислари залида тартибсизлик ҳукм сулар, ҳар бир одам ўз иши билан банд—залдагилар ўз ҳолича, нотиқ ўз ҳолича гапирар эди.

Президиумдан узоқроқда ҳар ер, ҳар ерда делегатлар тўпланишиб, шивирлашиб мунозара қилишар, газеталар ўқишар эди. Баъзилар мудроқни енгиб докладчининг бир хил оҳангдаги қандайдир рақамлардан иборат узундан-узоқ нутқининг маънисини тушунишга ҳаракат қилишар эди. Унинг нутқи кузги майдалаб ёғадиган ёмғирга ўхшарди. Қачон тўхтаркин?.. Баъзилар мудроқни енгиш учун деворнинг у бошидан бу бошига қадар чўзилиб кетган кенг деразаларни диққат билан кўздан кечиран эди. Дераза ойналаридан сув жилдираб оқиб турибди. Ташқарида ҳақиқатан ҳам ёмғир ёғётган эди. Дераза ташқарисида кўк, қизил чироқлар липиллаб, аста-секин орқага ўтиб борарди, шунга қараб пароход дарёда қуйи томонга кетяптими ёки юқорига билиш мумкин эди. Бундан ташқари бир минут ичида оролдаги маяк неча марта ёниб ўчишини аниқ ҳисоблаш, пароход чинқирганидан сўнг уни ўтказиб юбориши учун қанча минутдан сўнг кўтарма кўприк чироқлари юқорига кўтарилишини аниқ санаш билан ҳам шуғулланиш мумкин эди. Бу жонга тегадиган зерикишдан, мудроқ бо-

сишдан бир оз бўлсада қутулиш учун қанча-қанча ишларни ўйлаб топиш мумкин. Ўз даврида кўп нарсаларни кўрган мистер Черман ҳам столга яхшилаб ёнбошлаб, юзига кафтини тираб ўтирар экан, қўққисдан хуррак тортиб юборган эди, нотиқ довдираб қолди ва бутун зал гуриллаб кулиб юборди. Мистер Черман хуррак тортиб юборганини сезиб, ўзининг қаерда эканини ва нима воқеа содир бўлганини фаҳмлаб стол устида турган болгачасини нотиққа кўрсатиб мурожаат этди:

— Марҳамат, сэр, ҳали сизнинг вақтингиз тамом бўлгани йўқ.

Одатда залда ўтирганлар нотиқ нималар ҳақида гапиришини ипидан игнасиғача аввалдан биладиган пайтларда ана шундай вазият рўй берар. эди. Мана, бугун ҳам худди ана шундай нотиқлар сўзга чиққан эдилар. Аввал француз, кейин бельгиялик гапирди, энди англиялик нутқ сўзламоқда. Муҳтарам лорд Слупингнинг ўзи нутқ сўзламоқда.

Залда шов-шув кўтарилиб қолди.

— Ҳозир цивилизация ҳақида гапирадил...

— Кейин халқпарварликка ўтади...

— Ана энди тақдир иродасига биноан бу бечора саводсиз қолоқ халқ ҳақида ғамхўрлик қилишдек оғир вазифа юклатилган буюк давлат ҳақида гапиреди...

Нотиқ ҳам ҳақиқатдан инсонпарварлик, одамгарчилик, камбағал ва саводсиз халқларга бегараз ёрдам бериш ҳақида, уларнинг бахти, муваффақиятлари, ҳомийлик қилувчи давлатларнинг оғир ва масъулиятли вазифалари ҳақида гапирди... Ўз яқинларингга муқаддас бурч

туфайли лозим бўлган зарур ёрдамлар кўрса-тиш ҳам гап эканми?... Худонинг ўзи...

Хуллас гапираверди, гапираверди... Таврот-дан ҳам оятлар келтирилди, диний ривоятлар, масаллар айтилди. Тавротдаги гапларга жуда қизиқадиган, келтирган бундай мисоллари билан «темир тўсиқ» ҳақидаги узундан-узоқ нут-қини тасдиқламоқчи бўлган америкалик сена-тор ҳаяжонланиб кетиб чапак чалиб юборди. Лекин бошқа одамлар унга қўшилмаганини кўр-гач, бир нима деб тўнғиллаб жим бўлиб қолди. Залдагилар, кўринишича, унинг ҳаяжонини қа-бул қилмади. Сенатор нима қиларини билмай тумшугини газета билан пана қилиб секингина сўкиниб қўйди. Лекин бу газетачи вайсақилар-ни қўлга олиш керак, улар мана шунақа бема-хал уввос соладилар. Газетанинг ярим бетини каттакон сурат эгаллабди. Тиконли сим. Сим орқасида негрлар. Улар қоқ ерда ўтиришибди. Уларнинг озгин этларини сахтиён жулдурлари аранг бекитиб турибди. Баъзилари устиларига одеял ёпиниб олишган. Улар ёнида инглиз сол-датлари сергак бўлиб туришибди. Милтиқлар-нинг штиклари қадалган. Автоматлари ҳам шай. Ундан нарироқда... Ҳа, буларми, булар оддий дор ёғочлар... оддий эмас, портатив дорлар... Аммо, бу инглизлар жуда уста одамлар-да, баъ-зан муваффақиятсизликка учрасалар ҳам йўл-йўригини билишади. Хўжа кўрсинга кучсиз-ларга йўл беришга тўгри келади.

Сурат тагида: «Кениялик экстремистлар ўй-лаб кўриши лозим бўлган масалалар...» деб ёзиб қўйилган. Нима ҳам дейиш мумкин, жуда ўткир сўзлар. Бу аблаҳ газетчилар доимо би-рор-бир масалани бевақт ўртага ташлаб қўйиш-

ди. Бу сурат ҳар ҳолда Кения ва бошқа шунга ўхшаш территориялар масаласи устида гап кетаётган бугунги кунда пайдо бўлиши керак эмасди. Йўқ, бу газетчиларни албатта қўлга олиш керак.

Ҳақиқатдан ҳам залдагилар Кения, Малайя, Родезия ҳақида гапирган нотиқларга саволлар ёғдиришди. Тавротдан келтирилган оятлардан чарчаб кетган лорд Слупинг терлаган бўйнини даструмоли билан артиб нималарнидир блокнотига ёзиб олар экан, нажот излаётгандек залга қараб-қараб қўярди. Залдагиларнинг на кўзларида ва на сўзларида ўзига нисбатан ачиниш, шафқат сезмасди. Сурия, Миср, Покистон, Бирма, Индонезия вакиллари бундай сурбетликни қачон ўргандилар? Ахир, анави гватемалалик ёхуд салвадорликка нима керак ўзи? Худди уларнинг тилини биров қичитаётгандек тинмай савол беришмоқда, яна қандай саволлар денг... Давлатларнинг ички ишларига аралашиб ҳуқуқини уларга ким берди? Лорд Слупинг бу ҳақда гапирмоқчи бўлиб турувди, лекин худди шу дақиқада бир делегат унинг сўзини бўлиб, ҳамма ҳаммаю, лекин муҳтарам лордга маълумки, ҳозир Англиянинг ички ишлари эмас, балки унинг васийлигидаги территорияларнинг колониал масалалари муҳокама қилинмоқда, деди.

Лорд терлаб кетган бўйнини яна артиб олди, баъзи делегациялар томонига қўрқа-писа назар ташлаб олди. У ўзини бутунлай йўқотиб қўйди. «Қизил» блок ҳали дискуссияга чиққани йўқ. Лекин мана ҳозир янги саволлар берилади... Лекин бу одатдан ташқари ҳужумга, баҳор тошқини эски, йўсин қоплаб кетган тўғонга зўрлик

қилишга ўхшаш бу иштиёқлар тўфонига қарши турмоқ учун қаердан куч топиш мумкин. Сенатор бир қадар асабийлашди, унинг қаҳр-ғазаб билан ёнувчи нурсиз кўзлари делегатлар ўтирган қаторларда бежо сузарди. Унинг миясида «Улар қаерга тумшуқ тиқишяпти, қаёққа суқулишяпти, ким уларга рухсат берди?» деган фикрлар гужгон ўйнади.

Залга жон киргандек бўлди, эҳтиросли инсоний ҳис-туйғулар, фикрлар баён қилиниб уйқуга гарқ бўлган жонсиз тинчликни ҳаяжонга келтирди. Худди қалин ойна орқасидаги жонли, ҳақиқий ҳаёт ўзининг сўнмас қувончи, азоб-уқубатлари, эзгу-ниятлари ва ғалабалари билан бу ерга ёриб бостириб киргандек бўлди.

Лорд Слупинг саросимасини яшириш ва овозига хотиржамлик бериш мақсадида жавоб бериш учун эҳтиётлик билан сўзлар танлар эди. У Кения ҳақида гапирди.

— Жаноб делегатларга Кениядаги воқеалар... Мен ўзим нималар деяпман, қандай воқеалар... майда-чуйда англашилмовчиликлар... Бу англашилмовчиликларда аҳоли қатнашаётгани йўқ... аммо... аҳолининг раҳбар ҳокимиятидан мамнун бўлиш учун барча асосларга эга бўлган кўпчилик аҳоли... мамнун ҳам... Гап фақат экстремист элементлар ҳақида боряпти. Булар ўз сиёсий мақсадлари учун бундай тартибсизликни уюштирмақдалар... Улар фанатиклар... бу...

— Бу қизил пропаганданинг натижасидир. Бу иш...—сенатор қаттиқ бақриб юборди ва шу заҳоти ўз луқмасини тўхтатиб қўйди, чунки бутун зал бўйлаб:

— Ёлғон!—деган овоз янграб кетди.

Бу қарши айтилган овоз ҳаммани ўзига қа-

ратди. Ўзининг одатдаги ыазминлигини йўқотган ва шиддаткор мунозараларнинг яқинлашаётганини сезган мистер Черман болғали қўлини кўтарган жойида қимир этмай қолди. Нотиқни ёлгон гапда айблаган одам ўз ўрнида жим ўтирар эди. У жорий этилган қонунни жиндак бўлсада бузмаганлиги учун уни тартибга чақириш ноқулай эди. Ундан ташқари, агар тартибга чақириладиган бўлса, бу ишни биринчи навбатда сенатордан бошлаш керак эди. Ахир мухтарам лорднинг сўзини дастлаб ўша бўлди-да. Лекин мухтарам сенаторларни ташвишлантириш мумкинми? Чермanning болғачалик қўли стол устига тушди.

«Ёлгон» деб бақирган одамни нотиқ ҳам кўрди. Нотиқ унга бир қараб қўйди-да, яна сергак тортди. Ҳалиги бақирган одам делегатлар орасида эмас, меҳмонларга ажратилган жойда ўтирган бир қари негр эди. Оқара бошлаган жингалак сочлари унинг тим-қора юзини ўраб турар эди. Кўринишдан африкалик бўлса керак. Ичига ботиб кетган юз-кўзлари ва чуқур ажинлари унинг огир ҳаётидан дарак бериб турарди. Лекин кўз ифодалари, бутун қиёфаси унинг ўз олдига қўйган катта, аниқ мақсади ва бу мақсад йўлида ҳар қандай азоб-уқубатларга, машаққатларга ҳам тайёр эканлигини кўрсатарди.

Лорд ўз ҳаётида озмунча одамларни кўрганни йўқ, уларнинг фарқига ҳам яхши боради. Уни одамларнинг ташқи кўриниши ҳам, тўрсиллатиб гапиришлари ҳам ҳайрон қолдиროлмасди. Одам одамга ўхшаши мумкин, лекин дунёда бир-бирига ўхшаган одамлардан кўпи борми! Лордни африкаликнинг овози ҳайрон қолдирди ва ташвишлантириб қўйди. У янгли-

шиши мумкин эмас: бу африкаликнинг овозини у қачондир, қаердадир эшитган эди. Лекин, қачон, қаерда? Қари лорд қанчалик уринмасин, бу қора танли нотаниш одамни эслолмасди.

Ҳозир у минбарда турарди. Лорднинг доклади бўйича мунозарадан олдин бу одамни — Танганьикадан келган африкалик қабила вакилининг сўзини эшитиш лозим эди: у Танганьика халқининг ҳокимият устидан петиция шикоят билан келган эди. Бу петициянинг узоқ тарихи бор. Лекин мажлисга бу петиция муҳокамасини қўйишни хоҳловчилар кўп эмасди, аммо Танганьика қабиласи вакилининг айтишича, баъзи буюк озод мамлакатларнинг доимий адолати ва олижаноблиги туфайли мана ҳозир мухтарам делегатлар олдида сўзга чиқиш имкониятига эга бўлди. Африкалик вакил хотиржам, шошмасдан, ҳар бир сўзни ўйлаб гапирар эди. Бу олий мажлисда кўнгил ранжитишдан тангрини ўзи сақласин. Ахир бу ерда оқ танлилар кўп — жуда ҳам кўп-а! У эҳтиёт бўлиб, ҳурмат ва эҳтиром билан гапирса ҳам, овозида, ҳаракатларида хотиржамлик, ишонч сезилиб турса ҳам, шахсий қадр-қимматини чуқур ҳис этиб гапирса ҳам, ҳамма унинг гапига беихтиёр берилиб эшита бошлади.

— Вамеру қабиласи,—деди у,—катта эмас. Бу қабила Меру тоғи ёнбағрида яшайди. У жуда қадимлардан бери шу ерда истиқомат қилиб келади. Боболаримиз, бобокалонларимиз ҳам шу ерда яшаб ўтган. Бу ерни бизга тирикчилигимиз ўтиши ва мол-ҳолларимизни боқиш учун, шу билан бирга, ўзимиз ва бошқа қабилаларни туз билан таъминлаш учун одамлар эмас, худо-таоло етказган. Бизнинг кичик-кичик туз кон-

ларимиз бўларди... Ва бизлар бегоналардан ортиқча жабр кўрмай, тинчгина яшар эдик. Аммо биринчи жаҳон урушидан йигирма йил илгари қабиламиз ерига немислар кириб келди. Уша йиллар тупроғимиз учун ситамдийда огир йиллар бўлган эди. Бизнинг ва қўшни қабилаларнинг ерларида беҳисоб қон тўкилди. Биз душман билан беш йил курашдик, лекин бизда яхши қуроллар, тўплар йўқ бўлгани сабабли оқибат енгилдик. Шу билан немислар ерларимизни эгаллаб, келгинди оқ танлиларга бўлиб берди.

Биринчи жаҳон урушида эса британияликлар келишди. Улар немисларни қувиб юборгач, бизга: Энди сизлар озод бўлдинглар, британияликлар эса раҳбар ҳокимият, улар сизларнинг ҳаётингиз, бахтингиз ҳақида қайғурадилар, дейишди. Бизлар жуда хурсанд бўлдик. Биз немислар тортиб олишга ва оқ танлиларга бўлиб беришга улгуролмаган ерларимиздан фойдаланавердик. Туз қазиб, меҳнат қилиб, бола-чақамиз билан ғам-ғуссасиз яшайвердик. Британияликлар ҳатто бир пайтлари немислар босиб олган икки участка ерни бизнинг қабилага сотиб олишни таклиф этди. Ва биз бир қанча йил одамлардан қурби келганча пул тўплаб бериб келдик. Пули бўлмаган оилалар ўз қўйларини, эчкиларини сотиб беришарди.

Лекин биз ернинг пулидан қутулгач ва шу муносабат билан қувониб турганимизда британияликлар бизнинг қабиламизнинг бошқа ерга, жанубга кўчиши лозимлигини эълон қилишиб қолишди. Айтишларига қараганда, британияликлар бизнинг ерда сут хўжалиги ва гўшт саноати корхоналари барпо этишадиган бўлишибдимиш. Британияликлар бизларни кўчирмоқчи

бўлган ерларини билардик, чунки у ерлар ҳам ўзимизники бўлиб, бир пайтлари немислар уни ололмаган эдилар. Шундай қилиб қувончимиз қайғуга айланди. У жуда ёмон ерлар эди, бир умр ёмғир кўрмасди, мол боқишга сира ҳам ярамасди. Бунинг устига у ерда цеце пашша кўп эди. Биз раҳбар ҳокимиятга у ерга кўчишни хоҳламаймиз, биз ташкил этадиган сутчилик хўжалигини ва гўшт саноатини ривожлантиришда қатнашишимиз мумкин дедик.

Лекин бизнинг гапларимизга қулоқ солишмади. Қабиламизга область ва провинция комиссари ҳамда раҳбар ҳокимиятнинг нуфузли вакиллари келишди-да, кўчишимиз кераклигини, борди-ю, кўчмайдиган бўлсак, бу иш бизга маъқулми ёки маъқул эмасми — барибир кўчишга мажбур этажакларини айтишди. Агар ўз хоҳишимиз билан кўчадиган бўлсак, мол-мулкларимизни ташиш учун юк машиналари беражакларини ва бир йилга қадар ҳеч қандай солиқлар тўламасликларимизни билдиришди. Одамларимизнинг жаҳли чиқиб, бизга юк машиналари ҳам, бошқа ёрдамлари ҳам керак эмас, аввалгидек солиқларни ҳам тўлайверамиз, лекин ўз еримиздан ҳеч қачон кетмаймиз, дейишди.

Бизлар қўлимиздан келганча қаршилиқ қилдик — область комиссарига ва ҳатто шахсан колония министрининг ўзига ҳам хат ёздик. Лекин бизнинг қаршилиқ қилишимиз натижа бермади. Ана шундан кейин биз ҳуқуқимизни ёқлашлар деган мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига петиция ёздик. Бундан Британия ҳуқмдорлари хабардор бўлиб қолиб, мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи советига мурожаат этишибди. Советда эса бор-йўғи тўрттагина аф-

рикалик бўлиб, уларни ҳам ҳокимиятнинг ўзи белгилаб қўйган эди. Совет қабиламизни мажбурий равишда кўчириш ҳақида қарор чиқарди.

Бундан кейин тез орада бизга область комиссари жаноб Слупинг келди... Йўқ, йўқ, мен муҳтарам докладчини айтмоқчи эмасман... Мен унинг набираси ҳақида гапираётганим учун ундан кечирим сўрайман.

Лорд Слупинг ҳеч қачон ҳаяжонланмас эди. Лекин ҳозир у юзлари қизариб кетганини сезди. Бўғилиб кетганидан, беихтиёр галстугини бўшатди-да залнинг ҳар томонидан унга қизиқсиниб тикилаётган юзлаб нигоҳдан кўзини яшириш учун бўйнини чўзганча қимир этмай ўтираверди. Муҳтарам лорд унинг фамилиясини айтганлари учун уялгани йўқ. У ахири бу сирли африкаликни эслаб таниди, у билан бир пайтлари, бундан ўттиз йилларча илгари учрашган эди. Лорд қалбининг аллақасерида қандайдир ёқимсиз ҳислар пайдо бўлди: бу одам олдидаги айбдорлик ҳиссини — ахир у ҳаётини сақлаб қолган бу одам олдида бир умрга қарздор эди-да — ўз ватандошларининг, ўз неварасининг ярамас ишлари туфайли бу зал тўла одамлар олдидаги хижолат ҳиссини, билолмасди. Ахир доим шундай бўлиб келган, шундай бўлиши ҳам керак. Булар, ахир, ерли халқларни отишгани, ўлдиришгани йўқ. Немислар эса, бутун бошли қабилаларни қириб юборган эдилар. Йўқ, улар Танганьикада бундай ишлар қилишгани йўқ. Ер-чи, ер? Ер нима бўпти... Ерга қонунга асосан аввалгидек британияликлар эгалик қилишадди, ахир, улар ҳукмдорларда. У шундайгина ёнида ўтирган сенаторларга ачиниш биланми ёки киноя биланми қараб туриб бирдан:

— Бу ўзи бизда нималар бўляпти? Бу минбардан туриб қизил пропаганда юргизишга қачондан бери рухсат беришди. Мен талаб қиламанки...—деб бутун зални бошига кўтариб бақирди.

Лекин ундан, худди хира пашшадан қўл силкиб қўя қолгандек, ҳамманинг энсаси қотди. Ғазабланган овозлар бутун зални тутиб бир оздан сўнг тинчиди. Минбардаги одамнинг овози яна янграй бошлади.

Жаноб комиссар, кўчинглар,— деб буйруқ берди. Бизлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарори келгунча кутайлик деб илтимос қилдик, чунки петициямизнинг қабул қилингани ҳақида жавоб олган эдик. Лекин жаноб комиссар, ёзган петицияларинг бефойда, деди ва кўчиш кунини белгилади. Биз кўчишдан бош тортдик; оқсоқолларимиз: худо берган ерни ўлигимизнинг устидан ҳатлаб ўтиб оладилар, танимизда жонимиз бор экан, еримизни бермаймиз, дейишди. Жаноб комиссар фиғони фалак бўлиб, жўнаб кетди. Уч кундан кейин еримизда қуроланган полициячилар тушган юк машиналари пайдо бўлди. Офицерлар қишлоғимизни дурбин билан роса кузатиб текширишди. Улар бизларни қуроллари бор деб ўйлашган экан. Лекин бизда қурол нима қилсин? Бизлар полициячиларни кўргач, одамларимизга қўлларингизга ҳеч нарса — таёқ ҳам, бел ҳам олманглар, яна бирон тушунмовчилик содир бўлмасин, дедик.

Полициячилар эса қишлоқ четидаги уйларга ўт қўйиб, кўчларимизни машиналарга ортиша бошлаган эди. Улар бошқа уйларни ҳам ёндириб, юкларимизни олиб чиқиб ортишни

Ўзимизга буюриша бошлашди. Лекин бу ишни ким ҳам қила оларди?.. Шундан кейин полициячилар кўчларни ҳам олиб чиқмаёқ уйларга бир чеккадан ўт қўя бошлашди. Одамлар ўрмонларга, далаларга қочишди. Молларни омон сақлаб қолиш керак эди-да... Полициячилар худди шу тақлитда уч қишлоқни ёндириб юборишди. Кейин одамларни ушлаша бошлашди. Икки ҳафта одам тутиб тўплаб, моллар билан бирга ўзимизга ажратилган жойга ҳайдаб боришди, баъзиларни қамоққа олиб кетишди. Халқ чакалакзорларда, ўрмонларда бекиниб юрди. Келинимнинг ой-куни яқинлашиб қолган эди. Одамларни қидириб юрган полициячилар уни ўрмонда — гулхан олдида ўтирганда топиб олиб, қозондаги пишираётган овқатини итқитиб, ўзини ўлардай калтаклашибди. Бошқа қабила одамлари бу ишни комиссарга айтиб, унга ёрдам беришни илтимос қилишибди. Юк машинаси келиб уни олиб кетаётганда, йўлда ўлибди. Унинг кичик боласи—менинг набирам ҳам сутсиз, очликдан ўлди. Қишлоқ одамлари полициячилардан қочиб кетишаётганда ўрмонда адашиб қолишибди. Полициячилар бўлса одамларни ушлашаверишди. Жаноб комиссар бизларни сув олмасин деб анҳор ёқаларига қоровуллар қўйиб қўйди, бутун йўللарни бекитиб, янги белгилар осди. Бизлар тез орада еримизнинг уч европалик мулкдорга бўлиб берилганини эшитдик; уларнинг ўзларида ҳам яхши ерлар бор эди. Бу ерларнинг ҳар бири-ни айланиб чиқиш учун икки соат ҳам етмасди... Шунчалик катта эди. Бизларни эса янги районга ҳайдаб боришди, лекин одамлар тез орада у ердан тарқаб қочиб кетишди. Уч минг

одамдан фақат тўртта оила қолди, холос. Бир хиллари қариндош-уруғлари, таниш-билишларипикидан бошпана топишди. Бир хиллари қўшни қабила билан дўстлашиб, вақтинча ўша ерларда жон сақлай бошладилар. Ёгани нон, ётгани бошпана ҳам тополмаганлар эса фермаларга ишга ёлланишди... Баъзиларини эса... Олтмиш тўрт кишини дафн этдик.

Негр хотиржам, ҳаяжонланмай гапирар эди. Фақат ўнг елкаси бир оз титраб турар, баъзан эса бир лаҳза ҳамма нарсани унутгандай, залда ҳеч нарса кўрмаётгандай, сезмаётгандай одамлар боши юқорисидан қаёқларгадир узоқ-узоқларга тикилар эди. У бир сесканиб олиб бутун ҳалок бўлган, йўқотилган нарсаларни: қанча сигир, қўй, эчки ва бошқа уй ҳайвони ўлгани, вамеру номли кичик бир қабиланинг вайрон бўлиб, ҳар томонга питраб кетганини гапирарди...

У хотиржам, ҳаяжонсиз гапирса ҳам уни ҳамма зўр эътибор билан эшитар эди — у даҳшатли, аччиқ ҳақиқатни гапирётган эди. Лорд Слупинг хомуш бир ҳолда диққат билан қулоқ солиб ўтирар эди. Сенатор у билан шивирлашиб гаплашишга ҳаракат қилар, Родезиядаги конлар, тамаки плантацияси ҳақида сўрар, Лорд унга қўрс жавоб берар эди. Сенатор унинг елкасига бетакаллуф равишда қўли билан уриб-уриб қўяр экан, уни уришаётганини ҳам, ундан кулаётганини ҳам билиб бўлмасди:

— Бе, қўйсангизчи, шу бир негр деб хафа бўлишнинг нима кераги бор? Мени кечиринг-ку, лекин сиз уларни бошқаришни эпполмас экансиз. Агар улар менинг штатимда бўлса борми,

мен уларни... Ҳа-да, сиз у негрларни билмайсиз...

— Уҳ илтимос...

Лорд Слопинг муҳтарам қўшни, гапни бас қилинг, фикрларимни бир ерга тўплаб олай, демоқчидай эди. Лекин бундай дейиш ҳурматсизлик бўлур эди, шунинг учун у:

— Мен бу африкаликни билмайман,— деб қўя қолди.

Минбардаги одам эса ўз илтимосини айтиб бўлган эди. Унинг овози кескинлашди, кўзларида ҳаёт учқунлари ёнди.

Бизлар сизларнинг мурувватлиликларингга ишонамиз. Бу ерда ўтирганлар бизларга буюк озод мамлакат ёрдам бергани каби ёрдам беришади деб умид қиламиз. Бу мамлакатнинг номини ҳар биримиз муҳаббат ва ҳурмат билан қалбимизда сақлаймиз, бу мамлакатнинг номи ҳаммага ҳам маълум. Бизнинг петициямизни қабул қилишларида шу мамлакат ёрдам берди, бўлмаса улар қабул қилишмоқчи эмасди.

— Мана, мана, кўряпсизми, бу ишлар ҳаммаси ўшаларнинг қўли. Улар ўз пропагандаларининг устаси фаранги...— деб шивирлади сенатор.

— Ҳа... ҳа... балки шундайдир,— деб жавоб қилиб қўйди лорд Слопинг қўшнисини хафа қилмаслик учун.

Минбарда турган негр эса ўз қабиласининг эзгу ниятлари ва азоб-уқубатлари ҳақида гапиришда давом этарди.

— Еримизни қайтиб олишга ёрдам беринглар... Бу ердаги инсонлар ҳам ҳақиқат, бахт ҳақида қайгуришларига бўлган ишонч-

орзумизни, эътиқодимизни қайтиб беринг.

Узоқ мунозаралар авжига минди. Резолюциялар қабул қилинди, «раҳбар давлатларни» ҳаддан ташқари хафа қилиб қўймаслик учун, «муқаддас принципларни», «Инсон ва халқнинг бузилмас ҳуқуқларини» ҳимоя қилиш учун тузатишлар, ўзгартишлар киритилди.

Сенатор ҳам сўзга чиқди. У демократия ҳақида, тинчликка бўлган ўзининг буюк муҳаббати ҳақида гапирди.

— Агар мен озодлик ва цивилизацияга қарши, ўзимизнинг шон-шарафли демократиямизга қарши чиқадиган бўлсам, менинг штатим халқи оёққа турган бўлар эди... Мен христианлик цивилизацияси асосларига футур етказадиганлардан ўзимизнинг озодлигимизни доимо ҳимоя қилиб келмоқдаман ва ҳимоя қилишда давом этаман. Бу ишларга, сизларга маълумки, қизиллар футур етказишмоқда. Улар бизда ҳам, бутун дунёда ҳам шундай қилмоқдалар. Мана, ҳозиргина кўз олдингизда ҳалиги негр сўзга чиқди-ку. У буюк оқ танли халққа кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган айблар қўйди. Бу бугун ҳаммамизга, бутун цивилизацияга даҳшатли ҳақоратдир. У ўз халқининг вакилими, у бутун халқлар мақсадини кўзлайдими? Мавжуд тартибларга, буюк христиан мамлакатига зарба бериш мақсадида ўзларининг зарарли, сотқин сиёсий мақсадларини пропаганда қилувчи оз сонли норози кишилар группаси номидан гапирди. Менинг халқим делегацияси орасида муҳтарама миссис хоним ўтирибди. У менинг мамлакатимдаги ўн беш миллион негр вакилидир. Унинг сўзини сизлар

бир қанча марта эшитгансизлар. Бу негрнинг сўзлари унга маъқул бўладими, бу ердаги делегатлар томонидан тақдим этилаётган резолюцияни қувватлайдими? Бу делегатлар ўша масалани яхши ўрганишмаган ва енгилтаклик билан қизиллар қармогига илинган кўринадилар...

Сенатор ўз ролига киришиб кетди. У қўллари билан силкитиб, фожиавий равишда боши устига кўтариб, кўзларини шифтга тикканча гапирётгани йўқ, аксинча каромат қилаётгандек эди, унинг овози машҳур иерихон карнайининг овозига ўхшар эди. Баланд даража ойналари ҳали замон чил-чил синиш даражасига келгандай туюларди.

— Сизлар ўз резолюциянгиз билан бутун дунёни остин-устун қилмоқчисизлар... Сизлар... сизлар муҳтарам лордга қаранг. Унинг йигирма иккита набираси бор... О-о!.. Унинг набиралари нима қилади?

Муҳтарам лорднинг набиралари нотиқни уялтириб қўйишди. Унинг товуши қанчалик фожиали эшитилмасин залда кулгилар эшита-лаверди. Кулги аввал оҳиста бошланиб аста-секин зўрайди, охири меҳмонлар қаторида бараварига кулги кўтарилди, кейин делегациялар қаторига ҳам ўтди. Лорд Слосинг ўзини қўярга жой тополмай қолди; у ўзининг ихтиёрий адвокатидан айтарли хурсанд эмасди. Сенатор яқинида ўтирган қоп-қора миссис хоним ўзининг ўйнаши керак бўлган ролидан ҳадеб янглишиб кетаверар эди — жиддий қиёфага кириши лозим бўлган жойда илжаяр, илжайиш лозим бўлган жойда жиддий қиёфага кирар

эди. «Негрлар квислинги»¹ — бу миссисни ана шундай деб аташар эди — ўзини ёмон ҳис этаётганди. Сенатор аввалдан тайёрлаб қўйган гапларини эсидан чиқариб, нима қиларини билмай атрофга аланглар экан, энди у фожиявий эмас, балки бўшашиб гапира бошлади.

— Жаноблар, бунинг ҳеч куладиган жойи йўқ! Сизлар олов билан ўйнашяпсизлар... «Христианлик цивилизацияси» ҳимоячилардан бўлган бир-икки одам яна сўзга чиқди, лекин бу чиқишлар ҳам муваффақият қозонмади. «Цивилизациячиларга» эътиборсиз қулоқ солишар, сўзга чиққанларнинг ўзлари ҳам мажбурий равишда, протокол учун чиқиб илҳомсиз гапиришар эди. Ер эгаларига қайтариб берилсин ва бундан буён давлат ишларида ерли халқларга нисбатан бундай васийлик экспериментларига хотима берилсин, дейилувчи қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Мажлис тарқади. Сенатор ҳали ҳам лорднинг елкасига қоқиб юпатишда давом этарди.

Ҳадеб куйиб-пишаверманг... Бу ҳам гап эканми, улар бу мажлисларда шундай нарсаларни жорий этадиларки, қўяверасиз. Баъзан шундай ҳам берилиб кетадиларки, бундай беадаб мунозаралар ҳатто ҳурматли кишиларни ҳам ўзига жалб этиб олади... Ана шундан кейин черман бўшашиб кетади, унинг қўлида болғача эмас гўё, кечирасиз-ку, худди елпигич бордек, бизларнинг одамларимиз ҳам, сизларнинг одамларингизни ҳам елпиб ўтираверади. Биз сўзимизни ялпи мажлисда ўтказамиз,

¹ Сотқин маъносида.

мендек эски сенаторга, шундай ишларда сочи оқарган мендек қарияга ишонаверинг.

Лорд унинг гапларини маъқуллаб турарди. У мувозанатини йўқотишга сабабчи бўлган одам билан чиқаверишда юзма-юз учрашиб қолди. Лорд бўшашиб кетди, шундан кейин сохта илжайиб туриб бемаврит сўради:

— Бу сенмисан?.. Юмоа, бу сенмисан?

— Ҳа, сэр, менман... Қани, марҳамат!

Негр уни эҳтиром билан ташқарига таклиф этди, улар чиққач, икки томонга қараб кетишди. Улар — буюк мамлакат вакили бўлиш мухтарам лорд ҳамда ўзининг кичик қабиласи — вамерунинг буюк ҳақиқатини олиб келган оддий негр ўртасида ҳозир — шунча одамлар олдида қандай суҳбат ҳам бўлиши мумкин, ахир? Улар иккаласи ўз йўлларида кетишди. Лордга «Ролл-Ройе» машинаси тайёр қилишди ва у унга ўтириб, ўзининг Вальдорф-Асториясига жўнади. Негр эса нотаниш кўчалардан яқинроқдаги бир ер ости транспорти станциясига жўнади. У ердан Гарлем кўчаларидан бирида яшовчи узоқ бир қариндошни-кига жўнамоқчи эди.

Улар иккаласи яна бир марта ялпи мажлисда учрашишди. Сенатор ҳақиқатан ҳам тўғри айтган экан. Ялпи мажлисда бир қадар улугсифат, мулоҳазали одамлар қатнашар экан, уларга инсоний туйғулар таъсир этмас экан. Бундай одамлар жиддий ишларга енгилтаклик билан ёндошмас эканлар. Борди-ю, масала яхши аниқланган бўлса, ёки тўғрироғи, жуда ҳам аниқ бўлса, баъзи ҳурматли делегатларга айтарли ёқмайдиган қарорлар ҳам тезтовдан қабул қилинаверар экан. Баъзан бун-

дай масалалар муҳокамаси уни яхшилаб ўрганиб чиқиш ёки у ҳақда қўшимча информациялар тўплаш учун кейинга ҳам сураверар эди... Шу билан бирга бу ерда муҳтарам делегатларнинг сўзга чиқишлари ҳам шарт эмасди. Стажи кам ёшларга йўл бериш ҳам керакда. Одатда бундай пайтлари биринчи бўлиб Колумбия ёки Таиланд, ёки бирор бошқа мамлакат вакили сўзга чиқар эди. Бунинг ортиқча аҳамияти ҳам йўқ. Нотиқ васийларни ҳам, қарамларни ҳам хафа қилмас эди. У кўрилаётган иш шу қадар мураккаб, шу қадар чалкашки, уни узоқ вақт яхшилаб ўрганиш лозимлиги ҳақида гапирарди, холос... Бу иш шунчалик мураккаб экан, уни шунчаки кўпчилик овоз бериш билан ҳам ҳал қилиб бўлмайди, бу ўринда учдан икки қисми овоз бериши лозим. Жиддий ишга жиддий муносабат лозим. Шундан кейин нотиқ шу гапларига мос таклифларни айтарди.

Сенатор муҳтарам коллегаларнинг таклифларини илжайиб қувватлаб ўтирар эди.

Шундан кейин одатда яна Доминикан республикасининг темпераментли вакили сўзга чиқар, сўнгра яна бирор бир вакил: турк ёки гоминданчиларнинг доимий вакили гапирар эди. Муҳтарам сенатор буларга зўр эҳтиром билан тикилиб ўтирар, борди-ю, яна бирор-бир бошқа одам ҳам, айтайлик Осиёнинг хомуш делегатларидан бири, ёки қандайдир шошқалоқ, йўлдан озган даниялик, ёки ундан худонинг ўзи сақласин, тиниб-тинчимас қизил Шарқ вакилларида битта-яримтаси чиқиб қолса борми, у ҳолда черман минбарга яна энг тажрибали, энг нотиқлардан уч-тўрттасини

чиқариб қўяр эди. Булардан биттаси ҳақида: У Сув қуювчи нишони остида туғилган, дейишар эди. Бу фикрни у тўла-тўқис тасдиқларди ҳам. У минбарни кўриши билан жон киргандек бўлиб, товуши жаранглар ва кал боши кўримсиз, нимжон гавдасининг нимасидир Цицеронга ўхшаб кетар эди. У ҳар қандай бўлар-бўлмас гапларни қоп-қоп қилиб гапираверар эди. У гапни жуда узоқдан — сал бўлмаса Одам Ато ва Мома Ҳаводан бошлар эди. Унинг товуши борган сари жаранглаб, аста-секин боши, қўллари, гавдаси қимирлай бошлади. Тез орада унинг чипор галстуги жуда қизиқ пируэтлар ҳосил қилиб пирпираб кетар эдики, ҳамма унга тикилиб, муҳтарам нотиқ олдидаги янгилаб қўйилган сув нутқининг охиригача етадими ёки йўқми деб фол очиб ўтирар эдилар. У бўлса тинмай инсоният манфаатларининг бирлиги ҳақида, улар маданиятининг қудрати ҳақида, келажаги ҳақида, бутун дунё Капитолияси ҳақида, давлатлар ва халқлар тақдири ҳал қилинадиган бу Капитолияга миллионлаб халқлар умид билан тикилиб турганлари ҳақида гапираверар эди.

Нотиқ бир соат, ярим соат гапираверар эди. Делегатлар ўрни борган сари бўшаб қоларди. Шунда бирдан вайсайдиган машинанинг аллақайси мурвати ишдан чиқиб қолар эди. Нотиқ жимиб, залнинг кул ранг деворларига маъносиз тикилар эди. Мистер черман луқма ташлаб:

— Гапираверинг, ҳали вақтингиз тамом бўлгани йўқ, — деб қўйди.

Лекин нотиқ девордаги амёбага ўхшайдиганми, ёки сиёҳ доғига ўхшайдиганми катта

паннони гўё синчиклаб ўрганаётган одамдай ҳамон жим турар эди.

Мистер черман тўхтаб қолишининг сабабига тушунгач, нотиққа ёрдам бера бошлади:

— Бизни вамеру қабиласининг петицияси масаласини амалий ҳал қилиш ҳақидаги фикрингиз қизиқтиради.

— О-о... албатта, албатта,— деб хўрсиниб қўйди шунда нотиқ. У ҳақиқатдан ҳам нима ҳақида гапиришини унутиб қўйган эди.

Шундан кейин Цицерон осмону фалакдан келди. У жиддий қиёфага кириб, йўталиб, галстугини тўғрилаб олгач, бирдан нутқдаги гўзалликни йўқотиб, сўзларни аранг талаффуз эта бошлади.

— Ҳа... Бизлар... бизлар қуруқ хаёлпарастлар эмасмиз... Бизлар давлат заковотининг вакилларимиз. Бизлар амалиётчилармиз. Ва биз бундай масалаларга енгилтаклик билан муносабатда бўлиш мумкин эмаслигини айтиб қўйишимиз лозим. Давлат ҳокимияти — давлат ҳокимиятидир, унинг муқаддас асосларига зарар етказишга бизнинг қурбимиз етмайди. Агарки, қонуний ҳокимият ўз аҳолисининг бир қисмини кўчирмоқчи экан, уларнинг ишларига аралашишга кимнинг ҳақи бор? Ахир... хўш... бу ишлар аҳолининг фойдаси деб қилинаётган бўлгандан кейин... Албатта, бу масалада... хўш, ҳалиги... қонуний ҳукуматнинг умумхалқ манфаатини кўзлаб амалга ошираётган ишларнинг фойдалилигини тушуна олмайдиган айрим одамлар хафа бўлиши мумкин... Мен... Мендан олдин бундай ишларни жиддий равишда, ал-

батта, учдан икки қисм овоз билан ҳал қилишимиз лозим деб гапирган муҳтарам зотларнинг фикрларига қўшиламан.

Вамеру қабиласининг петицияси шундай қилиб амалга ошмай қолди. У лозим бўлган овоз ололмади.

Муҳтарам сенатор лордни муваффақият билан табриклаб, ўзининг кўрсатган амалий ёрдами билан мақтанар эди.

— Биз ҳар тарафлама сиқувга олдик... Ахир биз бу хабашларнинг ҳар бир инжиқлигига йўл қўёлмаймиз-ку... Уларни яхши-яхши ишларга қўйиш керак. Ростини айтсам, Кенияда қаттиқ қўллилигингиз сезилиб турибди. Бу ёмон эмас, жуда ҳам яхши.

У гапирар экан, лорд Слупингнинг кўкрагидаги тугмачасини бурар эди. Тугмача бир қават ипда осилиб қолганини сезгач, сенатор уни қўйиб юборди.

— Ҳа, ҳа... буларни, ер юзидаги тинчликни бузаётган бундай бақироқларни ҳеч бир ачинишсиз йўқотмоқ лозим... Ахир бизлар қора территорияларда қадимий яхши тартибларни сақлаб қолишдан манфаатдормиз. У ерларда қоралардан бошқа, сиз-бизлар учун фойдали бўлган баъзи нарсалар ҳам бор. Сенатор Родезиядаги олтин кони, қалай, тамаки плантациялари ҳақида сўраб суриштирди.

Лорд унга эътиборсиз қулоқ солиб, ҳа-ҳа, деб тургани билан сўз маънолари унга етиб бормасди. Унинг кўзлари эшик томонга шошилмасдан, оҳиста бораётган негрнинг эгик гавдасига беихтиёр тикилар эди. Негрнинг хотиржам, порлоқ чеҳрасида нимадир: бажо келтирилган бурч туйғусими, ҳақиқат, адолат,

олий инсоний ҳуқуқлар ҳақида янгроқ, ҳатто чиройли гапирувчи устаси фарангларнинг кўпларидан ўзининг устунлигини тушуниш ҳисси — барқ уриб турарди... Эҳ, бу нотиқларнинг қалби каби муздек совуқ, қуруқ, ҳароратсиз «чиройлик» сўзлар! У залдан ғалаба қозонган кишидек борар экан, баъзи делегатларнинг ҳамдард сўзларига, ёқимли илжайишларига ҳурмат-эҳтиром билан жавоб берарди. Лорд Слупинг кўзи унинг кўзи билан учрашар экан, бу одам бир замонларда ҳам унга худди ана шундай тикилгани эсига тушиб кетди. Ўшанда ҳам бу негр ўзининг кўриниши ва юриш-туриши билан уни ҳайрон қолдирган эди. Лорд Слупинг ўзини голиб чиқдим, ўзимга топширилган вазифани аниқ бажардим, деб айтишига барча асослар бўлишига қарамай, ҳамон юраги пўкилларди. Унинг қалбида қандайдир жароҳат қолгандай эди, бу жароҳат санчиб-санчиб оғритгандай эди. Хўш, гап шу одамнинг қарашидами?

* * *

Каюта ним қоронғи. Лорд Слупинг ҳаддан ташқари ёругни ёмон кўрар эди — унинг кўзлари оғрирди — шу сабабли ортиқча чироқларни ўчириб қўяр эди. Каюта поли ва деворлари қандайдир ёқимсиз гичирлар, баъзан эса тўсатдан қаттиқ қарсиллаб кетганидан худди каттакон пароход торс ажраб, вайрон бўлиб ҳамма нарса океаннинг десийёҳ тубига ғарқ бўлаётгандек эди. Иллюминатор ойнаси орқасидан кучли шамол эсаётгани эшитилиб турар эди. Бу чамаси Шарқдан, узоқ Африкадан

эсаётган шамол эди... Ана шундан кейин лорднинг эсига узоқ ўтмиш йиллар, унутилмас воқеалар бирин-кетин тушаверди.

...У биринчи жаҳон уруши йиллари Африкадаги Англиянинг кичик бир отрядига командирлик қилганда ҳали ёш эди. Ўшанда урушнинг охириги пайтлари эди. Немисларни Африкадаги колонияларидан ҳайдашгач, ёш лорд бирин-кетин муваффақиятга эришаверди. Душман деярли енгилди. Ҳарбий ишлардан ташқари бўш вақтлар жуда кўп бўларди. Ерли халқларни «немис ваҳшийлардан» озод бўлдинглар деб эълон қилишди, халқ сайиллари ташкил этишди. Ерли халқлар ёрдамида қоплон, каркидон, бегемотлар овлашар эди. Мана шундай ов пайтларидан бирида бахтсиз ҳодиса рўй берди. Немисларнинг қандайдир кўчманчи қисми қўққисдан лорд Слопинг отрядига ҳужум қилиб қолди. Унинг одамларини қириб ташлашди, ўзи эса ярадор ҳолда тасодифан қутулиб қолди: тропик ўрмоннинг қуюқ чакалакзорни уни душман кўзидан яширди. Агар африкалик олижаноб инсон Юмоа пайдо бўлиб, ёрдам бермаганда у ўрмон ичида ўлиб кетиши, қоплонларга ем бўлиши мумкин эди. Аммо ана шу инсон бир қанча ўн йиллардан сўнг ҳаётда лорд билан учрашиб, унинг оромини, тинчлигини бузди. Ахир, бу одам лордни ўлим чангалидан қутқариб қолган эди-да. У сув олиб келиб, жароҳатларини ювгач, нари-бери боғлаб, ўрмон четидаги чайлага орқалаб олиб келган. У ерда негрларнинг кичкина қишлоғи бўлгучи эди.

Лорд Слопинг ўзига келганда африкалик унга:

— Мен оқ танлиларни жинимдан ҳам ёмон кўраман. Оқлар бизнинг қабиламизнинг ярмини қириб ташладилар, менинг ота-онамни нобуд қилдилар. Улар немислар эди. Сен немисларни қирдинг, шу сабабли ҳам сен бизнинг дўстимиз бўлдинг...— деди...

Юмоа бошқа ҳеч нарсга ҳақида гапирмади. У лорд билан тенгдош бўлиб, катта оиланинг бошлиғи эди. Ўзи, хотини, болалари ярадорни яхшилаб парвариш қилишди, эчки сути билан боқишди, тариқ ундан мазали нонлар ёпиб беришди, арахис, кокос сутидан тайёрланган ҳар хил ширинликлар билан меҳмон қилишди. Кичик қишлоқнинг бошқа одамлари ҳам ярадорга ана шундай дўстона муносабатда бўлишди, уни қандай бўлмасин тезроқ тузатишга ҳаракат қилишди. Дарахт барглари-дан ёпилган уй томининг тирқишларидан жанубнинг катта-катта юлдузлари кўринар, ўрмон чакалакзорларидан эса шақолларнинг увиллаган овозлари эшитилар экан, лорд ҳаёт ҳақида, унинг тасодифлари ва бузғинликлари ҳақида ўйларди. Ўша пайтлари бу оддий, содда одамларнинг ҳаёти лордга бошқаларнинг ҳаётига қараганда бир қадар инсоний, адолатли кўринган, балки аслида ўзи шундай бўлган ҳам эди... Шунинг учун ҳам лорд ўз халоскорлари билан хайрлашар экан, қаттиқ ҳаяжонланган эди. У чўнтагидан бир қисим кумуш олиб:

— Ма, ол!— деган эди.

Лекин Юмоа унинг қўлини қайтариб:

— Йўқ, керак эмас,— деганди.

Лорд уялиб кетди. У ўзини-ўзи хасисликда айблади. Бундай пайтлари жуда хасис бў-

лиш ҳам ярамайди. У, кам берганим учун негр хафа бўлди шекилли, деб ўйлади.

— Ие, ёнимда бир-иккита олтиним ҳам борлигини унутибман... Ма ол, болаларингга сарфла.

— Керак эмас. Мен буларни олмайман.

— Сен, ахир, менинг ҳаётимни сақлаб қолдинг, ол!

— Сэр, ҳаёт сотилмайди ҳам, сотиб олинмайди ҳам.

— Ахир, мен сизларнинг дўстингиз бўлиб қолдим!

— Сэр, дўстлар ҳам пулга сотиб олинмайди...

Юмоанинг тантанавор сўзида қандайдир хафалик, ғамгинлик оҳанги сезилиб турар эди. Унинг бу ғамгинлиги сабабини тушуниш қийин эди. Лекин африкаликнинг кўзларида яна бир ҳис — буюк инсоний қадр-қиммат ҳисси ёнар эди. Унинг яқинда залдан бир умр эсдан чиқмайдиган, алам билан чиқиб кетаётгандаги қарашлари ана шу ёшлигидаги қарашларига жуда ҳам ўхшар эди.

Ярадор лордни қишлоқдан олиб келишган кичиккина шаҳарчада хайрлашишар экан, у бир-икки оғиз юракдан гапириб қўйди:

— Мен сизларнинг дўстлигингизни ҳеч вақт эсдан чиқармайман. Сизларга мингдан минг раҳмат. Менга ишонинг...

— Сэр, ишонамиз.

* * *

Бу воқеага ўттиз йилдан кўпроқ бўлган эди. Улар аллақачоноқ хотирадан фаромуш бўлган; лорд Слопинг бу воқеаларни баъзи

баъзида тор доирадаги дўстлари ўртасида эслайдиган бўлса, бу воқеалар худди эртақлардагидек туюлиб, буларнинг бўлгани, ёки бўлмагани ҳақида ўзи ҳам иккиланиб қолар эди. Умр эса ўтиб борарди. Лорд Слупинг колония министрлигида ишлай бошлади. Бу ишда ўтмишнинг сентименталь хотираларини эслаб ўтиришга вақт йўқ эди. Юрак ҳам қариб бормоқда эди. Агар у ёшлик пайтлари кўнгилчанликка, ҳатто одамларнинг ҳаётини енгилашга ўхшаган нарсалар ҳақида орзу қилишга мойилроқ бўлган бўлса, эндиликда лорд Слупинг эзгу ишлар фақат ўтмишда — қадимий одил Англия борлигида, Британия байроғининг бутун материк кенглигидаги улугворлиги каби (бу ўринда денгиз ва океан кенгликлари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади) бутун ҳаёт ҳам мустаҳкам ва ўзгармас кўринган пайтларда мавжуд эди деб ҳисобларди. Эндиликда лорд Слупинг колония министрлигида ўтирар экан, дунёдаги бутун воқеаларни ўтмишга таққослар, ўтмишга «солиштириб кўрар» эди. Қаредадир Кенияда негрлар қўзғолган эмиш. Уларнинг қўзғолишига нима ҳақлари бор! У ким бўпти, бир негрда, уларнинг пешоналарига оқларга хизмат қилиш тақдири азалдан битилган. Малайяликлар ҳам худди шундай...

Барибир негр билан учрашув лорд Слупингнинг одатдаги хотиржамлигини ва қалб осойишталигини бузди.

Балки ҳамма гап эски хотираларни қўзғатган виждондадир? Йўқ, бир пайтлари ҳаётини қутқариб қолган одамнинг кўзига қарашга бир оз уялса ҳам, лекин гап хотираларда эмасди... Бу гаплар ёшликнинг сентименталь, қу-

руқ хотиралари эди, холос. Негрни комитетда оладиган одатдаги овоздан маҳрум этишди. Шунчаки овоз эмас, кўпчилик овоз... Дунёда нимадир бузилмоқда, сенатор қизиллар дунёни айқаш-уйқаш қилиб юбормоқдалар деб тўғри айтмоқда. Лекин сенаторнинг ўзи ким? Фақат қалбингга эмас, балки чўнтагингга ҳам қўл солувчи, Британия шуҳрати ва обрўси учун бойлигингга тажовуз қилиш ҳуқуқини олган бу Америка маслаҳатчиларининг ўзи ким? Бу ҳуқуқни уларга ким берди? Ахир, уларда на машҳур традиция, на узоқ тарих, на зўр маданият бор. Уларда фақат бир нарсаси бор — у ҳам бўлса ҳамма нарсани ўз қўли остига тўплаш, ҳамма нарсадан ва ҳамма-ҳаммадан юқори туриш истаги. Улар қизилларни жуда ҳам ёмон кўрадилар...

Лорд ҳам қизилларни ёмон кўради...

Каюта бунчалик иссиқ бўлмаса. Вентилятор тешигидан ҳаво оқими кириб турар, лекин у ҳам илиқ, оғир эди, каютани салқинлаштирмасди. Лорд Слупинг вентилятор регуляторини буриб, бекитган эди, кираётган ҳаво оқими тўхтаб каюта яна бадтар димиқиб кетди. Каравотга ётай деса у чайқалиб, бориб келмоқда. Каравотнинг ёғоч суянчигини маҳкам ушлаб тураверганидан қўлининг бармоқлари ҳам оғриб кетди. Иллюминаторни очмоқчи, кўкрагини денгизнинг тоза ҳавоси томон тутмоқчи бўлиб чўзилди. Иллюминаторнинг мис рамаси маҳкам бураб қўйилган эди. Стюардга қўнғироқ қилди.

Стюард дарровда ҳозир бўлди. Қариб, қоқ суяк бўлиб қолган бу чол эшик олдида ғўдайиб турар эди.

— Иллюминаторни очинг.

— О, сэр, океан нотинч, ҳамма ёқни маҳкам беркитиш буюрилган!

— Иллюминаторни очинг деяпман!— деб унинг сўзини бўлди лорд.

— Хўп бўлади, сэр... ҳозир гайкани бурайдиган ключ келтираман.

Бир-икки одатдаги илдам ҳаракатлар қилинган эдики, иллюминатор ҳам очилди. Мўйсафид стюард иккиланиб оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига олар эди.

— Сэр, бирор-бир гап бўлса мени чақиринг.

— Боринг!

Очиқ иллюминаторга шамол урилиб, дарпардани елканга ўхшатиб учуриб стюард кетидан тарақлаб эшикни ёпди. Шамол билан тўфон ураётган денгизнинг тинимсиз овози килиб келди. Лорд Слопинг бошини тикиб иллюминаторга осилди, очиқ кўкрагини шўр сув томчиларига тутаркан, бир оз енгил тортди. Атроф қоп-қоронғи, ҳаётдан асар йўқ. Фақат мачталардаги чироқларнинг хира шуъласи тункаби қоп-қора сув тўлқинларида даҳшатли милтирайди. Тўлқинлар афсонавий ҳайвонларнинг оппоқ семиз елкаларига ўхшаб кетар эди. Бу мачта чироқлари ажиб бир оқиш кўринишда ёниб, нимадандир норозидек океаннинг доимий увлаши, шовқин-суронлари, бўроннинг чинқиришида яна пайдо бўлиш учун шу заҳотиёқ зимистон ва чексизлик қўйнига ғарқ бўлар эди. Сув тўлқинлари пароход бортига сапчир, бундан кема титрар, каюта деворлари қаттиқроқ ғирчиллар, қаердадир, юқориларда — иккала мачтанинг худди чолғу асбобининг тор-

лари каби таранг тортилган арқонлари бўронда ҳуштак чалар эди. Лорд тун қўйинини кўришга ҳаракат қилгандай тикилар эди. Тўфон кучайган қоронғилик стихияси орасида ҳеч нарса кўринмасди.

Унинг хаёлига: «Мана айқаш-уйқашлик» деган фикр келди-ю, яна йўқолди. Лорд Слорд шундайгина борт олдида, ўзидан бир метр чамаси нарида қандайдир ажиб чироқларнинг ҳаракатини кўриб қолди. Сув остида ажойиб зангори фонарчалар тез-тез сузиб келар эди. Улар биттадан, иккитадан, тўрттадан, баъзан узун-узун, қатор-қатор бўлиб сузарди. Уларнинг баъзилари темир бортга урилиб, кичик-кичик оловларга, учқунларга айланиб кетарди. Сув тўлқинлари уларни ўзи билан юқорига кўтарганда лорд уларга худди мистик ҳайвонларнинг сирли кўзларига, худди уларнинг кўкимтир, совуқ ярқирашга сеҳрланган одамдек тикилиб турар эди.

«Медузалар бўлса керак...» — деб ўйлар, экан, лорд денгиз чексизлигидаги бу ғира-шира чироқлардан кўзини ололмасди. Назарида, унинг ўзи ҳам, ўзига ўхшаган жуда кўп одамлар ҳам мана шу совуқ, зангори оловга ўхшардилар. Бу олов ҳеч кимни иситмайди, ҳеч қарни ёритмайди ҳам. Бутун қилган ишлари, қандай, нима учун яшагани — ҳамма-ҳаммаси ҳам ана шу ярқироқ, хира чироқлардир, бу чироқларда ҳақиқий ҳарорат ва ёруғлик йўқ. Агар навбатдаги, ҳаммадан ҳам баландроқ тўлқин унинг шундайгина юзига урилмаса, кўкрагига қаттиқ уриб каюта полига ағдармаса лорд денгизнинг зангори чексизлигига анчагача тикилиб турган бўларди. Ҳамма ёқ: пол

ҳам, диван ҳам, каравотдан тушиб кетган оде-
ял ҳам шалоббо бўлиб кетди. Кўпикланган
сувлар остонадан шоша-пиша каридорга оқар,
яна бир лаҳза ўтгач орқага қайтиб, ёйилиб
кетар эди.

Лорд Слупинг бир амаллаб ўрнидан ту-
риб эвонок қилди. Стюард каютани кўздан
кечириб чиққач, масала нимадалигини тушин-
ди-да, хўрсиниб:

— О, сэр, мен ахир айтдим-ку,— деди.

— Иллюминаторни бекитинг!

— Хўп бўлади, сэр.

Стюард полни анча вақт артиб тозалади,
қуруқ одеял, туфли олиб келиб берди.

— Балки муҳтарам сэр бошқа қуруқ каю-
тага ўтишни хоҳларлар? Бўш каюта бор...

— Одеядли қўйингда, жўнанг.

— Хўп бўлади, сэр... Ановинга эса,— стюард
океанни кўзда тутиб айтган бўлса керак,
иллюминаторни кўрсатиб гапириб қўйди.— Сиз
эътибор қилманг. Агар денгиз янада қаттиқроқ
қутурадиган бўлса, мен иллюминаторларни те-
мир накладка билан маҳкамлаб қўяман...

— Боринг! Кетинг деяпман!

Стюард қўрқа-писа эшик ортига ғойиб
бўлди.

«Аҳмог-э... Темир накладкалар эмиш...»
Лорднинг фикрлари денгиздан йироқлашиб кет-
ди. У ҳозир ўзининг дардини ўйлаш билан банд
эди. Тебраниб турган ўрнида анчагача ухлолмай
ётди. Унинг хаёлидаги: мана мен, колония ми-
нисртлигининг бутун топшириқлари, бутун инс-
трукцияларини аниқ бажариб, жонажон оролим-
га келмоқдаман, деган фикр тинчлик бермасди...

Инструкция устига инструкция юборилгани

билан ҳаёт бутун бўлмагур қонунларни улоқтириб, голибона йўлида учраган говларни, мана бу сенаторларни, муттаҳам бефаросатларни, цивилизация ва эркининг бузилмас асослари ҳақидаги лаганбардор гапларни емириб ўз изидан кетмоқда... Қанақа цивилизация? Қандай эрк? Америка сенаторлари бақириб айюханнос солаётган эрк ҳақидами? Лекин лордга бундай фикрлар ярашармикин? Бу масалаларга қаердан жавоб топиш мумкин?

* * *

Юмоа ҳам уйига етиб олди. Вамеру қабиласи катта эмас. У ўз вакилини биринчи класс пароходи каютасида юборишга қурби етмайди. Юмоа Гудзон ва Ист-Ривердаги причалларда Африканинг Шарқий соҳилига борадиган юк лайнерини топгунча роса сарсон бўлди. Негрнинг омади келиб қолди. Уни Мамбасига етиб олгунга қадар пароходга ишчи сифатида қабул қилишди. Лайнер у ердан пахта, кофе ва кокос ёнғоқлари олиб келиши лозим эди. Негр йўл харажатларим, ҳамқишлоқларимга оғир тушмайдиган бўлди деб хурсанд бўлди. Лайнер командасида негрлар кўп эди: Кениядан, узоқ Либериядан, Олтин Қиргоқдан ҳам бор эди. Танганьика кўли соҳилларидан ҳам бир қанча ҳамшаҳарлари келишаётганди. Улар вахтадан бўш вақтлари пана жойга тўпланиб олишиб, паст овозда жонажан қўшиқларини хиргойи қилиб ўтиришар эди. Бу қўшиқлар ҳижрон ва ғазаб билан сугорилган эди. Тоғлардами, чўллардами, яшил иссиқ субтропик ўрмонлардами адашиб юрган бахт ҳақида ҳижрон нидоларига тўла бу қўшиқлар. Бўри-

лар қўрқитиб юборган бу бахт қаерлардадир адашиб юрар, инсонларнинг похол чайласига келгани қўрқар эди. Қўшиқларда бундай бўриларга нисбатан қанча-қанча газаб ўтлари бор!.. Она еримизда бундай бўрилар қанчалар кўп-а!..

Юмоадан океан ортидаги саргузаштлари ҳақида сўраб-суриштиришди. У ҳамма гапни миридан сирига қадар гапиравермади, чунки бу одамлар ичида ҳам бегона қулоқлар бўлиши мумкин эди-да. Лекин у баъзи давлатларда бўлгани каби бундай бўрилар қирилиб йўқ бўли кетадиган вақт келади деган фикрга шама қили ўтди.

Ярим кечада лайнер Мамбасига етиб келг тўхтади. Қирғоқ ҳам, шаҳар ҳам сув қуйганд тинч эди. Фақат қирғоққа урилувчи тўлқинлар шовиллаб турар эди; лекин кўп кунли очик дегиз пўртаналаридан кейин бу қирғоққа урилувчи тўлқинлар овозини ким эшита олар э? Олтинсимон юлдузлар, порт фонарларининг сирак шуълалари сув юзидаги ёғда жимираб турар эди. Тун қоронгисига яширинган яқинда тоғлардан, ўрмонзор водийларидан, соҳилда плантациялардан шундайин бир ёқимли, ормбахш ҳаво димоққа урилдики, бундан Юмоаднинг қалби худди қафасдан озод бўлган қуш каби эркин парвоз этиб, боши айланиб кетгандан йўлканинг қўл ушлайдиган арқонини макам тутганча қимир этмай қолди. Она ернинг, шил ўрмонзорларнинг, тоғдаги майсаю гулларнинг, яқин қишлоқдаги похол уйлардан чўзилиб чиқаётган тутун ҳидлари димоққа уриларди.

Юмоа бир сесканиб кетди. Гўё океан бир лаҳзага қон қуйилгандек қирмизи тусга кирди, ундаги юлдузларнинг ўйноқи шуълалари кўздан

ғойиб бўлди. Осмоннинг ярмини қирмизи рангли тонг қоплаб, тун қўйнидан чиқаётган булутларни ҳам шу рангга бўяди.

«Ўт тушди!— деган фикр келди унинг хаёлига. Юраги сиқилиб кетди.— Балки похол уйли қишлоқлар яна ёнаётгандир... Эҳ, бу бўрилар, бўрилар...»

«Балки... балки...» Унинг қалби қувончга тўла бошлади. У илжайиб, ўзини аста қойиб кетди: «Эй содда, каллаварам Юмоа... Ахир бу бошқача оловлар-ку... Лекин шундай вақтлар келарки, ана ўшанда сен истаган оловлар ҳам аланга олар...»

Бир инсон жонажон Килимонджаро ва Меру тоглари ҳақидаги таниш қўшиқни охиста айтганча тун қоронғиси томон йўл олди. Унинг йўлини вулқонларнинг ялтираши ёритиб борар эди... Бу инсон ўзининг ҳамқишлоқлари, кичик вамеру қабиласининг одамлари яшайдиган томонга қараб борарди.

1953.

ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Паспортида ҳам, идорага хос бошқа ҳужжатларда ҳам унинг исм-шарифи Данила Тетерюк деб юритилар эди. Лекин ҳеч бир одам уни Данила деб чақирмас эди. Кўринишича, одамлар қандайдир бир Тетерюк деган фамилия ёнида улугвор Данила исм. қўйишлатишни номуносиб деб билардилар. Шундан қилиб Данила Данилкага айланиб кетди. Бошқа жиҳатларидан қатъий назар, ҳаддан ташқари паст бўйли, бўйи ва эни баб-баравар юзли Тетерюкнинг отини атаб чақирмай ҳам бўлармиди. Унинг ана шундай юзидаги бурни тагида мўйловчаси жуда чиройли кўринарди... Эҳ-ҳэ, бу ўзи қандай мўйлов эди, денг? Ҳазилкашлар учун бу зўр баҳона эди, унинг мўйловини хитойча мўйлов деб аташар эди.

Данила Тетерюк олтмишларга бориб қолган бўлишига қарамай, ҳеч ким у билан жиддий муомалада бўлмасди. Данилка гапираётганда қовоқларини қанчалик уймасин, қўлларини виқор билан ўйнатмасин, барибир шунчалик эзмаланар эднки, ҳатто нима деяётганини тушуниб ҳам бўлмас эди.

Қишлоқда колхоз тузиладиган бўлиб қолди.

Биринчи бўлиб колхозга ким ёзилди? Данилка ёзилди. Бу жимитвой кўча-кўйда изгиб, гоҳ у одамлар, гоҳ бу одамлар тўпи орасига кириб худди шамол тегирмоннинг чархпалагига ўхшаб қўл силкиб ҳаммани колхозга киришга ундарди. Одамлар ундан чўчиб, ўзаро: «Данилканг қуруқ аравани олиб қочаверади... Унинг ўзи нима-ю, гапи нима бўларди?» деб шивирлашишар эди.

Мана, кунлардан бир куни райондан бошлиқлар келиб қолди. Данилка юрак ютиб печка устидан тушди-да, мажлисга отлана бошлади. Шунда унинг хотини:

— Ҳа, қаёққа?— деб сўраб қолди.

— Қаёққа дейсанми? Ҳали эшитганинг йўқми?— Данилка хотинига жаҳл билан тикилди.— Бошлиқлар келишди, колхозга ёзиламиз.

— Колхозга ёзиламиз? Колхозни бошингга урасанми? Бошқалар ёзилаверсин. Капалак сингари пириллаб сенга нима бор!..

— Эсинг борми ўзи,— Данила хотинига насихатомуз, жиддий гапира бошлади.— Бошлиқлар келишди. Уларга яқин юрсанг кам бўлмайсан.

Ана шу «кам бўлмайсан» Данилка учун гўё қонун эди. У деярли бутун умри ана шу нарсага амал қилиб келарди. Данилка кўпинча шу нарсага амал қилиб барака топарди. Панлар даврида бир куни қишлоққа дворян Чвартовский келиб ўрмон тозалаб, ер очишга одам ёллайдиган бўлиб қолди. Бу ишга боришга ким ҳаммани ундади? Данилка-да, бўлмаса ким бўларди? Биринчи бўлиб от эгарлаган ҳам шу бўлди. Одамлар боришиб, чакалакзорда куни бўйи азобда ер тирнаб тозалаб машаққат чекиб иш-

лаб орттирганлари уйларига олиб келган бир аравадан шох-шабба бўлган эди. Данилкани эса Чвартовский қуруқ қўйгани йўқ, пул-мулдан ташқари, бир қадаҳ ароқ ҳам берди. Данилка уйига хурсанд қайтар экан, тинмай дворянни мақтар эди:

— У, оғайни, ҳақиқатан ҳам ажойиб, ақлли одамда... Ҳа... ҳақиқатан ҳам ақлли!

Баъзилар унга жавобан:

— Тўғри, сендан кўра ақллиликка ақлли,— дейишар эди.

Яна бир сафар пан имениясининг иқтисодчиси ўримга одам ёллаганда ҳам Данилага қўл келган эди. Қишлоқ аҳолиси пан билан пичан ўрими масаласида судлашиб қолганида Данилка одамларни «гиж-гижлаб» ўзи тунда панникига қараб жуфтакни ростлаган эди. Қишлоқ оқсоқоли ёрдамчиси бўлишдан ҳамма бош тортганда Данилка бу ишга рози бўлган эди. Бошлиқлар олдида ғимиллаб туришда гап кўп-да!

Мана, энди Совет ҳукумати даврида ҳам бошлиқлар бор. «Нега энди, булар билан ҳам дўстлашиб олиш керак эмас экан? Сендан угина, мендан бугина деганларидек,— деб ўйларди Данилка.— Мен уларни хурсанд қилсам, улар ҳам мени хурсанд қилишади. У ана шуларни ўйлаб, гириллаганча йўлга тушди.

Данилка мажлисда гердайиб олиб:

— Нимангиз кетяпти? Зиён қилмайсиз, қайтага ҳамма нарсага эга бўласиз, ер ҳам, от-улов ҳам, борона ҳам, омочу бўйинтуруқ — ҳамма-ҳаммаси ўзингизники бўлади. Трактор ҳам беришади. Бу бўлтак-сўлтак ерларнинг нима кераги бор,— дерди.

Данилка бақириб гапирар экан, кўз қири

билан бошлиқларга — райком секретарига ва райиждроком раисига менинг агитациямни сезиш-яптими деган маънода қараб қўяр эди.

Бошлиқлар бу ажойиб активист эканку, деб хурсанд бўлаётганлари кўриниб турар эди.

Одамлар Данилка кўкрагига уриб жон фидо қилгудек бўлса, ундан яхшилик кутишмасди, шунинг учун ҳамма ундан кулгани кулган эди. Орқадаги бурчакдан кимдир:

— Биз-ку, ёзилишга ёзиламиз, лекин кўрамиз, сен нима қилар экансан?.. Бекорга кўп жон куйдираверма,— деб қичқириб қўйди.

— Ким айтди сенга мени ёзилмайди деб? Ким?— деб Данилка шу заҳоти унинг сўзини бўлди-да, дарров райком секретарига мурожаат қилди.— Ўртоқ секретарь менга қогоз беринг, биринчи бўлибоқ ариза берай.

Мажлис жим бўлиб қолди. Одамлар кулгиларини яшириб Данилканинг «қаҳрамонлигини» томоша қилиб туришди. У бўлса пешонасини тириштириб, қогозга ажи-бужи қилиб бир нималар ёзган эди ундан: «Мени колхозга биринчи бўлиб қабул қилишингизни илтимос қиламан...» деган жумла ҳосил бўлди. Тетерюк ёзиб бўлгач қогозни юқори кўтариб ҳаммага кўрсатиб:

— Мана кўрдингларми, ёздимми? — деб қўйди.

Райком секретари Данилкани ёнидаги стулга таклиф этди. Бориб стулга ўтирар экан, бошлиқлар ҳимматидан баҳраманд бўлишига ишонган бу қаҳрамоннинг думдумалоқ юзида тантанаворлик аломати барқ уриб кетди.

Уша куни кечқурун колхозга кўпгина деҳқонлар ёзилишди. Данилка эса мен учун ҳамма иш шу билан тугайди деб ўйлар эди. У

ёгига худонинг ўзи бир ол қулим деб юборар! У райком секретарининг атрофида ўралашиб, гирдикапалак бўлаверди. Бошлиқларнинг кўнглини топсанг кам бўлмайсан-да!

Иш қурулларини умумлаштириш вақти келган эди, Данилка яна:

— Бўлмасамчи, шундай қилиш зарур экан, демак қилиш керак!— деди.

—Хўш, бўлмасам, шундай қилиб бу ишни сендан бошлай қолайлик,— деди мажлисда колхозга раис қилиб сайланган одам.— Сен колхозга биринчи бўлиб ёзилган эдинг, энди иш қурулларингни ҳам биринчи бўлиб топшира қол.

Данилканинг қовоғи тушиб, кутилмаган бу гапдан турган жойида қотиб қолди. Ҳимоя кутгандек райком секретарига тикилди. Секретарь бўлса:

— Ҳа, тўғри, ўртоқ Тетерюк, сен, ахир, авваллари ҳам активлик кўрсатиб келдинг. Ҳозир ҳам ҳаммага ўрнатилган бўл.

Данилка қип-қизариб кетди. «Наҳотки бу секретарь гап нимадалигини тушунмаса? Мен унга ёрдамлашган эдим, у эса ёрдам бергиси келмаяпти. У ўзи қандай бефаҳм одам экан! Наҳот, колхоз менинг асбоб-ускуналаримга қараб қолган бўлса?»

— Ўртоқ секретарь,— деди Данилка бир оз дадиллашиб олиб,— энди ахир, бирор-бир бошқа одам ҳам ўрнатилган бўлмасин-да. Ахир, мен ҳамма учун асбоб-ускуна беролмайман-ку.

— Бера оласан, бера оласан!— деб секретарь унга далда берди.

— Бўлмаса ҳозироқ йўлга тушишимга рухсат берсангиз...

Данилка уйга боргач, хашак-хушак тагига бекитган мол-мулкига тикилиб ўйлаб қолди:

— Борона, деярлик янги-я, беравераймикан?— Йўғ-э... Постромкани эса яқингинада боғлаган эдим... Бераверайми? Йўғ-э... Аравани ҳам олиб қўйишса, унда ўзимга нима қолади? Ҳе, секретарь бўлмай кет-эй... Аҳмоқ. У одам билан чиқишадиганга ўхшамайди. Мен бўлсам ўйлабманки... Бор-эй!— деди-да Данила уйга кириб кетди.

Данила уйга кириб стулга ўтириб олиб ўйлай бошлади. Шундан кейин қизининг мактаб жилтидан дафтарини чиқариб ундан бир варақ қоғоз йиртиб олиб, қаламни ҳўллаб ёзишга тушиб кетди...

Данилка кеч бўлгач, колхоз идорасига мажлисга борди-да, деҳқонлар тўпини ёриб ўтиб, райком секретари олдига ўз аризасини қўйиб:

— Ўртоқ секретарь, мени колхоздан бўшатишингизни илтимос қиламан,— деди.

— Нега энди?— деб ҳайрон бўлди секретарь.

— Биласизми, ҳали олдингиздан кетгач, уйга борсам, тўсатдан... шундай ҳам биқиним санчиб қолди денг. Тамом бўлдим деб ўйладим. Ёлғон гапираётган бўлсам турган жойимда ёрилиб ўлай.

Бутун залдагилар гуриллаб кулиб юборганидан деразалар ҳам зириллаб кетди. Кимдир залнинг орқадаги бир бурчагидан:

— Ўртоқ секретарь, биз шундай бўлишини олдиндан билган эдик,— деди.

Данилка қандай ғойиб бўлиб қолганини секретарь сезмай ҳам қолди. Қаёққа кетди? Одамларнинг:

— Унга йўл беринглар! Йўл беринглар! Бечорани яна биқини санчиб қолмасин!..— деб кулишаётганигина эшитилиб турар эди.

Данилка қишлоқдан ғойиб бўлди.

...Тунлари ётиб сигирларни ўйлаб ташвишлангани ташвишланган эди. Кўз олдидан ҳамма нарсалар кетма-кет ўтиб, уйқуси келмасди.

У, мана, уч ойдирки кушхонада ишлайди — сигирларни пичоққа тўғрилаб беради.

Бу кушхонада ишласангу, кам бўлмайсан-а, аммо... мана бу кечалари тушингга киравергани ёмонда.

У баъзан хотини билан уришиб:

— Ҳаммасига сен сабабчисан,— дерди.

Хотини ҳам бўш келмай:

— Қишлоқдан сени мен қувиб чиқарибманми,— деб жаҳли чиқарди.

Бир йил, икки йил ўтди. Данилка кушхонада бир оз бойиб олди, лекин қишлоқ ҳақидаги фикрлари унга сира тинчлик бермади. У ерда қандай бўлдийкин? Нима гаплар бўлаётган экан? Ҳамқишлоқлари билан учрашиб қолгудек бўлса, ҳар нарсаларни сўрайвериш эси кетарди. У отхона ҳақида, хирмон ҳақида, трактор ҳақида, яқинда қишлоққа етти йиллик мактаб қурилиши ҳақида гапираверар эди.

— Ишларингиз зўр-ку!— деб Данилка бошини қимирлатар, лекин қулоқларига ҳам ишонгиси келмасди.

— Меҳнат кунимизга уч килодан жавдар олдик,— дейишарди унга колхозчилар.— Ҳамманинг қорни нонга тўйди.

— Йўғ-э?— ҳайрон бўлди Данилка.— Ҳеч бир ерда бунчалик кўп ҳақ бермайдилар!

— Данилка, қишлоққа қайт,— дейишарди унга ҳамқишлоқлари.

Данилка уларнинг гапларини эшитиб хўрсиниб қўяр, лекин ҳеч нарса демасди. У ерга борса, ҳамма ундан кулса қандай бўлади? Қандай қилиб одамларнинг кўзига кўринадиди?

Ана шу кунлардан бошлаб Данилка қишлоқни соғинадиган бўлиб қолди. Кечалари ўйлаб уйқуси ўчиб кетадиган бўлди... Бу шаҳарда бутун бошли оиласи билан кичкинагина бир каталакда тиқилиб ётибди, қишлоқда эса каттакон қўргонда яшар эдим. Унда боғим ҳам, экин-тикиним ҳам бор эди. Уларнинг ҳузурини одамлар кўриб ётибди, мен бўлсам...

Кушхонадаги бир воқеа Данилканинг жуда жаҳлини чиқариб юборди. Пичоқ тортишга тўғрилаб берган бир сигир ўзининг бир пайтдаги сигирининг худди ўзгинаси эди. Бир пайтлари тирикчилигида кўмаклашган Кветка деган сигирига ўхшаган бу сигирни сўйишга ҳайдаб борар экан, оёқ-қўли бўшашиб кетди.

Данилка уйига келиб ҳамма гапни хотинига айтиб берди. Фигони ошиб, ўзини ҳам, райком секретарини ҳам, ҳамқишлоқларини ҳам роса қойиди... Бошини иргаб:

— Йўқ, энди бошлиқлар панлар давридаги бошлиқларга сира ҳам ўхшамайди. Мен аҳмоқ бўлсам, ер юзида ҳақиқат йўқ деб юрибман... Энди бўлса... Йўқ, бу ерда бир гап бўлса керак... Эндиги бошлиқлар бошқача!..— деган гапларни қайтаверди.

Кейин:

— Агар ҳамма ишлар ҳақиқатга асосланган бўлса борми, ҳалигича бундай бўлмаган бўлар-

ди. Балки шундай бўлар? Майли, ишқилиб, худ-
доё худовондо шундай бўлсин.

Данилка хўрсиниб, яна ўзининг Кветка де-
ган сигирини ўйлаб кетди. Шунда кушхона кў-
зига яна ҳам ёмон кўринди. Далаларда юргиси,
омоч ҳайдагиси келди. Лекин энди қишлоққа
қайси юрак билан қайтиб борсин?

Эртасига Данилканинг уйига ҳамқишлоқлари
келиб қолишди. Улар қишлоқда шунақанги ҳам
ҳосил йигиб олиндики, бундайини одамлар ту-
шида ҳам кўрмаган. Жавдар ҳам, арпа ҳам, сули
ҳам, картошка ҳам жуда мўл бўлди, деб ҳикоя
қилишди.

— Сенинг қўрғонинг ўрнида ҳозир арпа
аралаштириб сепилган беда тиззага уриб ётиб-
ди!

— Ростданми?— ҳайрон бўлиб сўради Да-
нилка.— Ахир, мен қанча ҳаракат қилсам ҳам,
у ерда беда бўлмасди-ку. Қаранг, энди яхши
бўлганини...

— Шунақа, огайни, яқинда ўримга туша-
миз!

— Қойил, жуда ҳам қойил,— дер экан, Да-
нилка қишлоққа қандай қилиб қайтиб бориш
ҳақида ўйлар эди.

У ҳамқишлоқлари олдида ўйлай, ўйлай
охири:

— Ҳа... энди қишлоққа қараб туёғимизни
шиқиллатмасак бўлмайдиганга ўхшайди,— деди.
Шундан кейин Данилка қишлоққа қайтиб
келди.

1954.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Мактаб бадий ҳаваскорлар кўриги қатнашчиларининг ҳаммасини шаҳарчага жойлаштиришган бўлишса ҳам, Саша Кураневични ундай-бундай жойга эмас, меҳмонхонага жойлаштиришди. Кечқурун зарур командировка билан келган қўшниси кетиши билан Саша футлярдан яп-янги баянни олди. Уни ялтиллаб турган бўлса ҳам рўмолча билан роса артди, рўмолчани қоқиб-суқиб, кейин чала бошлади.

Бошини эгиб олиб — қулоғи билан баянга ёпишганча — оҳангдор, гоҳо маъюс, гоҳо қувноқ янграётган куйни тингларди. Саша чалишга берилиб кетганига қарамай одамлар коридорда, эшик олдида тўхташиб музикага қулоқ солишларини, шивирлашларини сезиб турарди. Эҳтимол улар қойил қолишаётгандир. Балки ҳозир Саша биринчи бор ҳақиқий қувончни ва санъаткор ғурурини ҳис қилаётгандир, бу ажойиб туйғу айримларни илҳомлантиради, юксалтиради, ўзига бино қўйган одамни эса, ҳароб қилади.

Сашанинг хонасига ўртоғи Ильяк Целеш кирди. Ильякнинг бадий ҳаваскорларга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Умуман у, халққа энг

керакли буюк санъаткор — инженер деб ҳисобларди.

Шунга қарамай, Ильюк музикани яхши кўрганлигидан ўртоқларини қўллаб-қувватлаш учун кўрикка келмай қололмади.

У Сашанинг қаршисига ўтириб олди. Қўллариини иягига тираб, кўзларини чирт юмди, куйга қулоқ солар экан, гоҳ-гоҳ нимагадур хўрсиниб қўяр, Саша тўхтаса секингина илтимос қиларди:

— Қани, яна бирон кўнгил очадиганидан чал.

Эшик секин тақиллади. Болалар ҳеч кимни кутмаганликлари учун бир-бирларига қараб қўйишди. Саша баянни эҳтиётлик билан каравот устига қўйиб, эшик яна тақиллаши билан уни очди. Коридорда икки нотаниш қиз турарди; бири чарм камзул, иккинчиси эса пальто кийган, лекин бир хил оқ рўмол ўрашган. Чарм камзул кийган қизнинг юзи думдумалоқ бўлиб, совуқда қизариб кетган, кўзлари қувноқ шўх боқарди. Иккинчисининг бўйи баландроқ, юзи нозик, совуқдан кирмагандек ёноқлари қизармаган, узун киприклари остидан кўзлари бир оз ғамгин ва маъюс боқарди. У кулмас эди. Саша унга шундай тикилиб қарадики, қиз уялганидан кўзини ерга тикди.

— Кирсак бўладими ёки мумкин эмасми? — хушчақчақлик билан сўради чарм камзулли қиз.

Саша йўл бўшатган эди, қизлар хонага киришди.

— Сиз Саша Кураневичмисиз? — тўсатдан сўради қизил юзли қиз.

— Йўқ. Саша Кураневич мана бу бўлади! — деб у ўртоғини кўрсатди.

Шунда Саша хаёлан бўйдор, чиройли экан, деб турган қиз уялиб, тортиниб сўз бошлади.

— Бизлар Липняковский мактабиданмиз. Катта бир илтимос билан келдик. Бизларнинг баянчи касал бўлиб қолди, эртага биринчи бўлиб саҳнага чиқишимиз керак... Ашула айта-миз,— шу пайг у дугонасига ишора қилиб қўйди,— жўр бўладиган одам йўқ...

— Рози бўлма, Саша!— деб шартта қизларнинг гапини бўлди Ильяк.— Муғомбирлик қилишяпти. Мен биламан, уларнинг баянчиси ўлгидай ношуд. Шунинг учун сени аврашмоқчи. Кейин биринчи ўринни эгаллаб устимиздан кулиб юришади.

— Қўйсангизчи бўлмаган гапни!— деди хижолат чекиб чиройли қиз. Дугонаси бўлса жаҳл билан Ильякка бақирди:

— Сиздан ҳеч ким сўраётгани йўқ! Биз Кураневичдан илтимос қиляпмиз, ўзи жавоб беради.

Ильяк оғир-вазмин, лекин кескин жавоб берди:

— Эсингда бўлсин Саша. Бундай масалани ёлғиз ўзинг ҳал қилишга ҳаққинг йўқ. Сенга комитет аъзоси сифатида гапиряпман.

— Ўртоқларга ёрдам беришни истамасанг, ёмон комсомол экансан!— деди бўш келмай, иссиқ уйда юзлари янада қизариб кетган қизил юзли қиз; рўмолини бошидан туширган эди, ҳали жуда ёш экан.

— Менга ақл ўргатишга ёшлик қиласизлар,— деди гердайиб Ильяк.

Чиройли қиз Сашадан кўз узмасди, у эса эшик олдидагидай уялиб жавоб тополмасди. Саша бу қизнинг илтимосини бажаришни жуда-

жуда истарди-ку, ҳақиқатан ҳам бундай ишга ҳаққи борми. йўқлигини билмас эди. Ҳар қандай бўлганда ҳам кўрик, биринчилик учун кураш, Саша бўлса бошқа мактабга ёрдам беради...

— Мен сиздан ўтиниб сўрайман, Саша,— деди қиз.

Саша қалтираб кетиб, бадтар уялди: қизнинг уни сизлаётганини энди пайқаган, шу пайтгача ҳеч ким уни сизламаган эди.

— Кел қўй, шулардан сўраб нима қилдик!— деди баттар жаҳли чиқиб кичик қиз.— Кетдик. Билмайсанми веселовликлар ўлгунча мақтанчоқ бўлишади. Веселовлик тракторист Егор эсингдан чиқдимми? Этикни мойлаб, шапкаси остидан бир тутам сочини чиқариб олиб, кеккайиб...— У қўли билан бурнини жийириб, эшик олдига кулгили бир қиёфада юриб борди,— юради. Яқинига бора кўрма... мазмуни, ҳаммалари шунақа экан.

Ҳозиргача қизлар билан гердайиб, сипо, мулойим гаплашиб ўтирган Ильяук дик этиб ўрнидан туриб кетди.

— Огзингга қараб гапир. Ўзинг кўп кеккаяверма! Сендақаларнинг кўпини кўрганмиз.

Саша кулиб юборди: тракторист Егор Ильяукнинг тугишган акаси эди.

— Уларга баянчи бер эмиш! Жуда ақлли экансизлар!— деб тутақарди Ильяук.

Ҳафсаласи пир бўлиб, чиройли қиз ҳам эшик томон юрган эди, Саша уни тўхтатди:

— Яхши. Мен сизларга жўр бўламан,— деди Саша секин.

— Ростми,— деб бараварига, турлича қилиб қизлар билан Ильяук бақариб юборишди.

— Алдамайсизми? Чин комсомол сўзими?— деб яна сўради, чиройли қиз.

— Чин сўз!— Саша қўлини значокка қўйди.— Қандай куйни чалишим керак?

Қиз ашула номини айтди.

— Чалоласизми?

Саша қаттиқ хафа бўлди.

— Албатта, чала оламан.

— Биз эртага эрталаб сизникига келиб машқ қиламиз, хўпми?

Қизлар кетиши билан Ильяк шошилмай, жимгина кийина бошлади: афтидан у Сашадан жавоб кутарди. Саша унга қараб кулиб турарди. Дўсти Ильякнинг хафа бўлиб чиқиб кетишига Саша ачинмади, ҳатто парво ҳам қилмади. Саша бошқа нарса ҳақида ўйларди.

— Қизларнинг отларини ҳам сўраб олмабмиз.

— Отларининг менга нима ҳожати бор!.. Алвастилар!— Ильяк валенкага калош кия туриб, оёғини зарб билан полга урди-да:— калош бўлган падарларингга лаънат!— деди.— Отларини билишим керак эмиш!.. Югур, орқасидан сўраб ол.

— Уларга ўтиринглар дейиш хаёлимизга ҳам келмабди.

— Жуда одобли бўлиб кетибсанми! Эртага таклиф қиларсан,— деди-да, хайрлашмай эшикни зарб билан бекитиб чиқиб кетди.

II

Хаваскорлар кўригини томоша қилгани кўпгина катталар; ўқитувчилар, район ходимлари,

ота-оналар келишди. Катталарнинг келиши ёшларнинг қаттиқ кулги, бақириқ-чақириқ ва саҳнага чиқмасдан олдин айтилаётган чалакамчатти қўшиқларида намоён бўлаётган бетоқатлик ва ҳаяжонларини сусайтирмади. Яхши иситилган зал дим ва шовқин, саҳна орқаси эса совуқ эди. Саша липняк мактабининг болаларидан четроқда, кичкинагина уйнинг бурчагида ўтирарди. Болалар концертга тайёргарлик кўришиб, ҳовлиқишар, югуришар, бир-бирлари билан баҳслашар, Сашага эътибор беришмасди. Саша нотаниш болаларнинг бундай муносабатидан, ўзини ортиқча, унутилган ёки камситилгандек ҳис қилиши мумкин эди. Аммо Саша бундай ўйларга бормади. У Женьяни — бўйи баланд, чиройли қизнинг оти шундай эди — ҳурмати деб бу ерга келган, уни ўйлар, қўшни хонада грим қилаётган қизларнинг кулги ва гапларига қулоқ соларди.

Ниҳоят концерт бошланди. Залдагилар жим бўлишди. Саҳна орқасидагилар ҳам жим бўлишди. Хор ашула айтди, гимнастлар ўз ҳунаrlарини кўрсатишди, оркестр музика чалди. Липняковский мактабининг болалари саҳнага кирувчи эшик олдида тўпланиб олиб эшитар эканлар, коридордан хонага шовқин солиб чопиб кирган ҳар бир болага муштумларини кўрсатишарди.

Энди улар Сашага эътибор беришарди-ю, қарашларида ҳурмат сезилмасди. Мазмуни бунга сабаб санъатларини намойиш қилаётган ўртоқларига Сашанинг батамом бефарқ қараётгани бўлса керак.

Хонага бошига сунъий гулчамбар кийган Вера чопиб кирди.

— Баянингни ол. Ҳозир Жениянинг навба-
ти,— деди у Сашага.

Саша баянни олиб, саҳна томон юрди. Бола-
лар индамай йўл бўшатишди. Энди улар Саша-
га ҳурмат билан қарай бошладилар. Саҳнадан
конферансьелик қилаётган райком комсомол
инструктори қараб қўйиб, қисқагина сўради:

— Тайёرمىсизлар?— кейин жавобни ҳам
кутмай, эълон қилишга ошиқди.

Унинг жаранглаган, қувноқ овози эшитилди:

— Саккизинчи синф ўқувчиси Жения Попельс-
кая қўшиқ ижро этади. Баянда еттинчи синф
ўқувчиси Иван Добейка.

Саша сесканиб кетди. У ўзини ҳақорат қи-
лингандай ҳис этди.

«Бу нима қилганлари?— деб ўйлади Саша.—
Таҳқирлашми, масхара қилишми? Ёки баянчи-
лари тузалганмикин? Бўлмаса нега менга айтиб
қўйишмади?» У Ильюкнинг, мактабдош дўст-
ларининг ҳазил-мазақ қилишларини кўз олдига
келтирди.

«Ўзимизникилардан биронтаси кўрмай ту-
риб, бу ердан жўнаб қолиш керак...»

Саша кетмоқчи бўлиб қайрилган эди, олди-
дан Жения чиқиб қолди. Унинг ранги одатдаги-
дан ҳам оқариб кетган. Жения унинг мақсадини
дарҳол тушунган бўлса керак, қўлидан маҳкам
ушлаб, қаттиқ қисди.

— Кечиринг Саша. Ҳеч тушунмайдиган,
лақма экан... Беш мартаба унга айтдим... Ўзим
эълон қиламан... Тўхтаб туринг.

Жения шу қадар ёқимли нигоҳ билан қаради-
ки, у дарҳол аламини унутди.

Жения тез зинадан саҳнага чиқиб, эълон
қилди:

— Уртоқлар! Нотўғри эълон қилинди! Баянда Саша Кураневич жўр бўлади! Веселовка мактабидан!

Залдагилар шундай қаттиқ, дўстона қарсак уришдики, деворлар тебраниб, ойналар жараңлагандай туюлди. Қарсакни қаердандир чалинган кескин ҳуштак кесиб, қарсак тўхтади.

«Наҳотки Ильяк бўлса?— деб ўйлади Саша.— Яна комитет аъзоси эмиш». У атайин ўртоғининг жигига тегиш учун саҳнага дадил, кулимсираб чиқди.

Залда яна гулдурос қарсаклар бошланиб кетди, юзлаб каптарлар қаноти шифт деворларга урилди. Ортиқ ҳеч ким ҳуштак чалмади...

...Қизларга жўр бўлишга розилик берганда, Саша кўп нарсаларни хаёл қилганди: Женя ашулани боплаб айтади, барча унинг овозига қойил қолади, Саша бўлса, шундай хушовоз қизни халққа танитишга ҳисса қўшганидан фахрланади. Унинг орзу-ўйлари олис келажакка олиб учди. Женя машҳур ашулачи, у врач бўлганда (профессионал музикант бўлмоқчи эмас эди) Женя билан марказда учрашишади. Ҳаммаси худди романларда ёзилгандек бўлади... Саша узоқ хаёл суриб ётиб, ахири ухлаб қолганда шунга ўхшаш воқеа тушига кирди.

Женя ҳамма қатори ашула айтар экан, Саша бунини машқ давридаёқ сизди. Унинг овози сингилиси Наташаникидан яхши эмасди, Галя Костяночкининг овозидан ёмон эди. Лекин Саша қайғурмади. Аксинча, хурсанд бўлди; Женя энди содда ва яқиндай туюлди. Ашулани соддагина айтган бўлса ҳам қарсакни қуюқ чалишди. Улар Вера билан «Пиковая дама» операсидан дуэт ижро этишганида, ўн минутча, ҳатто ундан ҳам

кўпроқ гулдурас қарсак бўлди. Зал охирида кимдур «бис» деб бақирарди.

Саша саҳнадан хотиржам ва хурсанд чиқди. Энди у фақат Женя билан юракдан суҳбатлашишни истарди. Аммо баянни гилофга солгунча Женя қаергадур ғойиб бўлибди. Саша қизлар хонасини, саҳна орқасини, коридорни бекор излади.— Женя ҳам, Вера ҳам ҳеч қаерда кўринмасди. Коридорда Наташа учради.

— Эшшак экансан, Сашка,— деди зарда билан Наташа.

Бу гап дуэт учун эканлигини Саша тушунди. Бу номерни Наташа билан Галя бир йил тайёрлашган, ҳаммани ҳайрон қолдиришмоқчи эди. Саша сингисидан хафа бўлмади: сен нима билардинг, дегандай қўл силтаб кетаверди.

Кечроқ Сашанинг ўзи баян чалди, Наташа билан Галяга, цимбалистларга жўр бўлди, лекин кўзи залдан Женяни қидирарди.

Саша эртаси ҳам куни билан Женяни қидирди. Уни, Женя уйига кетиб қолган бўлса, қайта ҳеч қачон кўролмайман, деган ўй эзар эди.

Кечқурун қош қорайганда Саша кутилмаганда почта ёнида Женяга тўқнаш келиб қолди.

— Хайрли оқшом,— деб қўл узатди саросимага тушган Саша.

Женя дарҳол қўлқопини ечди. Саша унинг илиқ қўлларини қаттиқ қисганча қўйиб юбормай юзига тикилар, нима деярини билмасди. Кўча чироқлари ёнган. Саша унинг юзи ва кўзини бемалол кўриб турарди. Тўғриси, кўзлари қайси рангда эканлигини аниқлаш қийин эди, лекин Саша улар кўк бўлса керак деб ўйлади, у Женянинг кўзлари шундай бўлишини истарди.

Женя нима дейишини билмади шекилли, яна бир бор миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат, Саша.

Саша баттар ҳижолат тортди.

— Раҳматга арзигулик иш қилганим йўқ. Сиз ажойиб ашула айтдингиз.

— Менми? Йўқ унчалик эмас, Саша! Сизларнинг қизларингиз яхшироқ айтишди.

— Сиз эшитмадингиз-ку.

Женя кулиб юборди.

— Мен киновудкада эдим... акам киномеханик бўлиб ишлайди... Ҳаммасини эшитдим, сизни ҳам кўрдим...

Эски боғдаги дарахтлар қирсиллаб турарди. Совуқ юз, қўлларни чимчиларди.

Саша совуқни сезмас, қўллари иссиқ, юзлари ёнарди.

— Мен сизларнинг Липнякларингизда бирор мартаба ҳам бўлмаганман,— деди Саша бир оз туриб.

— Мен эсам сизларнинг Веселовкаларингизда бўлганман. Отам билан ўтлоққа борган эдик.

Ёнларидан аёл киши ўта туриб, қайрилиб қаради. Саша ўқитувчиси, ҳаваскорлар тўғарагининг раҳбари Тамара Степановнани таниб, Женянинг қўлини қўйиб юборди ва секингина шивирлади:

— Бизнинг ўқитувчимиз.

Женя шивирлаб:

— Эртага клубда учрашамиз,— деди-да, тез-тез юриб кўчадан ўта бошлади.

Женянинг оёғи остидаги қор қаттиқ гижирларди. Саша узоқ вақтгача бу овозга қулоқ солиб турди, назарида теварак-атрофдаги бар-

ча нарсалар, бутун вужуди жаранглаётган, куйлаётгандек эди.

III

Ўқишнинг иккинчи ярим йиллиги жуда тез ўтиб борарди. Сашага эса кунлар ҳаддан ташқари зерикарли ва узундек туюларди. Таажжубланидиган жойи шуки, қанча кўп вақт ўтса, у Женя ҳақида шунча кўп ўйларди. У Женяни эртаю кеч ўйларди. Баъзан хаёлга чўмиб кетиб, синфда нима ҳақида гап борганлигини пайқамай қоларди. Ўқитувчилар илгариларидек яхши ўқиса ҳам, Сашанинг ўзгариб кетганини, беҳафсалароқ бўлиб қолганлигини, нимагадир ғамгин эканлигини сезиб қолишди. Наташадан сўрашди, у елкасини қисди: йўқ, уйда ҳамма нарса жойида, ота-онамиз Сашани ҳатто мендан ҳам яхши кўришади, чунки уч қиз, бир ўғил. Наташа нима воқеа юз берганини ҳали билмас эди. Наташа кейинроқ, Сашани бирданига шеър ёза бошлаганда сирни фаҳмлай бошлади. Авваллари у шеър ёзмасди. Энди Саша кунда шеър ёзар, кўпинча «Е. П» га бағишланади» деб ёзиб қўярди. Наташа сабр-тоқати тугаб, тирноқларини тишлар, тезроқ бош ҳарфларнинг сирини билишни истар эди. Саша ўз хаёл ва шеърларида, ўқиган повесть ва романларидаги ўзига ёққан аёл образларидаги энг яхши фазилатларни Женяга тақарди. Саша ҳамма вақт кўз юмиб Женянинг қиёфасини кўз олдига келтиролмас, бу эса унга азоб берарди. Саша Женяни тушида кўришни истар, кечалари уйқу олдидан анча вақтгача у ҳақида ўйлар, лекин аксига Женя унинг тушига кирмасди.

Ниҳоят шеър ёзиш, хаёл қилиш кифоя қилмай қолди. Женьяга хат ёзишга аҳд қилди.

Саша хатни узоқ, икки ҳафтача ёзди. Саша бир сўзни қайта-қайта ёзар, хато қилиб шарманда бўлмаслик учун сал қийин сўзни орфография лугатидан қарарди, саккизинчи синфда ўқиса ҳам, худо уриб, хато ёзиб ўтирмасин. У ўзининг ҳис-туйғулари ҳақида ёзишга ботинолмай, қишлоқдаги ҳаёт — мактаби ва шу қатори, албатта, ўзи ҳақида ҳам ёзди. Унинг ҳаётидаги воқеалар шу қадар кам эдики, ҳаммаси бир бет бўлди, холос. Бир бет хатни жўнатиш мумкинми? Женья бундан ортиқ ёзиш қўлидан келмас экан, ёки шунчаки бекорчиликдан ёзибди, деб ўйлаши мумкин. Шунинг учун кўпроқ — жилақурса беш бетча ёзишга ҳаракат қиларди. Бундай хатни Саша тез ёзиб ташлолмас, Наташа уйда йўқлигида ёзиш керак эди. У ёзиб тамом қилинмаган хатни киши кўрмас жойларга беки-тар, эртаси уни қайта ўқиб чиқиб йиртиб ташлар, печкага ёқиб яна қайтадан янгисини ёза бошларди.

Ниҳоят Саша хатни ёзиб тугатгач, ўйланиб қолди. Биринчидан, у Женьянинг отасининг исмини билмас эди. Борди-ю, у ерда иккита Женья Попельски бўлса-чи? Иккинчидан, жавоб хати бировнинг қўлига тушмаслиги учун нима қилиш керак? Масала шунда эдики, қишлоқдаги хат ташувчи бева Христина эди. Лекин Христина район марказидаги почтага бориш билан чегараланар, газета ва хатларни қизи — саккизинчи синф ўқувчиси Люба уйма-уй таширди. Люба ҳар доим хатлар сири қонун томонидан ҳимоя қилинади, деса ҳам, Саша унга кўпда ишонмасди. Албатта Люба катталарнинг хатини ҳеч қа-

чон очмайди, эҳтимол, Сашанинг хатини ҳам очмас, лекин шайтонлик қилиб Наташага бериб қўйиши мумкин. Наташа эса акасига келганда ҳеч қандай қонунга риоя қилмайди.

Саша район почтаси адресини бериб, йўқлаб олишга аҳд қилди. Районгача эса саккиз километр.

Орадан бир ҳафта ўтгач, якшанба куни, Саша шаҳарчага келиб, анча вақтгача почтага киришга журъат этолмай унинг атрофида юрди. Саша таниб қолишиб, тегажоглик қилиб, кимдан хат келганини суриштиришади деб ўйларди. Ваҳоланки ҳамма иш жуда оддий ва тез битди. Ўрта ёшлардаги аёл бепарволик билан сўради:

— Хатми? Фамилиянғиз? Кураневич? Сизга хат йўқ.

— Йўқ? — ҳафсаласи пир бўлиб қайта сўради Саша. — Бир қараб кўринг.

Аёл Сашага меҳрибонлик билан қараб кулиб қўйди.

— Тойчоғим, менда ҳаммаси бўлиб тўрт дона йўқлаб олинадиган хат бор.

Сашанинг юраги шитоб билан уриб кетди. У бирор минутча яна кутди, балки аёл хатни қидириб, топиб берар, деб умид қилди.

Келгуси якшанба яна ўша жавобни олди. Бу гал почтачи аёл кўпроқ қизиқсинди.

Саша уйга чарчаган, ғамгин қайтди. Овқатга ўтириши билан онаси сўради:

— Кун бўйи қаерга йўқ бўлиб кетдинг?

Наташа китобдан бошини кўтариб, айёрона, масхараомуз қарар экан:

— Ойи, у Липнякига учрашувга борган, — деди.

— Қаерга дединг?—ҳайрон бўлди онаси.—
Бу бемаъни гапларинг нимаси, тентак? Липня-
кигача ўн беш чақирим келади-ку.

— Ёлгон гапиряпти,—деди секингина Саша,
тўсатдан айтилган бу гапдан қошиқни тушириб
юбориб. Ғазабдан опасига мушт туширишига
сал қолди.

— Бўлмаса ким Женья деган қизга хат ёзди?
Ким у хатларни сурат орқасидаги жавонда яши-
риб юрди?

Сашанинг ранги қув ўчиб кетди, вужудини
муздек тер босди, наҳотки, Наташа унинг хат-
ларини ўқиган бўлса. Саша гангиб қолиб, тасо-
дифий ҳужумдан саросимага тушди, ўзини қан-
дай ҳимоя қилишни билмай қолди.

— Ҳаммани ўзингга ўхшатаверма... У сен,
ҳар куни Сергейга хат ёзадиган!

Наташа Сашадан икки ёш катта бўлиб,
ўнинчи синфда ўқир, техникум студенти Сергей
Костянуk билан хат ёзишиб туришини атрофда-
гилардан унчалик яширмас эди.

Она, болалари бир-бирларининг юрак сирла-
рини ошкор қилаётганларини кўриб секингина
хонадан чиқиб кетишга ошиқди.

Саша секин ўрнидан турди-да, муштларини
туғиб, опаси томон яқинлаша бошлади.

Наташа қўрққанидан орқасига тисланиб:

— Ойи!—деб бақириб юборди.

Саша масхаралаб кулди.

— Вой қўрқоқвойе! Уради деб ўйладингми?
Тўғрисини айтсам сен... Бировларнинг хатлари-
ни ўқиб, гийбат қилиб юришга уялмайсанми?
Агарда хоҳлаганимда, Сергейдан сенга келган
хатларни ўқиш у оёқда турсин, ҳаммага кўрса-
тишим мумкин эди.

Саша шошилмай стол ёнига қайтиб, совиган овқатини ея бошлади. Бир оз ўтгач, қўшиб қўйди:

— Ўнинчи синфни битиряпсан-ку, оддий ахлоқ қоидаларини ҳам билмайсан.

Наташа жим тургандан кейин ва хафа бўлиб, димоғ-фироқ билан айбдор кишилардек оғир хўрсиниб қўйди, ёлворди:

— Кечир, Саша.

Саша бошини яна ҳам эгиб олиб, индамай овқатини ичаверди.

Наташа яна бир бор илтимосини қайтариб, чидам билан жавоб кутди.

Саша боршни ичиб бўлиб, оғзини сочиқ билан артди-да, опасига қайрилиб қаради.

— Энди ҳеч кимга чурқ этмайман деб қасам ич. Ҳеч кимга, ҳатто Галяга ҳам.

— Онт ичаман.

— Тузукроқ онт ич.

— Чин комсомол сўзи. Кел, Саша дўст бўлампиз, бор гапни бир-биримизга айтишга шарғнома тузамиз.—Женя жавобни кутиб ўтирмай Сашанинг қўлини ушлаб, қаттиқ қисиб қўйди.—Ана энди яхши бўлди. Энди ҳақиқий укам бўлсанг, очигини айт: анови Женяни севасанми?

Сашанинг юзлари уялганидан қизариб кетди, тескари бурилиб олиб деди:

— Қўйсанг-чи.

— Нега уяласан Саша? Мана мен Сергейни севаман, севгимни очиқ айтишдан уялмайман. Айта қол.

— Хўп, бордию, севсам нима бўпти?

— Вой тентак-эй, Женя чиройлимас-ку.

Саша шартта бошини кўтарди, кўзлари чарақлаб кетди.

— Ёлғон! Узинг хунуксан!

— Мен — нима... Мана, Галка чиндан ҳам чиройли.

— Бор, бор, ўша оғзи қийшиқ Гальянг билан.— Сашанинг жаҳли чиқди.— Нимага Гальянгни ўртага суқасан. Ушанингни кўргани кўзим йўқ.

— Хўп майли,—Наташа энг яхши дугонасини ҳақорат қилган укасини кечирди.— Майли. Қани айтчи: Сен Женья билан учрашувга бординг-ку, тўғрими?

— Бу гапни қаердан топдинг! Бориб бўлман!

— Бўлмаса қаерда эдинг? Қани айтчи, Айтмайсан-а? Яна дўст бўламиз деб онт ичиб ўтирибсан... Мен биламан, боргансан.

Саша опасининг ҳийла ишлатаётганини сезиб, шарт ўрнидан турди.

— Ўт-ўт, ўша шартноманг билан! Бирон ерда чурқ этсанг, билиб қўй...—деб Саша муштини кўрсатиб қўйди.

IV

Липнякига бориш керак.

Бу фикр илгарилари ҳам гоҳо хаёлига келиб турарди, Саша доим иккиланарди. Энди у опаси билан бўлган гапдан кейин, энг оддий ва бирдан-бир тўғри йўл шу эканлигини англади.

Саша диққат-эътибор билан ҳар тарафлама Липнякига бориш режаларини яхшилаб ўйлай бошлади, сездирмасдан йўлни билиб олишга уринди. Липняки орқасидаги Просень қишлоғида узоқ қариндошлари борлиги Сашанинг эсига

тушиб қолди, у қариндошини фақат бир-икки мартагина кўрган, исми-фамилиясини ҳам билмас эди. Мабода липнякидагилар Сашани таниб қолиб (танишлари турган гап), қаерга кетаётганини сўраб қолишса, жавоб бериш учун қариндошини сўраб-суриштириб олди.

Саша Женяни кўришига астойдил ишонар эди.

Қишлоқда ҳар бир янги одамга эътибор беришади. Женя уни кўриб қолса уйдан чиқмаган тақдирда ҳам, албатта, ойнадан бошини чиқарар, эҳтимол Саша билан гаплашар ҳам. Узи Женяни кўришдан бошқа тилаги ҳам йўқ эди.

Ажойиб кун. Апрель қуёши қиздирар, қаттиқ шамол эсиб сийраклашиб қолган оппоқ булутларни қувар, йўл чеккасидаги яланғоч дарахтларнинг шохчаларида ҳуштак чалиб ўйнади. Узоқдаги ўрмон зангори туман билан қопланган. Йўллар сергиб, шамол қум тепаликлар тепасида чанг кўтарар, уни баҳор сувлари билан тўлган пастликларга қараб қуварди. Бирмунча юқорида тракторлар ишлашарди. Ўрмоннинг чеккалари ва чуқур зовурлар бўйи аллақачон қорайиб, шамол шиббалаган қор қўйнида ариқчалар ҳосил бўлганди.

Саша шундай вақтда тўғри йўл билан боришга журъат этилмай район марказигача боровчи йўл билан бориб, у ёғига темир йўл бўйлаб кетди.

Бу йўлдан юриш ҳузурбахш ва ўнғай эди. Темир йўл кўтармасидан смола, тош кўмир, металл ва яна қандайдур ноаниқ, галати темир йўлларга хос бўлган ҳид келиб турарди. Деворга айланган қалин арчазор ёнида нав-ниҳол дарахтлар ўсиб ётибди. Қизгиш новдачалар кур-

такларнинг кўплигидан қуйи эгилган, улардан хушбўй баҳор ҳиди анқирди.

Темир йўл яланг ер бўйлаб кетган эди. Бирорта ҳам муюлишсиз из чексиз узоқларга, уфқдаги кўкимтир ўрмон ортига ўтиб, кўринар-кўринмас кичкина лентадай бир-бири билан бирлашарди. Излар офтобда ярақлаб телефон симларига ўхшаш, бўғиқ ва бир хил овоз чиқариб гувилларди.

Саша темир йўл устига кўтарилганда, нафаси тиқилди. Чексиз йўлни, атрофдаги бепоён кенгликни кўришнинг ўзи Сашани қувонтирарди. У юрмас балки учиб боради. Шамол қулоқлари олдида шивирлаб Сашани шошилтирар, елкан сингари сатин кўйнагини шишириб, сочларини тўзитарди. Иссиқ бўлгани учун бош кийимини ва янги пиджагини ечиб ташладик.

Даставвал Саша қаерга кетаётганини унутиб, ёнидан ўтаётган поезд, вагонларда кетаётган йўловчилар ҳақида, поезд кўринмай кетган уфқ ортидаги узоқ шаҳарлар ҳақида ўйларди. Липнякига яқинлашган сари Сашани илдам қадами секинлашиб, завқи пасаяркан, юраги тез-тез ура бошлади. Энди у ёлғиз Жёня ҳақида ўйларди. Жёняни тезроқ кўриш нияти кучайса ҳам лекин унда дадиллик йўқолиб тараддудлана бошлади. Бу ерга келиб тўғри қилдиммикин? Тўсатдан Липняки болалари Сашани нимага келганини сезиб қолиб мазақ қилишсачи? Эҳтимол Жёня болаларга қўшилиб Саша устидан кулар. Эҳтимол Жёня унинг хатларини калака қилиб, жўрттага жавоб қайтармагандир?

Саша ҳатто орқасига қайтмоқчи ҳам бўлди. Лекин у қайтиб кетиши оғирлигини сезарди:

барибир Женья ҳақида ўйлайвериб қийналиши турган гап.

Саша ўрмонга яқинлашиб қолганди. Ўрмонга етмасдан қайрилиб, қарагайзорни кесиб ўти-са — Липнякига етилади. Ўрмон қарагайлари шамолда ғижирлар, учлари ёқимли овоз чиқариб шивирларди.

Саша хийла вақт ўрмон ёқасида қарагай та-насига суяниб турди, сўнгра қўлидаги новдача-ни тугунча қилиб боғлади. У қишлоққа биринчи қарашидаёқ вазифаси ўйлаганидан оғирроқ эка-нини тушунди. Липняки узун ва қисқа кўчалари кўп, каттагина қишлоқ экан. Сашани бу чўчит-мади, аксинча илгариги дадиллиги ва қайсарли-гини кучайтирди.

Саша шошилмай кўчанинг ўнг томонидан юриб борар, секингина деразаларга қараб қўяр, ўхтин-ўхтин нариги бетга ҳам назар ташларди. У учраган катталар билан саломлашар ва улар-га ўхшашлик учун қаддини тик тутиб ёш бола-лар ёнидан ўтиб борарди.

Деразаларнинг биридан қиз бола кўриниб қолди. Сашанинг юраги гупиллаб кетди. Қизча худди Женьяга ўхшаб кетарди. Саша ўзини ту-толмади, қадамларини секинлатиб, қайрилиб қаради. Энди деразага битта эмас, балки учта қиз ёпишиб олган эди. Қизлардан бири ҳазил-лашиб тилини кўрсатиб қўйди. Сашанинг наза-рида қизлар уни кимлиги ва нима учун келга-нини сезишгандек туюлди, қадамини тезлатди.

Клуб ёнидаги майдончада болалар копток ўй-нашарди. Саша бир оз тўхтаб тургач яқинроқ келиб қизларнинг ичида Женья ёки дугонаси Вера йўқмикин деб диққат билан тикилиб қа-ради. Ҳозир Саша сахна орқасида биргалашиб

ўтирган болаларнинг биронтасини учратишни истар эди. Бу бир оз тўхтаб гаплашиб танишиш ва Женьянинг қайси кўчада туришини билиб олиш имкониятини берарди. Лекин Саша бирор-та таниш кўрмади, ҳеч ким унга эътибор ҳам бермади. Шунда у қандайдир кампирдан Просенга қандай ўтиш мумкинлигини сўраб йўлида давом этди. Қишлоқ чеккасига чиқиб ўтлоққа бурилди, тўнка устига ўтирди. Бир оз вақт ўтказса худди Просендан келаётган одамдек орқага қайтиш мумкин бўлади.

Саша ўтириши билан қорни очиб оёқлари титраётганини сизди. Сашанинг ўзига бу сафари ёш болаларнинг ўйнидек бемаъни бўлиб кўринди. Қишлоқдагилар у ҳақда нима гапиришлари ва ўйлашларини назар-писанд қилмай, шартта орқасига қайтди. Лекин унинг юрагида ҳали ҳам умид учқуни сўнмаганлигидан қайтишда бошқа кўчалардан юриб, яна деразаларга қарай бошлади. Қишлоқдан ўрмон чеккасига чиқиб олиб ортда қолган Липнякига қараб турди. Бу уч юз хонадоннинг қайси бирида Женья яшаркин?.. Қандай қилиб уни учратиш, ёки кўриш мумкин?

Шу пайт бирданига уни кимдир чақиргандай бўлди: Саша сесканиб овоз келган томонга қаради. Атрофда ҳеч ким йўқ эди. У қулоғимга шундай эшитилган бўлса керак, деб бошини чайқатиб қўйди. Лекин беш қадамча нарида, қарагай орқасида, кулги эшитилди, бир оз ўтгач у ердан Женья бошини чиқариб қолди...

Саша хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай турган ерида қотиб қолди. Ён-вериди ҳеч ким йўқлигини билгач секингина кулги эшитилган томонга қаради.

Шу пайт Жениянинг овози келди.

— Саломатмисиз, Саша!

Саша шоша-пиша Жениянинг олдига келиб қўлини узатди. У қизнинг иссиқ қўлларида тўтар экан, қалбида пок муҳаббат туйғуси жўш уриб кетди. Жениянинг қўлини қўйиб юбормай кўзларига тикилди. Қандай чиройли, кишда кўрганимдан ҳам чиройли экан! Саша Жениянинг кўзига биринчи марта яқиндан қараши эди. Чиндан ҳам унинг кўзлари шеърларда тасвирлангандек мовий экан.

Жения унинг тикилиб қарашидан уялиб, юзлари қизариб кетди. У кўзини ердан узмай сўради:

— Нима қилиб юрибсиз Саша?

— Менми? А мен... Просенга борган эдим... У ерда холам касал бўлиб қолибди.

— Жуда тез бориб келибсан-ку?—Сенсираб сўради Жения тушунолмай.

— Менми? Ҳа, тез... Унчалик узоқ эмас.

Жения кулиб юборди.

— Мен ўша ёққа кетаётганингни кўрган эдим,—Жения қўли билан қишлоқ томонни кўрсатди,—деразаларга ҳам қараб-қараб қўйдинг.

— Мен?.. Деразаларга? Қўйсангизчи!—Саша уялганидан кулиб юбориб ундан кўзини олиб қочди.

— Юр,—деди Жения ва ўрмоннинг ичкари-сига қараб йўл олди.

Саша Жения одамлар кўзидан нари бўлишликларини хоҳлаётганини сизди. Саша ҳам худди шуни истарди. У билан бирга бўлишдек бахтга муяссар бўлганлигидан ўзини қўярга жой тополмай қолганди. Жения бошига рўмол ўрамай, худди илк баҳор майсасидай кўк шерсть камзул

ва жигар ранг кўйлак кийиб олган эди. Сочлари йўгон қилиб ўрилган. Қарагайзордан эсаётган шамол пешонаси ва чаккасидаги кокиллари аста тебратарди. Кўзлари кулиб меҳр билан бокмоқда.

— Бирон нарса гапиринг Саша,—улар йўлдан ўтиб бўлганларидан кейин илтимос қилди Женья. Лекин Саша нимани айтиб беришни билмай довдираб қолди. Бир оз жим тургандан кейин, қизариб ва дудуғланиб тўғриси айтиб қолди:

— Мен Просенга борганим йўқ... Бормоқчи ҳам эмасдим. Мен сени кўриш учун келдим...

Бу сўзлар муҳаббат изҳор қилиш учун айтилган эди, уни биринчи марта севги изҳор қилганлар, қандай қийин эканлигини билишади.

Саша гапириб қўйиб чўчиб кетди, кўрққанидан севгилисига қаролмади. Женья ҳам уялиб кетганди. Ўнғайсиз ҳолатдан чиқиш учун атайин Женья гапни бошқа томонга буриб сўради:

— Бизнинг қишлоғимиз сенга ёқдими?

— Ха.— жавоб берди Саша.

— Яқинда бизда радио, электр чироғи бўлади.

Саша буларнинг ҳаммаси бизда бор деб жавоб қилмоқчи бўлди, лекин Женья бизнинг қишлоқни менсимай, ўзиникини мақтаяпти, деб ўйламаслиги учун, бу фикридан қайтди.

— Бизнинг ўрмонимиз ҳам яхши, тўғрими? Сизларда мунақаси йўқ...

Ҳақиқатан ҳам Веселовкада мунақа ўрмон йўқ эди. Улар борган сари ичкари кириб боришарди. Қарағайлар орасида оққайинлар ҳам оқариб кўрина бошлади. Онда-сонда улкан дарахтлар учраб қолар, оёқ тагидаги ер майин ва

нам бўлиб сув тошиб чиқар эди. Оққайиннинг бирида катта хурмача кўриб қолишди.

— Оққайин шарбати!— хурсандчилик билан қичқирди Жения.—Ичамизми?

Жения арқон билан боғланган михдан хурмачани олиб Сашага узатди:

— Ма, ич.

— Аввал сен ич, Жения.

— Йўқ, сен. Сен меҳмонсан.

— Аввал уй эгаси татиб кўриши керак. Балки у аччиқдир?—ҳазиллашди Саша.

Жения хурмачани энгаштириб ва бошини орқага ташлаб ича бошлади. Иккита томчи юзларидан, иягидан кўйлагига оқиб тушди. Хурмачани лабидан олмасдан туриб, Жения кулиб юборди, идиш ичидаги суюқлик билқ-билқ этган галати овоз чиқарди.

Саша хурмачани қўлига олди, ичкиси келмаса ҳам, бир қатра қолдирмай ичиб тамомлади. Чунки бу шарбатни Жения ҳозиргина ичганида, лаблари ҳозир Саша ичаётган жойларига теккан эди. Бу биринчи бўсадай бўлди, эҳтимол Саша бўса олишга узоқ вақтгача журъат қилолмаса керак.

Шундан кейин, улар тагин гапга тушиб кетишди. Бир-бирларига ўзларининг мактаблари ҳақида, севикли ва ёмон кўрган ўқитувчилари, ўртоқлари ҳақида сўзлаб берардилар. Қандай яшаётганлари, уларни ҳаяжонлантирган, улар интилган, туйғу ва орзулари ҳамма—ҳамма нарса ҳақида гапиришарди. Саша бундан икки кун аввал тригонометриядан икки олганини айтиб берганида, Жения ташвишланди.

— Мен сени бутунлай аълочисан деб ўйлардим.

— Бу биринчи ва сўнгги икки баҳойим. Энди шундай ҳам ўқийки! Ҳали кўрасан!—эўр бериб севгилисини ишонтирарди... Ҳа, энди у бутунлай бошқача ўқийди!

Улар темир йўлга яқин, ўрмон ёқасига чиқишди. Дарахтлардан тушган сийрак соялар, дала бўйлаб ёйилган эди.

— Сен ростдан ҳам пиёда келдингми?— меҳрибонлик билан сўради Жёня.

— Ҳа.

— Чарчадингми?

— Ҳечам.

— Ундай бўлса қайтишда чарчайсан,—деди раҳми келиб Жёня.

— Сира чарчамайман!— жавоб қайтарди Саша мағрурона.—Ҳеч чарчамайман! Мен энди юз километр бўлса ҳам юроламан. Ҳали қайтгач, клубга ҳам бораман, баян чаламан...

Саша, кечқурун саҳнага чиқиб колхоз хорининг яккахон ашулачиларига жўр бўлишлигини эслади. Лекин уни ўз қишлоғидан узоқдалиги ҳадемай кеч кириши ташвишга солмасди.

Лекин Жёня хавотирлана бошлади.

— Энди сен кетишинг керак Саша, Йўл узоқ!

Саша қуёшга қараб қўйди. У кетишни сира истамасди, ҳеч бўлмаса у билан яна бир неча дақиқа бирга бўлишни истарди, лекин буни қизга айтишга юраги бетламасди. Аслида у Веселовка у ёқда турсин, дунёнинг нариги четига боришга ҳам тайёр эди.

Жёня қўлини унга узатди. Саша боя учрашганидагидек Жёнянинг қўлларини қаттиқ қисиб, унинг чеҳрасини бир умр сақлаб қолиш ниятида қизнинг юзига, ажиб ва чиройли кўзларига ти-

килиб қолди. Жёня уялиб кетганга қадар тикилиб тураверди. Қиз уялиб кетганидан кўзларини пастга қаратиб, секингина шивирлади:

— Хайр, Саша.

Шундан кейингина Саша унинг қўлини қўйиб юборди ва ўрмон бўйлаб темир йўл томон йўл олди. Лекин ўн беш қадам юргандан кейин, яна бир марта уни кўриш учун орқасига бурилиб қаради. Жёня дарахт тагида сочларига тақилган қизил лентчасини тишлаб турарди. Саша тўхтаб унга қараб турганини кўргач Жёня:

— Мен сен-га хат ёза-ман, Са-а-ша!—деб қичқирди.

Саша бошидан шапкасини олиб, эшитганлигини тасдиқлагандек силкитиб қўйди ва жадал юриб кетди.

Саша яна бир марта орқасига қайрилиб қараганида, дарахт тагида Жёня йўқ эди. Хайрлашган одамнинг бирданига тепалик орқасида йўқ бўлса, ёки орқасига қарамай кетса алам қилади. Лекин Саша сира ҳам хафа бўлмади.

У шапкасини кийди, хурсандликдан кўкрагини силади ва йўлини давом эттирди. Сашанинг кўзига чарчаш ҳам, очлик ҳам кўринмасди. Чексиз бахтиёр эди. Жёнядан деярли ҳеч нарса ҳатто ёзган хатларини ололган-ололмаганлигини сўрамаганидан ҳам хафа эмасди. Кейинги гал қаерда ва қачон учрашишга ваъдалашишни ҳам унутиб қўйганди. Буларнинг аҳамияти йўқ эди. чунки Саша Жёнянинг гапирган сўзларини такрорлар, қулогидан нари кетмасди:

«Мен сенга хат ёзаман, Саша».

...Ҳаётдаги биринчи учрашув. У кимни ҳаяжонлантирмаган дейсиз? Ким ўзининг биринчи учрашувини эсламайди?

Евгений Василенок. Меҳмон келди. <i>Мирзиёд</i> <i>Мирзоидов таржимаси</i>	3
Микола Вишневский. Калаванинг учи. <i>Мирзиёд</i> <i>Мирзоидов таржимаси</i>	17
Тарас Хадкевич. Сол ҳайдовчилар. <i>Мирзиёд</i> <i>Мир-</i> <i>зоидов таржимаси</i>	31
Алёна Василевич. Ўгай қиз. <i>Эркин Носиров таржи-</i> <i>маси</i>	39
Якуб Колас. Икки дарё оралиғида. <i>Эркин Носиров</i> <i>таржимаси</i>	79
Микола Ракитний. Дўстлар. <i>Эркин Носиров таржи-</i> <i>маси</i>	97
Сергей Граховский. Кўк чироқ. <i>Эркин Носиров</i> <i>таржимаси</i>	114
Алексей Кулаковский. Симдаги қалдирғочлар. <i>Эр-</i> <i>кин Носиров таржимаси</i>	125
Қамал. <i>Эркин Носиров таржимаси</i>	129
Иғнат Дубровский. Шерик. Усмон <i>Шамсимуҳаме-</i> <i>дов таржимаси</i>	132
Михась Линьков. Танганьика чироқлари. Усмон <i>Шамсимуҳамедов таржимаси</i>	156
Филипп Пестрак. Қайтиб келди. Усмон <i>Шамсиму-</i> <i>ҳамедов таржимаси</i>	197
Иван Шамякин. Биринчи учрашув. <i>Рустам Алимов</i> <i>таржимаси</i>	206

На узбекском языке

ГОСТИ ПРИЕХАЛИ

Белорусские рассказы

Перевод с издания издательства
«Советский писатель». 1955 г.

Редактор *Х. Эргашев*

Рассом *Ю. Павлов*

Расмлар редактори *П. Мудрак*

Тех. редактор *Л. Парпихўжасев*

Корректор *А. Ҳасанов*

Босмахонага берилди 1/III—66 й. Босишга рухсат этилди. 28/III—66 й. Формати $70 \times 90^{1/2}$ Босма л. 7,25. Шартли босма л. 8,48. Нашр л. 9,2. Тиражи 15000 «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 252—65

Ўзбекистон ССР Миниястрлар Совети Матбуот Давлат Комитетининг 3-босмахонасида 2-қоғозга босилди. Тошкент, Ленинград к. 15. Баҳоси 37 т. Зак. № 145